



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



Empowered lives.
Resilient nations.

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ НАМУНАЛАРИ



ТОШКЕНТ – 2018






USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ НАМУНАЛАРИ



Тошкент – 2018

УЎК 347.998.85

КБК 67.401

М 34

Маъмурий ишлар бўйича суд ҳужжатлари намуналари [Матн]. – Тошкент: Baktria press, 2018. – 408 б.

НАШР УЧУН МАЪСУЛЛАР:

М.К. АСТАНОВ: I бўлим

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш жараёнида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари;

М.У. ЭШИМБЕТОВ: II бўлим.

Маъмурий суд ишларини юритиш жараёнида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари.

НАШР КООРДИНАТОРИ:

Собир ХОЛБАЕВ

“Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик”
қўшма лойиҳаси компонент раҳбари

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН** тайёрланган. Нашр мазмуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), АҚШ ҳукумати ва БМТ Тараққиёт Дастурининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.oliysud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.unfpa.org интернет сайтида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998) 71-239-02-67

ISBN 978-9943-5095-8-0

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2018
© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2018
© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2018
© Baktria press, 2018



МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ ЖАРАЁНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ	7
1-боб. Суд ҳужжатларига қўйиладиган умумий талаблар	9
2-боб. Биринчи инстанция судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	21
3-боб. Кассация инстанцияси судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	85
4-боб. Назорат инстанцияси судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	109
5-боб. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш босқичида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	145
6-боб. Суд қарорларини ижро этиш босқичида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	155
II БЎЛИМ. МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ	165
7-боб. Суд ҳужжатларига қўйиладиган умумий талаблар	167
8-боб. Биринчи инстанция судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	175
9-боб. Апелляция инстанцияси судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	281



10-боб. Кассация инстанцияси судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	321
11-боб. Назорат инстанцияси судида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	357
12-боб. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш босқичида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	389
13-боб. Суд қарорларини ижро этиш босқичида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари	397



КИРИШ

Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин тарихан қисқа давр ичида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида изчиллик билан тадбиқ этилаётган ҳаётимизнинг барча жабҳаларини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш йўлидаги ислоҳотлар негизида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад ҳам мужассамдир.

2017 йил 13 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазифалар”га бағишланган видеоселектор йиғилишида “Асосий мақсад шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимида бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, судни том маънода “Адолат қўрғони”га айлантириш зарур”, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг турли кафолатлари мавжуд. Ҳуқуқий кафолатларнинг энг муҳими бу – шахснинг суд орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқини таъминлашдир.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш борасидаги мурожаатлари йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу аввало, соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган фармон ва қарорлар самараси ўлароқ, фуқароларнинг одил судловга ишончи муттасил ортиб бораётганлигининг амалдаги ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4966-сон Фармони суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Фармонга мувофиқ 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари ва туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.



Шу билан бирга, суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, янги ташкил этилганлиги боис маъмурий судлар томонидан суд ишларини юритиш босқичларида турли кўринишдаги суд ҳужжатлари, шу жумладан ажримлар, ҳал қилув қарорлари ва қарорларни чиқаришда турлича амалиёт ва ёндашувлар мавжуд.

Маъмурий процессуал қонунчилик талабларига кўра, маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қонуний ва асослантирилган бўлиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Шуларни инобатга олиб ва суд ҳужжатларини қабул қилишда процессуал қонунчиликни тўғри ва бир хилда қўллаш, уларнинг қонунийлиги ва асослантирилганлигини таъминлаш, уларни расмийлаштиришда шаклий, кетма-кетлик ва касбий маданиятга оид камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу суд ҳужжатлари намуналари тўплами тайёрланди.

Мазкур тўпладан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига назарда тутилган 120 га яқин суд ҳужжатларининг намуналари ўрин олган.

Тўплам маъмурий судлар томонидан суд ҳужжатларини чиқаришда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этишга, ягона суд амалиётини шакллантиришга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Тўпладан маъмурий суднинг судьялари ва ходимлари, судьялик лавозимига номзодлар фойдаланишлари мумкин. Тўплам судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятида суд ҳужжатларини тузишда илмий-услубий ва амалий кўникмалар ҳосил қилиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган. Шунингдек, ундан маъмурий судлов ишларини юритиш масаласи билан қизиқувчи барча шахслар ва кенг китобхонлар оммаси, шу жумладан, адвокатлар, юридик хизмат ходимлари, юридик таълим муассасаларининг ўқитувчилари ва талабалари, илмий изланувчилари учун ҳам фойдаланишлари мумкин.

I БЎЛИМ

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИШ ЖАРАЁНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ





1-БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига кўра суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш одил судловнинг обрўсига путур, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказди, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатлари тикланишига қаратилган фаолиятга салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2009 йил 10 апрелдаги 7-сон қарорининг 2-бандида ёзилишича, суд ҳужжати деганда, тегишли суд томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжати (ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, ҳукм) тушунилиши лозим.

Суд ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилиши учун улар моддий ва процессуал қонун ҳужжатларига риоя этилган, асослантирилган ҳолда орфографик ва грамматик хатоларсиз, барча учун тушунарли тарзда баён этилиши лозим.

Маъмурий судлар амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, маъмурий судлар томонидан ишларни кўришда суд ҳужжатлари (қарор ва ажримлар)ни чиқаришда турлича ёндашувлар, **муаммо ва тушунмовчиликлар** мавжуд. Айрим ҳолларда бир хил турдаги суд ҳужжатлари шаклан ва мазмунан бир-биридан фарқ қилади.

Шунингдек, баъзида суд ҳужжатларини чиқаришда судлар томонидан аниқланган ҳолатлар тўлиқ кўрсатилмайди, далилларга етарлича баҳо берилмайди, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, кўрсатмалари, ҳатто эътирозлари, иш бўйича



суднинг муайян хулосага келиш асослари кўрсатилмайди. Бу ҳолатлар эса биринчидан, суд ҳужжати мазмунини тўлиқ тушунмаганлиги боис ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади, иккинчидан, улар томонидан юқори суд инстанцияларига бериладиган шикоятларнинг кўпайишига олиб келади, учинчидан, суд ҳужжатининг ўз вақтида сифатли ва самарали ижро этилишига салбий таъсир қилади.

Шу сабабли маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қонуний ва асослантирилган бўлиши, моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқлаган ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.

Суд ҳужжатларини қонун талабларига риоя қилган ҳолда чиқариш одил судловнинг самарадорлигига бевосита боғлиқ бўлганлиги учун судьялар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонун нормаларининг мазмун-моҳиятини етарлича билишлари, чуқур англашлари ва уларга оғишмай риоя қилишлари лозим.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси (кейинчалик матнда – МЖТК деб юритилади) нинг 269-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

Шунингдек, МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар белгиланган бўлиб, унга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда суд



хужжатларини уларга қўйилган талабларга тўлиқ риоя қилган ҳолда баён қилиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Шу боис МЖТКнинг 309-моддаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг мазмуни ва унга қўйилган талабларга оид бўлиб, унга кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқиладиган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Суд амалиётининг таҳлили кўрсатмоқдаки, МЖТКнинг 21-моддаси (Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш), 33-моддаси (Енгилроқ маъмурий жазо чорасининг қўлланилиши)ни қўллашда кўплаб тушунмовчиликлар ва ҳар хил ёндашувлар юзга келмоқда. Шу боис МЖТКнинг мазкур моддаларини қўллаган ҳолда суд ҳужжатларини қабул қилишда ушбу Кодекс нормаларига қатъий риоя қилиш, уларни етарлича асослантириш айниқса муҳимдир.

Жумладан, МЖТКнинг 33-моддасига кўра суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда унинг сабаб ва асосларини кўрсатиб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли модданинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни МЖТКнинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

МЖТКнинг 308¹-моддасига мувофиқ, агар орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузар-



лик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахнинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

Суд ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, ушбу Кодекснинг 310-моддасида назарда тутилган қарорлардан бирини чиқаради.

МЖТКнинг 308¹-моддасида назарда тутилган ҳолларда қарорда ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги тўхтама ҳам кўрсатилиши керак.

Шу билан бирга, башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик учун МЖТК 242-моддасининг 1 ва 3-бандларида кўрсатиб ўтилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан маъмурий жазони қўлланиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш пайтида айбдордан етказилган мулкий зарарни ундириб олиш масаласи ҳам ҳал этиладиган бўлса, иш юзасидан чиқарилган қарорда ундириб олиниши лозим бўлган шу зарарнинг миқдори, уни ундириб олиш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори – мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жазо қўлланилганлиги тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув киритиб қўйилади.

Шу билан бирга МЖТКнинг 309¹-моддасида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл



ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда жарима солиш тўғрисидаги қарор қабул қилишнинг, унинг мазмунига қўйилган талабларнинг алоҳида хусусиятлари ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, ушбу модда бўйича жарима солиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарилган сана ва жой; уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси; маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳолатлар ушбу Кодекс Махсус қисмининг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, моддасининг қисми кўрсатилган ҳолда; махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган транспорт воситасининг ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги давлат рақами белгиси билан туширилган тасвири; қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек жарима солиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят беришнинг процессуал тартиби.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг турлари МЖтКнинг 310-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- 1) маъмурий жазо қўллаш тўғрисида;
- 2) ишни юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор ушбу Кодекснинг 271-моддаси (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар)да назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда чиқарилади.

Суд томонидан ишни юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор огоҳлантириш эълон қилинганда ҳам чиқарилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим ҳолларда судлар МЖтКнинг 21-моддасини қўллаб, ҳуқуқбузарни огоҳлантириш билан кифояланган бўлсада, иш бўйича иш юритиш тугатилганлигини қарорда кўрсатишмайди. Ваҳоланки, ҳуқуқбузарни қатъий жавобгарлик билан огоҳлантирган ҳолда иш юритиш тугатилганлиги суднинг қарорида кўрсатилиши лозим. Бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда муҳим ўрин тутуди.

Шу билан бирга, МЖтКнинг 311-моддасида белгиланганидек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни



кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади ва у чиқарилган пайтдан эътиборан қонуний кучга киради. Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилиши ёки жўнатилиши лозим.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхона, муассаса, ташкилот ва мансабдор шахслар эътиборига етказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан, МЖТКнинг 61, 131, 140, 183, 187, 233, 237-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарга нисбатан маъмурий жазони қўллаш ҳақида чиқарилган қарорни шу ҳуқуқбузар ишлаб ёки ўқиб турган жойдаги маъмурият эътиборига етказиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича, шунингдек профилактик чора-тадбирларни кўриш, жумладан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун МЖТКнинг 313-моддаси талабидан келиб чиқиб, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

Маъмурий судлар умумий маънода ишларни кўриб чиқиб, мазмунан ҳал қилган ҳолларда қарор қабул қилишсада, ишларни мазмунан ҳал қилмаган баъзи ҳолларда ҳам қарор чиқаришади. Жумладан, экспертиза тайинлаш тўғрисида, ҳуқуқбузарни ушлаб келтириш тўғрисида ва ҳоказо.

Суд ажримлари кассация ва назорат инстанцияларида иш юритиш жараёнида, қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритишда чиқарилади. Масалан, назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Респуб-



ликаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим ва бошқалар.

Қоида бўйича, барча турдаги суд ҳужжатлари кириш, тавсиф ва қарор қисмидан иборат бўлади. Шу билан бирга, айрим суд ҳужжатларининг мазмуни ушбу ҳужжатнинг тури, суд процессидаги босқичи ва ҳал этиладиган масалаларига қараб турлича бўлиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, фикримизча, суд ҳужжатларига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжати** деганда, ёзма шаклда суд (судья) томонидан қонунда ўрнатилган тартибда чиқариладиган, барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган, тузилиши ва мазмунига кўра умумий талабларга жавоб берадиган процессуал ҳужжат тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжатларида саналарни ёзиш қоидалари. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжатларида саналарни тўғри ёзиш муҳим аҳамиятга эга, чунки улар суд ҳужжати қабул қилинган вақтни, ишга тааллуқли бўлган воқеанинг бошланиши ва тугалланиши, жазо муддатини ҳисоблаш, ҳуқуқбузарликни тўғри малакалаш, жазо тайинлаш ва ёки жазо ва жавобгарликдан озод қилиш, шунингдек, қайд этилиши лозим бўлган бошқа ҳолатларни ифодалайди.

Саналарни бир хил тартибда ёзилиши воқеалар ва ҳолатларни кетма-кет тасвирлашга хизмат қилади, суд ҳужжатининг тўғри ўқилишини таъминлайди ва унинг мазмунини тушунишга кўмаклашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжатларида саналарни қуйидаги қоидаларга асосан ёзиш тавсия этилади:

- барча ҳолатларда рақам билан ифодаланган саналарни рақам билан, ойларни эса, сўзлар билан ёзиш;
- суд ҳужжати қабул қилинган санани кетма-кетликда, яъни йил, кун, ой тартибда кўрсатиш (*Масалан, 2018 йил 15 мартда*).

Суд ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларни ёзиш қоидалари. Суд ҳужжатларининг асослилиги, қонунийлиги ва адолатлилиги,



биринчи навбатда, МЖТК ва бошқа қонун ҳужжатлари нормаларининг суд томонидан тўғри қўлланиши билан боғлиқ. Шу туфайли уларни суд ҳужжатида ҳам тўғри баён қилиш лозим.

Жумладан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖТК-нинг қайси моддаси билан кимга нисбатан юритилаётган бўлса, суд ҳужжатининг кириш қисмида улар кўрсатилиши, иш модданинг айнан қайси қисми билан юритилаётган бўлса, суд ҳужжатида ўша қисм, агар банд бўлса, банд ҳам аниқ кўрсатилиши лозим (*масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 52-моддасининг биринчи қисми, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 271-моддасининг 7-банди*).

Агар суд ҳуқуқбузарнинг қилмишига баҳо беришда оғирлаштирувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олган бўлса, қонуннинг ушбу нормаларини акс эттирган моддаларни кўрсатиши керак.

Суд ҳужжатининг кириш қисмига қўйиладиган умумий талаблар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжатининг кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

– **суд ҳужжати қачон ва қаерда чиқарилганлиги.** Барча турдаги суд ҳужжатларининг кириш қисми суд ҳужжати чиқарилган йил, кун ва ой қайд этилишидан бошланади.

– **суд ҳужжатини чиқарган суднинг номи.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжатининг кириш қисмида суднинг номи тўлиқ акс эттирилган ҳолда, иш кўрилатган суд инстанцияси кўрсатилиши керак (*2018 йил 20 мартда Тошкент туман маъмурий суди*).

– **ишни кўриб чиқиш тартиби.** МЖТК 274-моддасининг биринчи қисмига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очиқ кўрилади. Шу сабабли суд мажлисининг очиқ кўрилиши суд ҳужжатининг кириш қисмида кўрсатилиши керак.

– **суд ҳужжатининг чиқарилган жойи.** Иш бўйича суд муҳокамаси суднинг ўз биносида ёки бошқа суднинг биносида ёхуд корхона, муассаса, ташкилотларда сайёр суд мажлисида ўтказилиши мумкин ва ўтказилган жой ҳам суд ҳужжатининг кириш қисмида кўрсатилиши лозим. МЖТК 274-моддасининг иккинчи қисмида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган.



– **суднинг таркиби.** Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судья томонидан яқка тартибда ёки бир нечта судьядан иборат таркибдаги судлов ҳайъатида кўрилиши мумкин (“..._____ туман маъмурий суди судьяси Б.Зафаров раислигида...” ёки “... Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислик қилувчи М.Алимов, ҳайъат судьялари М.Акмалов ва Л.Каримовдан иборат таркибда...”).

– **суд мажлиси котиби, таржимон, эксперт.** Суд ҳужжатининг кириш қисмида суд мажлиси котибининг, суд муҳокамасида иштирок этаётган таржимон, экспертнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилади.

– **тарафлар.** Суд муҳокамасида ҳуқуқбузарликда айбланаётган шахс, жабрланувчи, прокурор, қонуний вакиллар, ҳимоячи, шунингдек фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин. Уларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, суд муҳокамасидаги процессуал мақоми суд ҳужжатида кўрсатилиши керак.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатларининг тавсиф қисмига қўйиладиган умумий талаблар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатларининг тавсиф қисмининг мазмуни иш юритиш босқичи, мазкур суд ҳужжати билан ҳал қилинадиган масалаларга боғлиқ. Жумладан, МЖТКнинг 183-моддаси (Майда безорилик)га асосан қарор қабул қилинганида унда ҳуқуқбузарнинг майда безорилик ҳаракатларини содир қилганлигини, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўқиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик ҳолатларини содир қилганлигининг асослари ва унга модда санкциясида нега айнан шундай жазо тайинланаётганлигининг асослари баён қилиниши лозим.

Ҳодиса ва суд ҳужжати чиқарилаётган шахснинг хатти-ҳаракатини ёритиш, судда тушунтириш ва кўрсатма берган шахсларнинг тушунтириш ва кўрсатмаларини баён қилиш, ҳуқуқбузарлик ҳодисаси содир қилинганлиги, шахснинг қилмишида ҳуқуқбузарлик таркиби



мавжудлиги ҳамда далилларни тавсифлаш ва иш ҳолатларидан келиб чиқиб бошқа ҳолатлар тўлиқ тавсифланади.

Барча ҳолатларда суд ҳужжатининг тавсиф қисмида ҳал қилинадиган масалалар бўйича аҳамиятга молик бўлган асосий ҳодиса ва ҳолатларни баён этиш тавсия этилади.

Суд ҳужжатининг тавсиф қисмида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан суд қарорининг асослари, жумладан қайси ҳуқуқ нормаси нима асосда қўлланиладиганлиги, иш бўйича келинган хулоса ва ушбу хулосага келишга асос бўлган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатларининг қарор қисмига қўйиладиган умумий талаблар

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд ҳужжатларининг қарор қисмида ҳуқуқбузарлик бўйича иши кўриладиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда унга нисбатан қўлланган МЖТКнинг тегишли моддаси ва унинг мазмунини қайд этиш билан бошланади.

Кодексда иш юритишнинг ҳар бир босқичида қарорлар қабул қилиш юзасидан муайян тартиб, кўриладиган иш бўйича суднинг ваколатлари, чиқариладиган суд ҳужжатининг тури ва мазмуни юзасидан тегишли қоидалар назарда тутилган. Суд ҳужжатини чиқаришда суд амал қилган МЖТКнинг моддаларини (қисмлари, бандларини) тўғри кўрсатиш суд томонидан қабул қилинган қарорнинг қонунийлиги ва асослилигидан даолат беради.

Суд ҳужжатининг қарор қисмида суд ҳужжати чиқариладиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга асосланиб иш кўриладиган тил ва имлода кўрсатилади.

Агарда шахснинг кимлиги хорижий давлат томонидан берилган паспорт ёки бошқа ҳужжатлар билан аниқланган тақдирда, унинг фамилияси, исми ва отасининг исми шахсини тасдиқловчи ҳужжатларда қўлланилган тил ва имлода ҳам қайд этилиши лозим.

Агар суд ҳужжати бир неча шахсга нисбатан чиқарилган бўлса, у ҳолда суд ҳужжатининг қарор қисмида улар ҳар бирининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳал этиладиган ҳар бир масала юзасидан алоҳида кўрсатилади. Суд ҳужжатининг қарор қисмида суд ҳужжати чиқариладиган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини



қисқартиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, суд ҳужжатининг қарор қисмида илтимоснома, ариза, шикоят ёки протестни кўриб чиқиш натижалари, қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш тартиби ва муддати, шикоят бериш ёки протест келтириш тартиби ва муддати (агар қонунда назарда тутилган бўлса), шу билан бирга, суд томонидан кўриб чиқилган бошқа масалалар ҳам ёзилиш мумкин.



2-БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

Суд чақирув қоғози

2017 йил 25 октябрь

№ _____

_____ тумани, “Ёрқин
ҳаёт” МФЙ, 2-уйда яшовчи
фуқаро Мирзаев Элмурод
Ибрагимовичга

СУД ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ

_____ туман маъмурий судига _____ туман ИИБ томонидан Сизга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида (майда безорилик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тўпланган иш материаллари юборилган.

Мазкур иш юзасидан суд мажлиси 2018 йил 3 май куни соат 10:00 да _____ туман маъмурий суди биносида бўлиб ўтади. Ушбу суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун етиб келишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги



тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Шунга мувофиқ, агар Сиз белгиланган вақтда суд мажлисига келмаган тақдирингизда мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Сизнинг иштирокингизсиз кўриб чиқилиши маълум қилинади.

Манзил: _____ шаҳри, "Ўрдабоғ" маҳалласи, Навоий кўчаси 12-уй, _____ туман маъмурий суди биноси.

Судья

О.Махкамов



Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини қайтариш тўғрисидаги хат

2017 йил 25 октябрь

№ _____

_____ туман ИИБ
бошлиғи подполковник
И. Алимжоновга

Иш ҳужжатларидан кўринишича, _____ туман ИИБ томонидан М.Қувонов, И.Қувонов ва Ф.Қувоновлар 2017 йил 19 сентябрь куни соат 06:30 ларда _____ туман _____ деҳқон бозорида М.Назирова билан жанжаллашганлиги, бир-бирларини ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганликлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 41-моддасига асосан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга тақдим этилган. Мазкур иш ҳужжатлари қуйидаги асосларга кўра қайтарилмоқда.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, М.Қувоновнинг аризаси ва тушунтириш хатида 2017 йил 19 сентябрь куни соат 06:30 ларда _____ туман _____ деҳқон бозорида М.Назирова ва унинг вояга етмаган ўғли У.Назиров уни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини кўрсатган, шунингдек, ушбу ҳолатни Ф.Қувонов ҳам ўз тушунтириш хатида тасдиқлаб баён этган.

Шу билан бирга, _____ туман ИИБ томонидан суриштирув ҳаракатлари бир томонлама юзаки олиб борилиб, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан текширилмаган, баённома маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар томонидан имзоланмаган, баённомани имзолашдан бош тортганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд эмас, шунингдек, вояга етмаган У.Назировнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари бор ёки йўқлигига тегишлича ҳуқуқий баҳо берилмасдан, унинг ҳаракатида ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлган тақдирда, иш ҳужжатларининг унга нисбатан қисмини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга юбориш чоралари кўрилмасдан камчиликларга йўл қўйилиб, тўпланган ҳужжатлар судга тақдим этилган.

Шунингдек, ҳуқуқбузар И.Қувоновнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси ишга қўшилмаган ҳамда иш ҳужжатларини



судга юбориш ҳақидаги алоқа хатида ҳуқуқбузарлар М.Қувонов ва М.Назироваларга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга юборилганлиги кўрсатилиб, И.Қувонов ва Ф.Қувоновларга оид қисми номаълум сабабларга кўра кўрсатилмаган.

Иш материалларини ўрганиш натижасида баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарларга МЖТКнинг 294-моддасида назарда тутилган уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилмаганлиги ҳам аниқланди.

Бинобарин, МЖТКнинг 303¹-моддасига кўра маъмурий иш мазкур органга (мансабдор шахсга) тааллуқли бўлмаган (судловига тегишли бўлмаган) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари ушбу Кодекснинг 281 ва 282-моддаларида назарда тутилган талаблар бузилган ҳолда юборилган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузган органга (мансабдор шахсга) қайтарилади.

Юқоридаги Кодекснинг 281-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса, баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу ҳусусда баённомага ёзиб қўйилади.

Мазкур Кодекснинг 282-моддасига мувофиқ баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:



1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;

2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;

3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;

4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, агар улар мавжуд бўлса;

5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

Ушбу Кодекснинг 133 ва 134-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомага ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳайдовчилик гувоҳномаси, транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ва ишончноманинг кўчирма нусхаси;

2) суғурта полисининг кўчирма нусхаси (мавжуд бўлган тақдирда);

3) алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқарилганлиги белгиланган тартибда текширувдан ўтказилганлиги тўғрисидаги тиббий хулоса, алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси таъсиридан ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаган тақдирда икки холис иштирокида тузилган далолатнома;

4) кўздан кечириш далолатномаси ва ҳодиса жойининг чизмаси, транспорт воситасининг шикастланишлари тўғрисидаги маълумотнома ва техника воситалари шикастланишларининг фотосуратлари;

5) автомобилотранспорт воситасига етказилган зарарни баҳолаш далолатномаси;

6) судга қадар автотехника экспертизаси тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хулосаси;

7) суриштирув якунларига кўра, манфаатдор шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари билан танишганлиги тўғрисидаги баённома.

Ушбу Кодекснинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар илова қилинади:



- 1) жабрланувчининг аризаси;
- 2) судга қадар тиббий экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хулосаси;
- 3) жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд бундай ҳолатда мазкур иш юзасидан қонуний қарор қабул қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди ва келгусида, суриштирув ҳаракатларини олиб бориш жараёнида иш ҳолатини тўпланган далилларга асосланган ҳолда синчковлик билан тўла ва ҳар томонлама текшириб, МЖТКнинг нормаларига риоя қилган ҳолда юқорида кўрсатилган хато-камчиликларни бартараф этиб, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига ҳолисона ҳуқуқий баҳо бериб, қонуний қарор қабул қилинишини таъминлаш учун маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини қайтармоқда.

Илова: _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари 1 жилд, 29 варақда.

Судья

Б. Шарипов



40-модда. Туҳмат

Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиш ва жарима жазосини тайинлаш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиш ва жарима жазосини тайинлаш ҳақида)

2018 йил 13 апрель куни _____ туман маъмурий суди судьяси Б.Зафаров раислигида, судья ёрдамчиси А.Ғайбуллаевнинг котиблигида, _____ туман прокурори катта ёрдамчиси С.Мадатовнинг иштирокида, _____ тумани “Лабзак” МФЙ биносидаги очиқ сайёр суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддаси ва 200-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Болиева Гулнора Восит қизи, 1996 йил 9 декабрда _____ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, _____ шаҳар, _____ туман, Белтепа кўчаси 14-А уй 12-хонадонда истиқомат қилувчига нисбатан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2018 йил 23 январда _____ тумани Янги ариқ МФЙ котиби Болиева Гулнора Восит қизи шу маҳаллада отин ойи этиб тайинланган Таджиева Баҳора Набиевнага нисбатан туҳмат гаплар билан маҳалла номидан маълумотнома тайёрлаб, унга ўзбошимчалик билан маҳалла муҳрини босиб, маҳалла раисининг ўрнига ўзи қўл қўйиб, туман ҳокимлигига тақдим этганлиги юзасидан _____ тумани ИИБ ХПБ ТБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

2018 йил 1 март куни _____ тумани ИИБ ХПБ ТБ қарорига асосан мазкур ҳолат бўйича Болиева Гулнора Восит қизига нисбатан жиноят ишини қўзғатиш рад этилган.

Сўнгра _____ тумани ИИБ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга мурожаат қилган.



Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар Болиева Гулнора Восит қизи ўз айбига иқрорлигини, _____ тумани Янги ариқ маҳалласида отин оий этиб тайинланган Таджиева Баҳора Набиевна билан ўрталаридаги келишмовчиликлар сабабли ҳамда жаҳли чиққанлиги учун унга нисбатан туман ҳокимлигига 2018 йил 23 январда 16-сонли маълумотнома тайёрлаб, ушбу маълумотномага тухмат гапларни ёзиб, ўзи маҳалланинг муҳрини босиб, маҳалла раиси номидан имзо қўйганлигини, ҳозирда қилган ишидан пушаймон эканлигини, келгусида бундай ҳолат такрорланмаслигини баён этиб, суддан унга нисбатан энгилроқ жазо чораси қўлланилишини сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи Таджиева Баҳора Набиевна ўз кўрсатувида у 2018 йилдан бошлаб _____ тумани, Янги ариқ МФЙда отин оий этиб тайинланганлиги, шу маҳалланинг котиби Болиева Гулнора Восит қизи 2018 йил 23 январда унга нисбатан тухмат гаплар билан туман ҳокимлигига маълумотнома тайёрлаганлиги, ушбу маълумотномада уни шарманда қилувчи уйдирмалар ёзилганлиги, бу ҳолат унинг ҳуқуқларини бузганлигини маълум қилиб, суддан Болиева Гулнора Восит қизига нисбатан қонуний жазо чорасини кўришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 40-моддасига асосан тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур Кодекснинг 200-моддасига асосан ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириш фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, _____ туман прокурори катта ёрдамчиси С.Мадатовнинг маъмурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, энгилроқ жазо, яъни энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда жарима жазоси тайинлаш ҳақидаги фикрини тинглаб, ишдаги мавжуд



хужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳуқуқбузар Болиева Гулнора Восит қизининг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида МЖТКнинг 40-моддаси ва 200-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

МЖТКнинг 33-моддасига кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

МЖТКнинг 31-моддасига мувофиқ айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига киради.

Мазкур Кодекснинг 34-моддасида белгиланишича битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқиляётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Шунга кўра суд Болиева Гулнора Восит қизига жазо тури ва миқдорини тайинлашда унинг шахсини, ёшини, содир қилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, оғирлик даражасини, у ҳозирда пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд мазкур иш доирасида жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида унга тегишли қонуний асосларни келтирган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 31, 33, 34, 40, 200, 309-311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Болиева Гулнора Восит қизи Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддаси ва 200-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин;



Болиева Гулнора Восит қизига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, унга энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, яъни 1722400 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Болиева Гулнора Восит қизига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 172240 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Болиева Гулнора Восит қизига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддасига асосан узил-кесил жазо қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида, яъни 1722400 сўм жарима жазоси тайинлансин ва у давлат даромадига ундирилсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида низо келиб чиқса, унда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиши ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Б.Зафаров



41-модда. Ҳақорат қилиш

Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиш ва жарима жазосини тайинлаш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топиш ва жарима жазосини тайинлаш ҳақида)

2018 йил 16 апрель куни _____ туман маъмурий суди судьяси А.Қодиров раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Алимхоновнинг котиблигида, _____ тумани “Хумсон” маҳалла фуқаролари йиғини биносидаги очиқ сайёр суд мажлисида _____ туман ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Абдумўминов Юлдаш Жўрабоевич, 1983 йил 20 март куни _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, вақтинча ишсиз, _____ тумани, “Хумсон” МФЙ, Бахт кўчаси, 5-уйда истиқомат қилувчига нисбатан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2018 йил 20 март куни Ю.Абдумўминов қўшниси жабрланувчи Б.Боратова унинг _____ тумани “Хумсон” МФЙ, Бахт кўчаси, 3-уйда жойлашган хонадонида ўзаро пул олди-бердиси юзасидан келган вақтда ўзаро жанжаллашишган, жанжал давомида А.Юлдашев Б.Боратовани шаъни ва қадр-қимматини камситувчи уятли сўзлар билан ҳақорат қилган.

Шундан сўнг Б.Боратова ариза билан _____ туман ИИБга мурожаат қилган.

Сўнгра _____ тумани ИИБ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга мурожаат қилган.



Иш ҳужжатларидан кўринишича, Ю.Абдумўминов берган тушунтириш хатида у ўз қилмишига иқрор бўлиб, 2018 йил 20 март куни тахминан соат 20:00да таниши Б.Боратова унинг хонадонига келгани, Б.Боратованинг турмуш ўртоғи С.Умиров билан ўзаро пул олди-бердилари борлиги, шу сабабли у пулни зудлик билан қайтаришини айтгани, шу вақтда ўзаро тортишиб қолишиб, жаҳл устида Б.Боратовани ҳақорат қилиб юборгани, ҳозирда ундан узр сўрагани, Б.Боратовани эри С.Умировнинг 200 000 сўм қарзини қайтарганлигини, ўзаро келишиб, ярашиб олишганини, қилмишидан пушаймонлигини, шунингдек ҳозирда оиласининг ягона боқувчиси эканлиги, ота-онаси билан биргаликда яшаши, кексайиб қолганлиги сабабли уларга ғамхўрлик қилиш унга юклатилганлигини билдириб, ўзига нисбатан енгилроқ жазо қўлланилишини сўраган.

Бугунги суд мажлисида Ю.Абдумўминов ўз тушунтиришида баён қилганларини тасдиқлади.

Суд мажлисида жабрланувчи Б.Боратова Ю.Абдумўминов билан кўшни эканлигини, эри С.Умировнинг мотоциклини Ю.Абдумўминов бошқарганда, таъмирталаб қилиб қўйганлиги учун қарзи борлиги сабабли 2018 йил 20 март куни Ю.Абдумўминовнинг _____ тумани “Хумсон” МФЙ, Бахт кўчаси 5-уйда жойлашган хонадонига бориб, қарзини қайтаришини сўраганлигини, шу пайтда Ю.Абдумўминов билан ўзаро тортишиб кетишганини, жанжал давомида Ю.Абдумўминов уни шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилганини, ҳозирда ярашиб олишганлигини, унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ С.Умиров Б.Боратовани турмуш ўртоғи эканлигини, Ю.Абдумўминов билан бир маҳаллада яшашларини, 2018 йил февраль ойларида Ю.Абдумўминов уйига мотоциклини сўраб келганини ва у ўз мотоциклини Ю.Абдумўминовга бериб юборганлигини, бир оздан сўнг мотоциклини носоз ҳолда олиб келганини, сўнгра ўзаро келишиб, таъмирлаш учун 200 000 сўм берадиган бўлганини, бу гаплардан турмуш ўртоғи Б.Боратова хабар топиб, 2018 йил 20 март куни Ю.Абдумўминовнинг яшаш хонадонига қарзни сўраб борганида, Ю.Абдумўминов турмуш ўртоғи Б.Боратовани ҳақорат қилганлигини, ҳозирда Ю.Абдумўминов 200 000 сўм қарзини қайтариб берганини, шунинг учун унга нисбатан даъвоси йўқлигини айтиб кўрсатма берди.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳуқуқбузар Ю.Абдумўминовнинг



ўз қилмишига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймон бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, ишдаги ариза, тузилган маъмурий баённома, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатмаси, тушунтириш хатлари ҳамда ишдаги тўпланган бошқа барча далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд Ю.Абдумўминовнинг қилмиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 41-моддаси билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Мазкур моддага кўра ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш, энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, МЖТКнинг 31-моддасига мувофиқ айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига киради.

МЖТКнинг 33-моддасига кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инobatга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Суд Ю.Абдумўминовга жазо белгилашда унинг шахсини, оилавий шароитини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, ўзаро келишиб, ҳозирда ярашиб олишганлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини инobatга олиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, МЖТКнинг 41-моддаси санкциясида кўрсатилган жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 31, 33, 41, 309-311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Абдумўминов Юлдаш Жўрабоевич Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин;

Абдумўминов Юлдаш Жўрабоевичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан энг кам



ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида, яъни 86120 сўм жарима жазоси тайинлансин ва давлат даромадига ундирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

А.Қодиров



43-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

*Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича
иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(иш юритишни тугатиш тўғрисида)

2018 йил 4 апрель куни _____ туман маъмурий суди судьяси А.Абдимўминов раислигида, судья ёрдамчиси Х.Холмуродовнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Қузиев Иргаш Хуррамович, 1962 йил 20 октябрда _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 5 нафар фарзанди бор, маъмурий жавобгарликка тортилмаган, вақтинча ишсиз, _____ тумани “Учқизил” маҳалласида истиқомат қилувчига нисбатан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ вилоят адлия бошқармасининг 2017 йил биринчи ярим йиллик иш режасига асосан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилиши юзасидан бошқарманинг 2018 йил 16 февралдаги 15-сонли буйруғи билан “Сувоқова” ДУК _____ тумани филиалида текшириш ўтказилганида _____ тумани “М.Эштемиров” маҳалласи Баланд қишлоғида яшовчи фуқаро У.Қўлдошев ва бошқаларнинг 2017 йил 28 январдаги “Сувоқова” ДУК _____ тумани филиали раҳбарининг номига берилган аризаси “Сувоқова” ДУК _____ тумани филиали раиси в.в.б. И.Қузиев томонидан қабул қилиб олинганлиги, лекин у юқорида таъкидланган Қонун талабига кўра ўз вақтида ўрганилмаганлиги ва аризачига вақтида жавоб хати берилмаганлиги аниқланган.



Ушбу ҳолат юзасидан _____ вилоят адлия бошқармаси томонидан тегишли ҳужжатлар, жумладан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, судга мурожаат қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 294-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Суд мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳуқуқбузар И.Қузиевни ишни кўриб чиқиш жойи, вақти ҳақида тегишли тартибда хабардор қилган бўлса-да, номаълум сабабларга кўра суд мажлисига келмаганлигини ва ишни кўриб чиқишни кечиктириш тўғрисида ундан илтимос тушмаганлигини инобатга олиб, ишни МЖТКнинг 294-моддасига асосан ҳуқуқбузарнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб топди.

Ҳуқуқбузар И.Қузиевнинг айби маъмурий ишда мавжуд бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, дастлабки суриштирувда берган И.Қузиевнинг _____ тумани “М.Эштемиров” маҳалласи Баланд қишлоғида яшовчи фуқаро У.Қўлдошев ва бошқаларнинг 2017 йил 28 январь кунидаги “Сувоқова” ДУК _____ тумани филиалига берилган аризасини қабул қилиб олганлиги, лекин шу фуқароларга ариза бўйича жавоб хати бермаганлиги ҳақидаги тушунтириш хати ҳамда бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топди.

Суд ҳуқуқбузар И.Қузиевнинг ҳаракати МЖТКнинг 43-моддаси билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

МЖТКнинг мазкур моддасига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч



бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Аммо суд ҳуқуқбузар И.Қузиевга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тўлиқ ўрганиб чиқиб, ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетганлигини аниқлади ва қуйидаги асосларга кўра мазкур иш бўйича иш юритишни тугатишни лозим топди.

Юқорида қайд этилган фуқаро У.Қўлдошев ва бошқаларнинг аризаси 2017 йил 28 январь куни “Сувоқова” ДУК _____ тумани филиалига берилган.

МЖТК 36-моддасининг биринчи қисмига кўра маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб бугунги кунга қадар бир йилдан кўп вақт ўтиб кетган.

МЖТК 271-моддасининг 7-бандига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

Шу муносабат билан, суд ҳуқуқбузар И.Қузиевга нисбатан юритилган МЖТКнинг 43-моддаси билан тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни ушбу Кодекс 271-моддасининг 7-бандига асосан тугатишни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 36, 43, 271, 309-311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р И Л Д И:

Қузиев Иргаш Хуррамовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасига асосан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

А.Абдимўминов



43-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиб, иш юритишни тугатиш ҳақидаги қарор

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва уни огоҳлантириб, иш юритишни тугатиш ҳақида)

2017 йил 3 июль _____ шаҳар маъмурий суди судьяси М.Махкамов раислигида, судья ёрдамчиси Г.Усмоновнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, фуқаро Одилов Шавкат Ёқубовичнинг иштирокида унинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан

Одилов Шавкат Ёқубович, 1969 йил 20 июлда _____ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, 22-“Мустақиллик” МФЙ раиси, _____ шаҳар, 22-“Мустақиллик” МФЙ, Ёруғлик кўчаси, 77-уйда истиқомат қилувчига нисбатан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Одилов Шавкат Ёқубович _____ шаҳар 22-“Мустақиллик” МФЙ раиси лавозимда ишлаб келиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиб, фуқаро Н.Адиловнинг 2017 йил 10 мартдаги нафақа олишни сўраб ёзган аризасини бир ойлик муддатда кўриб чиқилишини таъминламай, аризани кўриб чиқиш муддатларини бузган.

Шундан сўнг, Н.Адилова МФЙ раиси Ш.Одиловнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун қонуний чора кўришни сўраб, судга муурожаат қилган.



Бугунги суд мажлисида, Ш.Одилов қилмишига тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам Н.Адилова 22-“Мустақиллик” МФЙ, 8 март кўчаси, 3-уйда яшаши, у 22-“Мустақиллик” МФЙга ариза билан мурожаат қилгани, унинг аризасига вақтида жавоб бермасдан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун талабларини бузгани, бунга иш ҳажми кўпайганлиги сабабли улгурмагани, ўз қилмишидан пушаймонлиги, келгусида бундай хатоликка йўл қўймаслиги ҳақида баён қилиб, унга енгилроқ жазо беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 43-моддасига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, мансабдор шахс ҳисобланган Ш.Одилов фуқаро Н.Адилованинг 2017 йил 10 мартдаги нафақа олишни сўраб ёзган аризасини қабул қилиб олган бўлсада, уни бир ойлик муддатда кўриб чиқилишини таъминламай, аризани кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузган ва мурожаатга жавоб бермаган.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, ундаги даллиларга баҳо бериб, қатнашувчиларнинг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидагиларга асосан ҳуқуқбузар Ш.Одиловни маъмурий жавобгарликдан озод этиш ва уни огоҳлантириш билан кифояланиб, иш юритишни тугатишни лозим деб топади.

Ш.Одиловнинг содир этган ғайриҳуқуқий ҳаракати иш материалларида мавжуд бўлган тушунтириш хатлари, фуқаро Н.Адилованинг аризаси, далолатнома, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланди.

Шу билан бирга, МЖТКнинг 21-моддасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги кўрсатилган.



МЖТКнинг 31-моддасига мувофиқ айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига киради.

МЖТКнинг 33-моддасига кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 8-бандида судья содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли деган хулосага келган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 21, 308¹-моддаси ва 310-моддасининг иккинчи қисми талаблари асосида ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, ишни юритишдан тугатиши ва уни огоҳлантириш билан чегараланиши ҳақида тушунтирилган.

Ҳуқуқбузар Ш.Одиловга жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар тариқасида унинг шахсини, ҳуқуқбузарлик ҳаракатига иқрорлигини, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатини тўлиқ тушуниб етганлигини, қарамоғида уч нафар фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда, унга МЖТКнинг 21-моддасини қўллаб, уни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланишни ва мазкур иш бўйича иш юритишни тугутишни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 21, 31, 33, 43, 245, 309, 310-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Одилов Шавкат Ёқубович Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор



деб топилсин;

Одилов Шавкат Ёқубович Ўзбекистон Республикаси МЖТК 21-моддасига асосан маъмурий жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилсин ва иш юритишдан тугатилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

М.Махкамов



52-модда. Енгил тан жароҳати етказиш

Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш ва жарима жазосини тайинлаш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш ва жарима жазосини тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 25 май куни _____ туман маъмурий суди судьяси С.Ботиров раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Султоновнинг котиблигида, _____ туман “Чақар” МФЙ биносидаги очиқ сайёр суд мажлисида, _____ туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Мадаминовнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 52-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Мухамедов Бобур Кабилджанович 1984 йил 20 майда _____ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, _____ шаҳар _____ тумани, Оқилон маҳалласи, Оқилон кўчаси 27-уйда истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Мухамедов Бобур Кабилджанович 2018 йил 19 май куни соат тахминан 19:30ларда _____ тумани “Оқилон” маҳалласи Оқилон кўчаси, 27-уйда турмуш ўртоғи Мухамедова Саодат Турсунбаевна билан ўрталаридаги келишмовчиликлар сабабли уни уриб, унга енгил тан жароҳати етказган.

Жабранувчи С.Мухамедова ушбу ҳолат юзасидан турмуш ўртоғи Б.Мухамедовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб _____ тумани ИИБга муурожаат қилган.

_____ тумани ИИБ томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик иши бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2018 йил 22 майдаги 3646-сонли хулосасига кўра Мухамедова Саодат Турсунбаевнага енгил тан



жароҳати етказилганлиги аниқланган.

2018 йил 24 май куни _____ тумани ИИБ томонидан Б.Мухамедовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Б.Мухамедовга нисбатан тўп-ланган маъмурий иш ҳужжатлари кўриб чиқиш учун судга ўтказилган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар Б.Мухамедов айбини тан олиб, ҳақиқатдан 2018 йил 19 май куни соат 19:30ларда турмуш ўртоғи С.Мухамедова билан ўрталарида келишмовчиликлар келиб чиққанлиги сабабли у билан жанжаллашиб қолишганлигини, уни уриб, тан жароҳати етказганлигини, бироқ буни атайлаб қилмаганлигини, жаҳл устида ушбу вазият юзага келганлигини, ҳозирда у қилган ишдан пушаймон эканлигини баён қилиб, суддан унга нисбатан энгилроқ жазо қўллашни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи С.Мухамедова кўрсатма бериб, 2018 йил 19 май куни турмуш ўртоғи Б.Мухамедов билан ўрталаридаги келишмовчиликлар оқибатида жанжаллашиб қолишганлигини, Б.Мухамедов уни уриб тан жароҳати етказганлигини баён қилиб, суддан қонуний чора кўришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 52-моддасига асосан эҳтиётсизлик орқасида энгил тан жароҳати етказиш, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қасддан энгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса, энг кам иш ҳақининг икки бараваридан тўрт бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг кўрсатмаларини эшитиб, _____ туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Мадаминовнинг ҳуқуқбузарга нисбатан жарима жазоси тайинлаш ҳақидаги фикрини тинглаб, ҳуқуқбузар Б.Мухамедовнинг ҳаракатларига баҳо бериб, унинг ҳаракатларида МЖТК 52-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузар Б.Мухамедовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг тушунтиришини эшитиб, унинг шахсини, содир қилган ҳуқуқбузар-



ликнинг хусусиятини, қилмишидан пушаймон эканлигини инobatга олган ҳолда, унга нисбатан жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга, суд манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 52, 245, 309, 310, 311 моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Мухамедов Бобур Кабилджанович Ўзбекистон Республикаси МЖТК 52-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Мухамедов Бобур Кабилджановичга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида, яъни 344480 сўм жарима жазоси тайинлансин ҳамда у давлат даромадига ундирилсин.

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

С.Ботиров



**56-модда. Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп
моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш,
олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш**

*Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва маъмурий қamoқ жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва маъмурий қamoқ жазоси тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 30 май куни _____ туман маъмурий суди судьяси
С. Зафаров раислигида, судья ёрдамчиси А.Абдуллаевнинг котиблигида,
ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий
жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 56-моддасида назарда тутилган
ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Арипов Ботир Наримон ўғли 1990 йил 20 декабрда _____
шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси
фуқароси, вақтинча ишсиз, _____ тумани, Самарқанд
кўчаси, 4-уй, 33-хонадонда истиқомат қилувчига нисбатан
_____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб
чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2018 йил 28 май куни _____ туманидаги Ибн Сино мавзесида
_____ тумани ИИБ Жиноят қидирув бўлими томонидан
ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро Арипов Ботир Наримон
ўғли ўзини шубҳали тутганлиги сабабли унинг бошқарувида бўлган
давлат рақами 01С220АА бўлган қизил рангли “Ваз 2106” русумли
автомашина саломида дафтар вароғига ўралган яшил рангли ўткир
ҳидли ўсимликсимон модда борлиги ва ушбу модда Арипов Ботир
Наримон ўғлига тегишли эканлиги аниқланиб, ҳолислар иштирокида
ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

_____ тумани ИИБ эксперт-криминалистика марказининг
2018 йил 29 майдаги хулосасига кўра Арипов Ботир Наримон ўғлига
тегишли автомашинадан олинган ушбу модда таркибида фаол гиёҳванд



модда – тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, бу модда “марихуана” гиёвандлик воситаси эканлиги ва унинг оғирлиги 0,74 граммга тенглиги аниқланган.

2018 йил 29 май куни _____ тумани ИИБ томонидан Б.Ариповнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Б.Ариповга нисбатан тўпланган иш ҳужжатлари кўриб чиқиш учун судга ўтказилган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар Б.Арипов ўз кўрсатувида ҳақиқатдан ҳам у 2018 йил 28 май куни _____ тумани Ибн Сино мавзесида, ички ишлар ходимлари томонидан текширув ўтказилганда, ўзининг бошқарувида бўлган давлат рақами 01С220АА бўлган қизил рангли “Ваз 2106” русумли автомашина саломида дафтар вароғига ўралган яшил рангли ўткир ҳидли ўсимликсимон модда борлиги аниқланганлиги, ушбу ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги, мазкур модда қаердан автомашинасига келиб қолганлигини ўзи ҳам билмаслиги, ҳозирда қилмишидан пушаймон эканлиги, оилавий шароити оғирлигини баён этиб, унга нисбатан энгилроқ жазо беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 56-моддасига асосан гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш гиёвандлик воситаларини, психотроп моддаларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ жазосига сабаб бўлади.

Суд Б.Ариповнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида МЖТКнинг 56-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузар Б.Ариповга жазо чорасини белгилашда унинг шахсини, содир қилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, қилмишидан пушаймон эканлигини, шу билан бирга у томонидан содир этган қилмиш жамият учун зарарли эканлигини, аҳолининг соғлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини, ғайриҳуқуқий ҳаракат жамоат жойида содир этилганлигини, бундай ҳаракатларни ўз вақтида самарали механизмлар орқали олдини олиш зарурлиги каби ишнинг алоҳида хусусиятларини



инобатга олиб, Б.Ариповга нисбатан маъмурий қамоқ жазосини тайинлашни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56, 309, 310, 311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Арипов Ботир Наримон ўғли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Арипов Ботир Наримон ўғлига нисбатан 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин;

Жазони ўташ муддати 2018 йил 30 май куни соат 18:00 дан бошлаб ҳисоблансин;

Жазо ўталганидан сўнг ҳуқуқбузардан _____ шаҳар ИИБ Маъмурий тартибда қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қамоқхонаси фойдасига қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун маъмурий қамоқнинг ҳар бир суткаси учун энг кам ойлик иш ҳақининг 15 % миқдорида, яъни 25836 сўм ундирилсин;

Иш бўйича далилий ашё сифатида олинган умумий оғирлиги 0,74 граммга тенг бўлган марихуана гиёҳвандлик моддасининг экспертиза жараёнида 0,30 grammi сарфлангани инобатга олинсин ва қолган 0,44 grammi тегишли тартибда йўқ қилинсин;

Қарорнинг гиёвандлик воситасини йўқ қилиш қисми _____ тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига юклатилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

С. Зафаров



61-модда. Оз миқдорда талон-торож қилиш

*Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 23 апрель куни _____ тумани маъмурий суди судьяси У.Мингбоевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Алиевнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Мадаминов Анвар Акмал ўғли 1999 йил 11 ноябрда _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, _____ тумани, Ибн Сино мавзеси, 19-уй, 17-хонадонда истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2018 йил 16 апрель куни соат тахминан 02:00ларда Мадаминов Анвар Акмал ўғли _____ тумани, Қоратош маҳалласида жойлашган, яқка тартибдаги тадбиркор Дадабоев Нурсултон Бозор ўғлига тегишли бўлган озиқ-овқатлар дўконига ғайриқонуний кириб, баҳоси бир юз саксон минг сўмлик салқин ичимлик махсулотларини яширин равишда талон-торож қилганлиги юзасидан _____ тумани ИИБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.

2018 йил 19 апрель куни _____ тумани ИИБ томонидан А.Мадаминовнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят иши кўзғатишни рад этиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, унга нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатлари кўриб чиқиш учун судга юборилган.



Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар А.Мадаминов кўрсатмасида ўз айбига иқрорлиги, ҳақиқатдан ҳам 2018 йил 16 апрель куни _____ тумани, Қоратош маҳалласида жойлашган савдо дўконидан салқин ичимликларни олиб чиқаётганда, қоровул уни кўриб қолиб, тўхтатганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймон эканлигини баён этиб, суддан унга нисбатан қонунан енгилроқ жазо беришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 61-моддасига асосан мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади.

Шу муносабат билан, суд ҳуқуқбузар А.Мадаминовнинг ҳаракатларига баҳо бериб, у томонидан талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан ошмаслигини, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланишини инobatга олиб, унинг ҳаракатларида МЖТК 61-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузарга жазо тури ва миқдорини тайинлашда иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, ҳуқуқбузар А.Мадаминовнинг тушунтиришини эшитиб, унинг шахсини, ёшини, содир қилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, айбига иқрорлигини инobatга олиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61, 309, 310, 311-моддаларини қўллаб, суд



Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Мадаминов Анвар Акмал ўғли Ўзбекистон Республикаси МЖтК 61-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Мадаминов Анвар Акмал ўғлига нисбатан энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида, яъни 344480 сўм жарима жазоси тайинлансин ҳамда у давлат даромадига ундирилсин;

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

У.Мингбоев



61²-модда. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш

*Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 27 март куни _____ тумани маъмурий суди судьяси С.Холмуродов раислигида, судья ёрдамчиси А.Абдуллаевнинг котиблигида, _____ тумани “Зафаробод” МФЙ биносидаги очиқ сайёр суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61²-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Мажидова Дурдона Фарҳод қизи 1993 йил 20 майда _____ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, _____ тумани, Тинчлик маҳалласи, 1-тор кўча, 18-уйда истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик иши ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Мажидов Донёр Ходжаевич 2018 йил 21 январь куни _____ тумани, Тинчлик маҳалласи, 1-тор кўча, 18-уйда яшовчи собиқ турмуш ўртоғи Мажидова Дурдона Фарҳод қизининг уйига Фуқаролик ишлари бўйича _____ туманлараро суднинг ҳал қилув қарорига асосан фарзандларини кўриш учун бориб, фарзанди Н.Мажидов билан автомашинаси салоида кўришиб, у билан гаплашиб турганида, собиқ турмуш ўртоғи Мажидова Дурдона Фарҳод қизи унинг бошқарувидаги “Mercedes Benz S 240” русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашинасини тепиб, собиқ турмуш ўртоғининг мулкни қасддан нобуд қилиш ниятида унга зарар етказган.

Шундан сўнг жабрланувчи Д.Мажидов ушбу ҳолат юзасидан



турмуш ўртоғи Д.Мажидовага нисбатан унинг мулкани қасддан nobуд қилиш ниятида унга зарар етказганлиги учун қонуний чора кўришни сўраб, _____ тумани ИИБга муурожаат қилган.

_____ тумани ИИБ томонидан мазкур ҳуқуқбузарлик иши бўйича тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган.

2018 йил 24 март куни _____ тумани ИИБ томонидан Д.Мажидованинг ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Д.Мажидовага нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатлари материаллар кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар Д.Мажидова 2018 йил 21 январь куни собиқ турмуш ўртоғи Д.Мажидов унинг уйига келиб, фарзанди билан автомашинида кўришиб, фарзанди касал бўлишига қарамасдан, унга шоколад бериб, фарзандининг аҳволи оғирлашига олиб келиши ҳақида айтганида у автомашинанинг эшикларини ва ойнасини ёпиб олиб, машинасида фарзандини олиб кетаётганлиги сабабли жаҳл устида унинг автомашинасини тепиб, ойналарини урганлигини, бироқ автомашинасига бошқа шикаст етказмаганлигини маълум қилиб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи Д.Мажидов ўз кўрсатувида ҳақиқатдан ҳам Д.Мажидова унинг собиқ турмуш ўртоғи эканлигини, ўрталарида фарзандлари борлигини, фуқаролик ишлари бўйича суднинг ҳал қилув қарорига асосан фарзанди билан кўришиб туриш тартиби белгиланганлигини, шунга кўра 2018 йил 21 январь куни _____ тумани, Тинчлик маҳалласи, 1-тор кўча, 18-уйда яшовчи собиқ турмуш ўртоғи Д.Мажидованинг уйига борганлигини, фарзанди билан автомашинасида кўришиб, у билан гаплашиб турганида, унга тегишли бўлган “Mercedes Benz S 240” русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашинасини Д.Мажидова қўли ва оёғлари билан ташқи қисмига шикаст етказганлиги бўйича “Авто баҳолаш” масъулияти чекланган жамияти томонидан баҳолатганлигини маълум қилиб, бу ҳақдаги тегишли ҳужжатларни судга тақдим қилиб, Д.Мажидовага нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 61²-моддасига асосан ўзганинг мулкани қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш,



оз миқдорни ташкил этса, энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзганинг мулкани қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш кўп бўлмаган миқдорни ташкил этса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Оз миқдор деганда энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади.

Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкани қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Судга тақдим этилган баҳолаш маълумотига кўра “Авто баҳолаш” масъулияти чекланган жамияти томонидан тақдим этилган баҳолаш ҳисоботида асосан Д.Мажидова собиқ турмуш ўртоғи Д.Мажидовнинг автомашинасига 1866496 сўм зарар етказганлиги ҳамда баҳолаш учун 100000 сўм тўлов амалга оширганлиги аниқланган.

Бундан кўринадики, Д.Мажидова томонидан етказилган зарар энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваригача бўлган доирада бўлиб, оз миқдорни ташкил этади.

Шу муносабат билан суд ҳуқуқбузар Д.Мажидованинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида МЖТК 61²-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузарга жазо тури ва миқдорини тайинлашда иш ҳужжатларини ўрганиб, қатнашувчиларнинг кўрсатмаларини тинглаб, ҳуқуқбузар Д.Мажидованинг шахсини, ёшини, содир қилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, айбига иқрорлигини инobatга олиб, унга нисбатан жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Шу билан бирга, суд манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 61², 309, 310, 311-моддаларига асосан, суд



Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Мажидова Дурдона Фарҳод қизи Ўзбекистон Республикаси МЖтК 61²-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Мажидова Дурдона Фарҳод қизига нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, яъни 861200 сўм жарима жазоси тайинлансин ҳамда у давлат даромадига ундирилсин;

Манфаатдор томонларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин;

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

С.Холмуродов



62-модда. Топиб олинган мол-мулкни яшириш

*Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 12 апрель куни _____ тумани маъмурий суди судьяси Қ.Қурбонова раислигида, судья ёрдамчиси Ғ.Абдиевнинг котиблигида, _____ туман “Тароқли” маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги очиқ сайёр суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 62-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Аминов Мадамин Очилович 1975 йил 30 сентябрда _____ вилояти, _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, вақтинча ишсиз, _____ вилояти, _____ тумани, “Осмонсой” маҳалласига истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2018 йил 6 апрель куни Ниғматиллаева Шахло Самадовна _____ тумани 1-сонли клиник шифохонаси рўпарасида жойлашган “Даврон фарм” номли дорихонада бир дона “SAMSUNG GALAXY S3” русмли уяли телефон апаратыни унутиб қолдирганлиги, Аминов Мадамин Очилович эса тасодифан қўлига тушиб қолган ўзганинг мол-мулкни яширганлиги юзасидан _____ тумани ИИБ томонидан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга юборилган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар М.Аминов ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам у 2018 йил 6 апрель куни _____ туман 1-сонли клиник шифохонаси рўпарасида жойлашган “Даврон фарм” номли дорихонага кирганида дорихона сотувчиси бир дона “SAMSUNG



GALAXY S3” русмли уяли телефон апаратыни кўрсатиб, “бу сизникими?” деб сўраганда, у “меники” деб, алдаб, олиб кетганлиги, ҳозирда айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймон эканлиги, ушбу ҳолат бошқа такрорланмаслигини билдириб, суддан енгилроқ жазо беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи Ш.Ниғматиллаева кўрсатма бериб, 2018 йил 6 апрель куни _____ туман 1-сонли клиник шифохонаси рўпарасида жойлашган “Даврон фарм” номли дорихонада бир дона “SAMSUNG GALAXY S3” русмли уяли телефон апаратыни унутиб қолдирганлигини, бироздан сўнг дорихона сотувчисидан сўраганда бир бегона шахс уни меники деб, олиб кетганлигини маълум қилганлигини, ҳозирда телефон апаратыни қайтариб олганлигини баён қилиб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, жабрланувчи ва ҳуқуқбузарнинг кўрсатмаларини эшитиб, М.Аминовнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) нинг 62-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

МЖТКнинг 62-моддасига асосан топиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкни яшириш, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шу билан бирга, МЖТКнинг 31-моддасига мувофиқ айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига киради.

Шу муносабат билан суд ҳуқуқбузар М.Аминовга жазо тури ва миқдорини белгилашда иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг тушунтиришини эшитиб, унинг шахсини, содир қилган ҳуқуқбузарликнинг хусусиятини, қилмишидан пушаймон эканлигини инobatга олган ҳолда, унга нисбатан жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 31, 62, 309, 310, 311 моддаларига амал қилиб,

ҚАРОР ҚИЛДИ:

Аминов Мадамин Очилович Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг



62-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Аминов Мадамин Очиловичга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида, яъни 516720 сўм жарима жазоси тайинлансин ва у давлат даромадига ундирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Қ. Қурбонова



**79-модда. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари
ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш
ёки йўқ қилиш**

*Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 10 апрель куни _____ туман маъмурий суди судьяси А.Назаров раислигида, судья ёрдамчиси Н.Файзиеванинг котиблигида, _____ тумани “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги очиқ сайёр суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 79-моддасининг биринчи қисми ва 200-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Машарипова Гулбаҳор Эргашевна, 1974 йил 26 ноябрда _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, фуқаролиги бўлмаган шахс, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маъмурий жавобгарликка тортилмаган, ишсиз, _____ тумани “Қорахон” маҳалласида истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2018 йил 10 февраль куни соат тахминан 10:00ларда Машарипова Гулбаҳор Эргашевна _____ тумани “Улуғбек” маҳалласи ҳудудида яшовчи фуқаро С.Тожиевнинг _____ тумани “Қорахон” маҳалласи ҳудудидан сотиб олган ер майдони билан ўзининг томорқаси чегара қисмида ўсиб турган 17 туп мевали дарахтларни ўзбошимчалик билан кесиш ташлаган. Ушбу ҳолат юзасидан _____ шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг давлат инспектори томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган.



Г.Машарипова _____ вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига ариза билан мурожаат қилиб, уни маъмурий жавобгарликдан озод этишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 21-моддасига асосан, агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хулосага келса, ишни ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ушбу Кодекснинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

МЖТКнинг 308¹-моддасига мувофиқ, агар орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётганда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги тўғрисида ёки ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо чорасини қўллаш учун асослар борлиги ҳақида хулосага келса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилади.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

Суд ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномани кўриб чиқиб, ушбу Кодекснинг 310-моддасида назарда тутилган қарорлардан бирини чиқаради.

Ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ёки енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида ушбу Кодекснинг 303, 304, 306-309-моддаларида назарда тутилган умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда кўриб чиқилади.



Шу муносабат билан, 2018 йил 8 апрель куни _____ вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Г.Машариповага нисбатан тўпланган иш ҳужжатларини судга юборган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар Г.Машарипова кўрсатмасида ўзига нисбатан қўйилган айбга иқrorлигини, ҳақиқатдан ҳам _____ тумани “Улуғбек” маҳалласи ҳудудида яшовчи С.Тожиевнинг _____ тумани “Қорахон” маҳалласи ҳудудидан сотиб олган ер майдони уни томорқаси билан чегарадошлиги, 2018 йил 10 февраль куни соат 10:00ларда ўзинининг томорқаси билан чегара қисмида ўсиб турган С.Тожиевга тегишли 17 туп мевали дарахтларнинг сояси унинг томорқасидаги экинларга тушаётганлиги сабабли ҳеч кимдан сўрамасдан, уларни кесиш ташлаганлиги, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу ҳолат бошқа такrorланмаслигини билдириб, суддан ўзига нисбатан енгилроқ жазо беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи С.Тожиев ҳақиқатдан ҳам 2013 йилда _____ тумани “Қорахон” маҳалласи ҳудудидан ер майдони сотиб олганлигини, 2018 йил 10 февраль куни соат 10:00ларда у уйда бўлмаган вақтда қўшниси Г.Машарипова томорқа чегарасига экилган унинг 17 туп мевали дарахтларини кесиш ташлаганлиги, ушбу кесиш ташланган дарахтларнинг мевасини у ҳар йили сотиб, пулини рўзғорига ишлатиб юрганлиги, унга нисбатан даъвоси борлигини билдириб, суддан унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Ҳуқуқбузар Г.Машарипованинг айби маъмурий ишда мавжуд бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, ҳуқуқбузар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки суриштирувдаги тушунтириш хатлари, _____ вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2017 йил 28 февралдаги 01/25-87-сонли хати ҳамда иш бўйича тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд ҳуқуқбузар Г.Машарипованинг ҳаракати МЖтК 79-моддасининг биринчи қисми ва 200-моддаси билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

МЖтК 79-моддасининг биринчи қисмига кўра дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Шунингдек, МЖТКнинг 200-моддасида ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига, давлат манфаатлари ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, деб белгиланган.

Мазкур Кодекснинг 34-моддасида битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Башарти шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 13-бандида бир неча ҳуқуқбузарлик бўйича жазо чорасини қўллашда содир қилинган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, айб даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлари эътиборга олиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу муносабат билан, суд:

ҳуқуқбузар Г.Машариповага жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг шахсини, айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инobatга олиб, унга нисбатан МЖТК 79-моддасининг биринчи қисми ва 200-моддаси билан жарима жазоси тайинлашни, ҳуқуқбузар Г.Машариповага тайинладиган жазо миқдорини белгилашда МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил жазо тайинлашни, шунингдек, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида келгусида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34, 79, 309-311-моддаларини қўллаб, суд



Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Машарипова Гулбаҳор Эргашевна Ўзбекистон Республикаси МЖТК 79-моддасининг биринчи қисми ва 200-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Машарипова Гулбаҳор Эргашевнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТК 79-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида, яъни 172 240 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Машарипова Гулбаҳор Эргашевнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида, яъни 172 240 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Машарипова Гулбаҳор Эргашевнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида, яъни 172 240 сўм жарима жазоси тайинлансин ва у давлат даромадига ундирилсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида у келгусида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

А.Назаров



**90-модда. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини,
шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг
бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш**

*Ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб,
уни огоҳлантириш билан кифояланиб, иш юритишни тугатиш
ҳақидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиш
ва уни огоҳлантириб, иш юритишни тугатиш ҳақида)

2018 йил 23 апрель куни _____ туман маъмурий суди судьяси Ш. Назарова раислигида, судья ёрдамчиси Х. Муродовнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 90-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан Боқиев Умид Дилмурод ўғли, 1992 йил 25 апрелда _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, уйланмаган, илгари маъмурий жавобгарликка тортилмаган, _____ туманида жойлашган Амударё ирригацияси ташкилотида ишчи бўлиб ишлайди, _____ тумани “Гулбаҳор” маҳалласида истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2018 йил 15 январь куни Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича ҳудудий инспекциясининг _____ вилояти бўйича тезкор гуруҳи инспекторлари томонидан _____ тумани “Гулбаҳор” маҳалласи ҳудудида тезкор тадбир ўтказилганида, фуқаро У.Боқиев Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 33-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида “Ов ва балиқ овлаш қоидалари” талабларига зид



равишда тақиқланган балиқ овлаш тўрлари билан рухсатсиз балиқ овлаб юргани аниқланиб, 2 дона “Капрон” номли тўр ва 2 дона “Леска” номли тўр ашёвий далил тариқасида олиб қўйилиб, бу ҳақда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, иш ҳужжатлари судга тақдим қилинган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар У.Боқиев ўзига нисбатан қўйилган айбга иқрорлигини, ҳақиқатдан ҳам 2018 йил 15 январь куни _____ тумани “Гулбаҳор” маҳалласи Наврўз қишлоғини кесиб ўтган “Аму занг” каналида тақиқланган балиқ овлаш тўрлари билан рухсатсиз балиқ овлаб юрганлигини, шунда Биохилмахиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича ҳудудий инспекциясининг _____ вилояти бўйича тезкор гуруҳи инспекторлари хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, ўзларини таништириб, тақиқланган балиқ овлаш тўрлари билан рухсатсиз балиқ овлаб юрганини тушунтириб, баённома расмийлаштирганлигини ва 2 дона “Капрон” номли тўри ва 2 дона “Леска” номли тўрини далолатнома тузиб олиб қўйганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини таъкидлаб, оилавий шароити оғирлигини инобатга олиб, суддан ўзига нисбатан енгилроқ жазо беришни сўраб, тушунтириш берди.

Ҳуқуқбузар У.Боқиевнинг айби ўзига нисбатан тўпланган маъмурий иш ҳужжатлари бўйича айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, маъмурий иш материалида мавжуд бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, ҳуқуқбузар дастлабки суриштирувдаги тушунтириш хати, далолатнома, Усимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳақидаги баённома, далилий ашё сифатида олинган маҳсулотларни яроқлилиги ҳақидаги 2018 йил 23 январдаги 14-сонли _____ вилоят синов сертификатлаштириш марказининг хулосаси, нархлаш хулосаси, шунингдек бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топди.

Суд ҳуқуқбузар У.Боқиевнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 90-моддасининг иккинчи қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

МЖТК 90-моддасининг иккинчи қисмига кўра тегишли рухсати бўлмағи туриб ёки тақиқланган жойларда ёҳуд тақиқланган муддатларда,



тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш ёки балиқ тутиш, шунингдек ов қилиш ёки балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузиш, шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга, ёхуд шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига мувофиқ ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш умумий ва махсус фойдаланиш тартибида амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан умумий фойдаланиш жисмоний шахслар томонидан бепул, ёввойи ҳайвонларни уларнинг яшаш муҳитидан ажратиб олмаган (спорт ва ҳаваскорлик мақсадида балиқ овлаш бундан мустасно) ва уларга зарар етказмаган ҳолда амалга оширилади.

Ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш рухсатномалар асосида ҳақ эвазига амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 33-моддасида ов қилишни амалга ошириш шартлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра ов қилишга ҳайвонот дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун берилган рухсатномаларда кўрсатилган муддатларда ва жойларда йўл қўйилади.

Жисмоний шахсларга спорт ва ҳаваскорлик мақсадида ов қилиш учун рухсатнома овчилик билети, ўқотар овчилик қуролини (агар ундан фойдаланиш мўлжалланса) сақлаш ва олиб юриш учун рухсатнома бўлган тақдирда берилади.

Юридик шахсларнинг саноат мақсадида ов қилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Ов қилишни амалга ошириш чоғида ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги қоидаларда тақиқланган қуролларни ҳамда ов қилиш усулларини қўллашга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, МЖТКнинг 21-моддасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкинлиги кўрсатилган.

МЖТКнинг 31-моддасига мувофиқ айбдорнинг ўз қилмишидан



чин кўнгилдан пушаймон бўлиши маъмурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига киради.

МЖТКнинг 33-моддасига кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётганда жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инobatга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам энгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 8-бандида судья содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли деган хулосага келган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 21, 308¹-моддаси ва 310-моддасининг иккинчи қисми талаблари асосида ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, ишни юритишдан тугатади ва уни огоҳлантириш билан чегараланиши ҳақида тушунтирилган.

Суд ҳуқуқбузар У.Боқиевга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг шахсини, айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, биринчи марта маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганлигини, оилавий шароити оғир эканлигини инobatга олиб, унга нисбатан МЖТКнинг 21-моддасини қўллаган ҳолда огоҳлантириш билан кифояланишни, шунингдек, иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 100 метрлик 2 дона 65000 сўм қийматдаги “Капрон” номли тўрни ва 30 метрлик 2 дона 10000 сўм қийматдаги “Леска” номли тўрни давлат ҳисобига ўтказишни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 21, 31, 33, 309-311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Боқиев Умид Дилмурод ўғли Ўзбекистон Республикаси МЖТК 90-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбдор деб топилсин;

Боқиев Умид Дилмурод ўғли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг



21-моддасига асосан жавобгарликдан озод этилиб, огоҳлантирилсин;

Мазкур ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича иш юритиш тугатилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган 100 метрлик 2 дона 65 000 сўм қийматдаги “Капрон” номли тўр ва 30 метрлик 2 дона 10 000 сўм қийматдаги “Леска” номли тўр давлат ҳисобига ўтказилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Ш.Назарова



101-модда. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш

Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида)

2018 йил 19 апрель куни _____ туман маъмурий суди судьяси М.Маматов раислигида, судья ёрдамчиси Н.Нуруллаеванинг котиблигида, _____ тумани “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини биносидаги сайёр суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Останов Алимжон Эркинович 1986 йил 20 январда _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, илгари маъмурий жавобгарликка тортилмаган, вақтинча ишсиз, _____ тумани, “Гулистон” маҳалласи, 2-уйда истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг _____ туман бўлими ходимлари томонидан, туман ҳудудида электр энергиясидан фойдаланишни қонунийлиги, ўзбошимчалик билан қонунга ҳилоф тарзда электр тармоғига уланиб олиш ҳолатларини аниқлаш бўйича 2018 йил 13 январда ўтказилган рейд текширувида фуқаро Останов Алимжон Эркинович Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” талабларини бузиб, ўзи истиқомат қилувчи _____ тумани “Гулистон” маҳалласи, 2-уйда электр тармоғига ноқонуний уланиб, электр энергиясидан рухсатсиз



фойдаланиб келганлиги, бунинг натижасида давлатга 176 515 сўм зарар етказилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурдаги Мажбурий ижро бюросининг _____ туман бўлими тегишли ҳужжатлар расмийлаштириб, судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 294-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Шу муносабат билан, суд мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳуқуқбузар А.Останов ишни кўриб чиқиш жойи, вақти ҳақида огоҳлантирилган бўлса-да, номаълум сабабларга кўра суд мажлисига келмаганлигини инобатга олиб, ишни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 294-моддасига асосан суд ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Ҳуқуқбузар А.Остановнинг айби маъмурий иш материалида мавжуд бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидага баённома, далолатнома, ҳуқуқбузарнинг дастлабки суриштирувдаги тушунтириш хати ва бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд суриштирув органи томонидан ҳуқуқбузар А.Остановнинг ҳаракати МЖТКнинг 101-моддаси билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

МЖТКнинг ушбу моддасига кўра умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Иш ҳужжатларидан кўринишича, А.Останов томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик оқибатида давлатга 176 515 сўм зарар етказилган.

МЖТКнинг 38-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт ҳисобланади.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкӣ зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, маъмурий суд эса – бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади.

Шунингдек, МЖТКнинг 33-моддасига кўра орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўлланаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин.

Шулардан келиб чиқиб, суд ҳуқуқбузар А.Остановга жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб, унинг шахсини, оилавий аҳволини, оилавий шароити оғир эканлигини инобатга олиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, МЖТКнинг 101-моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жарима жазоси тайинлашни, шунингдек, иш бўйича етказилган 176 515 сўм зарарни А.Остановдан давлат фойдасига ундиришни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 33, 101, 309-311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Останов Алимжон Эркинович Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 101-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Останов Алимжон Эркиновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 101-моддаси билан шу Кодекснинг 33-моддасини



қўллаган ҳолда, энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 172240 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва у давлат даромадига ундирилсин;

Останов Алимжон Эркиновичдан ҳуқуқбузарлик оқибатида давлатга етказилган 176515 сўм зарар давлат фойдасига ундирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

М.Маматов



99-модда. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

*Ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш
ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида)

2017 йил 28 ноябрь куни _____ тумани маъмурий суди судьяси Ж.Қосимов раислигида, судья ёрдамчиси Б.Солиеванинг котиблигида ўз биносида, очиқ суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 99-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Қаҳҳоров Зоир Зоҳидович, 1969 йил 12 декабрда _____ шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, "BINO TA'MIRLASH" масъулияти чекланган жамиятининг қурилиш ишларига маъсул, корхона директори, _____ шаҳар, Қайрағоч 2-тор кўчаси, 36-уйда истиқомат қилувчига нисбатан _____ -сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ туман Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан амалга оширилган назорат ишлари натижасида _____ тумани, Жарариқ кўчасида жойлашган "195-сонли мактабгача таълим муассаси" объектида қурилиш ишларини амалга ошириш бўйича пудратчи ташкилот "BINO TA'MIRLASH" масъулияти чекланган жамиятининг қурилиш ишларига маъсул мансабдор шахси, яъни корхона директори Қаҳҳоров Зоир Зоҳидовичнинг _____ туман Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси томонидан 2017 йил 4 августда берилган 2296-сонли ёзма кўрсатма талабларини ўз вақтида бажармаганлиги аниқланган.



Шундан сўнг _____ туман Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиб, кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 294-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳуқуқбузар З.Қаҳҳоровга суд мажлисининг ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида тегишли тартибда хабар қилинган бўлсада, узрли равишда суд мажлисига келмаганлиги сабабли суд МЖТКнинг 294-моддасига асосан маъмурий ишни унинг иштирокисиз кўришни лозим топади.

Ҳуқуқбузар З.Қаҳҳоровнинг айби маъмурий иш материалида мавжуд бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, далолатнома, тушунтириш хати ва бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Шулардан келиб чиқиб, суд З.Қаҳҳоровнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида МЖТК 99-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

МЖТК 99-моддасининг биринчи қисмига кўра лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш талабларини, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, шунингдек давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд З.Қаҳҳоровга жазо чорасини белгилашда иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, уни шахсини, содир қилган ҳуқуқбузарликни хусусиятини, ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир қилганлигини



инобатга олган ҳолда, унга нисбатан жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 99, 309, 310, 311-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Қаҳҳоров Зоир Зоҳидович Ўзбекистон Республикаси МЖТК 99-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин;

Қаҳҳоров Зоир Зоҳидовичга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида, яъни 449 325 сўмлик жарима жазоси тайинлансин ва у давлат даромадига ундирилсин.

Қарордан норози қатнашувчилар қарор нусхасини олган кундан бошлаб, икки ой муддат ичида шу суд орқали _____ вилоят маъмурий судига шикоят беришлари ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Ж. Қосимов



22.01.2018 й.

№ _____

_____ шаҳар

_____ туман

“Гулсарой” маҳалла

фуқаролар йиғини раисига

ТАҚДИМНОМА

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 январдаги _____ -сонли қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 52-моддасининг иккинчи қисми ва 183-моддаси билан жавобгарликка тортилган Абдуллаев Баҳром Файзуллаевич, Абдуллаев Муродил Хабибуллаевич, Абдуллаева Муҳаббат Хабибуллаевна ва Акмалова Назокат Хабибуллаевналарга нисбатан маъмурий иш ҳужжатлари кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 52-моддасининг иккинчи қисми ва 183-моддаси билан улар айбдор деб топилган ва маъмурий жавобгарликка тортилган.

Суд иш ҳолатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилишида Абдуллаев Баҳром Файзуллаевич, Абдуллаев Муродил Хабибуллаевич, Абдуллаева Муҳаббат Хабибуллаевна ва Акмалова Назокат Хабибуллаевналар истиқомат қилувчи _____ туман “Гулсарой” маҳалла фуқаролар йиғинининг мутасадди ходимлари томонидан аҳоли ўртасида етарли даражада ҳуқуқий тарғибот ва тушунтириш ишлари йўлга қўйилмаганлиги сабабли ҳам юзага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддасига мувофиқ ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (мансабдор шахсга) кўрилган чоралар ҳақида маълум қилиши шарт.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 15 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор мажлисида жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш юзасидан тегишли топшириқлар



берилган. Унда ҳуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш, ушбу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, келгусида суднинг маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорида қайд этилгани каби ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш мақсадида маҳаллада истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида бу каби қонунбузилишининг оқибатлари юзасидан тегишли ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш учун тақдимнома киритиш орқали _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 январдаги _____ -сонли қарорини _____ туман “Гулсарой” маҳалла фуқаролар йиғини мутасадди ходимлари эътиборига етказишни лозим топади.

_____ туман “Гулсарой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 313-моддасига мувофиқ амалга оширилган чоратадбирлар натижаси ҳақида _____ туман маъмурий судига бир ой ичида ёзма равишда хабар берилсин.

Илова: 3 варақдан иборат қарор нусхаси.

Судья

Ш.Мўминов



Суд мажлиси баённомаси

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ

2017 йил 23 июнь кuni _____ туман маъмурий суди судьяси Д.Даминов раислигида, судья ёрдамчиси М.Махкамовнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида ҳуқуқбузарлар А.Дониёров ва Ф.Дониёроваларга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишни бошлади.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилди.

Раислик қилувчи суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Раислик қилувчи суд мажлисига кимлар келганини текширди.

Суд мажлиси котиби суд мажлисига ҳуқуқбузарлар А.Дониёров ва Ф.Дониёровалар келганлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчи ҳуқуқбузар Ф.Дониёрованинг шахсини аниқлашга ўтди. Ф.Дониёрова:

Мен, Дониёрова Феруза Солижоновна, 1975 йил 18 ноябрда _____ туманида туғилганман, миллатим ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман, маълумотим ўртамахсус, никоҳдан ажрашганман, 2 нафар вояга етмаган фарзандим бор, вақтинча ишсизман, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганман, _____ вилояти, _____ тумани, “Дўрмон” ҚФЙ, “Марказий” кўчаси, 65-уйда яшайман.

Ҳуқуқбузар Ф.Дониёрованинг шахси бўйича саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи ҳуқуқбузар Ф.Дониёровага Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчининг саволига ҳуқуқбузар Ф.Дониёрова қуйидагича жавоб берди:

– ушбу Кодексда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли;

– адвокат хизматига муҳтож эмасман.

Раислик қилувчи ҳуқуқбузар А.Дониёровнинг шахсини аниқлашга ўтди. А.Дониёров:

Мен, Дониёров Авазбек Акмал ўғли, 2001 йил 15 январда _____ туманида туғилганман, миллатим ўзбек,



Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман, маълумотим ўрта, уйланмаганман, 228-сонли мактаб ўқувчисиман, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганманман, _____ вилояти, _____ тумани, “Дўрмон” ҚФЙ, “Марказий” кўчаси, 65-уйда яшайман.

Ҳуқуқбузар А.Дониёровнинг шахси бўйича саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи ҳуқуқбузар А.Дониёровга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасида белгиланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўқиб эшиттирди.

Раислик қилувчининг саволига ҳуқуқбузар А.Дониёров қуйидагича жавоб берди:

– ушбу Кодексда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларим тушунарли;

– адвокат хизматига мухтож эмасман.

Раислик қилувчи ҳуқуқбузар Ф.Дониёровага сўз берди.

Ҳуқуқбузар Ф.Дониёрова:

Ҳурматли раислик қилувчи, ҳақиқатдан ҳам содир бўлган ҳуқуқбузарликда айбим бор, ўғлим А.Дониёров автотранспортни рухсатсиз олиб кетган, унинг автотранспортни ҳайдашга рухсатномаси бўлмаган, вояга етмаган ҳамда белгиланмаган жойдан йўл ҳаракати қоидалари талабларини бузган ҳолда ҳаракатланган, лекин суд томонидан “Матиз” русумли автотранспорт воситасини тўхташ имконияти бор-йўқлиги текширилмаган ҳамда унга етказилган зарар баланд нархда ҳисобланган. Юқоридагиларни инобатга олиб, суддан қонуний енгилроқ жазо беришни сўрайман.

Раислик қилувчининг саволига ҳуқуқбузар Ф.Дониёрова қуйидагича жавоб берди:

– етказилган зарарни тўлаб бериш бўйича суғурта компаниясига мурожаат қилганман, лекин улар кейинчалик тўланган пул суммасини регресс тартибда мендан ундириб олишларини айтишган;

– ўша куни воқеа содир бўлган жойга ўзимга таниш бўлган уста билан бирга борганимда у “Матиз” русумли автомашинага 600 000 сўм атрофида зарар етказилганлигини айтган эди;

– “АВТО ВАНОЛАШ” масъулияти чекланган жамияти томонидан “Матиз” автомашинасига етказилган зарар юқори нархда баҳоланган.

Раислик қилувчи суд мажлисида 2017 йил 24 июнь куни соат 11:00га қадар танаффус эълон қилди.



Суд мажлиси 2017 йил 24 июнь куни соат 11:00да ўзгармаган суд таркибида давом эттирилди.

Раислик қилувчи суд мажлисига кимлар келганини текширди.

Суд мажлиси котиби суд мажлисига ҳуқуқбузарлар Ф.Дониёрова ва А.Дониёров, гувоҳлар А.Сағдуллаев ва С.Зокировлар келганлиги ҳақида ахборот берди.

Раислик қилувчининг кўрсатмасига кўра гувоҳ С.Зокиров суд залидан алоҳида хонага чиқди.

Раислик қилувчи гувоҳ А.Сағдуллаевнинг шахсини аниқлашга киришди. Гувоҳ А.Сағдуллаев:

Мен, Сағдуллаев Акбар Комилович, 1986 йил 20 июнь куни _____ шаҳрида туғилганман, миллатим ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман, маълумотим олий, оилалиман, 3 нафар фарзандим бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганман, "AVTO BAHOLASH" МЧЖ директори лавозимида ишлайман, _____ тумани, Қўрғонча кўчаси, 9-уйда яшайман.

Гувоҳ А.Сағдуллаевнинг шахси бўйича саволлар бўлмади.

Гувоҳ А.Сағдуллаев ёлғон гувоҳлик берганлик ёки суддан ҳақиқатни яширганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-240-моддалари билан жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилди ҳамда бу ҳақда тилхатга имзо чекди.

Раислик қилувчи гувоҳ А.Сағдуллаевдан иш юзасидан ўзига маълум бўлган ҳолатлар бўйича гувоҳлик беришни сўради.

Гувоҳ А.Сағдуллаевнинг кўрсатмаси: 2017 йил 20 март куни содир бўлган тўқнашув натижасида "Матиз" русумли автотранспорт воситасига етказилган зарар юзасидан 2017 йил 28 март куни 2679-сонли баҳолаш хулосаси тузилган, баҳолаш қабул қилинган қонун нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси томонидан тасдиқланган баҳолаш стандартлари асосида амалга оширилган, етказилган зарар суммасини тўғри баҳолаган.

Раислик қилувчининг саволига гувоҳ А.Сағдуллаев қуйидагича жавоб берди:

– баҳолаш вақтида машинани эҳтиёт қисмларининг нархи ўша кунги бозор нархида суриштирилади.

Ҳуқуқбузар Ф.Дониёрованинг саволига гувоҳ А.Сағдуллаев қуйидагича жавоб берди:

– сиз ҳозирда ушбу тўловни амалга ошира олмасангиз, бу ҳақда



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги жамғармага мужоаат қилишингиз мумкин.

Гувоҳ А.Сағдуллаевга бошқа саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи суд залига гувоҳ С.Зокировни таклиф этиб, унинг шахсини аниқлашга киришди. Гувоҳ С.Зокиров:

Мен, Зокиров Сарвар Хошимович, 1979 йил 23 мартда _____ шаҳрида туғилганман, миллатим ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман, маълумотим ўрта, оилалиман, 3 нафар фарзандим бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганман, _____ тумандаги “Баҳор” хусусий корхонасида ишчиман, _____ тумани, Дилнаво кўчаси, 14-уйда яшайман.

Гувоҳ С.Зокировнинг шахси бўйича саволлар бўлмади.

Гувоҳ С.Зокиров ёлғон гувоҳлик берганлик ёки суддан ҳақиқатни яширганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 238-240-моддалари билан жавобгарликка тортилиши юзасидан огоҳлантирилди ҳамда бу ҳақда тилхатга имзо чекди.

Раислик қилувчи гувоҳ С.Зокировдан иш юзасидан ўзига маълум бўлган ҳолатлар бўйича кўрсатув беришни сўради.

Гувоҳ С.Зокировнинг кўрсатмаси: 2017 йил 20 март куни тўқнашув содир бўлган жойга танишим Ф.Дониёрова билан бирга етиб келганмиз, ўша вақтда “Матиз” русумли мазкур автомашина тўхташ чизиғини босган ҳолатда эди, бу ерда ушбу автомашина эгаси оралиқ масофани сақламаган. Шунингдек, етказилган зарар “АВТО ВАНОЛАШ” МЧЖ томонидан нуқори нархда ҳисобланган.

Раислик қилувчи тарафлардан кўрилатган иш юзасидан қўшимча ва саволлар бор-йўқлигини сўради.

Қўшимча ва саволлар бўлмади.

Раислик қилувчи маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларини ўрганиб, қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага чиқди.

Раислик қилувчи алоҳида хонадан чиқиб, иш юзасидан қабул қилинган қарорни эълон қилди.

Раислик қилувчи қарор устидан шикоят қилиш тартиби ва муддатини, шунингдек суд мажлиси баённомаси билан танишиб чиқиш тартибини тушунтириб ўтди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи

Д. Даминов

Суд мажлиси котиби

М. Махкамов



Суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(Суд-психиатрия экспертизаси тайинлаш ҳақида)

2017 йил 25 август куни, _____ туман маъмурий суди судьяси Ж.Мадаминов раислигида, судья ёрдамчиси С.Абдуллаевнинг котиблигида, _____ туман прокурорининг катта ёрдамчиси С.Омонова, ҳимоячи Б.Қодировнинг иштирокида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183, 189³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик бўйича Олимов Баҳодир Бурибаевичга оид _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ туман маъмурий судига _____ туман ИИБ томонидан Сизга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183, 189³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик бўйича Олимов Баҳодир Бурибаевичга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича тўпланган иш материаллари юборилган.

_____ туман маъмурий суди томонидан мазкур ҳолат юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўзғатилган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар Олимов Баҳодир Бурибаевич ўз кўрсатувларини суриштирув вақтида ёзган тушунтириш хатидаги кўрсатувларига умуман мос келмайдиган тарзда бермоқда.

Суд мажлисида судланувчи ҳуқуқбузар Олимов Баҳодир Бурибаевичнинг ҳимоячиси судга тақдим қилган 2017 йил 17 августдаги врач-психиатр А.Ботиров томонидан берилган 23-сонли йўлланмада Олимов Баҳодир Бурибаевични даволанишга муҳтож эканлиги баён қилиниб, у _____ вилоят Асаб-рухий касалликлари шифохонасида ётиб даволаниши кераклиги ёзилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 299-моддасига мувофиқ хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.



Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

Эксперт: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганда тартибга риоя қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонуни 17-моддасининг биринчи қисмига кўра суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки судьянинг қарори, суднинг ажрими суд экспертизасини ўтказиш асосларидир. Суд экспертизаси тегишли қарор ёки ажрим чиқарилган кундан эътиборан тайинланган ҳисобланади.

Шу муносабат билан, суд ҳуқуқбузар Олимов Баҳодир Бурибаевични руҳий ҳолатини аниқлаш мақсадида суд-психиатрия экспертизаси тайинлашни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 299, 309, 311-моддаларини қўллаб, суд ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183, 189³-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлик бўйича Олимов Баҳодир Бурибаевичга оид _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича суд-психиатрия экспертизаси тайинлансин.

Суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш _____ вилояти Асаб-рухий касалликлар диспансери экспертларига топширилсин.



Экспертлар олдига ҳал этишлик учун қуйидаги саволлар қўйилсин:
Ҳуқуқбузар Б.Олимов ҳуқуқбузарлик содир қилган вақтида ўзининг ҳаракатларига жавоб бера оладиган ҳолатда бўлганми?

Ҳуқуқбузар Б.Олимов ўзининг руҳий ҳолатига кўра тўғри кўрсатма бериш ва суд процессининг бошқа ҳаракатларида иштирок этишга қодирми?

Ҳуқуқбузар Б.Олимов ҳозирда руҳий касалми ва мажбурий даволанишга муҳтожми?

Ҳуқуқбузар Б.Олимов руҳий жиҳатдан касал бўлса, унинг касаллиги сурункалими ёки муайян вақт мобайнида тузалиши мумкинми?

Экспертлар ихтиёрига _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид зарур материаллар юборилсин.

Мазкур экспертизани ўтказишда Б.Олимовнинг иштироки таъминлансин.

Қарор ижросини таъминлаш _____ туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Судья

Ш.Султонов



3-БОБ.

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

Суд чақирув қоғози

2018 йил 12 апрель

№ _____

_____ тумани, Дархон
кўчаси, 12-уйда яшовчи
фуқаро Хайдаров Абдулазиз
Ибрагимовичга

СУД ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ

_____ вилоят маъмурий суди томонидан _____ туман маъмурий судининг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида (майда безорилик) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича _____ -сонли иш юзасидан 2018 йил 27 мартдаги “ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топиш ва жарима жазоси тайинлаш тўғрисида”ги қароридан норози бўлиб берган кассация шикоятингизни маъмурий иш материаллари билан бирга кўриб чиқиш учун суд мажлиси 2018 йил 17 апрель куни соат 10:10 га тайинланди.

Суд мажлиси _____ вилоят маъмурий суди биносида бўлиб ўтади. Ушбу суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун етиб келишингиз сўралади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 294-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш



юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Шунга мувофиқ, агар Сиз белгиланган вақтда суд мажлисига келмаган тақдирингизда мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш Сизнинг иштирокингизсиз кўриб чиқилиши маълум қилинади.

Манзил: _____ шаҳри, Навоий кўчаси 2-уй, _____ вилоят маъмурий суди биноси.

Судья

М.Махкамова

.....

_____ 2018 йил 17 апрель куни соат 10:10да
_____ вилоят маъмурий суди биносида бўлиб ўтадиган суд
мажлисига чақирилганлиги тўғрисидаги чақирув қоғозини олдим.

2018 йил ___ апрель

А.Хайдаров



Биринчи инстанция суди қарорини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдириш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(кассация инстанцияси суди)

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья С. Азизов
Кассация инстанцияси судида
судья Д. Жасуров

2018 йил 14 июнь куни _____ вилоят маъмурий суди судьяси Д. Жасуров раислигида, судья катта ёрдамчиси К. Юлдашевнинг котиблигида, ўз биносидаги очиқ суд мажлисида ҳуқуқбузарлар А. Полвонов ва К. Жавлиевларнинг иштирокида, ҳуқуқбузарлар А. Полвонов ва К. Жавлиевлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси ва 194-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2018 йил 16 майдаги қарори устидан А. Полвонов томонидан берилган кассация шикояти асосида ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 16 майдаги қарорига кўра Полвонов Азиз Ахмеджанович, 1985 йил 13 февраль куни _____ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “Сервис” МЧЖда ишчи, уйланмаган, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, _____ тумани, Марказ кўчаси, 16-уй, 3-хонадонда яшовчи

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 183-моддаси ва 194-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида, яъни 516 720 сўм жарима жазоси тайинланган.



Мазкур суд қарори билан К.Жавлиев ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, қарорнинг унга оид қисмига нисбатан шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли қарорнинг К.Жавлиевга оид қисми суд мажлисида кўриб чиқилмайди.

Аниқланишича, 2018 йил 16 май куни соат 12:30ларда _____ тумани, “Тароқли” маҳалласи, 5-уй олдидаги гаражни бузилиши муносабати билан ҳокимият вакили, МФЙ раиси ва ИИБ ходимлари гараж жойлашган жойга боришганида, шу ерда яшовчи фуқаролар Полвонов Азиз Ахмеджанович ва Жавлиев Комил Ботировичлар жамоат жойида бақир-чақир қилиб, сўкиниб, жанжал қилганлиги, омма эътиборини ўзига қаратганлиги, шунингдек милиция ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлиги юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга юборилган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 16 майдаги қарори билан А.Полвонов Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқ-бузарликларни содир қилганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида, яъни 516 720 сўм жарима жазоси тайинланган.

Ҳуқуқбузар А.Полвонов биринчи инстанция судининг қароридан норози бўлиб, кассация шикояти билан мурожаат қилган ва унда суднинг қароридан норозилиги, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилмаганлиги, ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари йўқлигини билдириб, суд қарорини бекор қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар А.Полвонов кассация шикоятидаги вазларини тасдиқлаб, 2018 йил 16 май куни соат 12:30ларда _____ тумани “Тароқли” маҳалласи 5-уй олдидаги гаражни бузилиши муносабати билан бир гуруҳ шахслар келганлигини кўриб, уларнинг кимлигини, нима мақсадда келганлигини сўраганлигини, шунда улар унинг саволига жавоб бермаганлигини, ИИБ ходимлари асоссиз равишда уни камаридан судраб хизмат автомашинасига мажбуран ўтқазишга ҳаракат қилишганлигини, қонунбузилиш ҳолатини қайд этиш учун телефонига видеотасвирга олишни бошлаганлигини, бақир-чақир қилмаганлигини, ИИБ ходимларининг қонуний талабларини бажарганлигини, ИИБ ходимлари унга куч ишлатиб, қўлидан телефонини олиб қўйишга ҳаракат қилишганлигини, уларга телефонини бермасдан, таниши К.Жавлиевга берганлигини, ИИБ ходимлари К.Жавлиевга ҳам тазйиқ ўтказиб, ундан телефонини



олиб қўйишга ҳаракат қилишганлигини, ИИБ ходимлари уларни асоссиз равишда куч ишлатиб, ШИИБга олиб кетишганлиги ҳамда ИИБ ходимларининг тазйиқи остида унга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатларни имзолаганлигини, ИИБ ходимларининг ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари юзасидан _____ туман прокуратурасига мурожаат қилганлигини, шу куннинг ўзида ҳолат юзасидан суд бўлиб, унга нисбатан жазо тайинланганлигини, биринчи инстанция суди унинг важларини инобатга олмасдан ва иш ҳолатини тўлиқ ўрганмасдан, қарор қабул қилганлигини, аслида у ҳуқуқбузарликни содир қилмаганлигини, ҳаракатларида ҳуқуқбузарик аломатлари мавжуд эмаслигини билдириб, биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиб, адолатли қарор қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар К.Жавлиев 2018 йил 16 май куни соат 12:30ларда таниши А.Полвонов билан унинг яшаш жойига келганида _____ тумани “Тароқли” маҳалласи, 5-уй олдидаги гаражни бузилиши муносабати билан бир қатор шахслар келганлигини кўрганлиги, А.Полвонов улардан нима мақсадда келганлигини сўраганида, улар қўпол муомалада бўлиб, ўз ҳужжатларини кўрсатмасдан, унга ташланиб кетишганлиги, у ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик содир қилмаганлиги, сўкинмаганлиги, бақир-чақир қилмаганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Б.Ҳақимов _____ тумани 4-сонли ШИИБда профилактика инспектори лавозимида хизмат қилишлиги, 2018 йил 16 май куни соат 12:30ларда _____ тумани “Тароқли” маҳалласи, 5-уй олдидаги ноқонуний қурилган гаражни бузиш тўғрисидаги шаҳар ҳокимининг қарорини таъминлаш муносабати билан туман ҳокимияти вакили, МФЙ раиси ва ИИБ ходимлари боришганлиги, мазкур қарорнинг нухсасини келган фуқароларга тақдим этишганлиги, ҳокимият вакиллари ўзларини таништирганликлари, ноқонуний равишда қурилган гаражлар бузилиши тўғрисида фуқаролар огоҳлантирилганлиги, А.Полвонов ва К.Жавлиевлар ҳокимият вакилининг олдида бориб, ўзаро жанжал қилганликлари, МФЙ раиси ва ИИБ ходимлари уларни тинчлантиришга ҳаракат қилиб, ҳолатни тушунтирганлиги, бироқ А.Полвонов ва К.Жавлиевлар жанжал қилишни давом эттириб, ҳолатни видеотасвирга олишни бошлаганликлари, улардан видеотасвирга олмасликни, жамоат тартибини сақлаш сўралганлиги, бироқ улар ИИБ ходимининг қонуний талабларини бажармасдан тўполон қилишни давом эттирганликлари,



сўнг уларни ШИИБ биносига олиб борганликлари, дастлабки суриштирув ҳаракатлари даврида А.Полвонов ва К.Жавлиевларга нисбатан руҳий ва жисмоний тазйиқ ўтказилмаганлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Ж.Гайнуллин 2018 йил 16 май куни соат 12:30ларда _____ тумани “Тароқли” маҳалласи, 5-уй олдидаги гаражни бузилиши муносабати билан ҳокимият вакили, МФЙ раиси ва ИИБ ходимлари келишганлиги, ноқонуний равишда қурилган гаражларнинг бузилиши тўғрисида огоҳлантирилганликлари, шу ҳудудда яшовчи фуқароларнинг бундан хабари бўлганлиги, ҳокимият вакиллари ўзларини таништирганликлари, гаражларда огоҳлантириш хатлари ёзилганлиги, А.Полвонов ва К.Жавлиевлар гаражни бузилишига норози бўлганида ходимлар _____ шаҳар ҳокимининг қарорини кўрсатганликлари, А.Полвонов майда безорилик содир қилганлиги, ҳолатни А.Полвонов видеога олганида ИИБ ходимлари унга норозилик билдиришганликлари, ходимлар А.Полвоновнинг телефонини олишга ҳаракат қилишганликлари, А.Полвонов ва К.Жавлиевларнинг ҳокимият вакиллари ва ИИБ ходимлари билан баланд овозда гаплашганликларини кўрганлиги тўғрисида кўрсатма берди.

Суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган Н.Бабаян 2018 йил 16 май куни соат 12:30ларда _____ тумани, Тароқли маҳалласи, 5-уй олдидаги гаражни бузилиши муносабати билан ИИБ ходимларини кўрганлиги, воқеа содир бўлган жойга кечроқ келганлиги, А.Полвонов ҳокимият вакиллари билан баланд овозда гаплашганлигини кўрганлиги, гаражларнинг бузилиши тўғрисида огоҳлантирилганлиги, А.Полвонов воқеани видеога олганидан кейин уни ШИИБга олиб кетишганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Кассация инстанцияси суди ҳуқуқбузар А.Полвонов, К.Жавлиев ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қабул қилинган биринчи инстанция судининг қарорини ўзгартирмас, шикоятни қаноатлантиришсиз қолдиришни лозим топади:

А.Полвонов ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этганлигига иқрорлик билдирмаган бўлса-да, унинг мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби ишдаги мавжуд ҳужжатлар, жумладан маъмурий баённомалар, ички ишлар ходимининг билдиргиси, тушунтириш хатлари, далолатнома ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз исботини топган.



Жумладан, гувоҳларнинг кўрсатмалари билан А.Полвонов майда безорилик содир қилганлиги, ҳолатни А.Полвонов видеога олганида ИИБ ходимлари унга норозилик билдиришганликлари, ходимлар А.Полвоновнинг телефонини олишга ҳаракат қилишганликлари, А.Полвонов ва К.Жавлиевларнинг ҳокимият вакиллари ва ИИБ ходимлари билан баланд овозда гаплашганликлари, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкканликлари, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларни содир этишганликлари, шунингдек ички ишлар ходимининг қонуний талабларини бажармаганликлари аниқланди.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик содир этилаётган вақтда А.Полвонов томонидан олинган видеотасвир ҳам улар томонидан юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликларини кўрсатиб турибди.

Юқоридагиларга асосан биринчи инстанция суди А.Полвоновнинг “майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик”да ифодаланган ҳаракатини МЖТКнинг 183-моддаси билан ҳамда “милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, милицияга бориш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабларини бажармай милицияга келмаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик”да ифодаланган ҳаракатини МЖТКнинг 194-моддасининг биринчи қисми билан тўғри малакалаган ва асосли равишда унга нисбатан МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида, яъни 516720 сўм жарима жазоси тайинлаган.

МЖТК 321-моддасининг иккинчи қисмига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун: орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши;



орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва ушбу Кодекс Махсус қисмининг қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Лекин юқорида таъкидланганидек, иш ҳужжатларини ўрганиш натижасида мазкур асослар аниқланмади. Яъни, биринчи инстанция суди А. Полвоновга нисбатан жарима жазосини тайинлаб тўғри хулосага келган. Шу боис кассация инстанцияси суди мазкур суд қарорини ўз кучида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183, 194, 321, 324⁷-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси суди

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

_____ туман маъмурий судининг _____-сонли иш бўйича 2018 йил 16 майдаги қарорининг Полвонов Азиз Ахмеджоновичга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Кассация шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Қарордан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

Д. Жасуров



Жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартириш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(кассация инстанцияси суди)

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья А. Азимов
Кассация инстанцияси судида
судья К. Жамолов

2018 йил 31 май куни _____ вилоят маъмурий суди судьяси К. Жамолов раислигида, судья катта ёрдамчиси Б. Пўлатовнинг котиблигида, ўз биносидаги очиқ суд мажлисида ҳуқуқбузар С. Арипованинг иштирокида, С. Арипов ва бошқалар томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2018 йил 15 майдаги қарори устидан С. Арипов томонидан берилган кассация шикоят асосида ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 15 майдаги қарорига кўра

Арипова Сарвара Таировна, 1963 йил 4 март куни _____ шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, _____ туман 2-сон клиникасида фаррош, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, _____ шаҳри, Шоир кўчаси, 23-уйда яшовчи

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилганликда айбдор деб топилб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида, яъни 861 200 сўм жарима жазоси



тайинланган.

Мазкур қарор билан Ж.Арипов ва Л.Ариповлар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, қарорнинг уларга оид қисмига нисбатан шикоят ёки протест келтирилмаганлиги сабабли, қарорнинг Ж.Арипов ва Л.Ариповларга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Аниқланишича, Арипов Жаҳонгир Таирович, Арипова Сарвара Таировна ҳамда Арипов Лазиз Таировичлар 2018 йил 5 май куни _____ тумани, Шоир кўчаси, 23-уйда бир-бирларини шаъни ва қадр-қимматини камситувчи сўзлар билан ҳақорат қилганлар.

Шундан сўнг Ж.Арипов ва Л.Ариповлар _____ тумани ИИБга мурожаат қилиб, С.Ариповага нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. _____ тумани ИИБ иш ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириб, судга тақдим қилган.

Ҳуқуқбузар С.Арипова биринчи инстанция судининг қароридан норози бўлиб, _____ вилоят маъмурий судига берган кассация шикоятда у пенсионер ҳисобланиши, оилада ёлғиз эканлиги, эҳтиёжманд фуқаролар рўйхатида туриши, ҳуқуқбузарликни кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзга келганлиги оқибатида содир қилганлиги, қилмишидан чин дилдан пушаймон эканлиги, укалари Ж.Арипов ва Л.Ариповлардан узр сўраганлигини билдириб, тайинланган жарима жазосини камайтириб беришни сўраган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар С.Арипова шикоятдаги важларини тасдиқлаб, айбига иқрорлиги, ёлғиз яшашлиги, қилмишидан пушаймонлиги, тайинланган жарима жазосини тўлай олмаслигини билдириб, тайинланган жарима жазосидан озод қилиб, огоҳлантириш билан кифояланишни сўради.

Кассация инстанцияси суди ҳуқуқбузар С.Арипованинг кўрсатмасини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари асосида ўрганиб, қуйидагиларга асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қабул қилинган суд қарорини ўзгартиришни лозим топади.

Биринчи инстанция судида С.Арипованинг мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби маъмурий баённома, қарор, ички ишлар ходимининг билдиргиси, аризалар, тушунтириш хатлари ҳамда ишда бошқа ҳужжатлар билан ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди С.Арипованинг “ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш”да ифодаланган



ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан тўғри квалификация қилган. Мазкур моддага асосан ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситиш энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКнинг 31-моддасига асосан маъмурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

МЖТКнинг 307-моддасига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни энгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

Биринчи инстанция суди С.Ариповага нисбатан жазо тайинлашда энгиллаштирувчи ҳолатларни, яъни унинг оилавий шароити, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкциясида



белгиланган энг кам жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлаган бўлса-да, бироқ унинг шахси, оилада ёлғиз эканлиги, боқувчисининг йўқлиги, нафақада эканлиги, бундан ташқари ҳуқуқбузарликни кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этганлиги, ҳуқуқбузарликнинг характери ва бошқа ҳолатларни инobatга олмасдан, бир мунча оғирроқ жазо тайинлаган.

Баён этилганларга қўра кассация инстанцияси суди ҳуқуқбузар С.Арипованинг шахси, оилавий шароити, айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, ёлғиз яшашлиги ва бошқа ҳолатларни инobatга олиб, унга нисбатан такроран МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, тайинланган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазосини тайинлашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 21, 33, 321, 324⁷-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси суди

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

_____ туман маъмурий судининг _____-сонли иш бўйича 2018 йил 15 майдаги чиқарган қарорининг Арипова Сарвара Таировнага нисбатан қисми ўзгартирилсин.

Арипова Сарвара Таировнага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланиб, энг кам иш ҳақининг 3 (уч) баравари миқдорида, яъни 516720 (беш юз ўн олти минг етти юз йигирма) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Кассация шикояти қаноатлантирилсин.

Қарордан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

К. Жамолов



Биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор

Қ А Р О Р

(кассация инстанцияси суди)

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья А. Казаков
Кассация инстанцияси судида
судья К. Турдиев

2018 йил 1 март куни _____ вилоят маъмурий суди судьяси К. Турдиев раислигида, судья катта ёрдамчиси Б. Ботировнинг котиблигида, ўз биносидаги очиқ суд мажлисида адвокат О. Холмўминов (2018 йил 1 февралдаги 5-сонли ордер) иштирокида, С. Мирзаев томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2018 йил 15 февралдаги қарори устидан адвокат О. Холмўминов томонидан берилган кассация шикоятни асосида ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 15 февралдаги қарорига кўра

Мирзаев Содиқжон Ботирович 1963 йил 8 августда _____ туманида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, умумий овқатланиш корхонасида қоровул бўлиб ишлайди, _____ шаҳар, Олмазор МФЙ, Боғбон кўчаси, 15-уйда яшовчи

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 40-моддаси билан айбдор деб топилган ва ушбу Кодекснинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдорида 861 200 сўм жарима жазоси тайинланган.



Биринчи инстанция судининг қароридан норози бўлган С.Мирзаевнинг адвокати О.Холмўминов 2018 йил 25 февралда _____ вилоят маъмурий судига кассация шикоятни билан мурожаат қилган.

Кассация инстанцияси суди иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, шикоят важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Иш ҳужжатларига кўра С.Мирзаев 2018 йил 25 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг _____ тумани халқ қабулхонасига ариза билан мурожаат қилиб, унда 2009 йилда _____ шаҳар, _____ кўчаси кенгайиши муносабати билан унга тегишли бўлган савдо дўкони бузилишга тушганлиги, унинг ўрнига бошқа жой ёки дўкон берилмаганлиги, фуқаро О.Алимов мансабдор шахсларга пора бериш эвазига унга тегишли бўлган ер майдонига бино қуриб олганлиги, бунинг натижасида унинг мулкига зарар etkazилганлигини баён қилган.

Шундан сўнг О.Алимов _____ туман прокуратурасига мурожаат қилиб, С.Мирзаев томонидан унга туҳмат қилинаётганлигини ёзган ва С.Мирзаевга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган. _____ туман прокуратурасининг 2018 йил 25 январдаги қарори билан мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатиш рад қилинган. Қарорда С.Мирзаевга нисбатан тўпланган материаллар МЖТКнинг 40-моддасига асосан маъмурий чора кўриш учун судга юборилиши кўрсатилган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш судга 2018 йил 10 февраль куни тақдим этилган.

МЖТКнинг 40-моддасига мувофиқ туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Гарчанд адвокат О.Холмўминов С.Мирзаевнинг айбсизлигини таъкидласада, унинг биринчи инстанция суд мажлисидаги тушунтиришларида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада, жабрланувчи О.Алимов туман ҳокими С.Абдуллаев, архитектор М.Саидов ва ҳокимликнинг қурилиш бўлими мутахассиси М.Мирзаевларга пора берганлигини шахсан ўзи кўрмаганлигини, гувоҳ бўлмаганлигини, фақат гумони бўлганлиги сабабли шундай деб ёзганлигини кўрсатиб ўтган.

МЖТКнинг 36-моддасида маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса,



ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин, деб кўрсатилган.

Ушбу Кодекс 271-моддасининг 7-бандига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

Биринчи инстанция суди С.Мирзаевнинг ҳуқуқбузарлик содир қилганликда айбдор эканлиги ҳақида тўғри хулосага келган бўлсада, унга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юқоридаги МЖТК моддасида белгиланган тартибда тугатмасдан, мазмунан кўриб, жазо тайинлаш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Чунки С.Мирзаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг _____ тумани халқ қабулхонасига ариза билан мурожаат қилиб, 2009 йилда _____ шаҳар, _____ кўчаси кенгайиши муносабати билан унга тегишли бўлган савдо дўкони бузилишга тушганлиги, унинг ўрнига бошқа жой ёки дўкон берилмаганлиги, фуқаро О.Алимов мансабдор шахсларга пора бериш эвазига унга тегишли бўлган ер майдонига бино қуриб олганлиги, бунинг натижасида унинг мулкига зарар етказилганлигини баён қилган ҳолати бўйича МЖТКнинг 36-моддасида белгиланган муддат ўтиб кетган. Ушбу моддага кўра маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Юқоридаги ҳолатда бир йилдан ортиқ муддат ўтиб кетган, яъни ҳуқуқбузарлик ҳолати 2009 йилда содир қилинган бўлса, бугунги кунга келиб, унинг содир қилинганлигига 9 йил муддат ўтган. Биринчи инстанция суди эса мазкур ҳолатни эътиборга олмасдан қарор қабул қилган.

Юқоридагиларга кўра кассация инстанцияси суди суд қарорини бекор қилиб, Мирзаев Содиқжон Ботировичга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни тугатишни, жабрланувчи О.Алимовга ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида умумий асослар ва тартибда фуқаролик ишлари



бўйича судга муурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни лозим топади.
Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 271, 321, 324⁷-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 15 февралдаги _____-сонли иш юзасидан чиқарилган қарори бекор қилинсин;

Кассация шикояти қисман қаноатлантирилсин;

Мирзаев Содиқжон Ботировичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасига асосан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилсин;

Мирзаев Содиқжон Ботирович маъмурий жавобгарликдан озод қилинсин;

Жабрланувчи О.Алимовга ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин;

Қарордан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

К. Турдиев



*Биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилиш
ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисидаги қарор*

Қ А Р О Р

(кассация инстанцияси суди)

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья А. Махмудов
Кассация инстанцияси судида
судья М. Бакиров

2018 йил 27 июнь куни _____ вилоят маъмурий суди судьяси М. Бакиров раислигида, судья катта ёрдамчиси Б. Ботировнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида _____ вилоят прокурори ёрдамчиси Ш. Воситов иштирокида, Б. Акбаров томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 136-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2018 йил 15 майдаги қарори устидан _____ вилоят прокурори ўринбосари томонидан келтирилган кассация шикоят асосида ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 15 майдаги қарорига кўра Акбаров Баҳодир Ботирович, 1985 йилда _____ вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, _____ вилояти, _____ тумани, Кўктерак ҚФЙ, Улуғбоғ кўчаси, 23-уйда яшовчи

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, унга нисбатан 3 ой муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси тайинланган.

_____ вилоят прокурори ўринбосари мазкур суд қароридан



норози бўлиб, протест келтирган.

Аниқланишича, Б.Акбаров 2018 йил 10 май куни соат 21:50 ларда ўз бошқарувидаги “Спарк” русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашинасида _____ шаҳри, _____ тумани ҳудудида ҳаракатланиб кетаётганида ИИБ ЙПХБ ходимлари томонидан тўхтатилиб, у спиртли ичимлик истеъмол қилганликда гумонланиб, унга тиббий кўрикдан ўтказиш таклиф қилинганда, у мастлиги ёки маст эмаслигини белгиланган тартибда аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаган, шунингдек ИИБ ЙПХБ ходимларига қўполлик қилиб, жамоатчилик эътиборини ўзига жалб қилган.

Протестда суд томонидан Б.Акбаровга жазо тайинлашда унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси асосиз равишда қўлланилиб, енгил жазо тайинланганлиги кўрсатилиб, суд қарорини бекор қилиб, ишни янгитдан кўриш учун юбориш сўралган.

Бугунги суд мажлисида _____ вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Воситов протестда келтирилган важларни тўлиқ қўллаб-қувватлашини билдириб, уни қаноатлантиришни сўради.

Кассация инстанцияси суди қуйидаги асосларга кўра суд қарорини бекор қилиб, ишни қайтадан кўриш учун юборишни лозим деб ҳисоблайди.

МЖТКнинг 22-моддасида маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши, 33-моддасида суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўллаши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги қарорининг 1-бандида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришда қонун талабларига қатъий риоя этиш зарурлиги, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг



муқаррарлиги принципларига судьяларнинг эътибори қаратилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

МЖТКнинг 31-моддасига кўра маъмурий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;

3) ҳуқуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;

4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Биринчи инстанция суди юқоридаги Кодекс ва Олий суд Пленуми қарори талабларига риоя этмасдан, Б.Акбаров томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати юзасидан унга нисбатан жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатларни етарлича асослантормасдан, яъни Б.Акбаровнинг яшаш жойидан унинг оилавий аҳволи ҳақида тегишли ҳужжатларни олмасдан туриб, унинг автомашинаси оиласининг ягона тирикчилик манбаи, ўзи эса ёлғиз оила боқувчиси эканлиги ҳақида асоссиз тўхтама келиб, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига амал қилмасдан, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ тайинлаш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Бундай ҳолатда суд қарорини қонуний, асосли ва адолатли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Б.Акбаровга оид суд қарорини бекор қилишни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни бошқа



суд таркибида қайтадан кўриш учун юборишни, кўрсатилган камчиликларни бартараф қилиб, шундан сўнггина ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо берилиши лозим ҳисобланади.

Шуларга кўра кассация инстанцияси суди Б.Ақбаровга нисбатан чиқарилган суд қарорини бекор қилишни, ишни қайтадан суд мажлисида кўриш учун _____ туман маъмурий судига юборишни, протестни қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 22, 31, 33, 3247-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси суди

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Ақбаров Баҳодир Ботировичга нисбатан чиқарилган _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 15 майдаги қарори бекор қилинсин ва маъмурий иш қайтадан кўриб чиқиш учун _____ туман маъмурий судига юборилсин;

Протест қаноатлантирилсин.

Қарордан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

М. Бакиров



*Қўшимча суд автотехника экспертизаси тайинлаш
тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

(қўшимча суд автотехника экспертизаси тайинлаш тўғрисида)

2017 йил 7 июль куни _____ вилоят маъмурий суди судьяси Н.Алибеков раислигида, судья катта ёрдамчиси А.Назаровнинг котиблигида, ўз биносида, очиқ суд мажлисида _____ вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Воитов, ҳуқуқбузар А.Хаитов ва унинг адвокати Х.Валиев (2017 йил 1 февралдаги 5-сонли ордер), ҳуқуқбузар О.Шоиров ва унинг адвокати А.Адилов (2017 йил 11 февралдаги 15-сонли ордер)нинг иштирокида, А.Хаитов ва О.Шоировларга оид Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2017 йил 15 майдаги қарори устидан А.Хаитов томонидан берилган кассация шикоятни асосида ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2017 йил 5 май куни соат тахминан соат 19:30ларда _____ тумани Келес йўли 5-тор кўчаси ва Келес йўли кўчалари кесишган чорраҳада ҳайдовчи О.Шоиров бошқарувида бўлган “КОБАЛЬТ” русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашина билан А.Хаитов бошқарувида бўлган “НЕКСИЯ СОНС” русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашина тўқнашган. Шундан сўнг “НЕКСИЯ СОНС” русумли автомашина айланиб кетиб, бошқарувини йўқотиб, Қ.Азимов бошқарувида бўлган, тўхтаб турган “МАТИЗ” русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашина билан тўқнашган. Натижада “НЕКСИЯ СОНС” русумли автомашина ҳайдовчиси А.Хаитов ва “МАТИЗ” русумли автомашина йўловчиси Г.Саидовалар тан жароҳати олиб, _____ туманидаги 2-сонли шифохонага мурожаат қилганлар.

“Avto baholash” МЧЖнинг маълумотиغا кўра “КОБАЛЬТ” русумли давлат рақами _____ бўлган автомашинага 4275 640 сўм зарар етказилганлиги аниқланган ва зарарни аниқлаш учун О.Шоиров томонидан 140 000 сўм тўлов амалга оширилган.



Шунингдек, “НЕКСИЯ СОНС” русумли, давлат рақами _____ бўлган автотранспортга 4 106 260 сўм зарар етказилганлиги аниқланган ва зарарни аниқлаш учун А. Хаитов томонидан 140 000 сўм тўлов амалга оширилган.

“МАТИЗ” русумли давлат рақами белгиси _____ бўлган автомашинага 4 111 650 сўм зарар етказилганлиги аниқланган ва зарарни аниқлаш учун Қ. Азимов томонидан 140 000 сўм тўлов амалга оширилган.

Ушбу ҳолат юзасидан _____ туман ИИБ ЙҲХБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, _____ туман судига юборилган.

_____ туман судининг 2017 йил 15 майдаги қарори билан Шоиров Отабек Омон ўғли Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари, яъни 390 720 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган. Мазкур қарор билан Хаитов Аброр Халқназарович ҳам маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баравари, яъни 390 720 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланган. Шунингдек, мазкур суд қарорида ҳуқуқбузар О. Шоиров ва А. Хаитовлардан жабрланувчи Қ. Азимовнинг фойдасига солидар тартибда 4 251 650 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Лекин А. Хаитов мазкур суд қароридан норози бўлиб, _____ вилоят маъмурий судига кассация шикоятни билан мурожаат қилган.

Бугунги суд мажлисида ҳуқуқбузар А. Хаитов “Нексия” русумли автомашина ўз ҳаракати йўналиши бўйича асосий йўлда кетаётганлиги, светофор ишламаганлиги, чорраҳага кириб келишда тезликни камайтирганлиги, автомашинанинг олди ва ён тарафида бошқа автотранспортлар ҳаракатда бўлганлиги, чорраҳага кириб келганида иккинчи даражали йўлдан “КОБАЛЬТ” русумли автомашина келиб урилганлиги, тўқнашув натижасида унинг боқарувида бўлган автомашина тўхтаб турган “МАТИЗ” автомашинага бориб урилганлиги, йўл транспорти ҳодисаси юз беришида унинг айби йўқлиги тўғрисида кўрсатма бериб, биринчи инстанция судининг қарорини бекор қилишни сўради.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар О. Шоиров “КОБАЛЬТ” русумли автомашинасини у ўз ҳаракат йўналиши бўйича светофорнинг қизил ишорасига тўхтаб, яшил чироқ ёнганидан сўнг ҳаракатини бошлаб,



чорраҳада чап ва ўнг томонида тўхтаб турган автомашиналар бўлганлиги сабабли чорраҳага чиқиб, тўхтаганлиги, чап ва ўнг томонга қараб автомашиналар йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, ҳаракатланиб чиққанида тўқнашув содир бўлганлиги ва йўналишини ўнг томонга бурмоқчи бўлганлигини баён этди.

Суд мажлисида О.Шоировнинг адвокати А.Адилов судга илтимоснома киритиб, воқеа жойидаги кўринишни, “НЕКСИЯ” русумли автомашина ҳайдовчисини ҳодисани олдини олишининг техник имкониятини, О.Шоировнинг амалдаги Йўл ҳаракати қоидалари 77-бандининг учинчи хатбошисига зид ҳаракатланган ёки зид ҳаракатламаганлигини аниқлаш юзасидан қўшимча суд автотехника экспертизаси тайинлашни сўради.

Кассация инстанция суди иш ҳужжатларини ўрганиб, ишда иштирок этувчиларнинг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидагиларга асосан қўшимча суд автотехника экспертизаси тайинлашни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, воқеа куни ёмғир ёғаётган бўлганлиги учун йўлнинг қатнов қисми нам бўлган. Йўл асфальтланган ва горизонтал профилда бўлган. “НЕКСИЯ” русумли автомашинада 2 нафар йўловчи бўлган. Воқеа куни тузилган йўл транспорт ҳодисаси чизмасида “НЕКСИЯ” русумли автомашина ҳаракат йўналиши бўйича йўлнинг ўнг четидан тўқнашув жойигача 5,7 метр эканлиги кўрсатиб ўтилган. Ҳайдовчи О.Шоиров кўрсатмаси бўйича “НЕКСИЯ” русумли автомашинасини йўналиши бўйича йўлнинг ўнг четида светофорда энгил автомашина тўхтаб турганлигини инобатга олганда, энгли автомашинани эни камида 1,5 метр деб қабул қилинса, “КОБАЛЬТ” русумли автомашина тўхтаб турган ноъмалум энгил автомашина олдидан чиқиб, 4,2 метр масофани босиб ўтганлиги кўринади. “КОБАЛЬТ” русумли автомашина ҳайдовчиси О.Шоировнинг кўрсатмаси бўйича унинг бошқарувидаги автомашинани ҳаракат тезлиги 15-20 км/соатни ташкил этган.

Йўл ҳаракати қоидаларининг 77-банди учинчи хатбошисидаги талабларга риоя қилинганлиги ҳолатига ойдинлик киритиш, яъни “НЕКСИЯ” русумли автомашина ҳайдовчисини ҳаракатига хавф туғилган вақтдан бошлаб тормоз бериш йўли билан тўқнашувни олдини олишнинг техник имконияти ҳамда ҳайдовчининг ҳаракатланиш вақтида у аниқлай олиши имконияти бўйича хавф юзага келганда, автомашина тезлигини у тўлиқ тўхтайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши имконияти мавжудлигини аниқлаш учун



қўшимча суд автотехника экспертизасини тайинлаши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 299-моддасига кўра хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс эксперт сифатида тайинланиши мумкин.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин. Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан махсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133, 299-моддаларини қўллаб, кассация инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

1. Иш бўйича қўшимча суд автотехника экспертизаси тайинлансин;
2. Экспертзани ўтказиш Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази экспертларига топширилсин;

3. Ҳал қилишлик учун экспертлар олдида қуйидаги саволлар қўйилсин:

А) агар “КОБАЛЬТ” русумли автомашина унинг ҳайдовчиси О. Шоировнинг кўрсатуви бўйича чап томонда тўхтаб турган нозмалум энгил автомашина олдиндан чиқиб, воқеа куни тузилган чизмага кўра хавф туғилган вақтдан бошлаб тўқнашув жойигача чамаси 4,2 метр масофани 15-20 км/соат тезликда босиб ўтган бўлса, 45-50 км/соат тезликда ҳаракатланган “НЕКСИЯ” русумли автомашина ҳайдовчиси ўз вақтида кескин тормоз бериш йўли билан тўқнашувни олдини олишга техник имконияти бўлганми ёки йўқми?

Б) воқеа куни тузилган чизмадаги тўқнашув жойи жойлашувини инobatга олганда “КОБАЛЬТ” русумли автомашина Келес йўли 5-тор кўчаси томонидан ҳаракатланиб чиқиб, йўналишини ўнгдаги ўз ҳаракат бўлагида амалга оширганми ёки йўлнинг қарама-қарши томонига чиқиб ҳаракатланганми?

4. Эксперт ихтиёрига _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари __ варақда тақдим этилсин.

Судья

Б.Жураев



4-БОБ. НАЗОРАТ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

Кодекснинг 324¹³-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаслиги сабабли назорат шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим

А Ж Р И М

(назорат шикоятини қайтариш тўғрисида)

2018 йилнинг 16 апрель куни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси М.Махкамова, ҳуқуқбузар Акмалова Камола Сирожовнанинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40 ва 41-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2017 йил 14 декабрдаги қарори устидан берган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

2017 йил 10 ноябрь куни Акмалова Камола Сирожовна қўшниси жабрланувчи Б.Боратова билан унинг _____ тумани “Хумсон” МФЙ, Бахт кўчаси 3-уйда жойлашган хонадонида ўзаро пул олдибердиси юзасидан келган вақтда ўзаро жанжаллашишганлиги, жанжал давомида К.Акмалова Б.Боратовани шаъни ва қадр-қимматини камситувчи уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, шунингдек унга туҳмат қилиб, пулларини ўғирлаганликда айблаганлиги юзасидан _____ тумани ИИБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақида судга мурожаат қилинган.

_____ туман маъмурий судининг 2017 йил 16 ноябрдаги қарорига кўра, К.Акмаловага нисбатан Ўзбекистон Республикаси



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 40 ва 41-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир қилганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, МЖТКнинг 34-моддаси тартибда узил-кесил энг кам иш ҳақининг беш баравари, яъни 748 875 сўм миқдорида маъмурий жарима жазоси қўлланилган.

_____ вилоят маъмурий судининг 2017 йил 14 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг К.Акмалова Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикоятни билан мурожаат қилиб, унда суд қарорлари билан ҳуқуқбузарлик содир этганликда нотўғри айбланганлигини баён қилиб, суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Суд назорат шикоятни ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра назорат шикоятини қайтаришни лозим топади.

Назорат шикоятни ўрганиб чиқилганда, аризачи томонидан назорат шикоятига шикоят нусхаси жабрланувчиларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни илова қилмаганлиги аниқланди.

МЖТК 324¹³-моддасининг учинчи қисмига кўра назорат шикоятига (протестига) иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларининг кўчирма нусхалари ва шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далил илова қилиниши лозим.

МЖТКнинг 324¹⁵-моддасига асосан назорат шикоятни ушбу Кодекснинг 324¹³-моддасида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қайтариши белгиланган.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 324¹³, 324¹⁴, 324¹⁵-моддаларини қўллаб, назорат инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Акмалова Камола Сирожовнанинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40 ва 41-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2017 йил 14 декабр-



даги қарори устидан берган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Шикоят берган шахс ушбу ажримда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан сўнг янгидан умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Судья

М. Махкамова



Назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ариза келиб тушганлиги сабабли назорат шикоятини қайтариш ҳақидаги ажрим

А Ж Р И М

(назорат шикоятини қайтариш тўғрисида)

2018 йилнинг 16 апрель куни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А.Махкамов, ҳуқуқбузар Бегимов Мансур Муродовнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 16 мартдаги қарори устидан берган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

2018 йил 23 январда _____ тумани Янги ариқ МФЙ котиби Бегимов Мансур Муродов шу маҳаллада отин оий этиб тайинланган Таджиева Баҳора Набиевнага нисбатан туҳмат гаплар билан маълумотнома тайёрлаб, уни шарманда қилувчи уйдирмалар ёзиб, туман ҳокимлигига тақдим этганлиги юзасидан _____ тумани ИИБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, иш материаллари судга юборилган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 мартдаги қарорига кўра Бегимов Мансур Муродовна Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 41-моддасига асосан айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилиб, энг кам иш ҳақининг икки баравари, яъни 344480 сўм миқдоридида маъмурий жарима жазоси қўлланилган.

_____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 16 мартдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг 2018 йил 12 апрелда М.Бегимов Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти билан мурожаат қилиб, унда суд қарорлари билан ҳуқуқбузарлик содир этганликда нотўғри айбланганлиги, биринчи ва кассация инстанцияси судлари томонидан



иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлигини баён қилиб, суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Суд назорат шикоятни ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра назорат шикоятини қайтаришни лозим топади.

М.Бегимов 2018 йил 18 апрелда ариза билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиб, назорат шикоятини янглишиб тақдим этганлигини, ҳозирда суд қарорларига эътирози йўқлигини баён қилиб, назорат шикоятини қайтаришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 324¹⁵-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра назорат шикоятини қайтариш тўғрисида ариза келиб тушган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қайтаради.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 324¹⁴, 324¹⁵-моддаларини қўллаб, назорат инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Бегимов Мансур Муродовнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 16 мартдаги қарори устидан берган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

А.Махкамов



*Назорат шикоятни назорат инстанцияси судига мурожаат қилиш
ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилганлиги сабабли
назорат шикоятини қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим*

А Ж Р И М

(назорат шикоятини қабул қилишни рад этиш тўғрисида)

2018 йилнинг 16 апрель куни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Ш.Назарова, ҳуқуқбузар Менглиев Рустам Муродовичнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 22 февралдаги қарори устидан Ботиров Бахром Ўктамович томонидан берилган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

2018 йил 21 февраль куни, соат тахминан 13:00 лар атрофида, ҳайдовчи 1992 йилда туғилган, Менглиев Рустам Муродович ўзига тегишли ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами _____ автомашинасини, юксиз, бир нафар йўловчиси билан 60 км/соат тезликда, _____ тумани, Фаробий кўчаси бўйлаб, Ибн Сино кўчаси томонига ҳаракатланиб кетаётган вақтида Йўл ҳаракати қоидаларининг 73-банди, яъни “ҳайдовчи ўзидан олдин ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини тامينлайдигани ёнланма оралиқ масофани сақлаши керак” деган қоидага риоя қилмай, ўз ҳаракати давомида оралиқ масофасини сақлай олмаганлиги натижасида, ўзи билан бир йўналиш бўйлаб ҳаракатланиб келиб, йўл четида тўхтаётган Юлдашев Шавкат Олимжоновичга тегишли НЕКСИЯ СОНС-2 русумли, давлат рақами _____ автомашинаси билан тўқнашув содир қилганлиги юзасидан _____ туман ИИББ ЙҚХБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга юборилган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 февралдаги қарорига кўра Менглиев Рустам Муродович Ўзбекистон Республика-



си Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши) содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари, яъни 516 720 сўм миқдорида маъмурий жарима жазоси тайинланган.

_____ вилоят суди маъмурий судининг 2018 йил 28 февралдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Б. Ботиров ҳуқуқбузарнинг ишончнома бўйича вакили эканлигини билдириб, суд қарорлари устидан назорат шикоятни билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилган.

Суд назорат шикоятни, унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра назорат шикоятини қабул қилишни рад этишни лозим топади.

Менглиев Рустам Муродовичга нисбатан қабул қилинган суд қарорлари устидан унинг ишончнома бўйича вакили эканлигини билдириб, Б. Ботиров назорат шикоятни билан мурожаат қилган, лекин ишончнома илова қилинмаган.

МЖТК 314-моддасига кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида устидан шу қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, шунингдек уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан шикоят берилиши мумкин.

МЖТК 324¹⁶-моддасининг 1-бандига кўра назорат шикоятни назорат инстанцияси судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қабул қилишни рад этади.

Шунга кўра Б. Ботировнинг суд қарорлари устидан шикоят бериш ҳуқуқи йўқлигини эътиборга олиб, суд назорат шикоятини қабул қилишни рад этиши лозим.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 314, 324¹⁵, 324¹⁶-моддаларини қўллаб, назорат инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Менглиев Рустам Муродовичнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 133-моддасида



назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 22 февралдаги қарори устидан Ботиров Бахром Ўктамовичнинг берган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

Ш.Назарова



Назорат шикоятни белгиланган муддат ўтганидан кейин берилганлиги сабабли назорат шикоятини қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим

А Ж Р И М

(назорат шикоятини қабул қилишни рад этиш тўғрисида)

2018 йилнинг 26 июль куни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А.Назаров, Адхамов Мумин Хуршидовичнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 41, 52-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2017 йил 12 декабрдаги қарори устидан жабрланувчи Отабеков Тоштемир Файзуллаевич томонидан берилган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Адхамов Мумин Хуршидович 2018 йил 20 январь куни соат тахминан 19:30ларда _____ тумани “Оқилон” маҳалласи Камолон кўчаси, 27-уйда, қўшниси Отабеков Тоштемир Файзуллаевичга тухмат қилганлиги, ўрталаридаги келишмовчиликлар сабабли уни уриб энгил тан жароҳати етказганлиги юзасидан _____ тумани ИИБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, иш материаллари судга юборилган.

_____ туман маъмурий судининг 2017 йил 1 декабрдаги қарорига кўра Адхамов Мумин Хуршидович Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 41 ва 52-моддасининг иккинчи қисмига асосан айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил энг кам иш ҳақининг беш баравари, яъни 592 000 сўм миқдорида маъмурий жарима жазоси қўлланилган.

_____ маъмурий вилоят суди кассация инстанциясининг 2017 йил 12 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг жабрланувчи Т.Отабеков Ўзбекистон Республикаси Олий судига муурожаат қилиб, М.Адхамов етказган тан жароҳати ўртача



оғирликдаги тан жароҳати деб нотўғри тиббий хулоса берилганлиги, унинг тан жароҳати етказиш ҳаркатларини қасддан содир этилган деб баҳоланиши лозимлиги, бу ҳолатларга судлар тегишли равишда баҳо бермасдан унга нисбатан енгил маъмурий жазо тайинлаганликларини билдириб, М.Адхамовга оғирроқ жазо бериш қўллашни сўраган.

Суд назорат шикояти, унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра назорат шикоятини қабул қилишни рад этишни лозим топади.

Т.Отабеков томонидан назорат шикояти _____ вилоят маъмурий судининг 2017 йил 12 декабрдаги қарори устидан берилган. Қарор чиқарилганига назорат шикояти берилган санада 6 ойдан ортиқ вақт ўтиб кетган.

МЖтК 324¹²-моддасининг иккинчи қисмига кўра кассация инстанцияси қарори устидан назорат шикояти улар чиқарилган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкин.

МЖтК 324¹⁶-моддасининг 2-бандига кўра назорат шикояти белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси назорат шикоятини қабул қилишни рад этади.

Шу муносабат билан, Т.Отабековнинг назорат шикояти кассация инстанциясининг қарор қабул қилингандан сўнг олти ойлик муддат ўтказиб берилган ва бу ҳолатда назорат шикоятини қабул қилиниши рад этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖтКнинг 324¹², 324¹⁵, 324¹⁶-моддаларини қўллаб, назорат инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Отабеков Тоштемир Файзуллаевичнинг _____ вилоят маъмурий судининг 2017 йил 12 декабрдаги қарори устидан берган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

А.Назаров



*Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига
ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим*

А Ж Р И М

(назорат шикоятини кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига
ўтказишни рад этиш тўғрисида)

2018 йилнинг 1 июнь куни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси У.Н. Мингбоев, Абдураимов Шуҳрат Абдураимовичнинг Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 4 апрелдаги қарори устидан берилган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Абдураимов Шуҳрат Абдураимович 2017 йил 10 март куни соат 11:00 ларда _____ тумани Саноат коллежида ҳамкасби Муродов Азамат Абдуллаевич билан ўзаро тортишиб қолиб, уни уятли сўзлар билан сўкиб, жамоат жойида юриш-туриш қоидаларини бузганлиги ҳолати юзасидан _____ туман ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 183-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тўпланган иш материаллари _____ туман маъмурий судига юборилган.

МЖТКнинг 183-моддасига кўра майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қamoққа олишга сабаб бўлади.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 19 мартдаги



қарорига кўра Ш.Абдураимов МЖТКнинг 183-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан МЖТКнинг 21-моддаси қўлланилиб, такроран ҳуқуқбузарлик содир этса, маъмурий жазо қўлланиши ҳақида огоҳлантирилган. Яъни, Ш.Абдураимов томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли деб топилиб, суд уни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланган.

_____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 4 апрелдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг Ш.Абдураимов Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикоятни билан мурожаат қилиб, унда ҳодиса содир бўлган вақтда маст ҳолда бўлганлиги ва бу ҳолатни экспертизадан ўтказиш ҳақидаги талаби профилактика инспектори томонидан амалга оширилмаганлиги, кассация инстанцияси судига мурожаат қилганида прокуратура ходимининг босим ўтказганлиги, ҳуқуқбузарликни содир этилганлиги далиллар билан тасдиқланмаслигини билдирилиб, суд қарорларини бекор қилиш сўралган.

Суд назорат шикоятни, унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра назорат шикоятини кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказишни рад этишни лозим топади.

МЖТКнинг 276-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Суд ишда тўпланган далиллар асосида Ш.Абдураимовнинг жамоат жойида жанжаллашиб, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаркатлар содир этганлигини аниқлаган. Назорат шикоятда баён қилинган, профилактика инспекторининг ҳаркатсизлик қилганлиги ва прокуратура ходимининг босим ўтказганлиги, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини инкор эта олмайди ва бу ҳолатда Ш.Абдураимов ўзининг ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобласа, мазкур ходимлар устидан юқори турувчи мансабдор шахсга шикоят билан мурожаат қилиши мумкин.



Ш.Абдураимовнинг ҳуқуқбузарлик содир этганлиги иш ҳужжатларидаги мавжуд далиллар, жумладан биринчи инстанция судида берилган гувоҳларнинг кўрсатмалари, ўзининг тушунтиришлари, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва бошқалар билан ўз исботини топган, ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқбузарлик содир этмаганлиги ҳақидаги далилларининг мавжуд эмаслиги суд қарорларини бекор қилишга асос бўла олмайди.

МЖТКнинг 324¹⁴-моддаси учинчи қисмининг 3-бандига асосан агар суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш учун асослар мавжуд бўлмаса, назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Юқоридагиларга асосан суд, суд ҳужжатларини назорат тартибида текшириш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этишни лозим деб топади.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 276, 324¹⁴, 324¹⁷-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Абдураимов Шухрат Абдураимовичнинг назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилсин.

Ажримдан норози томонлар қарор чиқарилган кундан эътиборан олти ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти (протести) беришлари мумкин.

Судья

У.Н. Мингбоев



*Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш
тўғрисидаги ажрим*

А Ж Р И М

(назорат шикоятини кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига
ўтказиш тўғрисида)

2018 йилнинг 6 апрель куни, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси И.Ш.Назаров, Машарипова Фароғат Машариповна томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 183-моддаси ва 193-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ шаҳар маъмурий судининг 2017 йил 18 декабрдаги қарори ва _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 20 декабрдаги қарори устидан берилган назорат шикояти ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

Машарипова Фароғат Машариповна 2017 йил 15 декабрь куни соат 11:00 ларда маҳалладоши Муродов Азамат Абдуллаевич билан ўзаро тортишиб қолиб, уни уятли сўзлар билан сўкиб, жамоат жойида юриш-туриш қоидаларини бузганлиги, ички ишлар ходимининг қонуний талабларини бажармаганлиги юзасидан _____ туман ИИБ томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади)нинг 183-моддаси ва 194-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тўпланган иш материаллари _____ туман маъмурий судига юборилган.

_____ шаҳар маъмурий судининг 2017 йил 18 декабрдаги қарори билан Ф.Машарипова МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилди, унга нисбатан МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил 7 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

_____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг



2017 йил 20 декабрдаги қарори билан биринчи инстанция суди қарорининг МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддасининг биринчи қисмига асосан МЖТКнинг 34-моддаси тартибда узил-кесил тайинланган 7 сутка маъмурий қамоқ жазоси ушбу Кодекснинг 33-моддаси қўлланиб, энг кам иш ҳақининг бир баравари, яъни 149 775 сўм миқдориди жарима жазоси тайинлансин деб ўзгартирилган.

Шундан сўнг Ф.Машарипова назорат шикоятни билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиб, унда судлар томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиб, унга нисбатан асоссиз жазо тайинланганлиги баён этилган.

Суд назорат шикоятни, унга илова қилинган ҳужжатлар ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра назорат шикоятини кўриб чиқиш учун судлов ҳайъатига ўтказишни лозим топади.

МЖТКнинг 276-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

МЖТКнинг 277-моддасига асосан орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Судлар ишда тўпланган далиллар асосида Ф.Машарипованинг жамоат жойида жанжаллашиб, жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи хатти-ҳаркатлар содир этганлигини тўлиқ аниқланмаган.

Судлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далилларни, фактик маълумотларни, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати



юз берганлигини, Ф.Машарипованинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқламаган. Ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширмасдан, далилларга баҳо берган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, назорат шикоятни унга илова қилинган суд қарорлари билан бирга ўрганилганда, шикоятда келтирилган вазиятларга баҳо бериш учун ишни судлов ҳайъатига ўтказиш учун асослар мавжудлиги аниқланди.

Бундай ҳолатда, Ф.Машарипованинг назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра ҳамда МЖТКнинг 276, 277, 324¹⁴, 324¹⁸-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Машарипова Фароҳат Машариповнанинг назорат шикоятни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказилсин.

Ишнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Тошкент шаҳар иқтисодий суди биносида 101-сонли суд мажлислари залида 2018 йил 26 апрель куни соат 11:00 да кўриб чиқилиши белгилансин.

Судья

И.Ш. Назаров



Суд ҳужжатини ўзгаришсиз, назорат шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор

-----сонли иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья А. Махмудов
Кассация инстанцияси судида
ишни кўрган судья М. Бакиров
назорат инстанциясида маърузачи
Олий суд судьяси М. Акмалов

Қ А Р О Р

(назорат инстанцияси суди)

2018 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислик қилувчи М.Алимов, ҳайъат судьялари М.Акмалов ва Л.Каримовдан иборат таркибда, Ф.Муродовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори Ж.Акбаров, ҳуқуқбузар Н.Даминовнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан Н.Даминовга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни унинг шикояти асосида назорат тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

----- туман маъмурий судининг 2017 йил 3 сентябрдаги қарорига кўра

1974 йил 16 мартда ----- туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Гулобод кўрғони ГТР-2 ташкилотида оператор ПРС бўлиб ишлайди, ----- вилояти, ----- тумани, "Гулобод" кўрғони, 8-уй, 4-хонадонда яшовчи Даминов Нодир Хакимович

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 61-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш



ҳақининг бир баравари миқдориди, яъни 149 775 сўм маъмурий жарима жазоси тайинланган.

_____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 1 февралдаги қарори билан _____ туман маъмурий судининг 2017 йил 3 сентябрдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг, ҳуқуқбузар Н.Даминов Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикоятни билан мурожаат қилиб, унда ўзининг айбсизлигини, суд қарорлари билан ноҳақ айбланганлигини, судлар иш ҳолатларини тўлиқ ва объектив аниқламаганлигини билдириб, ўзига нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида Н.Даминов назорат шикоятидаги важларини тасдиқлаб, суд қарорларини бекор қилишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати назорат шикоятидаги важларни ўрганиб чиқиб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, прокурорнинг суд қарорларини ўзгаришсиз, назорат шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрини тинглаб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, Н.Даминов 2017 йил 20 август куни 5-КБга қарашли ГТР-2 ташкилотидан 9 литр дизел ёқилғисини яширин равишда олиб кетаётганлиги аниқланган, яъни Н.Даминов ўзи ишлаб турган ташкилотининг мол-мулкни оз миқдорда талон-торож қилган.

МЖТК 61-моддасининг биринчи қисмига асосан мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш энг кам иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 307-моддасида, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкий зарар етказилган-



етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молиқ ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 10-бандида, ҳуқуқбузарликнинг содир этилганлиги ва бунда шахснинг айбдорлик масаласини муҳокама қилишда судья тақдим қилинган ҳужжатлар билан чегараланмасдан заруратга қараб қўшимча далиллар талаб қилиши, ҳуқуқбузарлик ҳақида баённома тузган мансабдор шахс, жабрланувчи ва гувоҳларни чақириши, экспертизалар тайинлаши, ашёвий далилларни кўздан кечириши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

МЖТКнинг 324²⁴-моддасига кўра суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асослантилмаганлиги суд ҳужжатини назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади. Суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳужжати фақат биргина юзаки асослар бўйича бекор қилиниши мумкин эмас.

Суд инстанциялари томонидан қарор қабул қилишда МЖТК нормалари ва Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришларига риоя қилинган.

Суд қарорида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, Н.Даминовнинг айби мавжуд далиллар, жумладан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, далолатнома, тушунтириш хатлари ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан ҳуқуқбузар Н.Даминовнинг ташкилотнинг мол-мулкни ўзлаштириш йўли билан оз миқдорда талон-тарож қилишда ифодоланган ҳаракатлари МЖТКнинг 61-моддаси билан тўғри малакаланган.

Биринчи инстанция суди Н.Аминовга нисбатан жазо тайинлашда у томондан содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти, ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этганлиги, оиласида ягона боқувчи эканлигини инobatга олиниб, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инobatга олиб, унга у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам миқдорида жазо қўллаб, тўғри хулосага келган.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас, Н.Даминовнинг назорат шикоятдаги важларни



асоссиз деб ҳисоблайди ва уни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖтКнинг 324²¹, 324²³, 324²⁵-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Даминов Нодир Хакимовичга нисбатан чиқарилган _____ туман маъмурий судининг 2017 йил 3 сентябрдаги ва _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 1 февралдаги қарорлари ўзгаришсиз қолдирилсин;

Даминов Нодир Хакимовичнинг назорат шикояти қаноатлан-тирилмасдан қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи
ҳайъат судьялари

М.Алимов
М.Акмалов
Л.Каримов



Суд ҳужжати бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун бориш тўғрисида қарор

_____ -сонли иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья М.Эргашев
Кассация инстанцияси судида
ишни кўрган судья М.Маманов
назорат инстанциясида маърузачи
Олий суд судьяси А.Назаров

Қ А Р О Р

(назорат инстанцияси суди)

2018 йил 7 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислик қилувчи М.Алимов, ҳайъат судьялари А.Назаров ва У.Каримовдан иборат таркибда, Ф.Муродовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори Ж.Акбаров иштирокида Ўзбекистон Республикаси Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан Э.Жалиловга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни унинг шикоят асосида назорат тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 5 февралдаги қарорига кўра

1969 йил 15 октябрда Грузия Республикасида туғилган, миллати озарбайжон, Грузия фуқароси, Грузия Республикаси, Марниали шаҳар, Алгетский кўчаси, 27-уйда яшовчи Жалилов Эйтибар (Djalilov Eitibar)

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 225-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, ушбу Кодекснинг 21-моддасига асосан маъмурий жавобгарликдан озод қилиниб, огоҳлантириш билан кифояланилган ҳамда МЖТКнинг 29¹-моддасига



асосан Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи бир йил муддатга чекланган ҳолда, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан мажбурий тарзда чиқариб юбориш белгиланган.

_____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 7 мартдаги қарори билан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 5 февралдаги Э.Жалиловга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Шундан сўнг ҳуқуқбузар Э.Жалилов Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат шикояти билан мурожаат қилиб, унда узига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилганда қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги, унинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмаслиги, унга нисбатан адолатсиз қарор чиқарилганлиги ҳақида важлар келтириб, суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

МЖТК 324²¹-моддасининг иккинчи қисмига кўра иш назорат тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида, назорат шикоятини берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ва (ёки) уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин бўлган суд мажлисида назорат тартибда кўрилади.

Мазкур Кодекснинг 324²⁰-моддасига асосан назорат шикояти (протест) берган шахс, шунингдек ишда иштирок этувчи шахслар ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўриш вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодекснинг 324⁵-моддасида назарда тутилган тартибда хабардор қилинади.

Иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни назорат тартибда кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Э.Жалилов иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинганлигига қарамасдан бугунги суд мажлисига келмади, иш ҳужжатларида унинг тегишли тарзда хабардор қилинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Шу боис судлов ҳайъати ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати назорат шикоятида келтирилган важларни ўрганиб чиқиб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, ҳуқуқбузар Э.Жалиловнинг шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги илтимосномасини, прокурорнинг суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш



учун юбориш тўғрисидаги хулосасини тинглаб, қуйидагиларга кўра иш бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилишни лозим деб топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2018 йил 5 февраль куни _____ туман ИИБ ходимлари томонидан Грузия Республикаси фуқароси Жалилов Эйтибар Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларни бузиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаганлиги, Ўзбекистон Республикасидан белгиланган муддатда чиқиб кетмаганлиги, ўрнатилган тартибга риоя қилмаганлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ва _____ туман маъмурий судига юборилган.

МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республика Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 октябрдаги қарори 10-бандининг биринчи хатбошисида ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик ҳолатлар ҳар тамонлама ва синчковлик билан аниқлаши шарт, деб тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди ва кассация инстанцияси суди томонидан ушбу Кодекс талаблари ва Олий суд Пленуми қарорида берилган тушунтиришлар инobatга олинмаган.

Жумладан, судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бир тамонлама, юзаки кўриб чиқилиб, чет эл фуқароси Э.Жалиловнинг Ўзбекистонда бўлиш қоидаларининг бузилишида айби нимадан иборат бўлганлиги, у Ўзбекистон Республикасига қачон ва нима мақсадда келганлиги, қачон Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши кераклиги, қаерда рўйхатга олиниши лозим бўлганлиги, нима сабабдан белгиланган вақтда рўйхатдан ўтмаганлиги, нима сабабдан белгиланган вақтда Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетмаганлиги ва унинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши билан боғлиқ бошқа ҳолатлар умуман текширилмаган ва ушбу масалалар билан боғлиқ ишда мавжуд бўлган ноаниқликлар, камчиликлар бартараф этилмаган.



МЖТК 225-моддасининг биринчи қисмига кўра чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКнинг 29¹-моддасига кўра чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш уларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқи кейинчалик бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишидан иборат. Маъмурий тарзда чиқариб юбориш туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланилади.

Мазкур модданинг иккинчи қисмига мувофиқ чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш ушбу Кодекс 225-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда қўлланилиши мумкин.

МЖТКнинг 21-моддасига кўра содир этилган ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этади. Аммо суд Э.Жалиловни МЖТКнинг 21-моддасига асосан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш масаласини муҳокама қилиш чоғида фақат у чет фуқароси бўлганлиги билан қифоянланган ва ҳуқуқбузарликни кам аҳамиятли деб топиш учун бошқа бирон бир асос келтирмаган. Бундай ҳолатда суднинг ушбу хулосасини асосли деб бўлмайди.

МЖТКнинг 324²⁴-моддасига кўра суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асослантилмаганлиги суд ҳужжатини назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

МЖТК 324²³-моддасининг 2-бандига асосан назорат инстанцияси суди ишни назорат тартибида кўриб чиққач ушбу Кодекснинг 324²⁴-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда суд ҳужжатини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли.



Юқоридагиларга кўра Э.Жалиловга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмайди. Шу боис Ўзбекистон Республика Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати судлар томонидан иш тўлиқ бўлмаган ҳолда бир томонлама кўриб чиқилганлиги, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидалари жиддий бузилганлиги сабабли мазкур иш юзасидан қабул қилинган суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим деб топади.

Ишни янгидан биринчи инстанция судида кўришда, кўрсатилган камчиликлар ва қонун бузилишлари бартараф этилиб, иш бўйича барча ҳолатлар ҳар томонлама тўла ва холисона текширилиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда иш бўйича қонуний ва асосли хулосага келиши лозим бўлади.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 324²¹, 324²³ – 324²⁵-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Жалилов Эътибар (Djalilov Eitibar)га нисбатан чиқарилган _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 5 февралдаги қарори ҳамда _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 7 мартдаги қарори бекор қилинсин.

Жалилов Эитибор (Djalilov Eitibar)га оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилсин.

Э.Жалиловнинг назорат шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи
ҳайъат судьялари

М.Алимов
А.Назаров
У.Каримов



*Суд ҳужжатларини бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш
тўғрисидаги қарор*

-----сонли иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья М. Ражабов
Кассация инстанцияси судида
ишни кўрган судья М. Тургунов
назорат инстанциясида маърузачи
Олий суд судьяси Х. Абдуллаев

Қ А Р О Р

(назорат инстанцияси суди)

2018 йил 27 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислик қилувчи С. Худойназаров, ҳайъат судьялари Х. Абдуллаев ва Ф. Наимовдан иборат таркибда, Ф. Муродовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори С. Саидов, ҳуқуқбузар С. Мақсудовнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 140-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан С. Мақсудовга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарининг назорат протести асосида назорат тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

----- туман маъмурий судининг 2017 йил 11 июндаги қарорига кўра

1966 йил 1 августда Германия Федератив Республикасининг Лейпсиг шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, "Avto xizmat" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, ----- шаҳар, ----- тумани, Лашкарлар кўчаси, 18-уй, 19-хонадонда яшовчи Мақсудов Сохибжон Бакиджанович

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 140-моддасининг



биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 15 баравари миқдорида, яъни 2 583 600 сўм жарима жазоси тайинланган.

_____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 27 июлдаги қарори билан биринчи инстанция судининг қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат тартибида келтирилган протестда С.Мақсудов томонидан ҳақиқатда ҳуқуқбузарлик содир қилинмаганлиги, ҳайдовчи И.Эшонқулов С.Мақсудов раҳбарлик қилган “Avto xizmat” масъулияти чекланган жамиятига тегишли “Кобальт” русумли, давлат рақами _____ бўлган транспорт воситасини қандай асосга кўра бошқарганлиги ҳолатини суриштирув органи ва судлар тегишли тартибда текширмасдан, унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилганда қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги, унинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд эмаслиги ва суд инстанциялари томонидан нотўғри қарорлар чиқарилганлиги ҳақида вазлар келтирилиб, суд қарорларини бекор қилиб, иш юритишни тугатиш сўралган.

Бугунги суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори С.Саидов протестда келтирилган вазларни тасдиқлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

С.Мақсудов ҳуқуқбузарлик содир этилишида унинг айби йўқлиги сабабли, суд қарорларини бекор қилишни сўради.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этган шахсининг тушунтиришлари ва прокурорнинг протестни қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра протестни қаноатлантириб, С.Мақсудовга нисбатан _____ туман маъмурий судининг 2017 йил 11 июндаги ҳамда шу қарорни ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 27 июлдаги қарорларини бекор қилиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖТК 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Судлар томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилмаган. Хусусан, судлар С.Мақсудов “Avto xizmat” масъулияти чекланган жамияти раҳбари лавозимида ишлаб, 2017 йил 15 май куни алкоголь ичимлигидан маст бўлган ҳайдовчини корхонага тегишли “Кобальт” русумли, давлат рақами _____



бўлган транспорт воситасини бошқаришига йўл қўйган, деб нотўғри хулосага келишган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, “Avto xizmat” масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Мақсудов билан “Capital Servis” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Акбаров ўртасида 2016 йил 19 январда 32-сонли кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижара шартномаси тузилган, унга кўра “Кобальт” русумли, давлат рақама _____ бўлган транспорт воситаси “Capital Servis” масъулияти чекланган жамиятига ижарага берилган ва у шу куннинг ўзида далолатнома асосида “Capital Servis” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Б.Акбаровга топширилган.

МЖТКнинг 307-моддасида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини аниқлаши шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 5-бандида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан юритилаётган баённомаларни ва маъмурий иш қўзғатиш тўғрисидаги қарорларнинг мазмуни МЖТКнинг 281-моддаси талабига жавоб бериши лозимлиги, агарда баённома ва маъмурий иш қўзғатиш ҳақида қарор тегишли ваколатли бўлмаган шахс томонидан тузилган ёки қабул қилинган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган вақт ва ҳуқуқбузарликнинг мазмуни, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжатлар кўрсатилмаган ёки жавобгарликка тортилаётган шахс ҳужжатлар билан таништирилмаган, МЖТКда назарда тутилган ҳолларда баённома ёки қарор нусхаси топширилмаган, шу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлари тушунтирилмаган ҳолатларда, судья қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш учун баённома ва қарорни тегишли орган ёки мансабдор шахсга қайтариши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, судлар томонидан мазкур Кодекс ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилинмаган. Иш ҳужжатларидан кўринишича, жавобгарликка тортилган шахс, С.Мақсудов иш ҳужжатлари билан таништирилмаган.



Шу билан бирга, “Avto xizmat” МЧЖ ва “Capital Servis” МЧЖ ўртасида тузилган шартноманинг 2.4-бандида ижарага берилган автомашинани ижарачи томонидан қайта ижарага берилишига йўл қўйилмаслиги, 4.8-бандида – шартнома мажбуриятларини таъминлаш мақсадида транспорт воситасини алкоголь, гиёҳванд модда ёки бошқа психотроп моддалар таъсирида бошқаришни тасдиқловчи чекловлар белгиланганлиги, 6.5-бандида – ижарага олувчи томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар бузилган, хусусан, автомашина маст ҳолатда бошқарилган тақдирда ижара шартномаси ижарага берувчи томонидан муддатидан олдин бекор қилиниши ва бу учун жавобгарлик “Capital Servis” МЧЖга юкланиши кўрсатилган.

Шунга кўра ҳайдовчи И.Эшонқуловнинг маст ҳолатда автомашина бошқарганлиги ҳолати бўйича “Avto xizmat” МЧЖ раҳбари С.Мақсудов эмас, “Capital Servis” МЧЖ раҳбари Б.Акбаров маъмурий жавобгарликка тортилиши лозим бўлган.

Бироқ, суриштирув ва суд томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолати ўз вақтида тўлиқ, ҳар томонлама ва синчиковлик билан ўрганилмаганлиги оқибатида одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари қўпол равишда бузилиб, мазкур ҳуқуқбузарлик содир этилишига алоқаси бўлмаган С.Мақсудов жавобгарликка тортилган, ўз навбатида аслида ҳуқуқбузар сифатида ишга жалб қилиниши лозим бўлган Б.Акбаровга жазонинг муқаррарлиги таъминланмасдан қолган.

Чунки, Б.Акбаровни жавобгарликка тортиш муддатлари МЖТК 271-моддасининг 7-бандига асосан ўтказиб юборилган.

Мазкур моддага кўра маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб ушбу Кодекснинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим.

МЖТКнинг 36-моддасига асосан маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик 2017 йил 15 май куни содир этилган, унинг содир этилганлигига бугунги кунга келиб, 1 йилу 2 ой муддат ўтган.

Бундан ташқари, МЖТКнинг 294-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимоснамасини



баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан ва таржимоннинг хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақли.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилиши лозим. Суд мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилингани тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекс 309¹-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Иш ҳужжатларига кўра, _____ шаҳар ИИББ ЙҲХБ инспектори томонидан С.Мақсудовга нисбатан МЖТК 140-моддасининг биринчи қисмига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган бўлиб, С.Мақсудов мазкур баённома билан таништирилмаган, ундан ҳолат бўйича тушунтириш хати олинмасдан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Суд томонидан С.Мақсудов ишни кўриш жойи ва вақти ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилмасдан, маъмурий иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилган ва процессуал хатоликка йўл қўйилган.

Жумладан, С.Мақсудовга нисбатан ишни кўриб чиқиш 2017 йил 11 июнь кунига белгиланиб, унга чақирув хати 2017 йил 10 июнь куни юборилган. Чақирув хати С.Мақсудовга етиб борган-бормаганлиги текширилмасдан, маъмурий иш 2017 йил 11 июнь куни унинг иштирокисиз кўриб чиқилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси эса қайд этилган камчиликларга баҳо бермасдан биринчи инстанция судининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Бундай ҳолатда С.Мақсудовга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмайди.

МЖТКнинг 324²⁴-моддасига кўра суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асослантилмаганлиги суд ҳужжатини назорат тартибда ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

МЖТК 324²³-моддасининг 4-баңдига асосан назорат инстанцияси суди ишни назорат тартибда кўриб чиққач суд ҳужжатини бекор қилишга ва иш юритишни тўхтатишга ҳақли.

Шу боис судлов ҳайъати мазкур иш юзасидан қабул қилинган



суд қарорларини бекор қилиб, С.Мақсудовнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати мавжуд бўлмаганлиги сабабли, унга нисбатан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни МЖТК 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатишни ҳамда протестни қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТК 271, 324²¹, 324²³–324²⁵ –моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Мақсудов Сохибжон Бакиджановичга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2017 йил 11 июндаги ҳамда _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2017 йил 27 июлдаги чиқарилган қарорлари бекор қилинсин;

Мақсудов Сохибжон Бакиджановичга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш МЖТК 271-моддасининг 1-бандига асосан тугатилсин;

Протест қаноатлантирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи
ҳайъат судьялари

С.Худойназаров
Х.Абдуллаев
Ф.Наимов



Жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартириш тўғрисидаги қарор

_____ -сонли иш

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья М. Ражабов
Кассация инстанцияси судида
ишни кўрган судья М. Тургунов
назорат инстанциясида маърузачи
Олий суд судьяси Х. Абдуллаев

Қ А Р О Р

(назорат инстанцияси суди)

2018 йил 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раислик қилувчи Ш. Назаров, ҳайъат судьялари Х. Абдуллаев ва Ф. Наимовдан иборат таркибда, Ф. Муродовнинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносида, очиқ суд мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори С. Саидов, адвокат Б. Очиллов (2018 йил 1 февралдаги 5-сонли ордер) иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 194-моддасининг биринчи қисми, 195-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлиги юзасидан Ж. Пўлатовга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни адвокати Б. Очиллов назорат шикоятни асосида назорат тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 30 майдаги қарорига кўра

1982 йил 7 январда _____ вилояти, _____ туманида туғилган, миллати қozoқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, беш нафар фарзанди бор, _____ вилояти, _____ тумани, Гулистон ҚФЙ, Азимов кўчаси, 6-уй яшовчи Пўлатов Жонибек Абилович

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 194-моддасининг



биринчи қисми ҳамда 195-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан 194-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдориди, яъни 172240 сўм жарима, 195-моддасига асосан ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланиб, ушбу Кодекснинг 34-моддаси тартибида узил-кесил ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган.

_____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 5 июндаги қарори билан _____ туман маъмурий судининг Ж.Пўлатовга оид қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ушбу иш доирасида суд қарори билан Мадаминов Арслон Эркинбаевич маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган, у томонидан назорат шикояти келтирилмаганлиги сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг унга оид қисми кўриб чиқилмайди.

Ж.Пўлатовнинг адвокати Б.Очилов назорат шикояти билан Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиб, унда Ж.Пўлатовнинг беш нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги каби ҳолатлар эътиборга олинмасдан унга нисбатан оғир жазо тайинланганлиги билдириб, маъмурий қамоқ жазосини жарима жазоси билан ўзгартиришни сўраган.

Бугунги суд мажлисида адвокат Б.Очилов назорат шикоятидаги важларни қувватлаб, Ж.Пўлатовга нисбатан тайинланган маъмурий қамоқ жазосини жарима жазоси билан ўзгартиришни сўради.

Судлов ҳайъати, адвокатнинг шикоят важларини, прокурорнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан Ж.Пўлатовга нисбатан чиқарилган суд қарорларини ўзгартиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2018 йил 29 май куни _____ туман ИИБ ходимлари томонидан _____ тумани “Шуҳрат” чорраҳаси ҳудудида ўтказилган тадбирда фуқаро А.Мадаминов ва Ж.Пўлатов ноқонуний равишда “Трамадол Ланнахер” номли дори воситасини сотаётганлиги аниқланган. Ушбу аниқланган ҳолат юзасидан _____ тумани ИИБга бориш сўралганида, Ж.Пўлатов _____ тумани ИИБга боришдан бош тортган.

Иш ҳужжатларига кўра 2018 йил 29 май куни _____ тумани ИИБ ходимлари томонидан Ж.Пўлатов таниши А.Мадаминов билан



ноқонуний равишда “Трамадол Ланнахер” номли дори воситасини сотаётган вақтида уларнинг шахсни аниқлаш мақсадида _____ тумани ИИБга бориш таклиф қилинганида, у боришдан бош тортиб, ИИБга ходимларининг қонуний талабларини бажармаган.

Ж.Пўлатовнинг милиция ходимларининг қонуний талабларини бажармаганлигида ифодаланган ҳаракатлари иш ҳужжатлари билан тўлиқ ўз тасдиғини топган ва МЖтК 194-моддасининг биринчи қисми билан тўғри малакаланиб, унга нисбатан ушбу модда билан асосли жазо тайинланган.

МЖтК 194-моддасининг биринчи қисмига асосан милиция ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, милицияга бориш ёки кўрсатилган муддатда милицияда бўлишдан иборат қонуний талабларини бажармай милицияга келмаслик, транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик ёхуд милиция ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖтК 195-моддасига кўра милиция ходимининг ўз вазифаларини бажаришга тааллуқли қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват қилиш, худди шунингдек милиция ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмаларни тарқатиш энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Бироқ, суд қарорига кўра Ж.Пўлатовнинг ҳаракатларида милиция ходимларининг ўз вазифаларини бажаришга тааллуқли қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват қилишда, худди шунингдек милиция ходимларига оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмаларни тарқатишда ифодаланган аломатлари мавжуд эмас.

Ж.Пўлатовнинг милиция ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришга бўйсунмаслик, агар унинг ҳаракатларида омма олдида даъват қилиш ёки атайин сохта уйдирмалар тарқатиш аломатлари бўлмаса, милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилиқ кўрсатиш деб малакаланиши мумкин эмас.



Иш ҳужжатларида Ж.Пўлатовнинг ҳаракатларида оммавий даъват қилиб муайян кўринишда чақирувлар қилганлиги, оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида муайян шахслар гуруҳига оммавий бўйсунмасликни сингдирувчи уйдирмаларни тарқатганлиги далили мавжуд эмас.

Шунга кўра судлов ҳайъати суд томонидан Ж.Пўлатовнинг МЖТК 195-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби далилларга асосланмаган ҳолда аниқланган деб ҳисоблайди.

МЖТКнинг 276-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маълумотлар қуйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар билан белгиланади.

МЖТКнинг 277-моддасига асосан орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Бинобарин, қайд этилганлардан келиб чиқиб, судлов ҳайъати, суд қарорини жазо чорасини кучайтирмаган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатида назарда тутилган доирада ўзгартиришни, яъни Ж.Пўлатовга нисбатан МЖТК 195-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қисмини ўзгартириб, 194-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида, яъни 172 240 сўм жарима жазосини қўллашни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 324²¹, 324²³-324²⁵-моддаларини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати



Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 30 майдаги ва _____ вилоят маъмурий судининг 2018 йил 5 июндаги қарорининг Пўлатов Жонибек Абиловичга оид қисми ўзгартирилсин;

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 30 майдаги қарорининг Пўлатов Жонибек Абиловични МЖТКнинг 195-моддаси билан айбдор деб топиш, унга нисбатан шу модда билан жазо қўллаш ва 34-моддаси тартибида узил-кесил ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлаш қисми бекор қилинсин;

Пўлатов Жонибек Абиловичга нисбатан МЖТК 194-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорига, яъни 172 240 сўм жарима жазоси тайинлансин;

Пўлатов Жонибек Абилович маъмурий қамоқ жазосини ўташ муассасасидан озод этилсин;

Суд қарорларининг А.Мадаминовга оид қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин;

Назорат шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи
ҳайъат судьялари

Ш. Назаров
Х. Абдуллаев
Ф. Наимов



5-БОБ.

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲУЖЖАТИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ БОСҚИЧИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ва илгари қабул қилинган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақидаги ажрим

А Ж Р И М

(қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилиш тўғрисида)

2018 йил 22 июнь куни _____ туман маъмурий суди судьяси Д. Жасуров раислигида, судья катта ёрдамчиси К. Юлдашевнинг котиблигида, ўз биносидаги очиқ суд мажлисида ҳуқуқбозар К. Жавлиевнинг иштирокида, у томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 176-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбозарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбозарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2018 йил 16 майдаги қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш ҳақидаги К. Жавлиевнинг аризаси бўйича ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 июндаги қарорига кўра

1965 йил 15 сентябрь куни _____ вилояти, _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи яқка тартибдаги тадбиркор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган,



_____ тумани, Тошкент ҚФЙ, Деҳқонобод кўчаси,
13-уй, 12-хонадонда яшовчи Жавлиев Комил Раззоқович

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 176-моддасининг биринчи қисми билан айбдор деб топилиб, энг кам иш ҳақининг беш баравари, яъни 861 200 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланиб, ҳуқуқбузарлик ашёси ҳисобланган умумий қиймати 25 000 сўмлик мотор тасмаси давлат фойдасига мусодара қилинган.

К.Жавлиев 2018 йил 12 июнда ариза билан мурожаат қилиб _____ тумани, Тошкент ҚФЙ, Деҳқонобод кўчасида тегирмон қуриб, буғдойни майдалаб, ун ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганида текширувчилар келиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли рухсатномасини сўрашганлиги, уларга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун тегишли бўлган ҳужжатларни тақдим қила олмаганлиги, шундан сўнг улар холислар иштирокида тегирмондаги мотор тасмасини ашёвий далил тариқасида олишганлиги, ҳақиқатда у туман маиший хизмат кўрсатиш ташкилоти билан шартнома тузганлиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун гувоҳнома олганлиги, текширувчиларга ушбу гувоҳномани тақдим эта олмаганлиги, чунки уни расмийлаштириш учун ўғлига берганлиги, ўғли хизмат сафарига бўлганлиги, у билан боғланишнинг имкони бўлмаганлиги, барча ҳужжатлар у билан бирга кетганлиги сабабли, у аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун гувоҳнома олганлигини била олмаганлиги, ҳозирги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиб, ушбу ҳолат бўйича чиқарилган солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб келаётганлигини инobatга олиб суд қарорини бекор қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида К.Жавлиев аризасида келтирилган важларини тасдиқлаб, уни қаноатлантиришни, _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 июндаги қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни сўради.

Суд К.Жавлиевнинг аризасини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб, ишдаги мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларга асосан қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни ва _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 июндаги қарорини бекор қилишни лозим топди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 2018 йил 4 июнь куни _____ туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан



текшириш ўтказилганида К.Жавлиев тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошириб, _____ тумани, Тошкент ҚФЙ, Деҳқонобод кўчасида тегирмонда буғдойни майдалаб, ун ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келганлиги аниқланган, ундан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш учун гувоҳнома сўралганида у ушбу ҳужжатни тақдим эта олмаган, шу сабабли ундан умумий қиймати 25 000 сўмлик мотор тасмаси ашёвий далил тариқасида олинган ва МЖТК 176-моддасининг биринчи қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга тақдим этилган.

МЖТК 176-моддасининг биринчи қисмига асосан тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шундан келиб чиқиб, _____ туман маъмурий суди К.Жавлиевга нисбатан энг кам иш ҳақининг беш баравари, яъни 861200 сўм миқдорида жарима жазосини тайинлаб, ҳуқуқбузарлик ашёси ҳисобланган умумий қиймати 25 000 сўмлик мотор тасмасини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

Шунингдек, МЖТК 324²⁸-моддасининг биринчи қисмида биринчи инстанция суди томонидан чиқарилган, қонуний кучга кирган қарор янги очилган ҳолатлар бўйича ушбу қарорни чиқарган маъмурий суд томонидан кўрилиши белгилаб қўйилган.

МЖТК 324²⁹-моддасининг 1-бандида қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар асос бўлишлиги баён қилинган.

Тақдим этилган ҳужжатларга кўра К.Жавлиев ўз номига 2018 йил 2 май куни _____ вилоят аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмасига аъзо бўлганлиги тўғрисида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи 1526-сонли гувоҳнома олган, 2018 йил май ва июнь ойлари учун белгиланган солиқларни тўлиқ тўлаган. Лекин К.Жавлиев бу ҳақдаги ҳужжатларни расмийлаштиришни ўғли Б.Жавлиевга топширган. Б.Жавлиев тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, уларни отаси К.Жавлиевга беришни унутиб, Германия Федератив Республикасига хизмат сафарига жўнаб кетган. Бу ҳақда К.Жавлиевга маълум бўлмаган.



МЖТК 324²⁹-моддасининг 1-бандига кўра суд ҳужжати қабул қилинган пайтда мавжуд бўлган, лекин аризачига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган, иш учун муҳим ҳолатлар қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларидан бири ҳисобланади.

МЖТК 324³⁵-моддасининг биринчи қисмига асосан қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд аризани қаноатлантириш ва илгари ўзи қабул қилган суд ҳужжатини бекор қилиш ҳақида ёки аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Бундан ташқари, МЖТК 176-моддасининг тўртинчи қисмида ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс ноқонуний тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад давлатга ихтиёрий равишда тўланган, шунингдек тадбиркорлик субъектини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш амалга оширилган тақдирда ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилинмаган ҳолда жавобгарликдан озод қилиниши, МЖТК 271-моддасининг 10-бандида ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш ушбу Кодекснинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишлар тугатилиши белгилаб қўйилган.

Суд юқорида қайд этилганларга асосан К.Жавлиев ноқонуний тадбиркорлик фаолиятдан даромад олмаганлиги, шунингдек тадбиркорлик субъекти сифатида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширганлиги, бу ҳақда суд қарори қабул қилинган пайтда билмаганлигини инобатга олиб, 2018 йил 10 июндаги суд қарорини бекор қилиб, мусодара қилинган ҳуқуқбузарлик ашёларини қайтариб, уни жавобгарликдан озод қилишни ҳамда унга нисбатан юритилган ишни тугатишни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 324²⁷-324³⁵-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 июндаги Жавлиев Комил Раззоқовичга нисбатан МЖТК 176-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг беш баравари, яъни



861200 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлаш ва умумий қиймати 25000 сўмлик мотор тасмасини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақидаги қарори бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, _____ туманидаги “Шодлик” МЧЖда сақланаётган умумий қиймати 25000 сўмлик мотор тасмаси Жавлиев Комил Раззоқовичга қайтарилсин.

Ажримдан норози тараф ажрим нусхасини олган кундан бошлаб икки ойлик муддат ичида _____ вилоят маъмурий судига шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Судья

Д. Жасуров



Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги ажрим

А Ж Р И М

(аризани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида)

2018 йил 20 июль куни _____ туман маъмурий суди судьяси А.Назаров раислигида, судья катта ёрдамчиси К.Юлдашевнинг котиблигида, ўз биносидаги очиқ суд мажлисида ҳуқуқбузар Б.Ботировнинг иштирокида, у томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги _____-сонли иш бўйича _____ туман маъмурий суди томонидан қабул қилинган 2018 йил 16 майдаги қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиш ҳақидаги Б.Ботировнинг аризаси бўйича ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 16 майдаги қарорига кўра

1985 йил 15 сентябрь куни _____ вилояти, _____ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, _____ тумани, Тошкент ҚФЙ, Деҳқонобод кўчаси, 13-уй, 12-хонадонда яшовчи Ботиров Бахром Ўктамович

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖтК деб юритилади)нинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига энгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши) содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг уч баравари, яъни 516 720 сўм миқдорда маъмурий жарима жазоси тайинланган.



Б. Ботиров 2018 йил 10 июнда _____ туман маъмурий судига ариза билан мурожаат қилиб, унда мазкур иш бўйича тайинланган автотехника экспертизаси ноқонуний ўтказилганлиги ва экспертларнинг хулосаси асоссиз ва ноқонуний эканлиги, чунки ушбу экспертларнинг хулосасини тайёрлаган эксперт Жасимов Нодир Ҳайитовичга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан чиқарилган Жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2018 йил 2 июндаги ҳукмига кўра, у айбдор деб топилиб, 2 йилга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланганлиги, эксперт иш бўйича била туриб ёлғон хулоса берганлигини баён этиб, _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 16 майдаги қонуний кучга кирган қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида Б. Ботиров аризасидаги важларини тасдиқлаб, суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилишни сўради.

Суд аризачининг кўрсатмаларини тинглаб ва иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича бекор қилишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, 2018 йил 21 апрель куни, соат тахминан 13:00 лар атрофида, ҳайдовчи 1992 йилда туғилган Б. Ботиров ўзига тегишли ВАЗ-2106 русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашинасини, юксиз, бир нафар йўловчиси билан 60 км/соат тезликда, _____ тумани, Фаробий кўчаси бўйлаб, Ибн Сино кўчаси томонига ҳаракатланиб кетаётган вақтида Йўл ҳаракати қоидаларининг 73-банди, яъни "ҳайдовчи ўзидан олдин ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражадаги оралиқ масофани, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таминлайдиган ёнланма оралиқ масофани сақлаши керак" деган қоидага риоя қилмай, ўз ҳаракати давомида оралиқ масофани сақлай олмаганлиги натижасида, ўзи билан бир йўналиш бўйлаб ҳаракатланиб келиб, йўл четида тўхтаётган Юлдашев Шавкат Олимжоновичга тегишли НЕКСИЯ СОНС-2 русумли, давлат рақами _____ бўлган автомашинаси билан тўқнашув содир қилганлиги юзасидан _____ туман ИИББ ЙҚХБ томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга юборилган.

МЖТК 282-моддасининг учинчи қисмига кўра ушбу Кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённомага судга қадар автотехника экспертизаси



тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва экспертларнинг хулосаси илова қилиниши лозим.

Шу сабабли мазкур йўл-транспорт ҳодисаси юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 майдаги қарори билан автотехника экспертизаси тайинланган. Экспертизани ўтказиш Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг эксперти Жасимов Нодир Ҳайитовичга топширилган ва у томонидан 2018 йил 12 майда юқоридаги ҳолат юзасидан эксперт хулосаси тақдим этилган.

_____ туман маъмурий суди ишни кўришда ишдаги мавжуд далилларга, жумладан эксперт хулосасига баҳо бериб, қарор қабул қилган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, мазкур иш бўйича эксперт хулосасини берган эксперт Жасимов Нодир Ҳайитович Жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2018 йил 2 июндаги ҳукмига кўра, у Жиноят кодекси 238-моддаси (ёлғон гувоҳлик бериш)нинг биринчи қисмига асосан айбдор деб топилиб, 2 йилга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланган. Лекин, унинг жиноий қилмиши мазкур иш билан боғлиқ эмас. У МЖТКнинг 134-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик бўйича _____ туман маъмурий судида юритилган _____-сонли иш бўйича била туриб ёлғон хулоса берганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган.

МЖТК 324²⁹-моддасининг 2-бандига кўра суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ва мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асослантилмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлган экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги, гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги, била туриб ёлғон таржима қилинганлиги қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Б.Ботировнинг аризасида келтирилган ҳолатда экспертнинг била туриб ёлғон хулоса берганлиги мазкур иш бўйича қонунга хилоф ёки асослантилмаган суд ҳужжати қабул қилинишига сабаб бўлмаган.

Шунга кўра Б.Ботировнинг қонуний кучга кирган суд қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича бекор қилиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Бинобарин, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда МЖТКнинг 324²⁷-324³⁵-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ботиров Баҳром Ўктамовичнинг МЖтКнинг 133-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан _____-сонли маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 16 майдаги қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ажримдан норози тараф ажрим нусхасини олган кундан бошлаб икки ойлик муддат ичида _____вилоят маъмурий судига шикоят ёки протест билдиришга ҳақли.

Судья

А.Назаров



6-БОБ.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ БОСҚИЧИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

ЖАРИМА

“НАМУНА”

TOSHKENT VILOYAT
MA'MURIY SUDI



THE ADMINISTRATIVE COURT
OF TASHKENT REGION

100059, Toshkent, shahri
Sh.Rustaveli ko'chasi, 93

Tel: Fax: (+99871) 000-00-00
e-mail: ms.tv@sud.uz

93 Sh.Rustaveli street,
Tashkent, 100059

№ 1-1-17
(Маъмурий иш рақами)

«02» июль 2018 йил
(ижро варақа берилган сана)

ИЖРО ВАРАҚА

Ахмедов Ахрорбек Акрамович

(маъмурий жавобгарликка тортишган шахснинг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 133-моддаси билан айблаш ҳақидаги маъмурий ишни кўриб чиқиб,

(жавобгарликка тортишга асос бўлган МЖТКнинг моддаси)

Суд қарор қилди: Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 133-моддаси билан айбли деб топилсин ва унга шу моддага асосан энг кам ойлик иш ҳақининг **3 (уч) баравари яъни 449.325 (тўрт юз қирк тўққиз минг уч юз йигирма беш) сўм** миқдорда жарима жазоси тайинлансин.

(қарорнинг жарима ундириши қисмидан кўчирма)

Суднинг қарори 2018 йил «17» июндан қонуний кучга кирди.

Қарздор: Ахмедов Ахрорбек Акрамович – 15.01.1986 йилда Андижон вилояти, Асака туманида туғилган. Паспорт серияси АА 8788450, Андижон вилояти, Асака тумани ИИБ томонидан 05.05.2014 йилда берилган.

(Қарздорнинг тулиқ Ф.И.Ш, туғилган йили, санаси, жойи, унинг паспорт маълумотлари: серияси, ким томонидан ва қачон берилган, ташиқлотнинг номи)

Қарздорнинг манзили: Андижон вилояти, Асака тумани, А.Қодирий кўчаси, 15-уйда доимий рўйхатда туриб, вақтинча Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 59-уй, 15-хонадонда яшайди.тел: (+99897) 701-00-00

(қарздорнинг доимий рўйхатдан ўтган ҳамда вақтинча яшаб турган манзили, қарздорда агар мавжуд бўлса телефон рақами ва электрон почта манзили)

Қарздорнинг иш жойи: АТБ “Асака банк” Тошкент шаҳар бошқармаси, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 10 уй.

(корхона, муассаса, ташиқлотнинг номи ва манзили)

Ундирувчи: Давлат фойдасига



Ижро варақанинг орқа томони

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, суд хужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 325-моддасига биноан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Ушбу Кодекснинг 326-моддасига асосан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексад ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажаришнинг ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

Кодекснинг 332-моддасида, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор ҳусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлангирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олтиш кундан кечиктирмай, бундай қарор ҳусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлангирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 333-моддасига кўра, ҳуқуқбузар жаримани ушбу Кодекснинг 332-моддасида белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун хужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг хиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

“Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларига асосан, суд ижрочиси ижро хужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро хужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва маъмур хужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни кўзга тутиши шарт. Агар қонун хужжатларида ижро хужжатларининг айрим турларига мажбурий иловавлар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро хужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Суд ижрочиси ижро хужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзга тутиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни кўзга тутиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек хужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Мухр ўрни

Судья

(имзо)

У.Мамадалиев

Ижро органининг ижро варақани қандай сабабларга кўра қайтариб юборганлиги тўғрисидаги ёзувлари (Қонун моддасига ҳавола қилиш билан чекланмасдан, айнан қайси талаблар бузилганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Бузилган талаблар аниқ ақс эттирилмаган тақдирда ижро хужжати мажбурий ижро бюросига қайтариб юборилишига сабаб бўлади).

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Мухр ўрни

Ижро органи бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

TOSHKENT VILOYAT
MA’MURIY SUDI



THE ADMINISTRATIVE
COURT OF TASHKENT
REGION

100059, Toshkent, shahri
Sh.Rustaveli ko'chasi, 93

Tel: Fax: (+99871) 000-00-00
e-mail: ms.tv.@sud.uz

93 Sh.Rustaveli street,
Tashkent, 100059

№ 1-1-17

(Маъмурий ши рақами)

«02» июль 2018 йил

(ижро варақа берилган сана)

ИЖРО ВАРАҚА

Ахмедов Ахрорбек Акрамович ва бошқалар

(маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 133-моддаси билан айблаш ҳақидаги маъмурий ишни кўриб чиқиб

(жавобгарликка тортишга асос бўлган МЖТКнинг моддаси)

Суд қарор қилди: Хуқуқбузар Ахмедов Ахрор Акрамовичдан Мамажон Даврон Эркин ўғлига етказган 5.000.000 (беш миллион) сўм моддий зарар ундирилсин.

(қарорнинг зарар ундириши қисмидан кўчирма)

Суднинг қарори 2017 йил «17» июндан қонуний кучга кирди.

Қарздор: Ахмедов Ахрорбек Акрамович – 15.01.1986 йилда Андижон вилояти, Асака туманида туғилган. Паспорт серияси АА 8788450, Андижон вилояти, Асака тумани ИИБ томонидан 05.05.2014 йилда берилган.

(Қарздорнинг тўлиқ Ф.И.Ш, туғилган йили, санаси, жойи, унинг паспорт маълумотлари: серияси, ким томонидан ва қачон берилган, ташиқлотнинг номи)

Қарздорнинг манзили: Андижон вилояти, Асака тумани, А.Қодирий кўчаси, 15-уйда доимий рўйхатда туриб, вақтинча Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 59-уй, 15-хонадонда яшайди. тел: (+99897) 702-00-00

(қарздорнинг доимий рўйхатдан ўтган ҳамда вақтинча яшаб турган манзили, қарздорда агар мавжуд бўлса телефон рақами ва электрон почта манзили)

Қарздорнинг иш жойи: вақтинча ишсиз

(корхона, муассаса, ташиқлотнинг номи)

Ундирувчи: Мамажонов Даврон Эркин ўғли.

(Ундирувчининг тўлиқ номи ёки Ф.И.Ш)



Ижро варақанинг орқа томони

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига ижро этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 325-моддасига биноан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Ушбу Кодекснинг 326-моддасига асосан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажаришнинг ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

Кодекснинг 332-моддасида, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео кайд этиш техника воситалари орқали кайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганилиг учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олгани кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 333-моддасига кўра, ҳуқуқбузар жаримани ушбу Кодекснинг 332-моддасида белгиланган муддат ичда тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкidan, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларига асосан, суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни кўзатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айрим турларига мажбурий иловалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни кўзатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Ижро ҳужжатини топшириш муддати

Мухр ўрни

Судья

(имзо)

У.Мамадалиев

Ижро органининг ижро варақани қандай сабабларга кўра қайтариб юборганлиги тўғрисидаги ёзувлари (Қонун моддасига ҳавола қилиш билан чекланмасдан, айнан қайси талаблар бузилганини аниқ кўрсатиш лозим. Бузилган талаблар аниқ ас эштирилмаган тақдирда ижро ҳужжати мажбурий ижро бюросига қайтариб юборилишига сабаб бўлади).

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Мухр ўрни

Ижро органи бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)



АШЁНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ

“НАМУНА”

TOSHKENT VILOYAT
MA’MURIY SUDI



THE ADMINISTRATIVE COURT
OF TASHKENT REGION

100059, Toshkent, shahri
Sh.Rustaveli ko'chasi, 93

Tel: Fax: (+99871) 000-00-00
e-mail: ms.tv.@sud.uz

93 Sh.Rustaveli street,
Tashkent, 100059

№ 1-1-17
(Маъмурий иш рақами)

«17» июнь 2018 йил
(ижро варақа берилган сана)

ИЖРО ВАРАҚА

Ахмедов Ахрорбек Акрамович

(маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 186¹-моддаси билан айбланиш ҳақидаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб,

(жавобгарликка тортишга асос бўлган МЖтКнинг моддаси)

Суд қарор қилди: “ЛУКС” МЧЖда сақланаётган, умумий қиймати 400 000 сўм бўлган, катрони 8 MG/S бўлган 5 қути “KENT” тамаки махсулотлари тегишли тартибда йўқ қилинсин.

(қарорнинг ашёни йўқ қилиш ҳақидаги қисмидан кўчирма)

Суднинг қарори 2017 йил «17» июндан қонуний кучга кирди.

Ашё сақланаётган жой номи: “ЛУКС” МЧЖда сақланмоқда.

(Қардорнинг тўлиқ Ф.И.Ш, туғилган йили, санаси, жойи, унинг паспорт маълумотлари: серияси, ким томонидан ва қачон берилган, ташиқлотнинг номи)

Ашё сақланаётган жойнинг манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 19-уй.

(қардорнинг доимий рўйхатдан ўтган ҳамда вақтинча яшаб турган манзили, қардорда агар мавжуд бўлса телефон рақами ва электрон почта манзили)

Ашёни хал этилиши: йўқ қилинсин.

(Ундирувчининг тўлиқ номи ва манзили)



Ижро варақанинг орқа томони

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, суд хужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик Тўғрисидаги кодекси 325-моддасига биноан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Ушбу Кодекснинг 326-моддасига асосан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистоннинг Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажаришнинг ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

Кодекснинг 332-моддасида, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўлалиши лозим, ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео кайд этиш техника воситалари орқали кайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олтинчи кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 333-моддасига кўра, ҳуқуқбузар жаримани ушбу Кодекснинг 332-моддасида белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкidan, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

“Суд хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларига асосан, суд ижрочиси ижро хужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро хужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур хужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни кўзгаатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро хужжатларининг айрим турларига мажбурий иволалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро хужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Суд ижрочиси ижро хужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзгаатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни кўзгаатиш тўғрисидаги қарор нуسخаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек хужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Мухр ўрни

Судья

(имзо)

У.Мамадалиев

Ижро органининг ижро варақани қандай сабабларга кўра қайтариб юборганлиги тўғрисидаги ёзувлари (Қонун моддасига ҳавола қилиш билан чекланмасдан, айнан қайси талаблар бузилганлигини аниқ кўрсатиши лозим. Бузилган талаблар аниқ аке эттирилмаган тақдирда ижро хужжати мажбурий ижро бюросига қайтариб юборилишига сабаб бўлади).

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Мухр ўрни

Ижро органи бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

TOSHKENT VILOYAT
MA’MURIY SUDI



THE ADMINISTRATIVE COURT
OF TASHKENT REGION

100059, Toshkent, shahri
Sh.Rustaveli ko'chasi, 93

Tel: Fax: (+99871) 000-00-00
e-mail: ms.tv.@sud.uz

93 Sh.Rustaveli street,
Tashkent, 100059

№ 1-1-17
(Маъмурий иш рақами)

«17» июнь 2017 йил
(ижро варақа берилган сана)

ИЖРО ВАРАҚА

Ахмедов Ахрорбек Акрамович

(маъмурий жавобгарликка тортилган шахснинг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 186¹-моддаси билан айбланиш ҳақидаги маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб,

(жавобгарликка тортишга асос бўлган МЖТКнинг моддаси)

Суд қарор қилди: “ЛУКС” МЧЖда сақланаётган умумий қиймати 400 000 сўм бўлган, катрони 6 MG/S бўлган 5 қути “KENT” тамаки махсулотлари давлат фойдасига ўтказилсин.

(қарорнинг ашёни давлат эгаллигига ўтказиш қисмидан кўчирма)

Суднинг қарори 2017 йил «17» июндан қонуний кучга кирди.

Ашё сақланаётган жой номи: “ЛУКС” МЧЖда сақланмоқда.

(Қарздорнинг тўлиқ Ф.И.Ш, тузилган йили, санаси, жойи, унинг паспорт маълумотлари: серияси, қим томонидан ва қачон берилган, ташиқлотнинг номи)

Ашё сақланаётган жойнинг манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 19-уй.

(қарздорнинг доимий рўйхатдан ўтган ҳамда вақтинча яшаб турган манзили, қарздорда агар мавжуд бўлса телефон рақами ва электрон почта манзили)

Ундирувчи: давлат эгаллигига ўтказиш.

(Ундирувчининг тўлиқ номи ва манзили)



Ижро варақанинг орқа томони

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 325-моддасига биноан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

Ушбу Кодекснинг 326-моддасига асосан, маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу Кодексда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайтдан бошлаб ижро этилиши лозим.

Жарима солиш тўғрисидаги қарор уни ихтиёрий равишда бажаришнинг ушбу Кодекснинг 332-моддаси биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддати ўтиб кетганидан кейин мажбурий равишда ижро этилади.

Кодекснинг 332-моддасида, жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор ҳусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим, ушбу модданинг иккинчи қисми бундан мустасно.

Махсус автоматлаштирилган фото ва видео кайд этиш техника воситалари орқали кайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун солинган жаримани ҳуқуқбузар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан бошлаб олтиш кундан кечиктирмай, бундай қарор ҳусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда эса, шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай тўлаши лозимлиги белгилаб қўйилган.

Кодекснинг 333-моддасига кўра, ҳуқуқбузар жаримани ушбу Кодекснинг 332-моддасида белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Башарти жарима солинган шахс ишламаётган бўлса ёхуд жаримани ҳуқуқбузарнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан, пенсияси ёки стипендиясидан бошқа сабабларга кўра ундириб олишнинг иложи бўлмаса, уни ундириб олиш суд ижрочиси томонидан жарима солиш тўғрисида тегишли орган (мансабдор шахс) чиқарган қарор асосида ҳуқуқбузарнинг мулкидан, шунингдек умумий мулкдаги унинг ҳиссасидан ундириб олиш йўли билан амалга оширилади.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларига асосан, суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонуннинг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни қўзғатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айрим турларига мажбурий иловлар назарда тутилган бўлса, улар суд ижрочисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Суд ижрочиси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор нухсаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Мухр ўрни

Судья: (имзо)

У.Мамадалиев

Ижро органининг ижро варақани қандай сабабларга кўра қайтариб юборганлиги тўғрисидаги ёзувлари (Қонун моддасига ҳавола қилиш билан чекланмасдан, айнан қайси талаблар бузилганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Бузилган талаблар аниқ акс эттирилмаган тақдирда ижро ҳужжати мажбурий ижро бюросига қайтариб юборилишига сабаб бўлади).

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Мухр ўрни

Ижро органи бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)



Оммавий ҳуқуқий муносабатлардаги
ҳал қилув қарори бўйича давлат божи ундириши

“НАМУНА”

SAMARQAND VILOYAT
MA'MURIY SUDI



THE ADMINISTRATIVE COURT
OF SAMARKAND REGION

140100, Samarkand,
Mingtut ko'chasi, 93

Tel: Fax: (+99866) 000-00-00
e-mail: ms.sam.@sud.uz

1 Mingtut street,
Samarkand, 140100

№ 1-1-17
(Маъмурий иш рақами)

«30» июнь 2018 йил
(ижро варақа берилган сана)

И Ж Р О В А Р А Қ А

Болтаев Ботир Бахромович

(аризачи ёки масабдор шахснинг Ф.И.Ш.)

Ўзбекистон Республикаси МСИЮтКнинг 203-206-моддаси бўйича ишни кўриб чиқиб,
(давлат божи ундиришга асос бўлган МСИЮтКнинг моддаси)

Қарор қилди: аризачи - Болтаев Ботир Бахромовичдан бюджетга энг кам ойлик иш ҳақининг 1 (бир) баравари яъни 149.775 (бир юз қирқ тўққиз минг етти юз **етмиш беш**) сўм миқдорига давлат божи ундирилсин.

(қарорнинг давлат божи ундириши қисмидан кўчирма)

Суднинг қарори 2018 йил «30» июндан қонуний қучга кирди.

Аризачи ёки мансабдор шахс: Болтаев Ботир Бахромович - 11.05.1968 йилда Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида туғилган.

(Қарздорнинг тўлиқ Ф.И.Ш, туғилган йили, санаси, жойи, ташкилотнинг номи)

Аризачи ёки мансабдор шахснинг манзили: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, А.Темур кўчаси, 13-уй, 13-хонадонда яшайди. тел: (+99897) 310-00-00

(қарздорнинг доимий рўйхатдан ўтган ҳамда вақтинча яшаб турган манзили, қарздорда агар мавжуд бўлса телефон рақами ва электрон почта манзили)

Аризачи ёки мансабдор шахснинг иш жойи: ТИФ “Миллий банк” Самарқанд шаҳар бўлими, Самарқанд шаҳри, Бобур кўчаси, 10-уй.

(корхона, муассаса, ташкилотнинг номи ва манзили, вақтинча ишсиз)

Ундирувчи: Давлат фойдасига

(Ундирувчининг тўлиқ номи ва манзили)

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, суд ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига ижро этилиши шарт.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмларига асосан, суд ижрониси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан (агар ижро ҳужжатини ижрога топшириш муддати ўтмаган ва мазкур ҳужжат ушбу Қонунининг 8-моддасида назарда тутилган талабларга мувофиқ бўлса) ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро иши юритишни кўзғатиши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ижро ҳужжатларининг айрим турларига мажбурий иволалар назарда тутилган бўлса, улар суд ижронисига ижро ҳужжати билан бирга тақдим этилиши керак.

Суд ижрониси ижро ҳужжатини олган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси у чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай ундирувчига, қарздорга, шунингдек ҳужжати ижро этилиши лозим бўлган суд ёки бошқа органга юборилади.

Мухр ўрни

Судья

(имзо)

У.Мусинов



Ижро органининг ижро варақани қандай сабабларга кўра қайтариб юборганлиги тўғрисидаги ёзувлари (Қонун моддасига ҳавола қилиш билан чекланмасдан, айнан қайси талаблар бузилганлигини аниқ кўрсатиш лозим. Бузилган талаблар аниқ акс эттирилмаган тақдирда ижро ҳужжати мажбурий ижро бюросига қайтариб юборилишига сабаб бўлади).

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

Мухр ўрни

Ижро органи бошлиғи

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

II БЎЛИМ

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ЖАРАЁНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ





7-БОБ. СУД ҲУЖЖАТЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига кўра суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади)нинг 7-моддасига кўра маъмурий суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади.

Суд томонидан чиқариладиган ҳар бир суд ҳужжати МСИЮТКда белгиланган талабларга тўлиқ жавоб бериши, тушунарли ва равон бўлиши, қонун ҳужжатлари билан тўлиқ асослантирилган ҳолда тузилиши лозим. Чунки тузилган суд ҳужжатининг МСИЮТКда белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги, тушунарсизлиги ёки етарли даражада асослантирилмаганлиги уни ижро этилишининг қийинлашишига, уни турлича талқин этилишига, уни юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига (ўзгартирилишига) сабаб бўлади, бу эса ушбу ҳужжатни қабул қилган суднинг нуфузига салбий таъсир кўрсатади.

Маъмурий суд ҳужжатларининг ўзига хос умумий белгилари қуйидагича:

– суд ҳужжатларининг алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида ёзилиши;

– суд ҳужжатлари иш қайси тилда юритилган бўлса, шу тилда, унинг барча грамматик ва имловий қоидаларга амал қилинган ҳолда аниқ ва тушунарли ибораларда баён этилиши;

– суд ҳужжатларининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги;

– суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослантирилган бўлишлиги;



– суд ҳужжатларининг МСИЮТҚда назарда тутилган тартибда шакллантирилиши ва тузилиши;

– МСИЮТҚда белгиланган ҳолларда суд ҳужжатлари устидан белгиланган тартибда юқори инстанция судларига шикоят (протест) берилиши.

Суд ажрими – ишни мазмунан ҳал қилмайдиган суд ҳужжати ҳисобланади. Бироқ ажримнинг шакли ва мазмунига нисбатан процессуал қонун ҳужжатларида қўйиладиган талабларга риоя қилмаслик уни қабул қилишда хато ва камчиликларга йўл қўйилишига, тарафлар томонидан шикоят аризаларининг кўпайишига, турлича талқин қилинишига, юқори инстанция судларида ҳам баҳсли мунозаралар келиб чиқишига ва охир оқибат фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳамда судга мурожаат қилувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлади.

Суднинг ажрими унинг мазмунига, турига, маъмурий суд ишларини юритишнинг қайси босқичда эканлигига ҳамда унда қандай масалалар ҳал этилишига қараб МСИЮТҚда белгиланган қоидалар асосида тузилиши лозим.

Судларнинг ажримлар чиқариш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига қанчалик тўлиқ риоя этилиши ишни судда кўришга лозим даражада тайёрлашни, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва холисона аниқлашни, шунингдек иш бўйича қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳал қилув қарори чиқарилишини таъминлашнинг муҳим шarti ҳисобланади.

Суд ажримлари суд томонидан ишни судда кўришга тайёрлаш, судда кўриш (жумладан апелляция, кассация, назорат инстанциялари, шунингдек қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш юзасидан иш юритиш) ёки ҳал қилув қарорларини ижро этиш босқичида алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида ҳам (алоҳида хона (маслаҳатхона)га кириш йўли билан), ажрим матнини суд мажлиси баённомасига киритиш йўли билан ҳам (алоҳида хона (маслаҳатхона)га кирмасдан) чиқарилиши мумкин.

МСИЮТҚда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, ажрим алоҳида суд ҳужжати тарзида чиқарилиши шарт.

Ушбу тоифадаги ажримларга ишни кўришни кейинга қолдириш, экспертиза тайинлаш, иш юритишни тўхтатиб туриш, рад этиш



масаласини ҳал этиш, иш юритишни тугатиш, ариза (шикоят)ни кўрмасдан қолдириш, ариза (шикоят)ни қабул қилишни рад этиш, қайтариш, ариза (шикоят)ни иш юритишга қабул қилиш, иш қўзғатиш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш, ишларни битта иш юритишга бирлаштириш, талабларнинг бир қисмини алоҳида иш юритишга ажратиш, тарафни ҳуқуқий ворис билан алмаштириш каби ажримлар мисол бўла олади.

Шуни назарда тутиш керакки, суд моҳиятига қараб бир неча масалани ҳал этиш натижалари бўйича битта ажрим чиқариши мумкин. Масалан, ариза (шикоят)ни иш юритишга қабул қилиш, иш қўзғатиш, ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим ёки экспертиза тайинлаш ва иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ажрим.

Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлар, одатда, кириш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлиши керак.

Ажримнинг кириш қисмида қоида тариқасида суднинг номи, ишнинг рақами, ажрим чиқарилган сана, суд таркиби, суд мажлиси котиби, низо предмети, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), ажрим чиқарилаётган масала кўрсатилади.

Таъкидлаш керакки, аризани (шикоятни) шунингдек, суд ҳужжатлари устидан берилган шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этиш судья томонидан якка тартибда, суд процессидан ташқарида ҳал этилиши сабабли унда ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг кўргазмалари баён этилмайди. Судья томонидан алоҳида ҳужжат сифатида ажрим чиқарилиб, ундаги масала суд мажлисида ҳал этилган тақдирда эса ушбу ажримда иштирок этувчи шахслар вакилларининг исм-фамилиялари ва уларнинг кўргазмалари баён этилиши лозим.

Ажримнинг асослантирувчи қисмида суднинг хулосаларига олиб келган асослар ҳамда суд амал қилган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари баён этилиши керак.

Ажримнинг хулоса қисмида суднинг кўриб чиқиладиган масала бўйича хулосаси, агар қонунда назарда тутилган бўлса, ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) тартиби ва муддати кўрсатилиши лозим. Ажримнинг хулоса қисми уни ижро этиш чоғида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун аниқ ва тушунарли ифода этилган бўлиши керак.



Алоҳида процессуал ҳужжат кўринишида чиқариладиган ажримлар устидан суднинг ҳал қилув қароридан алоҳида тарзда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин (МСИЮТК 173-моддаси), агар:

ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи МСИЮТК муайян нормасида назарда тутилган бўлса;

ажрим устидан шикоят бериш ҳуқуқи МСИЮТК муайян нормасида назарда тутилган бўлмаса, бироқ суднинг ажрими ишнинг кейинги ҳаракатланишига тўсқинлик қилса.

Бошқа ажримлар устидан эса шикоят (протест) берилмайди, лекин бу ажримларга қарши эътирозлар суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция, кассация ёки назорат шикоятига (протестига) киритилиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қароридан ажратилган ҳолда, шикоят ёки протест берилиши мумкин бўлган ажримларга иш юритишни тугатиш, ариза (шикоят)ни кўрмасдан қолдириш, ариза (шикоят)ни қабул қилишни рад этиш, ариза (шикоят)ни қайтариш, тарафни ҳуқуқий ворис билан алмаштириш, дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ёки дастлабки ҳимоя чораларини кўришни рад этиш, дастлабки ҳимоя чоралари турини алмаштириш ёки алмаштиришни рад этиш, дастлабки ҳимоя чораларини бекор қилиш, иш юритишни тўхтатиб туриш, иш юритишни тиклашни рад этиш, процессуал муддатни тиклашни рад этиш, суд жаримасини солиш каби ажримларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Мураккаб бўлмаган масалаларни ҳал этиш чоғида суд ажримни ўз жойида чиқариши мумкин. Бундай ажрим суд мажлисининг баённомасига киритилади. Ажрим чиқарилганидан кейин у дарҳол ўқиб эшиттирилади.

Бундай ажримлар жумласига суд мажлисида танаффус эълон қилиш, далилларни текширишни тиклаш, далилларни текшириш тартибини белгилаш, ишни мазмунан кўриш тамом бўлганлигини эълон қилиш ва суд музокараларига ўтиш, ишни мазмунан кўришни тиклаш масалалари бўйича чиқариладиган ажримлар мисол бўла олади.

Ҳал қилув қарори (қарор) – моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари талабларига аниқ риоя қилинган ҳолда, қонуний, асосли ва адолатли тарзда чиқарилиши керак. Бироқ айрим ҳолларда судлар томонидан ҳал қилув қарорларини қабул қилишда ушбу талабларга жавоб бермаслик ҳолатлари ҳам учрамоқда. Айрим ҳал қилув



қарорларида далиллар таҳлил қилинмайди, уларга ва билдирилган вазмларнинг барчасига ҳуқуқий баҳо берилмайди, аниқланган ҳолатлар юзасидан судьянинг муносабати фикри баён қилинмайди, низо бўйича суднинг хулосалари ҳар доим ҳам ишнинг ҳақиқий ҳолатларига тўғри келмайди ва ҳоказо.

Айниқса моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилиш, иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатларни кўрсатмаслик, ариза (шикоят)ни қаноатлантириш ёки рад этиш сабабларини батафсил кўрсатмаслик каби хато ва камчиликлар амалиётда тез-тез учраб туради. Бу эса ўз навбатида қабул қилинган суд қарорининг юқори инстанция судлари томонидан бекор қилинишига ёки ўзгартирилишига олиб келади.

Қабул қилинган ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ нормаларига аниқ риоя этилган ва низоли ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларига тўлиқ мос ҳолда қабул қилинган тақдирда у қонуний ҳисобланади.

Ҳал қилув қарорида иш учун аҳамиятли барча ҳолатлар баён этилган ва тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи далиллар келтирилган бўлса, у асослантирилган ҳисобланади.

Ҳал қилув қарори иш ҳолатлари ҳақидаги тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас. Аксинча, суднинг ҳар бир иш бўйича қабул қилинадиган ҳал қилув қарорлари тўлиқ равишда МСИЮТКнинг 156-158-моддалари талабларига жавоб бериши, далиллар билан ўз тасдиғини топган бўлиши, қонуний, асосли ва адолатли бўлиши лозим.

Ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари далиллар ҳисобланади. Ҳолатларни далиллар билан исботлашда унинг низо ечимини ҳал этишга бевосита алоқадорлиги, мақбуллиги, ишончлилиги ва етарлилиги инобатга олиниши керак. Бундан ташқари ҳал қилув қарорининг асоси учун суд томонидан муҳокама қилинган ва баҳо берилган далилларгина олиниши лозим.

Суд ҳал қилув қарорини тузишда иш учун аҳамиятли бўлган у ёки бу ҳолатни тасдиқловчи далилларни қайд этиш билан чегараланмасдан, балки ушбу далилларнинг мазмунини ҳам баён этиши шарт.

Шуни назарда тутиш лозимки, экспертнинг хулосаси бошқа далилларга нисбатан имтиёзга эга бўлмайди ва суд учун мажбурий ҳисобланмайди. У бошқа далиллар билан биргаликда баҳоланиши



лозим. Эксперт хулосасига баҳо қарорнинг асослантирувчи қисмида берилиши керак. Агар суд эксперт хулосаси билан келишмаса, келишмаслик сабабларини асослантириши лозим.

Айрим суд қарорларида ариза (шикоят)ни қаноатлантиришни рад этишга асос сифатида низодаги маъмурий органнинг қарори ёки улар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қайси қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлигига баҳо берилмасдан ҳамда баён қилинмасдан, балки аризачи ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган важларни исбот қилиб бермаганлиги асос қилиб кўрсатилади. Ваҳоланки, МСИЮТК 67-моддасининг иккинчи қисмига кўра маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни тасдиқлаши шарт.

Шунга кўра суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда ишда иштирок этувчи шахслар кўрсатаётган ҳолатлар ҳақиқатда мавжуд бўлганлигини ва улар қандай далиллар билан тасдиқланганлигини, шунингдек қарор қабул қилишда қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқий нормалар нималардан иборат эканлигини аниқлаши лозим.

Ҳал қилув қарори (қарор)ни баён этишда суд МСИЮТКнинг 158-моддасида кўрсатилган кетма-кетликка (кириш, баён қилиш, асослантирувчи ва хулоса қисмларининг мавжудлигига, уларнинг мазмунига) риоя қилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи; суд таркиби, суд мажлиси котиби; иш рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва жой; талаб предмети; ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари ва суд процессининг бошқа иштирокчилари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қисмида ишда иштирок этувчи шахсларнинг арз қилинган талаблари ва эътирозлари, тушунтиришлари, аризалари ва илтимосномаларининг қисқача баёни бўлиши керак.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида:
ишнинг суд томонидан аниқланган ҳақиқий ҳолатлари;
суднинг иш ҳолатлари тўғрисидаги хулосалари асосланган далиллар;

суднинг у ёки бу далилларни рад қилганлигининг, ишда иштирок



этувчи шахсларнинг важларини қабул қилганлигининг ёки рад этганлигининг асослари;

ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд амал қилган қонун ҳужжатлари ҳамда суд ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаганлигининг асослари кўрсатилиши керак.

Судлар ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида низони ҳал қилишда суд инobatга олган тушунтиришлар акс этган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларига ҳаволаларни ҳам кўрсатишлари керак.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши керак.

Агар суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгилаган ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини қабул қилган бўлса, бу ҳақда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд харажатларини ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида тақсимлаш, ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) муддати ва тартиби ёритилади.

Шунингдек, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органнинг номи, ҳужжатнинг номи, рақами ва қабул қилинган санаси;

2) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилганлиги;

3) суд харажатларини тақсимлаш.

Қарорни ҳақиқий эмас, ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) қарорни қабул қилган ёки ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) содир этган органнинг (мансабдор шахснинг) номи, қарорнинг номи, рақами, у қабул қилинган сана, устидан шикоят қилинаётган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилган сана ва жой;

2) қарорнинг тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас ёки ҳаракатларнинг (ҳаракатсизликнинг) қонунга хилоф деб топилганлиги;

3) суд харажатларини тақсимлаш.



Қарор ҳақиқий эмас деб ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш;

ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Ишда учинчи шахслар иштирок этганда суднинг ҳал қилув қарорларида МСИЮтКнинг 44 ва 45-моддаларига мувофиқ низо предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилган ёхуд арз қилмаган учинчи шахснинг процессуал мақоми аниқ белгиланиши лозим. Шунга боғлиқ ҳолда суд томонидан қарорнинг асослантирувчи ва хулоса қисми шакллантирилади.



8-БОБ. БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

132, 139-моддалар. Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш, иш қўзғатиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида

А Ж Р И М

(аризани иш юритишга қабул қилиш, иш қўзғатиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,

_____ туман маъмурий суди судьяси И.Шамуратов, аризачи С.Ахмаджановнинг _____ туман ФХДЁ бўлимнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мажбурият юклаш тўғрисидаги шикоят аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, низони тўғри ва ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 131-132, 139, 168-169-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

С.Ахмаджановнинг шикоят аризаси иш юритиш учун қабул қилинсин ва иш қўзғатилсин.

Ишни кўриш 2018 йил 17 апрель соат 10-00да бўлиб ўтадиган суд мажлисига тайинлансин. Суд мажлиси _____ ш., _____ кўчаси, __ -уй манзилидаги суд биносида бўлиб ўтади.

Ишни суд муҳокамасида кўришга тайёрлаш учун:

- аризачи зиммасига аризага илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхасини судга тақдим қилиш вазифаси юклатилсин;
- жавобгарга шикоят аризага нисбатан ёзма фикрни, эътирозларини асословчи бошқа ҳужжатларни судга тақдим этиш



ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Аризачига Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 105-моддасининг 3-бандига асосан аризачи биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса суд аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Судья

И.Шамуратов



21-модда. Судьяни рад қилиш

А Ж Р И М

(судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ҳақида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
суд раиси И.Шамуратовнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи С.Равшанов, жавобгар вакили К.Полвонов иштирокида, аризачи “Халил” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан келтирилган шикоятни бўйича юритилаётган ишни кўраётган судья С.Полвоновни рад қилиш тўғрисидаги аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судга “Халил” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матн-да – аризачи деб юритилади) _____ туман давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда – жавобгар деб юритилади) мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилиб, унда жавобгар мансабдор шахслари тегишли тартибда қарор қабул қилмасдан, аризачини 2017 йил 1 сентябрдан умум ўрнатилган солиқлар тўлашга ноқонуний ўтказиб, аризачи манфаатларига жиддий зиён етказганлиги, бу ҳақда 2017 йил 23 августда жавобгар томонидан огоҳлантириш хати юборилганлигини баён қилиб, жавобгар мансабдор шахсларининг аризачини 2017 йил 1 сентябрдан умум ўрнатилган солиқларни тўлашга ўтказишда ифодаланган хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи томонидан ишни кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисида ариза тақдим этилган. Аризада судьяни рад қилиш учун асос сифатида жавобгар вакили, яъни К.Полвонов шу ишни кўраётган судья С.Полвоновнинг қариндоши эканлиги ваз қилиб келтирилган.

Суд мажлисида аризачи аризани қўллаб-қувватлашини маълум қилиб, судья С.Полвоновни рад қилишни сўради.



Жавобгар вакили судья С.Полвонов ҳақиқатан уни қариндоши эканлигини маълум қилди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 21-моддасининг 3-бандига асосан судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг ёки улар вакилларининг қариндоши бўлса, ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим.

Мазкур ишни кўраётган судья С.Полвонов ҳақиқатан, жавобгар вакили, яъни К.Полвоновнинг қариндоши, яъни отасининг укаси эканлиги ҳолати вакилнинг берган тушунтиришлари ва уларнинг паспорт маълумотлари орқали тасдиқланди. Шу боис суд аризачининг аризасини қаноатлантиришни ва ишни кўришни бошқа судьяга ўтказишни лозим топади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 21, 24, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Халил” масъулияти чекланган жамиятининг судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Судья С.Полвонов рад қилинсин.

Мазкур маъмурий иш ўз иш юритувимга кўриб чиқиш учун ўтказилсин.

Суд раиси

И.Шамуратов



А Ж Р И М

(судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
суд раиси И.Шамуратовнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи вакили Н.Чориев, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи С.Чориевнинг жавобгар _____ туманидаги 1-сонли нотариал идора катта нотариусининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича ишни кўраётган судья Х.Саттаровни рад қилиш тўғрисидаги аризачи вакили С.Чориевнинг аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

С.Чориев (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ туманидаги 1-сонли нотариал идора катта нотариуси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачининг вакили судьяни рад қилиш тўғрисида ариза тақдим этди. Аризада судьяни рад этишга судья Х.Саттаров муқаддам ушбу иш биринчи инстанция судида кўрилишида иштирок этганлиги, яъни унинг худди шу мазмундаги аризаси судья Х.Саттаров томонидан 2018 йил 25 апрелдаги ажрим билан қайтарилганлиги асос қилиб келтирилган ва бу ҳолат ишни кўришда унинг ҳолислигига шубҳа туғдириши маълум қилинган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризада келтирилган важларни қўллаб-қувватлашини маълум қилиб, ишни тўғри ва қонуний кўрилишида судьянинг ҳолислигига шубҳаси борлиги боис уни рад қилишни сўради.

Жавобгар вакили аризада келтирилган важлар асоссизлигини билдириб, аризани қаноатлантириш ёки рад этиш масаласини судга ҳавола қилди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг аризани қаноатлантиришга асос йўқлиги ҳақидаги фикрини тинглаб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 21-моддасининг 4-бандига кўра судья ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, аризачи 2018 йил 23 апрелда маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг васиятномани расмийлаштирмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган. Ушбу ариза аризачининг фарзанди Н.Чориев томонидан имзоланган бўлиб, бироқ аризага Н.Чориевнинг аризани аризачи номидан имзолаш ваколатини берувчи ишончнома илова қилинмаган. Яъни ариза ваколатсиз шахс томонидан имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра судья аризани (шикоятни) ва унга илова қилинган ҳужжатларни, агар ариза (шикоят) имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса қайтаради. Мазкур қоидага мувофиқ суд аризачининг дастлабки аризасини Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 134-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан тўғри қайтарган.

Ушбу ҳолатда аризанинг суд томонидан қонуний асосларда қайтарилиши, судьянинг ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор эканлигини англаб беришди. Қолаверса, судьянинг аризани қайтариш масаласини ҳал қилганлиги унинг ушбу ишни олдин мазмунан кўрганлигини билдирмайди.

Шубоис суд аризачининг судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризасида келтирилган важларни асосиз деб топиб, уни қаноатлантиришни рад этиш лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 21, 24, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

С.Чориевнинг судья Х.Саттаровни рад қилиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Суд раиси

И.Шамуратов



А Ж Р И М

(судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
суд раиси И.Равшановнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи С.Қувончбоев, жавобгар вакили К.Расулов иштирокида, аризачи С.Ахмаджановнинг _____ туман ФХДЁ бўлимнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоятни бўйича юритилаётган ишни кўраётган И.Равшановни рад қилиш тўғрисидаги жавобгарнинг аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Аризачи Ахмаджанов Салим Обидович (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлими (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг 2017 йил 20 майдаги 1865-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 2 февралдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаб қаноатлантирилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 25 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Ишни мазмунан кўриш бошланишидан олдин жавобгар судьяни рад қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, унда судья И.Равшанов иш муқаддам биринчи инстанция судида кўрилганида суд мажлиси котиби сифатида иштирок этганлиги, бу эса Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 21-моддасининг 2-бандига асосан судьяни рад этишга сабаб бўлиши ваз қилиб келтирилган.

Суд мажлисида жавобгар вакили аризани қўллаб-қувватлашини маълум қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Аризачи судьяни рад қилиш масаласини ҳал этишни судга ҳавола қилишини маълум қилди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг



судьяни рад этиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 24-моддасининг иккинчи қисмига кўра ишни якка тартибда кўраётган судьяни рад қилиш тўғрисидаги масала суд раиси, бир таркибли судда эса шу судья томонидан ҳал қилинади.

_____ туман маъмурий суди бир таркибли суд бўлганлиги учун судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризани шу судьянинг ўзи ҳал қилади.

Судья И.Равшанов 2018 йил 1 мартга қадар _____ туман маъмурий судида судья катта ёрдамчиси лавозимида ишлаган. Ушбу иш _____ туман маъмурий судида мазмунан кўрилиш жараёнида у ишда суд мажлиси котиби сифатида иштирок этган. Бу ҳолат биринчи инстанцияси судининг суд ҳужжатлари ва баённомалари билан ўз тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 21-моддасининг 2-бандига асосан судья мазкур иш илгари кўрилганда унда прокурор, эксперт, мутахассис, таржимон, суд мажлиси котиби, вакил ёки гувоҳ сифатида иштирок этган бўлса, ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва у рад қилиниши лозим. Шу боис суд жавобгар вакилининг аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 21, 24, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____ туман ФХДЁ бўлимининг судьяни рад қилиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Судья И.Равшанов рад қилинсин.

Суд раиси

И.Равшанов



22-модда. Прокурорни, экспертни, мутахассисни, таржимонни ва суд мажлиси котибини рад қилиш

А Ж Р И М

(экспертни рад қилиш тўғрисидаги аризани
қаноатлантириш ҳақида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни
_____ туман маъмурий суди ўз биносида,
суд раиси И.Шамуратовнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори
ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи вакили Х.Каттабеков, жавобгар
вакили А.Тошев иштирокида, аризачи “Лобар” фермер хўжалигининг
жавобгар _____ туман ҳокимининг 2017 йил 25 октябрдаги Х-1155/17-
сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича
юритилаётган иш юзасидан эксперт А.Шокировни рад қилиш тўғри-
сидаги “Лобар” фермер хўжалигининг аризасини очиқ суд мажлисида
кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

“Лобар” фермер хўжалиги (бундан буён матнда аризачи деб
юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, _____
туман ҳокими (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг
2017 йил 25 октябрдаги Х-1155/17-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб
топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 11 апрелдаги ажрими билан аризачининг
илтимосномасига асосан аризачининг туман ҳокими номига ёзган
“Ёрни заҳирага олиш ҳақида”ги аризасидаги имзонинг аризачи
раҳбари томонидан бажарилганлигини аниқлаш учун суд-хатшунослик
экспертизаси тайинланган.

Экспертизани ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси
маркази _____ вилоят филиалига юклатилган. Ўз навбатида _____
вилоят филиали томонидан суд-хатшунослик экспертизасини ўтказиш
_____ вилоят филиали эксперти А.Шокировга топширилган.

Кейинчалик, аризачи вакили томонидан экспертни рад қилиш
тўғрисида ариза тақдим этилиб, унда эксперт А.Шокиров суд



экспертизаси маркази эксперти лавозимига ишга қабул қилингунга қадар _____ туман ҳоқимлигида ҳоқим ёрдамчиси лавозимида ишлаганлиги важ қилиб келтирилган.

Аризачи вакили аризада келтирилган важларни қўллаб-қувватлаб, экспертни рад қилишни сўради.

Жавобгар вакили ҳақиқатан, А.Шокиров суд экспертизаси маркази эксперти лавозимига ишга қабул қилингунга қадар _____ туман ҳоқимлигида ҳоқим ёрдамчиси лавозимида ишлаганлигини, бироқ бугунги кунда у туман ҳоқимлигида бирор-бир лавозимда ишламаслигини, бу эса унинг ўз вазифасини бажаришга тўққинлик қилувчи ҳолатлар йўқлигидан далолат беришини, у олдин қаерда ишлаганлигидан қатъий назар ўз ишига содиқлигини билдириб экспертнинг ҳолислигига тўлиқ ишонишини маълум қилиб аризани рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг экспертни рад қилиш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 22-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига кўра экспертнинг унинг ишда иштирок этувчи шахсларга ёки уларнинг вакилларига ишнинг муҳокамаси пайтида ёки ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан ёхуд бошқа жиҳатдан тобе бўлганлиги, уни рад қилиш учун асос бўлади.

Суд, А.Шокиров ҳақиқатан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази _____ вилоят филиали эксперти лавозимига ишга қабул қилингунга қадар _____ туман ҳоқимлигида ҳоқим ёрдамчиси лавозимида ишлаганлиги, яъни экспертнинг жавобгарга ўтмишда хизмат вазифаси юзасидан тобе бўлганлиги факти тарафлар вакилларининг тушунтиришлари ва тақдим этилган далиллар билан тасдиқланганлигини инobatга олиб, аризачининг экспертни рад қилиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 22, 24, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Лобар” фермер хўжалигининг эксперт А.Шокировни рад қилиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

Иш бўйича экспертиза ўтказиш юклатилган эксперт А.Шокиров рад қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази _____ вилоят филиали зиммасига ушбу иш бўйича суд-хатшунослик экспертизасини ўтказишни марказнинг бошқа экспертига юклаш топширилсин.

Судья

И.Шамуратов



34-модда. Ишни бир маъмурий суддан бошқасига ўтказиш

А Ж Р И М

(ишни бир маъмурий суддан бошқасига ўтказиш ҳақида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносига,
судья И.Шамуратовнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи вакили А.К.Розиқов, жавобгар вакили А.Н.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Чевар” фермер хўжалигининг жавобгар _____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Чевар” фермер хўжалиги (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили ариза талабларини қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларга кўра маъмурий ишни мазмунан кўриш учун _____ туман маъмурий судидан _____ шаҳар маъмурий судига ўтказишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 32-моддасига кўра фуқаронинг ёки юридик шахснинг аризаси (шикояти) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган маъмурий орган жойлашган ер ёхуд мансабдор шахснинг иш жойи бўйича судга тақдим этилади.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, аризачи маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Жавобгар сифатида



қатнашаётган маъмурий орган, яъни _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси жойлашган ер _____ шаҳри ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида иш судловга тегишлилик қоидасини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш вақтида маълум бўлса, суд ишни бошқа маъмурий судга ўтказиши белгиланган. Шу сабабли суд жавобгар _____ шаҳрида жойлашганлигини инobatга олиб, маъмурий ишни кўриш учун _____ шаҳар маъмурий судига ўтказишни лозим топади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 32, 34, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Чевар” фермер хўжалигининг _____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган _____ -сонли маъмурий иш кўриш учун _____ шаҳар маъмурий судига ўтказилсин.

Судья

И.Шамуратов



41-модда. Ишда бир нечта аризачи ва жавобгарнинг иштирок этиши

А Ж Р И М

(ишда иштирок этиши учун бошқа жавобгарни
жалб қилиш ҳақида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____
туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Т.Алимбековнинг раислигида,
Д.Сабилованинг котиблигида, _____ туман прокурори
ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Абдуллаев, жавобгар вакили
А.Сотволдиев иштирокида, аризачи "РТМ" масъулияти чекланган
жамиятининг жавобгар _____ шаҳар давлат солиқ инспекциясининг
2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас, _____ вилоят
давлат солиқ бошқармаси мансабдор шахсларининг ҳаракатларини эса
қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни
очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

"РТМ" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи
деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб _____
шаҳар давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда жавобгар деб
юритилади)нинг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас,
_____ вилоят давлат солиқ бошқармаси мансабдор шахсларининг
хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризада келтирилган важларини
қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризачининг молиявий хўжалик фаолияти
режали текширувдан ўтказилиб, текширув натижаси бўйича
далолатнома расмийлаштирилганлиги, шундан кейин солиқ текшируви
материаллари белгиланган муддат ва тартибларда кўриб чиқилиб,
унинг натижаси бўйича қарор қабул қилинганлигини маълум қилиб, арз
қилинган талабни қаноатлантиришдан рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш
ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, низони тўғри ва қонуний ҳал этиш учун



қуйидагиларга кўра _____ вилоят давлат солиқ бошқармасини ишга жавобгар сифатида жалб қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 41-моддасининг бешинчи қисмига кўра, агар қонун ҳужжатларида ишда бошқа жавобгар иштирокининг мажбурийлиги назарда тутилган бўлса, суд ўз ташаббуси билан шу жавобгарни ишда иштирок этиш учун жалб этади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, аризачи 2018 йил 15 февралда _____ вилоят давлат солиқ бошқармасига жавобгарнинг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини бекор қилиш юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Бироқ, аризачи ушбу аризага белгиланган муддатда жавоб олмаганлиги сабабли маъмурий судга жавобгарнинг 2017 йил 20 ноябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан бирга, _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси мансабдор шахсларининг унинг аризасини белгиланган муддатда кўриб чиқмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 40-модданинг учинчи қисмига кўра ариза (шикоят) талаби қаратилган маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлардир.

Ушбу ҳолатда суд арз қилинган талабнинг _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги қисми бўйича _____ вилоят давлат солиқ бошқармасини ишга жавобгар сифатида жалб қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 41, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ вилоят давлат солиқ бошқармаси ишга жавобгар сифатида жалб қилинсин.

Ишни кўриш 2018 йил 25 май соат 10-00 га қолдирилсин. Суд мажлиси _____ шахри, _____ кўчаси, __-уйда жойлашган _____ туман (шаҳар) маъмурий суди биносида ўтказилиши ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Т.Алимбеков



42-модда. Ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш

А Ж Р И М

(ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштириш ҳақида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Л.Жалоловнинг раислигида,
Д.Сабиорованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Розиқов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Карпат” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____ давлат солиқ инспекцияси раҳбарининг 2017 йил 20 октябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

“Карпат” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга _____ давлат солиқ инспекцияси раҳбари З.Абдувахобовга нисбатан ариза билан мурожаат қилиб, _____ давлат солиқ инспекцияси раҳбарининг 2017 йил 20 октябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризада келтирилган важларини қўллаб-қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризачининг молиявий хўжалик фаолияти режали текширувдан ўтказилиб, текшириш натижаси бўйича далолатнома расмийлаштирилганлиги, шундан кейин солиқ текшируви материаллари белгиланган муддат ва тартибларда кўриб чиқилиб, унинг натижаси бўйича қарор қабул қилинганлигини маълум қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантиришдан рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурор фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра ишга дахлдор бўлмаган жавобгарни алмаштиришни лозим топди.

Аниқланишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши _____ туман ҳудудий комиссиясининг 2017 йил 10 сентябрдаги 06-32-сонли рухсатига, _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 11 сентябрдаги 212-х/с-сонли



буйруғига асосан аризачига қарашли тунги клубда режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, текшириш натижалари юзасидан 2017 йил 11 сентябрда далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда аризачига қарашли тунги клубда мижоздан қонунга хилоф равишда тўлов сифатида 50 АҚШ долларини 400000 сўмга ҳисоблаб олиб, назорат-касса машинасига кириш қилмай, харид чеки бермаганлик, кунлик хизмат кўрсатишдан тушган 101900 сўмни назорат-касса машинасига кириш қилмаганлик, кириш ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган 3725972 сўм алкоголь ва тамаки маҳсулотлари савдога қўйилганлик ҳолати аниқланган.

Текшириш материаллари _____ туман давлат солиқ инспекциясида кўриб чиқилиб, унинг натижалари бўйича 2017 йил 20 октябрда қарор қабул қилинган.

Ушбу қарордан норози бўлган аризачи маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб _____ давлат солиқ инспекцияси раҳбарининг 2017 йил 20 октябрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 42-моддасининг биринчи қисмига кўра суд ариза (шикоят) бўйича жавоб бериши лозим бўлмаган шахсга нисбатан талаб тақдим этилганини аниқласа, ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар дахлдор бўлмаган жавобгарни аризачи розилиги билан дахлдор бўлган жавобгар билан алмаштирилишига йўл қўйиши мумкин.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, аризадаги талаб _____ туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари З.Абдувахобовга қаратилган ва у ишда жавобгар сифатида қайд этилган. Бироқ солиқ қонунчилигига кўра давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин қарор қабул қилади. Ушбу қарор давлат солиқ хизмати номидан чиқарилади. Бундай ҳолатда суд жавобгарни ишга дахлдор _____ туман давлат солиқ инспекцияси билан алмаштиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 42, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман давлат солиқ инспекцияси раҳбари З.Абдувахобов ишга дахлдор жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекцияси билан



алмаштирилсин.

Ишни кўриш 2018 йил 21 май соат 11-00 га қолдирилсин. Суд мажлиси _____ шаҳри, _____ кўчаси, 6-уйда жойлашган _____ туман маъмурий суди биносида ўтказилиши ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Л.Жалолов



43-модда. Процессуал ҳуқуқий ворислик

А Ж Р И М

(тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштириш ҳақида)

2018 йил апрель ойининг 17 куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносига,
судья Л.Жалоловнинг раислигида,
Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Розиқов, жавобгар вакили А.Н.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Хурсанд” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи _____ шаҳар бошқармаси мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоятни бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И :

“Хурсанд” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда ДИҲХХ деб аталади деб аталади) органи _____ шаҳар бўлими мансабдор шахсининг унга тегишли автотранспорт воситасини белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризада келтирилган важларини қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сонли қарори билан тасдиқланган “Автомобилларнинг воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган қоидалар қўпол равишда бузилиб аризачига тегишли автотранспорт воситаси Низомда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказилмасдан қолаётганлигини баён қилди ва аризани қаноатлантиришни сўради.

ДИҲХХ _____ туман бўлими вакили ДИҲХХ органи _____ шаҳар бўлими бугунги кунда мавжуд эмаслиги, _____ шаҳри _____ туманига қўшилганлигини муносабати билан шаҳар таркибидаги барча органлар тумандаги органлар билан бирлаштирилганлигини маълум



қилиб, жавобгарга нисбатан иш юритишни тугатишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг ДЙҲХХ органи _____ шаҳар бўлими бугунги кунда мавжуд эмаслиги сабабли иш юритишни тугатиш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра жавобгарни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 43-моддасининг биринчи-учинчи қисмларига асосан тарафлардан бири низоли ёки суд ҳужжати билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган ҳолда (юримдик шахснинг қайта ташкил этилиши, фуқаронинг вафот этилиши ва мажбуриятлардаги шахслар ўзгаришининг бошқа ҳолларида) суд бу тарафни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиради.

Ҳуқуқий ворислик маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин.

Тарафни ҳуқуқий ворис билан алмаштириш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Суд _____ шахри қайта ташкил этиш йўли билан _____ туманига қўшилганлиги, натижада туман ва шаҳар миқёсидаги барча давлат органлари бирлаштирилганлиги, шунга кўра ДЙҲХХ органи _____ шаҳар бўлимининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ДЙҲХХ _____ туман бўлимига ўтганлигини инобатга олиб, жавобгар ДЙҲХХ органи _____ шаҳар бўлимини унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган ДЙҲХХ _____ туман бўлими билан алмаштиришни лозим деб топади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 43, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жавобгар ДЙҲХХ органи _____ шаҳар бўлимини унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган ДЙҲХХ _____ туман бўлими билан алмаштирилсин.

Ишни кўриш 2018 йил 1 май соат 10-30 га қолдирилсин. Суд мажлиси _____ шахри, _____ кўчаси, 6-уйда жойлашган _____ туман маъмурий суди биносига ўтказилиши ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Ажрим устидан 20 кун ичида шикоят (протести) берилиши мумкин.

Судья

Л.Жалолов



136-модда. Ариза (шикоят)нинг асосини ёки предметини ўзгартириш, ариза (шикоят)дан воз кечиш

А Ж Р И М

(шикоятнинг асосини ўзгартириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ҳақида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди _____ шаҳар, _____ кўчаси, __-уйда жойлашган _____ округ сайлов комиссияси биносида, судья Л.Рашидовнинг раислигида,

Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси Д.Шодмонов, аризачи А.Розиқов, жавобгар вакили А.Н.Сотволдиев иштирокида, аризачи А.Розиқовнинг жавобгар _____ участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилаётган ишни сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Сайловчи А.Розиқов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) _____ участка сайлов комиссияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун рухсат беришни сўраган.

Бироқ аризачи аризасига белгиланган муддатда жавоб олмаган. Шундан кейин у судга мурожаат қилиб, жавобгарнинг аризани кўриб чиқмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи шикоятнинг асосини ўзгартириш тўғрисидаги аризани судга тақдим этиб, унинг аризаси жавобгар томонидан белгиланган муддатда кўриб чиқилганлиги ва рад этилганлигини судга мурожаат қилгандан кейин хабар топганлигини, бироқ жавобгар унинг аризасини асосиз рад қилганлигини, унинг аризасини рад этишга асос сифатида аризада сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабабларини кўрсатмаганлиги асос қилинганлиги, бироқ у сайлов кунида ўз уйида бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар муддатидан олдин овоз бериш унинг қонуний ҳуқуқи эканлигини билдириб, жавобгарнинг муддатидан олдин овоз бериш ҳақидаги аризани рад этишдан иборат



хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Жавобгар вакили "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 38-моддасига мувофиқ муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олиши белгиланганлиги, бироқ аризачи аризасида сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо)ни кўрсатмаганлигини, аниқлик киритиш учун унинг шахсий телефонига телефон қилинганлиги, бироқ аризачи сайлов куни қаерда бўлиш унинг иши эканлиги каби сўзлар билан жавоб қайтарганлиги, натижада аризада сайловчининг сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилмаганлиги сабабли сайловчининг аризаси рад этилганлигини баён қилиб, шикоят асоссиз бўлганлиги сабабли уни рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризанинг асосини ўзгартириш тўғрисидаги аризани қабул қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 136-моддасининг биринчи қисмида аризачи ишни биринчи инстанция судида кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят)нинг асосини ёки предметини ўзгартиришга ҳақли. Ушбу ҳолатда аризачи шикоятнинг асосини ўзгартириш ҳақида мурожаат қилган. Шу боис суд аризачининг аризасини иш юритишга қабул қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 136, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

А.Розиқовнинг шикоят аризасининг асосини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинсин.

Судья

Л.Рашидов



А Ж Р И М

(шикоятнинг предметини ўзгартириш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш ҳақида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносига, судья Л.Рашидовнинг раислигида, Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Каттабеков, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Чинор” акциядорлик жамиятининг жавобгар _____ туман мажбурий ижро бюросининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

“Чинор” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг аризачига тегишли бўлган кўчмас мулкларини, яъни _____ шаҳри, _____кўчаси, 9-уйдаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини хатлашдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили ариза билан мурожаат қилиб, унда мажбурий ижро бюросининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топилиши хатланган мол-мулклар хатловини бекор бўлишига олиб келмаслигини, шу боис “мажбурий ижро бюросининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш” тўғрисидаги ариза предметини “мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 мартдаги “Қарздорнинг мол-мулкни хатлаш тўғрисида”ги 146-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш”га ўзгартиришни сўради.

Жавобгар вакили арз қилинган талаблар юзасидан ўз эътирозларини билдириб, қарздорнинг мол-мулкларини хатлаш бошқа бир суд қарори ижросини таъминлаш учун амалга оширилганлигини маълум қилиб, аризани рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризанинг



предметини ўзгартириш тўғрисидаги аризани қабул қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 136-моддасининг биринчи қисмига кўра аризачи ишни биринчи инстанция судада кўриш чоғида ишнинг мазмунан кўрилиши якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят)нинг асосини ёки предметини ўзгартиришга ҳақли.

Шу боис суд аризачининг аризасини иш юритишга қабул қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 136, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Чинор” акциядорлик жамиятининг ариза предметини ўзгартириш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинсин.

Судья

Л.Рашидов



А Ж Р И М

(аризадан воз кечишни қабул қилиш ва аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида)

2018 йил апрель ойининг 17 куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида, судья З.Алимованинг раислигида, Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, _____ туман прокурорининг “Само” масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар _____ туман ҳокимининг 2018 йил 2 мартдаги Х-1577 қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган иш бўйича “Само” масъулияти чекланган жамиятининг аризадан воз кечиш тўғрисидаги аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман ҳокимининг 2018 йил 2 мартдаги Х-1577қ-сонли қарори билан “Само” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади)га бино-иншоот қуриш учун берилган 0,5га ер майдони туман захирасига қайтарилган.

Ушбу қарорга нисбатан _____ туман прокурори “Само” масъулияти чекланган жамияти манфаатида жавобгар _____ туман ҳокимининг 2018 йил 2 мартдаги Х-1577 қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачи “Само” масъулияти чекланган жамияти вакили судга аризадан воз кечиш тўғрисидаги аризани тақдим этиб, аризачига туман ҳокимининг 2018 йил 15 апрелдаги қарори билан захирага қайтарилган ер майдони ўрнига бошқа жойдан ер майдони ажратилганлигини тушунтириб, суддан аризадан воз кечишни қабул қилишни сўради.

Жавобгар вакили аризадан воз кечиш тўғрисидаги ариза юзасидан ўз тушунтиришларини бериб, уни қўллаб-қувватлаган ҳолда суддан аризадан воз кечишни қабул қилишни сўради.

_____ туман прокурори ёрдамчиси ариза бўйича ўз фикрини билдириб, аризадан воз кечиш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилмаслигини ва тарафлар низони ўзаро



келишган ҳолда ҳал этганликларини инobatга олиб, воз кечишни қабул қилишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини ва прокурор фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризадан воз кечиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 136-моддасининг иккинчи қисмига кўра аризачи ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят) дан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Ушбу кодекс 105-моддасининг 4-бандига асосан аризачининг манфаатларини кўзлаб прокурор, давлат органи ва бошқа шахс томонидан арз қилинган талабдан аризачи воз кечган бўлса, суд аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдиради.

Суд аризачининг унинг манфаатида киртилган аризадан воз кечиши қонун ҳужжатларига хилоф эмаслиги ҳамда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига таъсир қилмаслигидан келиб чиқиб, аризадан воз кечишни қабул қилишни ва аризани кўрмасдан қолдиришни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 108, 136, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Само” масъулияти чекланган жамиятининг унинг манфаатида прокурор томонидан киритилган аризадан воз кечиши қабул қилинсин. Ариза кўрмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан 20 кун ичида шикоят (протести) берилиши мумкин.

Судья

З.Алимова



А Ж Р И М

(аризадан воз кечиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносига, судья З.Алимованинг раислигида, Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи _____ маҳалла фуқаролар йиғинининг _____ туман сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоятни бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ маҳалла фуқаролар йиғини (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят билан мурожаат қилиб, _____ туман сайлов комиссияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) нинг _____ участка сайлов комиссиясининг аъзолигига кўрсатилган номзодларни кўриб чиқмаганликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачи вакили судга аризадан воз кечиш тўғрисида 2018 йил 15 апрелдаги 11-сонли аризани тақдим этиб, _____ участка сайлов комиссиясининг аъзолигига кўрсатилган номзодлар жавобгар томонидан кўриб чиқилганлигини маълум қилиб, суддан шикоятдан воз кечишни қабул қилишни сўради.

Жавобгар вакили аризадан воз кечиш тўғрисидаги ариза юзасидан ўз тушунтиришларини бериб, уни қўллаб-қувватлаган ҳолда суддан шикоятдан воз кечишни қабул қилишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг шикоятдан воз кечишни қабул қилиш тўғрисидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра шикоятдан воз кечиш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 136-моддасининг иккинчи қисмига кўра аризачи ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда ишни кўриш якуни бўйича



чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят) дан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Мазкур ҳолатда шикоятдан воз кечиш тўғрисида ариза маҳалла фуқаролар йиғини раиси томонидан эмас, балки аризачининг вакили А.Толмасов томонидан имзоланган. Аризачи томонидан унга берилган 2018 йил 17 апрелдаги 5-сонли ишончномада унга аризадан воз кечиш ҳуқуқи берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 62-моддасига кўра судда иш юритиш ваколатлари вакилга барча процессуал ҳаракатларни ваколат берувчи номидан амалга ошириш ҳуқуқини беради.

Шартнома бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талабдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш, унинг асосини ёки предметини ўзгартириш, аризачининг талабларини тан олиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш ваколатларининг ҳар бири ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлиши керак. Шу сабабли суд аризачининг аризадан воз кечиш тўғрисидаги аризасини қабул қилишни рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 136, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____ маҳалла фуқаролар йиғини вакили А.Толмасовнинг шикоятдан воз кечиш ҳақидаги аризасини қабул қилиш рад этилсин.

Судья

З.Алимова



45-модда. Низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар

А Ж Р И М

(низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахснинг ишга киришиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш ҳақида)

2018 йил 23 апрель куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,

судья З.Алимова, аризачи “Улуғбек” фермер хўжалигининг жавобгар _____ туман ҳокимининг 2017 йил 20 октябрдаги Х-1199қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси юзасидан юритилаётган иш бўйича “Тонг” фермер хўжалигини низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга киришиши тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Улуғбек” фермер хўжалиги маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ туман ҳокимининг 2017 йил 20 октябрдаги Х-1199қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Иш мазмунан кўрилиш пайтида “Тонг” фермер хўжалиги судга аризани бериб, уни жавобгар томонида низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга киритишни сўраган. Аризада _____ туман ҳокимининг 2017 йил 20 октябрдаги Х-1199қ-сонли қарори билан “Улуғбек” фермер хўжалигига ижарага берилган 50 га ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилганлиги, кейинчалик ушбу ер майдони унга пахтачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш учун ажратиб берилганлигини, шу сабабли _____ туман ҳокимининг 2017 йил 20 октябрдаги Х-1199қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топилиши “Тонг” фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қилишини важ қилиб келтирган.

Суд “Тонг” фермер хўжалигининг аризасини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра унинг аризасини қабул қилишни ва “Тонг” фермер хўжалигини низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 45-моддасининг биринчи қисмига кўра низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорини қабул қилгунига қадар, агар иш ушбу шахсларнинг тарафлардан бирига нисбатан ҳуқуқлари ёки мажбуриятларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, аризачи ёхуд жавобгар тарафида ишга киришиши мумкин. Улар тарафнинг илтимосномаси билан ёки суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 12-моддасининг иккинчи қисмига кўра, суд ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, бузилган ҳуқуқ ушбу Кодекснинг 11-моддасида назарда тутилган усулларда ҳимоя қилиниши керак.

Мазкур Кодекс 11-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисига кўра фуқаролик ҳуқуқлари ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш йўллари билан ҳимоя қилинади.

Суд аризачининг талаби қаноатлантирилиши кейинчалик “Тонг” фермер хўжалигига ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимининг қарорини ҳам ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлишини, яъни мазкур низо бўйича қабул қилинадиган суд ҳужжати “Тонг” фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, “Тонг” фермер хўжалигини жавобгар томонида низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга киришиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 45, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Тонг” фермер хўжалигининг аризаси қаноатлантирилсин.

“Тонг” фермер хўжалиги жавобгар томонида низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинсин.

“Тонг” фермер хўжалиги ишни кўриш 2018 йил 1 май соат 15-00га тайинланганлиги ва суд мажлиси _____ шаҳри, _____ кўчаси, 6-уйда



жойлашган _____ туман маъмурий суди биносида ўтказилиши
хақида хабардор қилинсин.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга юборилсин.

Судья

З.Алимова



68-модда. Далилларни тақдим этиш ва талаб қилиб олиш

А Ж Р И М

(далилни талаб қилиб олиш тўғрисида)

2018 йил 11 апрель куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,

судья З.Алимованинг раислигида,

Д.Сабиrowанинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи А.Топиболдиев, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи А.Топиболдиевнинг жавобгарлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва _____ вилояти ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

А.Топиболдиев (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва _____ вилояти ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақида шикоят ариза билан судга мурожаат қилган.

Суд мажлисида аризачи вакили томонидан 2018 йил 11 апрелдаги 5-сонли илтимоснома тақдим этилиб, унда аризачи сайёҳ сифатида чет элга чиқиш учун рухсат беришни сўраб ёзган мурожаатига _____ вилояти ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг _____ -сонли хати билан унга нисбатан вақтинча чиқишга рухсат ёзуви (стикер) берилиши вақтинчалик мақсадга мувофиқ эмас деб топилганлиги маълум қилинганлигини, бироқ рад жавобини беришга асос бўлган далилларни унга тақдим этмаганлигини маълум қилиб, суддан ушбу далилларни талаб қилиб олиш сўралган.



Жавобгар вакили жавобгар мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай қонунбузилиш ҳолатлари йўқлигини, аризачига қонун талаблари асосида рад жавоби берилганлиги маълум қилиб, аризани рад этишни сўради.

Суд аризачи вакилининг илтимосномасини муҳокама қилиб, жавобгар вакилининг тушунтиришини тинглаб ва иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра илтимосномани қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 68-моддасининг учинчи қисмига кўра ишда иштирок этувчи шахс ишда иштирок этаётган ёки иштирок этмаётган шахсдаги зарур далилларни мустақил олиш имконига эга бўлмаса, ўша далилни талаб қилиб олиш тўғрисида судга илтимоснома билан мурожаат қилишга ҳақли. Илтимосномада ушбу далил билан иш учун аҳамиятга эга бўлган қандай ҳолатлар аниқланиши мумкинлиги, далилнинг аломатлари ва у турган жой кўрсатилиши керак.

Аризачи жавобгарга мурожаат қилиб унга нисбатан вақтинча чиқишга рухсат ёзуви (стикер) берилиши тақиқланишига асос бўлган ҳужжати тақдим этишни сўраган. Бироқ аризачининг мурожаати эътиборсиз қолдирилган.

Аризачи мазкур ҳужжатни мустақил тарзда олиш имкониятига эга эмаслиги ҳамда ушбу ҳужжат иш учун аҳамиятли ҳолатлар аниқлаш учун зарурлиги сабабли суд илтимосномани қаноатлантириб, аризачига вақтинча чиқишга рухсат ёзуви (стикер) берилиши тақиқланишига асос бўлган ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасидан талаб қилиб олишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 68, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Аризачи А.Топиболдиевнинг далилни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси зиммасига А.Топиболдиевга вақтинча чиқишга рухсат ёзуви (стикер) берилиши



тақиқланишига асос бўлган ҳужжатни 2018 йил 17 апрель кунига қадар
_____туман маъмурий судига тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

Судья

З.Алимова



123-модда. Суд жаримаси солиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш тартиби

А Ж Р И М

(жарима солиш тўғрисида)

2018 йил 23 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья З.Алимованинг раислигида,
Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Чарос” фермер хўжалигининг жавобгар _____туман ҳокимлигига нисбатан туман ҳокимлигининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган иш юзасидан _____туман ҳокимлигига жарима солиш масаласини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____туман ҳокимининг 2017 йил 15 майдаги 15/2-сонли қарори билан “Чарос” фермер хўжалиги (бундан буён матнда аризачи деб юритилади)нинг 470-контурдаги 15,8 гектар ер майдони туман захира ер фондига қайтариб олинган.

Аризачи жавобгарнинг 2017 йил 15 майдаги 15/2-сонли қарори ноқонуний қабул қилинган деб ҳисоблаб, уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилган.

2018 йил 11 апрелдаги суд мажлисида аризачи вакили томонидан илтимоснома тақдим этилиб, унда низоли қарорни қабул қилиш учун асос бўлган туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими, Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ҳамда Фермерлар кенгаши вакиллари иштирокидаги комиссиянинг 2017 йил 12 майдаги 25/5-сонли далолатномасини жавобгардан талаб қилиб олиш сўралган.

Суднинг 2018 йил 11 апрелдаги ажрими билан аризачининг илтимосномаси қаноатлантирилиб, жавобгар зиммасига сўралаётган далолатномани 2018 йил 20 апрель кунига қадар _____туман маъмурий судига тақдим этиш мажбурияти юклатилган. Бироқ сўралаётган далолатнома 2018 йил 23 апрель кунига қадар _____ туман маъмурий судига тақдим этилмаган.



Бугунги суд мажлисида жавобгар вакили умумий бўлим бошлиғи меҳнат таътилида эканлиги сабабли далолатномани судга тақдим этиш имконияти йўқлигини маълум қилди.

Аризачи вакили жарима солиш масаласини судга ҳавола қилди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд топшириғи бажарилмаганлиги сабабли жавобгарга жарима солиш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра жавобгарга жарима солишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 68-моддасининг саккизинчи қисмига мувофиқ далилни сақлаётган шахс талаб қилинаётган далилни тақдим этиш мажбуриятини суд узрсиз деб топган сабабларга кўра бажармаган тақдирда, уни сақлаётган шахсга ушбу Кодексда белгиланган тартибда жарима солинади.

Ушбу Кодекс 122-моддасининг биринчи, иккинчи қисмларига мувофиқ суд жарималари ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда суд томонидан солинади. Суд томонидан солинадиган суд жаримасининг миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаслиги керак.

Жавобгар сўралаётган далолатномани 2018 йил 20 апрель кунига қадар _____ туман маъмурий судига тақдим этмаган.

Мазкур ҳолатда суд _____ туман ҳокимлигининг умумий бўлим бошлиғи меҳнат таътилида бўлганлиги сабабли далолатномани судга тақдим этиш имконияти йўқлигини узрсиз сабаб деб ҳисоблайди. Чунки умумий бўлим бошлиғи меҳнат таътилида бўлиши суд томонидан сўралган далилни тақдим этишга тўсқинлик қилмайди.

Шу сабабли суд жавобгар узрсиз сабабларга кўра сўралаётган далолатномани судга тақдим этмаган деб ҳисоблайди ҳамда жавобгарга энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан жарима солишни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 68, 122, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман ҳокимлигига энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан, яъни 898 875 сўм жарима солинсин.



Жаримани давлат бюджетига ундириш учун ижро варақаси берилсин ва у _____туман мажбурий ижро бюросига юборилсин.

Ажрим устидан йигирма кун ичида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



79-модда. Экспертиза

А Ж Р И М

(экспертиза тайинлаш ҳақида)

2018 йил апрель ойининг 17 куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья З.Алимованинг раислигида,
Д.Сабилованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Лочин” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 31 июлдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши _____ вилоят ҳудудий комиссиясининг 2015 йил 30 июндаги 06-110579-сонли рухсатига, _____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2015 йил 5 июлдаги 110799-х/с-сонли буйруғига асосан “Лочин” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади)га қарашли ишлаб чиқариш цехида қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, текшириш натижалари юзасидан 2015 йил 21 июлда далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда аризачига қарашли ишлаб чиқариш цехида кирим ҳужжатлари бўлмаган Ф 10 маркадаги 10 311 кг, Ф 14 маркадаги 14 355 кг тайёр металл (арматура) маҳсулотлар ҳамда металл арматураларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган 10935 кг ярим тайёр металл маҳсулотлар мавжудлиги аниқланганлиги баён қилинган.

Текшириш материаллари _____ туман давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)да кўриб чиқилиб, унинг натижалари бўйича 2015 йил 31 июлда қарор қабул қилинган.

Шундан кейин, жавобгар томонидан 88 345 000 сўм молиявий жаримани тўлаш юзасидан аризачига 2016 йил 30 майда 301799-сонли талабнома юборган.



Натижада аризачи судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 31 июлдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили иш бўйича мутахассис хулосасини олиш мақсадида экспертиза тайинлаш тўғрисида илтимоснома киритди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили шикоятга нисбатан ўз эътирозларини билдириб, экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимосномага нисбатан эътироз билдирмади.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг илтимосномани қаноатлантириш ёки рад этиш масаласини судга ҳавола қилиши ҳақидаги фикрини тинглаб, илтимосномани муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра уни қаноатлантиришни ҳамда иш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Эксперт кенгашига экспертиза тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 79-моддасининг биринчи қисмига кўра ишни кўриб чиқиш вақтида юзага келадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун суд ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг розилиги билан экспертиза тайинлайди. Агар экспертизани тайинлаш қонунда белгилаб қўйилган ёки шартномада назарда тутилган бўлса ёки тақдим этилган далилнинг қалбакилаштирилганлиги тўғрисидаги аризани текшириш учун ёхуд қўшимча экспертиза тайинлаш зарур бўлса, суд экспертизани ўз ташаббуси билан тайинлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 12 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 14-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Эксперт кенгаши тўғрисида”ги Низом 5-бандига кўра, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатларни қўллашнинг энг мураккаб ва мунозарали масалалари бўйича хулосалар чиқариш, Кенгашга солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий жазо чоралари ва маъмурий жарималар қўлланганда пайдо бўлувчи зиддиятларни кўриб чиқиш, шунингдек, Низомнинг 6-бандида солиқ органлари мутахассисларини, шунингдек, бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг молия, солиқ ва ҳуқуқ масалалари билан шуғулланадиган мутахассисларини, улар



билан келишган ҳолда, экспертиза ўтказишда ва экспертлар сифатида хулосалар беришда иштирок этиш учун жалб қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланган.

Текширишда аниқланган 3 турдаги 35 601 кг бўлган умумий баҳоси 95 868 000 сўмлик металл буюмлар “Лочин” масъулияти чекланган жамиятига белгиланган тартибда кирим қилинганлиги, ДСИ томонидан молиявий жарима тўғри ҳисобланганини аниқлаш учун махсус билимлар талаб этилади. Шу сабабли суд ишни тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриш маққсадида аризачининг илтимосномасини қаноатлантириш ва экспертиза тайинлашни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 79, 114, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ - сонли иш бўйича экспертиза тайинлансин.

Экспертизани ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Эксперт кенгашига топширилсин.

Экспертизани ўтказиш жараёнида, текширишда аниқланган 3 турдаги 35 601 кг бўлган умумий баҳоси 95 868 000 сўмлик металл буюмлар “Лочин” масъулияти чекланган жамиятига белгиланган тартибда кирим қилинган ёки йўқлиги, ДСИ томонидан молиявий жарима тўғри ҳисобланган ёки йўқлиги ҳақида асослантирилган жавоб бериш вазифаси қўйилсин.

Эксперт била туриб нотўғри хулоса берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Тарафларга экспертизани ўтказиш учун зарур ҳужжатларни экспертга тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

Судья

З.Алимова



А Ж Р И М

(экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья З.Алимованинг раислигида,
Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасовнинг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2018 йил 25 февралдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил 22 декабргаги 06-3862-сонли руҳсатиға, _____ шаҳар давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг 2017 йил 25 декабрдаги 51089-х/с-сонли, 2017 йил 31 декабрдаги 51099-хс-сонли буйруқларига асосан якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади)нинг 2014-2017 йиллардаги тадбиркорлик фаолияти юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилиб, текшириш натижалари юзасидан 2018 йил 31 январда далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда аризачи савдо фаолияти билан шуғулланишда назорат-касса машинасини қўллаш тартибини бузганлиги, чеклардан фойдаланмасдан чакана савдони амалга оширганлиги, 1 240 778 700 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, сотувдан тушган пул маблағларини банкка топширмаганлиги каби солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган.

Текшириш материаллари _____ шаҳар давлат солиқ инспекциясида 2018 йил 25 февралда кўриб чиқилиб, унинг натижалари бўйича аризачига Солиқ кодексининг 114-моддасига мувофиқ 248 155 740 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаш ҳақида қарор қабул қилинган.



Натижада аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2018 йил 25 февралдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида иштирок этган аризачи жавобгар юборган текширувчилар томонидан текшириш қоидалари бузилганлиги, улар ўз ваколатлари доирасидан четга чиққанлиги ҳамда моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллашлари натижасида молиявий жарима суммаси хато ҳисобланганлигини билдириб, суд экспертизасини тайинлашни сўради.

Жавобгар вакили илтимосномани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг илтимосномани қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрини тинглаб, илтимосномани муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра уни қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 79-моддасининг биринчи қисмига кўра ишни кўриб чиқиш вақтида юзага келадиган, фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун суд ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг розилиги билан экспертиза тайинлайди.

Суд текшириш якуни бўйича жавобгарга ҳисобланган молиявий жарима суммаси ҳисоб-китоби ишда мавжудлиги, ушбу ҳисоб-китобни тақдим этилган бошқа ҳужжатлар билан текшириш имконияти борлигини, қолаверса солиқ текшируви натижалари бўйича аризачига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов даврида ушбу масала бўйича экспертиза тайинланганлиги ва хулоса олинганлигини инobatга олиб, аризачининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 79, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасовнинг экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилсин.

Судья

З.Алимова



90-модда. Суд топшириқлари

А Ж Р И М

(суд топшириғи тўғрисида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди ўз биносида, судья З.Алимованинг раислигида, Д.Сабированинг котиблигида, _____ вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи А.Аббасхўжаев, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, А.Аббасхўжаевнинг жавобгар _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман ҳокимининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2015 йил 1 февралдаги Х-1129-сонли қарори билан фуқаро А.Аббасхўжаевга (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) уй-жой қуриш учун _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидан 0,06 га ер участкаси ажратиб берилган.

Кейинчалик _____тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг тақдимномасига асосан туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори билан А.Аббасхўжаевнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланмаганлиги асосида Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддаси биринчи қисмининг 10-бандига асосан бекор қилиниб, ер участкаси туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Шундан кейин, аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2015 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили жавобгарнинг қарори ноқонуний эканлиги, чунки унга ажратилган ер участкасига уй-жой қурилишини 2 йил олдин бошлаб юборганлигини, ҳозирги кунда уни давом эттириш учун маблағи йўқлиги сабабли ички пардозлаш ишлари бажарилмай қолганлигини, унинг мазкур ишларни бажарганлигини ушбу ҳудудда яшовчи фуқаролар ҳам тасдиқлашини, бироқ уларни суд мажлисига



олиб келиш учун йўл харажатлари сарфланиши ва унга имкони йўқлиги сабабли гувоҳларнинг суд мажлисида иштирокини таъминлай олмаганлигини баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб ва иш ҳужжатларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра _____туман маъмурий судига суд топшириғини юборишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 90-моддасининг биринчи қисмига кўра ишни кўраётган суд бошқа туман ёки шаҳар ҳудудидаги далилларни олиш зарур бўлган тақдирда, тегишли судга муайян процессуал ҳаракатларни бажаришни топширишга ҳақли.

Мазкур ҳолатда аризачи унга уй-жой қуриш учун _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидан ажратилган ер участкасига уй-жой қуриш ишларини бажарган ёки йўқлигини аниқлаш учун ер участкасини кўздан кечириш ва фотосуратга тушириш каби процессуал ҳаракатларни амалга ошириш талаб этилади.

Шу сабабли ишни тўлиқ ҳамда ҳар томонлама кўриш мақсадида _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидан ажратилган ер участкасига уй-жой қуриш ишларини бажарган ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида ер участкасини кўздан кечириш ва фотосуратга тушириш каби процессуал ҳаракатларни амалга ошириш бўйича _____туман маъмурий судига суд топшириғини бериш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 90, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____туман маъмурий судига _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидаги А.Аббасхўжаевга ажратилган ер участкасида уй-жой қурилиши бошланган ёки йўқлигини аниқлаш учун ушбу участкани кўздан кечириш ва фотосуратга туширишдан иборат процессуал ҳаракатларни амалга ошириш топширилсин.

Суд топшириғининг ижроси юзасидан йиғилган барча материаллар _____вилоят маъмурий судига юборилсин.

Судья

З.Алимова



91-модда. Суд топшириғини бажариш тартиби

А Ж Р И М

(суд топшириғининг ижроси тўғрисида)

2018 йил 30 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни, _____ туман маъмурий суди ўз биносида, судья Р.Худойбергеновнинг раислигида, Д.Соатованинг котиблигида, аризачи А.Аббасхўжаев, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, А.Аббасхўжаевнинг жавобгар _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича _____ вилоят маъмурий суди томонидан берилган суд топшириғини _____ тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғи, 17-уйдаги бинода ўтказилган сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____вилоят маъмурий суди томонидан 2018 йил 17 апрелдаги ажрим билан _____ туман маъмурий судига суд топшириғи берилган.

Унга кўра _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидаги А.Аббасхўжаевга ажратилган ер участкасида уй-жой қурилиши бошланган ёки йўқлигини аниқлаш учун ушбу участкани кўздан кечириш ва фотосуратга тушириш топширилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 91-моддасининг биринчи қисмига кўра суд топшириғи ушбу Кодексда белгиланган қоидалар бўйича суд мажлисида бажарилади.

Топшириқ ижроси юзасидан _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғига чиқиб, бажарилган ишлар кўздан кечирилди ва фотосуратга олинди, бу ҳақда тегишли баённома тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 91-моддасининг биринчи қисмига кўра суд топшириғининг ижроси тўғрисида ажрим чиқарилиб, у ишни кўраётган судга дарҳол барча материаллар билан бирга юборилади.

Шу боис суд топшириғи ижроси юзасидан тайёрланган ҳужжатларни _____вилоят маъмурий судига юбориш лозим.



Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 91, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____вилоят маъмурий судининг 2018 йил 17 апрелдаги суд топшириғи ижроси таъминланган деб ҳисоблансин.

_____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидаги А.Аббасхўжаевга ажратилган ер участкасининг ҳолати кўздан кечирилганлиги, фотосуратга олинганлиги ҳақидаги баённома, фотосуратлар ва мазкур ажрим _____вилоят маъмурий судига юборилсин.

Судья

Р.Худойбергенова



95-модда. Дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш

А Ж Р И М

(дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ҳақида)

2018 йил 7 май куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносига,

судья Л.Рашидов, аризачи “Каттаёп” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги “Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ҳақидаги аризасини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туманлараро иқтисодий судининг _____ -сонли иш бўйича 2018 йил 7 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан 2018 йил 7 апрелда “Каттаёп” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади)дан “Барлос” масъулияти чекланган жамияти фойдасига 23 139 786 сўм асосий қарз, 624 772 сўм пеня, 286 934 сўм давлат божи ва 7 200 сўм почта харажатлари ундириш юзасидан ижро варақаси берилган.

Мазкур ижро варақаси “Барлос” масъулияти чекланган жамияти томонидан _____ туман мажбурий ижро бюросига тақдим этилган.

Мажбурий ижро бюроси томонидан ижро иши қўзғатилиб, 2018 йил 20 апрелда “Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисида”ги қарор қабул қилган ва шу қарор асосида аризачининг барча банклардаги ҳисоб варақларидаги маблағларга банд солинган.

Ушбу қарордан норози бўлган аризачи судга мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида вужудга келган қарздорлик бўйича “Барлос” масъулияти чекланган жамияти билан келишув битими тузиб, уни тасдиқлаш учун _____ туманлараро иқтисодий судига топширганликларини, ишни кўриш 2018 йил 12 майга тайинланганлигини, бу



ҳақда _____ туман мажбурий ижро бюроси хабардор қилинган бўлсада, бироқ у ўз қарори ижросини тўхтатмаганлиги ёки бекор қилмаганлигини маълум қилиб, _____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги “Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни ҳамда мазкур низо мазмунан ҳал этилгунга қадар дастлабки ҳимоя чораларини кўришни ва низолашаётган қарор ижросини тўхтатиб туришни сўраган.

Суд аризачининг дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги аризаси ва иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 92-моддасига мувофиқ ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра суд, агар маъмурий иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунига қадар аризачининг ёки манфаатида ариза берилган шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг аниқ хавфи мавжуд бўлса, аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бундай чоралар кўрмай туриб, ҳимоя қилиш мумкин бўлмаса ёки қийин бўлса дастлабки ҳимоя чораларини кўриши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 93-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига мувофиқ маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг низолашилаётган ҳужжати ижросини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш дастлабки ҳимоя чоралари бўлиши мумкин.

Дастлабки ҳимоя чораларини кўриш тўғрисидаги аризадан кўринишича, аризачининг “Барлос” масъулияти чекланган жамияти олдидаги қарзи бўйича тарафлар ўртасида келишув битими тузилиб, уни тасдиқлаш учун _____ туманлараро иқтисодий судига топширган. Тарафлар келишув битимини тузишга улар ўртасидаги ҳамкорлик бир-неча ўн йиллардан буён давом этаётганлиги, ҳозирги кунда аризачининг иқтисодий аҳволи қийинлиги, ушбу маблағ ундирилса у банкротлик ҳолатига тушиб қолиши мумкинлиги сабаб бўлиб, шунга кўра ушбу қарзни 1 йил ичида бўлиб бўлиб тўлашга келишилган.

Ушбу ҳолатда суд тарафлар ўртасида келишув битими тузилганлиги ва у суд томонидан тасдиқланиш жараёнида эканлиги, аризачининг банклардаги барча ҳисоб рақамларининг хатланиши уни



оғир иқтисодий аҳволга солиб қўйиши мумкинлигини инobatга олиб, аризани қаноатлантиришни ва низо бўйича қарор қабул қилингунига _____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги қарори ижросини тўхтатиб туришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 92, 93, 95, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Каттаёп” масъулияти чекланган жамиятининг дастлабки ҳимоя чораларини кўриш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин.

_____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги қарорининг ижроси низо бўйича қарор қабул қилингунига қадар тўхтатиб турилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Л.Рашидов



99-модда. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш мажбурияти

А Ж Р И М

(иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида)

2018 йил 17 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида, судья З.Алимованинг раислигида, Д.Сабиrowанинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи якка тартибдаги тadbиркор А.Толмасовнинг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 1 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

якка тартибдаги тadbиркор А.Толмасов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) _____ туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2017 йил 1 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида жавобгар вакили илтимоснома тақдим қилиб, мазкур иш билан боғлиқ бўлган 17/13-2022-сонли жиноят иши ҳозирги кунда жиноят ишлари бўйича _____ туман судида кўрилаётганлиги, жиноят ишининг қўзғатилишига айнан текширишда аниқланган ҳолатлар асос бўлганлигини билдириб, иш юритишни тўхтатиб туришни сўради.

Аризачи вакили илтимосномани рад этишни ва ишни мазмунан кўриб чиқишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақидаги фикрини тинглаб, илтимосномани муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра уни қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 99-моддасининг 1-бандига кўра мазкур ишни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, фуқаролик ишлари



бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд, маъмурий суд ёки иқтисодий суд томонидан кўрилатган бошқа иш ёки масала юзасидан, шунингдек тергов ҳаракатлари олиб борилаётган иш ёки масала юзасидан қарор қабул қилингунига қадар кўриш мумкин бўлмаганда суди иш юритишни тўхтатиб туришга мажбур.

Жавобгар вакилининг илтимосномаси ҳамда жиноят ишлари бўйича _____туман судидан олинган 2018 йил 15 апрелдаги 03/11-сонли хатига кўра маъмурий иш билан боғлиқ бўлган 17/13-2022-сонли жиноят иши мавжуд. Мазкур жиноят иши бугунги кунда жиноят ишлари бўйича _____туман судида кўрилмақда. Мазкур жиноят ишининг қўзғатилишига эса солиқ текширувини ўтказишда аниқланган ҳолатлар сабаб бўлган.

Шу сабабли 17/13-2022-сонли жиноят иши жиноят ишлари бўйича _____туман судида кўриб яқунлангунга қадар маъмурий иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 99, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман давлат солиқ инспекциясининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

17/13-2022-сонли жиноят иши жиноят ишлари бўйича _____туман судида кўриб яқунлангунга қадар мазкур маъмурий иш бўйича иш юритиш тўхтатиб турилсин.

Аризачи ва жавобгар зиммасига 17/13-2022-сонли жиноят иши жиноят ишлари бўйича _____туман судида кўриб яқунлангандан кейин бу ҳақда қабул қилинган суд ҳужжатини илова қилган ҳолда судга хабар бериш мажбурияти юклатилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



100-модда. Суднинг иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи

А Ж Р И М

(иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Т.Алимбековнинг раислигида,
Д.Сабилованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Абдуллаев, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Алвон” акциядорлик жамиятининг жавобгар _____ шаҳар давлат солиқ инспекциясининг 2018 йил 20 январдаги қарорини ҳақиқий эмас, _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси мансабдор шахсларининг ҳаракатларини ғайри қонуний деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Алвон” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ шаҳар давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2018 йил 20 январдаги қарорини ҳақиқий эмас, _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси мансабдор шахсларининг ҳаракатларини ғайри қонуний деб топишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачи вакили илтимоснома билан мурожаат қилиб, аризачини бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётганлигини, қайта ташкил қилишда солиқ текшируви натижасида аниқланган қўшимча солиқлар ва молиявий жарималар тақсимлаш баланси орқали қайси юридик шахсга ўтказилиши масаласи ҳам ҳал этилишини маълум қилиб, қайта ташкил қилиш ишлари яқунлангунга қадар иш юритишни тўхтатиб туришни сўради.

Жавобгар вакили иш юритишни тўхтатиб туришга эътирози йўқлигини билдирди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, иш



ҳужжатларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра иш юритишни тўхтатиб туришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 100-моддасининг 2-бандига кўра ишда иштирок этувчи шахс бўлмиш юридик шахс қайта ташкил қилинганда суд иш юритишни тўхтатиб туришга ҳақли.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, аризачи акциядорларининг 2018 йил 10 майдаги умумий йиғилиш қарорига асосан ушбу жамият таркибидан янги 2 та корхона ажралиб чиқишига розилик берилиб, аризачининг раҳбарига жамиятни қайта ташкил этиш ишларини (жумладан, корхонанинг дебитор-кредитор қарзларини аниқлаш, уларни жамият ва корхоналар ўртасида тақсимлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳоказо) қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга ошириб, бир ой муддатда яқунлаш вазифаси қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 50-моддасининг тўртинчи қисмига кўра юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади. _____ шаҳар давлат солиқ инспекциясининг "Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш тўғрисида"ги қарори билан аризачига 386 001 789 сўм қўшимча солиқ ҳисобланган бўлиб, жамият қайта ташкил этилиши муносабати билан ушбу қарздорлик жамият ва янги ташкил этиладиган корхоналар ўртасида тақсимланади.

Қайта ташкил этиш жараёни билан бир вақтда суд жараёнининг давоми этиши эса суд жараёни яқунланмагунга қадар қайта ташкил этиш жараёнининг давом этишига тўсқинлик қилиши мумкин. Чунки, ушбу солиқ қарздорлигини корхоналар ўртасида тақсимлаш ёки тақсимламаслик масаласи ноаниқ бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 101-моддасининг 2-бандига кўра иш юритиш ушбу Кодекс 99-моддасининг 2 ва 3-бандларида ва 100-моддасининг 2-бандида назарда тутилган ҳолларда – ишда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқий вориси аниқлангунига, муомалага лаёқатсиз шахсга вакил тайинлангунига, янги ташкил этилган юридик шахс давлат рўйхатидан ўтгунига қадар тўхтатиб турилади.

Шу муносабат билан жамиятда қайта ташкил этиш ишлари яқунлангунга қадар маъмурий иш бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш лозим.



Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 100, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Алвон” акциядорлик жамиятининг илтимосномаси қаноатлантирилсин

“Алвон” акциядорлик жамиятида қайта ташкил этиш ишлари яқунлангунга қадар мазкур маъмурий иши бўйича иш юритиш тўхтатиб турилсин.

Ажрим устидан бир 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Т.Алимбеков



103-модда. Иш юритишнинг тикланиши

А Ж Р И М

(иш юритиш тиклаш тўғрисида)

2018 йил 01 июнь куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди судьяси З.Алимова, аризачи якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасовнинг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 1 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича иш ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) _____ туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2017 йил 1 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 17 апрелдаги ажрими билан, солиқ текширувида аниқланган ҳолат юзасидан, яъни аризачининг 2017 йил давомида жами 3001557 789 сўмлик товарларни реализация қилишдан тушган тушум яширилганлиги ҳолати бўйича қўзғатилган 17/13-2022-сонли жиноят иши жиноят ишлари бўйича _____ туман судида мазмунан кўрилаётганлиги, жавобгарнинг 2017 йил 1 декабрдаги қарорида ҳам аризачининг 3001557 789 сўмлик товарларни реализация қилишдан тушган тушум яширилганлиги ҳолати бўйича молиявий санкция қўллаш белгиланганлиги, шунга кўра жиноят ишида аниқланган ҳолатлар маъмурий ишга ҳам таъсир этишини инобатга олиб кўрилгунига қадар маъмурий иш бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Жавобгар 2018 йил 28 майдаги 5-18/1279-сонли илтимоснома билан мурожаат қилиб, иш юритишни тўхтатишга асос бўлган ҳолат бартараф қилинганлиги сабабли иш юритишни тиклаш масаласини кўриб чиқишни сўраган. Илтимосномага 17/13-2022-сонли жиноят иши бўйича чиқарилган ажрим нусхаси илова қилинган.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра маъмурий иш бўйича иш юритишни тиклашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 103-моддасига кўра иш юритишни тўхтатиб



туришга сабаб бўлган ҳолатлар бартараф қилинганидан кейин иш юритиш тикланади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, 17/13-2022-сонли жиноят иши жиноят ишлари бўйича _____туман судида кўриб чиқилиб, унинг натижалари бўйича суд ҳужжати қабул қилинган. Ушбу ҳолатда суд иш юритишни тўхтатишга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганлиги сабабли маъмурий иш бўйича иш юритишни тиклашни лозим деб топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 101, 103, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Мазкур маъмурий иш бўйича иш юритиш тиклансин.

Иш 2018 йил 12 июнь куни соат 10-00да _____ туман маъмурий судининг суд мажлиси залида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин.

Тарафлар суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинсин.

Судья

З.Алимова



109-модда. Иш юритишни тугатиш тартиби ва оқибатлари

А Ж Р И М

(иш юритишни тугатиш ҳақида)

2018 йил 25 апрель куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,

судья З.Алимованинг раислигида,

Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи С.Рауфов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи якка тартибдаги тадбиркор С.Рауфовнинг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2016 йил 1 декабрдаги 105-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган ишни очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Якка тартибдаги тадбиркор С.Рауфов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) _____ туман давлат солиқ инспекциясининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2016 йил 1 декабрдаги 105-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи аризада баён этилган важларни қўллаб-қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризачи 2017 йил февраль ойида жавобгарга нисбатан хўжалик судига мурожаат қилиб, 2016 йил 1 декабрдаги 105-сонли қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлиги, иш хўжалик судида мазмунан ҳал қилинганлигини маълум қилиб, суд қарорларини тақдим қилди.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, прокурор фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидагиларга кўра иш юритишни тугатишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 108-моддасининг 2-бандига мувофиқ суднинг айна бир шахслар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса суд иш юритишни тугатади.



Ишга тақдим этилган ҳужжатларга кўра, аризачи жавобгарга нисбатан 2016 йил 1 декабрдаги 105-сонли қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраб 2016 йил 12 декабрда _____ вилоят хўжалик судига мурожаат қилган. Ушбу иш _____ вилоят хўжалик судида 2017 йилнинг 5 январида кўриб чиқилиб, аризачининг жавобгарга нисбатан 2016 йил 1 декабрдаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинган. Ушбу суд қарори бугунги кунда қонуний кучда бўлиб, бекор қилинмаган. Бундай ҳолатда суд маъмурий иш бўйича иш юритишни тугатишни, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 115-моддасининг биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилишини инobatга олиб тўланган давлат божи ва суд харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 108, 115, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

якка тартибдаги тадбиркор С.Рауфовнинг _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2016 йил 1 декабрдаги 105-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича иш юритиш тугатилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



105-модда. Аризани (шикоятни) кўрмасдан қолдириш асослари

А Ж Р И М

(аризани кўрмасдан қолдириш ҳақида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
суд раиси Ж.Эшимбетовнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, жавобгар вакили К.Расулов иштирокида, аризачи О.Рахимовнинг _____ туман ФХДЁ бўлимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мажбурият юклаш тўғрисидаги шикоятни бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Рахимов Обид Салимович (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлимининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2017 йил 20 майдаги 1865-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда жавобгар зиммасига бобоси Ахмаджанов Махмуднинг 1971 йил 21 октябрда 1059-сон билан қайд қилинган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги "фамилияси" устунига фамилиясини "Рахиймов"дан "Рахимов"га ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Аризачи суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили суд мажлисига келмади.

Жавобгар вакили шикоят аризасига эътироз билдириб, аризани қаноатлантиришдан рад этишни сўради.

Суд жавобгар вакилининг тушунтиришларини, прокурорнинг фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, аризачининг аризаси асосида суд томонидан 2018 йил 25 апрель куни аризани иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисида ажрим қабул қилинган. Мазкур ажрим билан ишни кўриш 2018 йил 10 апрелига соат 10-00га тайинланган ва бу ҳақда тарафлар тегишли тартибда огоҳлантирилган. Иш ҳужжатларида



аризачининг ишни кўриш вақти ва жойи ҳақидаги суд ажримини олганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлиб, суд мажлисига аризачи вакили келмади ва иш ҳужжатларида аризачининг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 105-моддасининг 3-бандига кўра, аризачи биринчи суд мажлисига келмаган ва ишни ўзининг иштирокисиз кўрилиши тўғрисида арз қилмаган бўлса, суд аризанини кўрмасдан қолдиради.

Қайд этилганларга кўра суд, аризани кўрмасдан қолдиришни, тўланган давлат божи ва суд харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 105, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

О.Рахимовнинг _____ туман ФХДЁ бўлимининг 2017 йил 20 майдаги 1865-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда жавобгар зиммасига бобоси Ахмаджанов Махмуднинг 1971 йил 21 октябрда 1059-сон билан қайд қилинган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги “фамилияси” устунига фамилиясини “Рахиймов”дан “Рахимов”га ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ж.Эшимбетов



137-модда. Ишларни битта иш юритишга бирлаштириш

А Ж Р И М

(айни бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир неча ишни битта иш юритишга бирлаштириш тўғрисида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли ва _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида, суд раиси Ф.Эшимбетованинг раислигида,

Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи О.Рахимов, жавобгар вакили К.Расулов иштирокида, аризачи О.Рахимовнинг _____ туман ФХДЁ бўлимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси ҳамда аризачи О.Рахимовнинг _____ туман ФХДЁ бўлими зиммасига бобоси Ахмаджанов Махмуднинг 1971 йил 21 октябрда 1059-сон билан қайд қилинган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги “фамилияси” устунига фамилиясини “Рахиймов”дан “Рахимов”га ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикоят бўйича юритилаётган ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Рахимов Обид Салимович (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) _____ туман ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиб, бобоси Ахмаджанов Махмуднинг 1971 йил 21 октябрда 1059-сон билан қайд қилинган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги “фамилияси” устунига фамилиясини “Рахиймов”дан “Рахимов”га ўзгартириш киритишни сўраган.

Аризачининг аризаси жавобгар томонидан кўриб чиқилиб, 2017 йил 20 майда аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида 1865-сонли қарор қабул қилган.

Натижада, аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2017 йил 20 майдаги 1865-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Ариза иш юритувига қабул қилиниб, маъмурий иш қўзғатилган (_____ -сонли ишни). Ишни кўриб чиқиш 2018 йил 10 апрелига тайинланган.

Шунингдек, аризачи судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб жавобгар зиммасига бобоси Ахмаджанов Махмуднинг 1971 йил



21 октябрда 1059-сон билан қайд қилинган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги “фамилияси” устунига фамилиясини “Рахиймов”дан “Рахимов”га ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган. Шикоят иш юритувига қабул қилиниб, маъмурий иш қўзғатилган (_____ -сонли ишни). Ишни кўриб чиқиш 2018 йил 10 апрелига тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 137-моддасининг биринчи қисмига кўра, биринчи инстанция суди айна бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги бир нечта ишни битта иш юритишга бирлаштиришга ҳақли.

Мазкур ҳолатда _____ -сонли ва _____ -сонли ишлар айна бир шахслар иштирок этувчи бир турдаги иш эканлиги ва мазмунан бир-бири билан боғлиқ эканлигидан келиб чиқиб, суд ҳар иккала ишларни битта иш юритишга бирлаштиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 137, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ -сонли ва _____ -сонли ишлар битта иш юритишга бирлаштирилсин.

Ишга _____ -сон берилсин ҳамда ишни кўриб чиқиш 2018 йил 10 апрел куни соат 17-00 га тайинлансин.

Судья

Ф.Эшимбетова



134-модда. Аризани (шикоятни) қайтариш

А Ж Р И М

(шикоят аризасини қайтариш тўғрисида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди судьяси З.Алимова,
аризачи Аликулова Гулзоданинг _____ туман ҳокимлиги масабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризасини ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Г. Аликулова _____ туман ҳокимлиги масабдор шахсининг аризани кўриб чиқмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 130-моддасининг 2-бандига кўра, аризага (шикоятга) аризанинг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ҳамда учинчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

Бироқ, шикоят аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ўрганилганда жавобгарга шикоят аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 134-моддаси биринчи қисмининг 5-бандига кўра жавобгар ва учинчи шахсларга аризанинг (шикоятнинг) ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса, судья аризани (шикоятни) ва унга илова қилинган ҳужжатларни қайтаради.

Бундай ҳолатда аризачи Г.Аликулованинг шикоят аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилиши лозим.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 134, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Аризачи Г. Аликулованинг _____ туман ҳокимлиги масабдор шахсининг хатти-ҳаракатларни қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



133-модда. Аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этиш

А Ж Р И М

(шикоят аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди судьяси З.Алимова,
аризачи якка тартибдаги тадбиркор Ш.Зафаровнинг жавобгар АТ _____ банкига нисбатан банк мансабдор шахсларининг унга кредит ажратмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва кредит ажратиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикоят аризасини ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи якка тартибдаги тадбиркор Ш.Зафаров _____ туман маъмурий судига шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар АТ _____ банки мансабдор шахсларининг унга кредит ажратмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва кредит ажратиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига кўра, маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлидир, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустасно.

Мазкур Кодекс 27-моддасининг 2-бандига кўра маъмурий суд маъмурий органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал этади.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ, маъмурий органлар дейилганда, маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув



ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар тушунилиши белгиланган.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан маълум бўладиги, маъмурий судларга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда жавобгар сифатида бир тарафда маъмурий орган иштирок этадиган ишлар тааллуқлидир. АТ _____ банки эса маъмурий орган ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 133-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига биноан судья иш маъмурий судга тааллуқли бўлмаса аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилишни рад этади.

Бундай ҳолатда шикоят аризасини қабул қилиш рад этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 133-моддаси биринчи қисмининг 1-банди, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Якка тартибдаги тадбиркор Ш.Зафаровнинг жавобгар АТ _____ банки мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва кредит ажратиш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикоят аризасини қабул қилиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



149-модда. Суд муҳокамасини кейинга қолдириш

А Ж Р И М

(иш бўйича таржимон тайинлаш ва суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида)

2018 йил 10 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида, суд раиси И.Шамуратовнинг раислигида, Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи Т.Ким, жавобгар вакили К.Полвонов иштирокида, аризачи “Нурафшон” шўъба корхонасининг _____ шаҳар хокимининг 2017 йил 5 мартдаги 380-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

“Нурафшон” шўъба корхонаси судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ шаҳар хокимининг 2017 йил 5 мартдаги 380-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд мажлисида “Нурафшон” шўъба корхонаси вакили илтимоснома билан мурожаат қилиб, суд иши олиб борилаётган ўзбек тилини билмаслиги сабабли таржимон билан таъминлашни сўради.

Жавобгар вакили илтимосномани қаноатлантириш масаласини судга ҳавола қилди.

Ишда қатнашаётган прокурор илтимосномани қаноатлантиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 12-моддасининг иккинчи қисмига кўра маъмурий суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган суд процесси иштирокчиларининг таржимон орқали иш материаллари билан танишиш, суд ҳаракатларида иштирок этиш ҳамда судда ўз она тилида ёки эркин танланган мулоқот тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 149-моддасининг иккинчи қисмига кўра суд суднинг мажлисида ишни кўриш мумкин бўлмаган бошқа ҳолларда ҳам суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.



Бундай ҳолатда судлов ҳайъати илтимосномани қаноатлантиришни, ишда таржимон иштирокини таъминлаш мақсадида ишни кўришни кейинга қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 12-моддасининг иккинчи қисми, 149, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

“Нурафшон” шўба корхонаси вакили илтимосномаси қаноатлантирилсин ва _____ шаҳридаги 27-сонли ўрта мактабнинг “Рус тили ва адабиёти” фани ўқитувчиси Л.Тоҳирова _____ -сонли маъмурий иш бўйича таржимон сифатида тайинлансин.

Ишни _____ туман маъмурий судининг 1-сонли суд мажлислар залида кўриш 2018 йил 12 апрель куни соат 11-30 га қолдирилсин.

_____ шаҳридаги 27-сонли ўрта мактабнинг директори С.Расулова зиммасига суд мажлисида таржимон сифатида Л.Тоҳированинг иштирокини таъминлаш юклатилсин.

Судья

З.Алимова



19-боб. Суднинг ҳал қилув қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 12 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Ф.Уразбоевнинг раислигида,
Д.Сабиrowанинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи С.Соатова, жавобгар вакили К.Равшанованинг иштирокида, аризачи Д.Сабиrowанинг _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Д.Сабиrowа (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи ариза талабини қўллаб-қувватлаб, _____ туман ФХДЁ бўлимига фамилиясини турмуш ўртоғининг фамилиясига, яъни “Машарипова”га ўзгартиришни сўраб 2018 йил 3 январда ариза билан мурожаат қилганлиги, бироқ шу кунга қадар аризаси жавобгар томонидан тегишли тартибда кўриб чиқилмасдан қолаётганлигини баён қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлимининг аризани кўриб чиқмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўради.

_____ туман ФХДЁ бўлими вакили ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам аризачи фамилиясини ўзгартириш ҳақида мурожаат қилганлиги, бироқ иш ҳажми кўплиги сабабли аризани кўриш имкони бўлмаётганлигини маълум қилиб, шикоятни рад этишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурор фикрини эшитиб, шикоят аризада келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, аризачи Д.Сабиrowа 1998 йил



25 февралда _____ туманида туғилган. 2016 йил 20 декабрда эса фуқаро Ш.Машарипов билан қонуний никоҳдан ўтган.

Шундан кейин аризачи _____ туман ФХДЁ бўлимига фамилиясини турмуш ўртоғининг фамилиясига, яъни “Машарипова”га ўзгартиришни сўраб 2018 йил 3 январда ариза билан мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”нинг 165-167-бандларига кўра ФХДЁ бўлими мудирини тақдим этилган ҳужжатлар асосида, зарур ҳолларда эса бошқа ФХДЁ органларидан ўзининг талаби бўйича керакли далолатнома ёзувлари нусхаларини олганда йиғилган ҳужжатларни йиғмажилдга тикади ва тегишли текширув ўтказиш учун ички ишлар органига жўнатади.

Ички ишлар органи тақдим қилинган ҳужжатларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиқади, ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш хусусида асосланган хулоса тузади ва уни ФХДЁ органига тақдим этади.

Ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исмининг ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса тузилган тақдирда ушбу ҳолатнинг аниқ сабаблари кўрсатилади.

Ички ишлар органининг хулосасини олгандан кейин ФХДЁ органи тақдим этилган ҳужжатлар асосида фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш ёки ўзгартиришни рад қилиш тўғрисида асосланган хулоса тузади.

Ички ишлар органининг хулосасида ариза берувчи фамилияси, исми, ота исмини ўзгартириш тўғрисида илтимос қилган пайтда тергов ёки суд остида бўлганлиги ёхуд фамилияси, исми, ота исмининг ўзгартирилиши қонун ҳужжатларига зид эканлиги кўрсатилган бўлса, ФХДЁ органи фамилияси, исми, ота исмини ўзгартиришни рад этиши ва рад этиш сабабини ёзма шаклда хабар қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 67-моддасининг иккинчи қисмига кўра маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилади. Мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт.



Аризачи томонидан _____ туман ФХДЁ бўлимига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"нинг 162-бандида белгиланган барча ҳужжатларни тақдим этган бўлса-да, бироқ ушбу ариза қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг иккинчи қисмига кўра Суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ушбу ҳолатда _____ туман ФХДЁ бўлимининг аризачининг аризасини белгиланган муддатларда кўриб чиқмасликдан иборат хатти-ҳаракатлари қонунга хилофдир.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг бешинчи қисмига кўра қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қўйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб суд, аризачининг шикоятини қаноатлантиришни, _____ туман ФХДЁ бўлими зиммасига аризачининг аризасини ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайдан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқиш мажбуриятини юклашни, тўланган 172240 сўм давлат божи ва 7000 сўм суд харажатларини жавобгардан аризачига ундиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115, 156-158 ва 189-моддаларини қўллаб, суд



Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

аризачи Д.Сабированинг шикоят аризаси қаноатлантирилсин
_____ туман ФХДЁ бўлими зиммасига Д.Сабированинг фамилиясини ўзгартириш ҳақидаги аризасини ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқиш ва бу ҳақда судга ҳамда Д.Сабировага ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайтдан бошлаб бир ой муддат ичида хабар бериш мажбурияти юклансин.

_____ туман ФХДЁ бўлимидан Д.Сабировага 172240 сўм давлат божи ва 7000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Ф.Уразбоева



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 12 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида, судья Ф.Уразбоевнинг раислигида, Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи А.А.Ғиёсов, жавобгар вакили С.Содиқованинг иштирокида, аризачи Ғиёсов Абдуғани Абдувоҳидовичнинг _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи А.А.Ғиёсов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи ариза талабини қўллаб-қувватлаб, _____ туман ФХДЁ бўлимига туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклашни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, бироқ унинг аризаси асосиз равишда жавобгар томонидан рад этилганлигини баён қилиб, аризани қаноатлантиришни сўради.

_____ туман ФХДЁ бўлими вакили ўз кўрсатмасида ҳақиқатдан ҳам аризачи туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклашни сўраб ариза билан мурожаат қилганлиги, бироқ у томонидан тақдим этилган ҳужжатлар етарли эмаслиги сабабли ариза рад этилганлигини баён қилди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини, прокурор фикрини эшитиб, шикоят аризада келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, аризачи _____ туман ФХДЁ бўлимига 2018 йил 3 мартда ариза билан мурожаат қилиб, туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклашни сўраган. Аризачининг аризаси _____ туман ФХДЁ бўлими томонидан рад этилган.



Натижада, аризачи судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклашни рад этишдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”нинг 139-бандига кўра туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш учун ФХДЁ органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисида белгиланган намунадаги ариза;

адлия бошқармаси ФХДЁ архивининг ариза берувчининг туғилган жойи бўйича далолатнома ёзувининг йўқлиги ёки йўқолганлиги (йўқолганлик сабаларини кўрсатган ҳолда) ҳақидаги маълумотномаси;

ариза берувчи паспортининг нусхаси;

ота-онасининг паспортлари нусхалари, агар ота-онаси вафот этган бўлса, уларнинг ўлими ҳақидаги маълумотномалар;

никоҳ тузилганлиги ҳақидаги (ота-онасининг ва ўзининг) маълумотномалар;

ота-оналарининг ҳужжатлари бўлмаганда, ака-укалари, опасингилларининг (улар бўлса) туғилганлик тўғрисидаги маълумотномалар.

Бироқ аризачи томонидан аризадан ташқари юқорида қайд этилган ҳужжатларнинг биронтасини _____ туман ФХДЁ бўлимига тақдим этмаган. Шундан кейин _____ туман ФХДЁ бўлими аризачига юқорида қайд этилган ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида 2018 йил 10 мартда мурожаат этган. Бироқ аризачи томонидан ҳужжатлар тақдим этилмаган.

Шунга кўра _____ туман ФХДЁ бўлими томонидан аризачининг аризаси қаноатлантирилмасдан қолдирилиб, бу ҳақда хулоса тузилган.

Ушбу ҳолатда _____ туман ФХДЁ бўлими аризачининг далолатнома ёзувини тиклаш тўғрисидаги аризасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари”да белгиланган ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги учун рад этилган ва _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг бу ҳаракатлари қонунга мувофиқдир.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг учинчи қисмига кўра суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади. Шу боис суд аризачининг шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, тўланган 172240 сўм давлат божи ва 7000 сўм суд харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115, 156-158 ва 189-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

аризачи А.А.Фиёсовнинг _____ туман ФХДЁ бўлими мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья

Ф.Уразбоева



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 12 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____
туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Ж.Уразбоевнинг раислигида,
Д.Сабиrowанинг котиблигида, _____ туман прокурори
ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи Н.Акбарова, учинчи шахс С.Анваров,
С.Анваров, С.Анваров, И.Акбарова, М.Акбароваларнинг иштирокида,
аризачи Ғиёсов Абдуғани Абдувоҳидовичнинг _____ тумани
ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга
хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга
очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Акбарова Наргиза Мавлоновна (бундан буён матнда
аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб,
_____ тумани ҳокимлиги мансабдор шахсларининг 2016 йил 30
ноябрда бузилишга тушган уй-жойларда яшовчи оилаларни уй-жой
билан таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг
аризачини уй-жой билан таъминлаш ҳақидаги аризасини рад этишдан
иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда _____
туман ҳокимлиги зиммасига аризачи ва унинг 9 кишидан иборат бўлган
оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш мажбуриятини юклашни
сўраган.

Суднинг 2018 йил 7 майдаги ажрими билан ишга Анваров
Самандар Искандар ўғли, Анваров Сарвар Искандар ўғли, Анваров
Санжар Искандар ўғли, Акбарова Ирода Хотам қизи, Акбарова Мафтуна
Баходир қизи ва " _____ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат
корхонаси низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз
қилувчи учинчи шахс сифатида жалб этилган.

Суд мажлисида аризачи шикоят аризасини қувватлаб, _____
тумани, Шерозий кўчаси, 77-уй _____ ҳокимининг 2016 йил 11
апрелдаги " _____ нинг марказий қисмида ободонлаштириш
ва бузиш ишларини олиб бориш ҳақида"ги №293-сонли қарорига
кўра бузилишга тушганлигини, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой
кодексининг 27-моддасига асосан ер участкаси давлат эҳтиёжлари учун



олиб қўйилиши муносабати билан бузилишга тушган Шерозий кўчаси, 77-уй мулкдори Анваров Искандар Адхамович ва у билан бирга доимий яшаб турган оила аъзолари бошқа уй-жой билан таъминланлигини, аризачи 1989 йилда Анваров Искандар Адхамович билан ўзаро турмуш қуриб қонуний никоҳдан ўтганлигини, _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уйда биргаликда 2004 йилга қадар яшашганликларини, биргаликда яшаш даврида ушбу уй-жойда анча ўзгартириш ишлари қилишганлигини, ҳожатхона, ошхона, ҳаммом, коридорларини у отаси Комилов Махамаджон Акбарович ва Комилов Миркомил Махамаджоновичларнинг ёрдами билан қурганлигини, ҳар йили уйни ёз мавсумида қисман капитал таъмирлаш ишларини ҳам у ва укаси Комилов Миркомил Махамаджонович ёрдамида қилиб келганлигини, турмуш ўртоғи Анваров Искандар Адхамович уни болалари билан 2004 йилда уйдан ҳайдаб чиқариб юборганлигини, сабаби, турмуш ўртоғи у билан ажрашиб, бошқа аёлга уйланганлигини, бу уйда кунда жанжал-тўпалон бўлаверганидан яшаш шароити йўқлигидан объектив-субъектив сабабларга кўра болалари билан ота-онасининг уйларига кетиб қолганлигини, турмуш ўртоғи унга на болаларига алимент пулларини, ҳаттоки ёрдам ҳам бермаганлигини, 1990 йилдан то ҳозирги кунга қадар Шерозий кўчаси, 71-уйда фарзандлари билан рўйхатда туришлигини, уни уй-жой сотиб олишга қурби етмаслигини, шунча йиллар мобайнида у фарзандларини вояга етказиб, уларнинг рўзғори, кийим кечаги, ўқиш пулларини ишлаб топиб катта қилаётганлигини, ота-онасининг уйларида яна синглиси, кичик укаси, хотини ва жиянлари борлиги сабабли, катта укасининг уйи _____ тумани, 9 мавзе, 2^а-уй, 79-хонадонга кўчиб ўтганлигини, бу ерда укаси ва хотини, 5 нафар фарзанди, уни 4 нафар ўғли, 2 та келини ва невараси истиқомат қилишлигини, иккинчи келини ҳомиладорлигини, жами 15 киши 4 хоналик укасини уйда яшаётганлигини, укасини хотинини онаси касаллиги туфайли болалари билан тез-тез онасиникига бориб яшашлигини, укаси Комилов Миркомил Махамаджонович темир йўлда ишчи бўлиб ишлашлигини, укасини қизлари ҳам вояга етиб қолганлигини, уй-жой масаласида берган аризаси ижобий ҳал қилинмаганлигини баён қилиб шикоят аризасини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Анваров Самандар Искандар ўғли, Анваров Сарвар Искандар ўғли, Акбарова Мафтуна Баходир қизи суд мажлисида қатнашиб, аризачига ўхшаш кўрсатма бериб, шикоят аризани қўллаб қувватлаб, уни тўлиқ қаноатлантиришни сўрашди.



Суд мажлисида _____ туман ҳокимлики вакили ўз кўргазмасида шикоят аризани тан олмай, _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уй 2015 йил 24 июндаги қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан фуқаролар Акбарова Раъно, Анваров Искандар Адхамович, Акбарова Мукаддам Адхамовна ва Халмурадова Холида Адхамовнага тегишли бўлиб, уй-жойда 2 та оила доимий рўйхатда бўлганлигини, шундан 1 та оила доимий яшаши аниқланганлигини, уй-жой бузилиши эвазига _____ тумани, Гулобод мавзеси, 76-уйдан 4 хоналик 3-хонадон ажратилганлигини, аризачининг 6 жондан иборат оиласи бузилишга тушган _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уйда доимий рўйхатда бўлиб, _____ тумани, Собиробод маҳалласи, 2^а уй, 80-хонадонда яшаб келишини, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддаси талаблари доирасида бузилишга тушган Шерозий кўчаси, 77-уй-жой мулкдори И.Анваровга ва у билан бирга доимий яшаб турган оила аъзоларига давлат томонидан уй-жой бузилиши эвазига ижтимоий норма доирасида бошқа уй-жой ажратилганлигини, аризачи ушбу уй-жойда 1999 йилдан бери яшамаслигини, фақат рўйхатда қолиб кетганлиги аниқланганлигини, комиссия аъзоларини уй-жой билан таъминлаш аризасини қаноатлантиришга асос йўқлиги ҳақидаги фикрларини инobatга олиб, аризани қаноатлантириш рад қилинганлигини маълум қилиб, шикоят аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

“_____ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонаси вакили олдинги суд мажлисида иштирок этиб, _____ ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги 293-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича бузилган _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уй 2015 йил 24 июндаги 2-2314-сонли қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномага асосан Акбарова Рано, Анваров Искандар Адхамович, Акбарова Мукаддам Адхамовна ва Халмурадова Холида Адхамовналарга тегишли бўлганлигини, ушбу уй-жой 430 кв.м ер майдонида жойлашган 3 та яшаш хонаси майдони 77.24 кв.м, умумий фойдаланиш майдони 51,63 кв.м, айвон, соябон, омборхонадан иборат бўлганлигини, юқоридагилардан ташқари ушбу уй-жойда ўзбошимчалик билан рухсатсиз қурилган 2 та яшаш хонасидан иборат қурилмалар мавжуд бўлганлигини билдирган.

Ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлсада, “_____ ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри” давлат корхонасидан вакил бугунги суд мажлисига келмади.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 148-моддасининг учинчи қисмига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, иш уларнинг йўқлигида кўрилиши мумкин. Шунга кўра суд ишни уларнинг вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд тарафларнинг тушунтиришларини ҳамда прокурор фикрини эшитиб, шикоят аризада келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлар ва аниқланган ҳолатларга кўра, бузилиши лозим бўлган _____ тумани, Шерозий кўчаси, 71-уй 2015 йил 24 июндаги 2-2314-сонли қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳномага асосан Акбарова Рано, Анваров Искандар Адхамович, Акбарова Мукаддам Адхамовна ва Халмурадова Холида Адхамовналарга тегишли бўлган.

Мазкур уй-жой 430 кв.м ер майдонида жойлашган 3 та яшаш хонаси, умумий фойдаланиш майдони 51,63 кв.м, ертўла ва очиқ айвондан иборат бўлган.

Бундан ташқари, ушбу уй-жойда ўзбошимчалик билан рухсатсиз қурилган 2 та яшаш хонаси, айвон, ошхона, ҳаммом, ҳожатхонадан иборат қурилмалар мавжуд бўлган.

Аризачи турмуш ўртоғи Анваров Искандар Адхамович билан ўзаро келишмовчилик юзага келгунча _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уйда оиласи билан биргаликда доимий рўйхатда туриб, 2004 йилга қадар яшаб келишган.

Бироқ аризачи фарзандлари билан 2004 йилдан буён укаси Камолов Миркомил Мухамеджоновичга тегишли _____ тумани, 10-даха, 2^ауй, 79-хонадонда яшаб келишади. Ушбу ҳолат иш ҳужжатларида мавжуд бўлган маҳалла фуқаролар йиғинининг маълумотномалари, аризачи ва унинг фарандларининг иш ва ўқиш жойларидан олинган маълумотлар, шунингдек иш ҳужжатларидаги бошқада далиллар билан ўз тасдиғини топади.

_____ ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги “Ер майдонларида ободонлаштириш ва бузилиш ишларини олиб бориш” ҳақидаги 293-сонли қарори ижросини юзасидан _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уй бузилган. Ушбу уй-жой бузилиши муносабати билан Анваров Искандар Адхамович оиласига _____ тумани, Гулобод



мавзеси, 76-уйдан 4 хоналик 3-хонадон ажратилган.

Аризачи уй-жой таъминлашни сўраб ёзган мурожаатиغا, аризачи ва унинг фарзандлари бузилган _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уйда 2004 йилдан буён яшамаганлигини, фақатгина доимий рўйхатда бўлганлиги сабабли _____ туман ҳокимлиги томонидан 2016 йил 2 декабрдаги 4/2051 я/п-сонли ва 2017 йил 13 февралдаги К-01-82-сонли жавоб хати билан рад жавоби берилган.

_____ ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги “Ер майдонларида ободонлаштириш ва бузилиш ишларини олиб бориш” ҳақидаги 293-сонли қарори асосида _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уй бузилишга тушган. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида _____ тумани ҳокимлигида турар ва нотурар жой бинолари бузилиш ҳудудига тушган оилаларни уй-жой билан таъминлаш, ер участкаси ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича Коммиссия тузилган ва ушбу комиссия томонидан бузилишга тушган ҳудудда жойлашган уй-жойларда яшовчи ва доимий рўйхатда туриб яшамайдиган оилалар рўйхати тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддаси талабларига кўра ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади.

Суд мажлисида аниқланишича, бузилган _____ тумани, Шерозий кўчаси, 77-уйнинг аризачи ва унинг фарзандлари мулкдорлари бўлмаган, шу уйда 2004 йилдан буён яшамаган, лекин доимий рўйхатда бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкасининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низом”нинг 14, 21-бандларига кўра ер участкаларининг давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулки бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда кўрсатиб ўтилган фуқароларга, уларнинг оила



аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшайдиган фуқароларга уларнинг танлашига кўра ҳамда томонларнинг келишуви бўйича ижтимоий нормадан кам бўлмаган майдонга эга бўлган тенг қийматли бошқа қулай уй-жой мулк қилиб берилиши ҳамда дов-дарахтларнинг қиймати тўланиши ёхуд бузилаётган уйлар (квартиралар), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қиймати тўланиши, шунингдек ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларнинг мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилганда мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига, шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг хоҳишига кўра якка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси берилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг учинчи қисмига кўра суд, агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Мазкур ҳолатда суд, _____ туман ҳокимлиги аризачи ва унинг фарзандлари бузилаётган хонадонда яшамаслиги сабабли аризачининг хонадон ажратиш ҳақидаги аризасини рад қилиб, _____ туман ҳокимлиги томонидан аризачига нисбатан қонуний ҳаракатлар қилинган ва ҳокимлик томонидан аризачининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаган деб ҳисоблайди. Ушбу ҳолатда суд аризачининг шикоят аризасини қаноатлантиришдан рад этиб, аризачи томонидан тўланган 172420 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатларини унинг зиммасида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115, 156-158 ва 189-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Акбарова Наргиза Мавлоновнанинг _____ тумани ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда _____ туман ҳокимлиги зиммасига аризачи ва унинг 9 кишидан иборат бўлган оила аъзоларини уй-жой билан таъминлаш



мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар 20 кун муддат ичида мазкур суд орқали _____ маъмурий судига апелляция шикояти, прокурор апелляция протест келтиришга ҳақли.

Судья

Ж.Уразбоев



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 12 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Ж.Уразбоевнинг раислигида,
И.Солихованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Шомахмудов, аризачи Б.Расулов, _____ туман ҳокимлиги вакили А.Менглиев, _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси вакили Қ.Қўзиёвнинг иштирокида, аризачи Б.Расуловнинг _____ тумани ҳокимлиги ҳамда _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Расулов Бахт Собирович (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга _____ туман ҳокимлиги ҳамда _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мансабдор шахсларининг бузилган уй жойи учун 1 хонали квартира ва компенсация пули бермасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва _____ туман ҳокимлиги зиммасига бир хонали квартира ҳамда компенсация пули бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суд мажлисида аризачи шикоят аризани қувватлаб, унга тегишли уй бузилиши ҳисобига 1 хонали хонадон ва 5 сотих ер участкаси ваъда қилинган бўлсада, 5 сотих ер участкаси берилиб, лекин 1 хонали хонадон берилмаганлигини маълум қилиб, шикоят аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида _____ туман ҳокимлиги вакили шикоят аризани тан олмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низомининг 8-бандига асосан аризачига уйи бузилиши ҳисобига 5 сотихли ер участкаси берилганлигини, бундан ташқари ушбу хонадон юзасидан 2 та оилага 2 хонадон ажратилганлигини билдириб, уларнинг ҳаракатлари қонуний



бўлганлигини, аризачининг ҳуқуқларини бузмаганлигини маълум қилиб, шикоят аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Кадастр вакили суд мажлисида _____ тумани, _____ кўчаси, 52 а _____ -уй, 1960 йил 30 январдаги ҳадя шартномаси, 2014 йил 11 мартдаги қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан Расулов Соат ҳамда аризачига тегишли бўлганлигини, ушбу уйнинг умумий майдони 600 кв.м. ер майдонида жойлашганлиги, шундан биноларнинг яшаш майдони 28,0 кв.м.ни ташкил этишлигини, мазкур хонадон _____ ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги 293-сонли қарорига асосан бузилганлигини маълум қилиб, суддан қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини ҳамда прокурорнинг шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги фикрини эшитиб, шикоят аризада келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоятни қаноатлантиришни рад этишни лозим топади.

Аниқланган ҳолатларга кўра, _____ тумани, _____ кўчаси, _____ уй, 1960 йил 30 январдаги ҳадя шартномаси, 2014 йил 11 мартдаги қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан Расулов Соат ва аризачига тегишли бўлган.

Мазкур уйнинг умумий майдони 600 кв.м. ер майдонида жойлашган, шундан биноларнинг яшаш майдони 28,0 кв.м.ни ташкил этади. Ушбу хонадон _____ ҳокимининг 2016 йил 11 апрелдаги 293-сонли қарорига асосан бузилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарорига асосан “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низоми талабларига асосан уй-жойни бузилиш ҳисобига уй-жойда яшовчи иккита оилага уларга _____ туман, ____ даҳаси, ___ уй _____ хонадон ва _____ шаҳарчаси _____ уй, _____ хонадон ажратилган.

Шунингдек, мулкдор аризачининг 5 кишидан иборат оиласига _____ вилояти, _____ тумани, _____ ҚФЙ ҳудудидан майдони 500 кв.м. бўлган ер участкаси ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 27-моддасига кўра ер участкалари давлат ёки жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан фуқаролар мулкида бўлган уйлар (квартиралар) бузилган тақдирда, мазкур фуқароларга, уларнинг оила аъзоларига,



шунингдек ушбу уйларда (квартираларда) доимий яшаётган фуқароларга уларнинг танлови бўйича ва тарафлар келишувига кўра, уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган сахндаги, барча қулайликлари бўлган, аввалгисига тенг қимматли бошқа турар жой мулк қилиб берилади ҳамда дов-дарахтларнинг бозор қиймати тўланади ёхуд бузилаётган уй (квартира), бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг бозор қиймати, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати тўлиқ ҳажмда тўланади. Бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, бу фарқ мулкдорга компенсация қилиниши лозим, берилаётган уй-жойнинг ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати бузилаётган уйнинг (квартиранинг) ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қийматидан ортиқ бўлган тақдирда эса, бу фарқ уй-жой берилган ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилган пайдан эътиборан беш йил ичида мулкдор томонидан компенсация қилиниши лозим. Бузилаётган уйлар ўрнига турар жойни мулк қилиб бериш ва уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ҳамда дов-дарахтлар қийматини тўлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомининг 8-бандига кўра, ер участкаларини олиб қўйиш компенсациянинг қуйидаги турлари берилиши шарти билан амалга оширилади:

фуқароларга уй-жой майдонининг ижтимоий нормасидан кам бўлмаган бошқа тенг қийматли обод турар жойни мулк қилиб бериш ва дов-дарахтлар қийматини тўлаш;

бузилаётган уйлар, бошқа иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтлар қийматини фуқароларга тўлаш;

ер участкасини ўзлаштириш даврига икки йилгача муддат билан ижара шартномаси асосида вақтинча уй-жой берилиб, бузилаётган уйлар (квартиралар), иморатлар, иншоотлар ва дов-дарахтларнинг қиймати тўлиқ тўланган ҳолда фуқароларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун белгиланган норма доирасида ер участкаси бериш;

юридик шахсларга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк бериш ва давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қўйилиши



оқибатида етказилган бошқа зарарларни қоплаш;
ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарарларни тўлалигича қоплаш;
фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бўлган бузилиши керак уйлар, иморатлар ва иншоотларни кўчириш ва янги жойда тиклаш;
янги жойда уйлар, иморатлар қуриш ҳамда уларни фуқаролар ва юридик шахсларга мулк қилиб бериш.

Аризачига мазкур Низомнинг 8-банди асосида белгиланган ер участкаларини олиб қўйиш муносабати билан компенсациянинг ер участкаси бериш турига кўра 5 сотихли ер участкаси берилган.

Шу билан бирга суд, аризачининг _____ Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки мурожаатларини қайд этиш карточкасида аризачининг мурожаатига кўра унга ерни топшириш эвазига квартира бериш ёки ерга қўшимча 1 хона квартира таклиф этилган деган важига қўшилмайди. Чунки ушбу карточкага кўра унинг талаби қаноатлантирилмаган балки, унга тушунтириш берилган.

Шунга кўра, суд _____ тумани ҳокимияти, _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан аризачининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг учинчи қисмига кўра суд агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат божи ставкалари"нинг 1-банди "б" кичик бандига кўра, давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситувчи ғайри-қонуний ҳатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан (суд қарори чиқарилаётганда айбдор томондан ундирилади) энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида давлат божи ундирилади.

Ушбу ҳолатда суд аризачининг шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиб, аризачи томонидан тўланган 172 420 сўм давлат божи ва 7 000 сўм почта харажатларини унинг зиммасида қолдиришни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115, 156-158 ва 189-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

аризачи Расулов Бахт Собировичнинг _____ туман ҳокимлиги ҳамда _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва _____ туман ҳокимлиги зиммасига бир хонали квартира ҳамда компенсация пули бериш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон 20 кун муддат ичида ушбу суд орқали _____ маъмурий судига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Судья

Ж.Уразбоев



162-модда. Қўшимча ҳал қилув қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҚЎШИМЧА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2018 йил 02 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Ж.Уразбоевнинг раислигида,
Ч.Махмудованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси С.Хасанбоев, аризачи О.Рахимов иштирокида, аризачи О.Рахимовнинг _____ туман ФХДЁ бўлимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мажбурият юклаш тўғрисидаги шикоят бўйича, суд ўз ташаббуси билан, суд харажатлари тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида ишни очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Рахимов Обид Салимович (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ФХДЁ бўлимининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2017 йил 20 майдаги 1865-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда жавобгар зиммасига бобоси Ахмаджанов Махмуднинг 1971 йил 21 октябрда 1059-сон билан қайд қилинган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги "фамилияси" устунига фамилиясини "Рахиймов"дан "Рахимов"га ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 10 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси тўлиқ қаноатлантирилган.

Бироқ, ушбу ҳал қилув қарорида суд харажатларини қоплаш масаласи ҳал қилинмасдан қолган.

Суд мажлисида аризачи судга ариза билан мурожаат қилишда иккита талаб бўйича жами 344480 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатларини тўлаб чиққанлигини, бироқ ишни кўриш натижалари бўйича ариза қаноатлантирилган бўлсада суд харажатлари масаласи очиқ қолиб кетганлигини маълум қилди ва қонуний қарор қабул қилишни сўради.

Жавобгардан вакил суд мажлисига келмади.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 148-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, иш уларнинг йўқлигида кўрилиши мумкин.

Шунга кўра суд низони жавобгарнинг йўқлигида ҳал қилишни лозим деб топади.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд харажатларини жавобгардан аризачига ундириш юзасидан қўшимча ҳал қилув қарори чиқариш тўғрисидаги фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 162-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд, агар суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, аризачи судга мурожаат қилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат божи ставкалари”дан келиб чиқиб 344480 (172240 x 2) сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатлари тўланган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси асосли деб топilib, арз қилинган талаб тўлиқ қаноатлантирилган. Лекин суд томонидан суд харажатларини тақсимлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 115-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ Суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган талаблар миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Мазкур ҳолатда шикоят аризаси тўлиқ қаноатлантирилганлиги боис суд харажатлари жавобгар зиммасига юклатилиши лозим бўлади.

Бундай ҳолатда суд жавобгардан аризачига 344480 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатлари ундиришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 115, 158 ва 162-моддаларини қўллаб, суд



ҚАРОР ҚИЛДИ:

_____ туман ФХДЁ бўлимидан Рахимов Обид Салимович фойдасига 351 480 сўм суд ҳаражатлари ундирилсин.

Қўшимча ҳал қилув қарори асосий ҳал қилув қарори билан бирга қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Қўшимча ҳал қилув қарори устидан асосий ҳал қилув қарори билан бирга шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ж.Уразбоев



А Ж Р И М

(қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишни рад этиш ҳақида)

2018 йил 23 апрель куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносига, судья Ж.Уразбоевнинг раислигида, Д.Павлованинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили О.Рахимов, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Шамс” фермер хўжалигининг жавобгар _____ туман ҳокимлигига нисбатан туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилаётган иш юзасидан “Шамс” фермер хўжалигининг қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилиш тўғрисидаги аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____туман ҳокимининг 2017 йил 15 майдаги 15/2-сонли қарори билан “Шамс” фермер хўжалиги (бундан буён матнда аризачи деб юритилади)нинг 470-контурдаги 15,8 гектар ер майдони туман захира ер фондига қайтарилган.

Кейинчалик, аризачи жавобгарнинг 2017 йил 15 майдаги 15/2-сонли қарори ноқонуний қабул қилинган деб ҳисоблаб, уни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 12 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб _____туман ҳокимининг 2017 йил 15 майдаги 15/2-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Аризачи қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиб, унда бугунги кунда низодаги ер майдонини “Замон” фермер хўжалиги фойдаланиб келаётганлиги маълум бўлганлиги, ер участкасидан чиқиш ҳақидаги аризачининг қонуний талаби у томонидан бажарилмаётганлиги ва фаолиятига тўсқинлик қилаётганлигини маълум қилиб, туман ҳокими қарори ҳақиқий эмас деб топилиши муносабати билан ер майдони унга қайтарилиши лозимлиги сабабли “Замон” фермер хўжалигини ушбу ер майдондан мажбурий тартибда чиқариш тўғрисида қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризада келтирилган вазларни қувватлаб, аризани қаноатлантиришни сўради.



Жавобгардан вакил суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 148-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, иш уларнинг йўқлигида кўрилиши мумкин.

Шунга кўра суд низони жавобгарнинг йўқлигида ҳал қилишни лозим деб топади.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришларини, прокурорнинг аризани рад этиш тўғрисидаги фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилишни рад этишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 162-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд, агар ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирор-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса, суд ҳуқуқ тўғрисидаги масалани ҳал қилиб, жавобгар амалга ошириши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса, суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал этилмаган бўлса қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилади.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлувчи ҳолатлар рўйхати тугал бўлиб, уни кенгайтирилган тарзда талқин этиб бўлмайди.

Аризачи жавобгарнинг 2017 йил 15 майдаги 15/2-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида судга ариза билан мурожаат қилган бўлиб, аризада “Замон” фермер хўжалигини низодаги ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш талаби қўйилмаган.

Мазкур ҳолатда қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишга асослар мавжуд эмас.

Ушбу ҳолатда аризачи учинчи шахсларни ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш талаби билан даъвогар ва жавобгарнинг ҳуқуқий ҳолатига қараб фуқаролик ишлари бўйича туман судига ёки иқтисодий судга мурожаат қилиши лозим.

Бундай ҳолатда суд аризачининг аризасини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 162, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Шамс” фермер хўжалигининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ж.Уразбоев



163-модда. Ҳал қилув қарорини тушунтириш

А Ж Р И М

(ҳал қилув қарорини тушунтириш ҳақида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди ўз биносига,
судья З.Алимованинг раислигида,
Д.Сабиорованинг котиблигида, _____ вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи А.Аббасхўжаев иштирокида, А.Аббасхўжаевнинг жавобгар _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорини тушунтириш тўғрисидаги А.Аббасхўжаевнинг аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман ҳокимининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2015 йил 1 февралдаги Х-1129-сонли қарори билан фуқаро А.Аббасхўжаевга (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) уй-жой қуриш учун _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидан 0,06га ер участкаси ажратиб берилган.

Кейинчалик, ушбу ер участкаси туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори билан, ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланмасдан уй-жой қурмаганлиги учун А.Аббасхўжаевнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниб, ер участкаси туман ҳокимлиги заҳирасига қайтарилган.

Шундан кейин, аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза талаблари қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарор ҳақиқий эмас деб топилган. Шунингдек, жавобгар зиммасига ўн кунлик муддатда аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш мажбурияти юклатилган.



Кейинчалик, аризада судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳал қилув қарори билан жавобгар зиммасига ўн кунлик муддатда аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш мажбурияти юкланган бўлса-да, ушбу муддатда унинг ҳуқуқлари тикланмаганлигини маълум қилиб, ўн кунлик муддатни ҳисобланиши қачондан бошланилишини тушунтириб беришни сўраган.

Суд мажлисида аризада аризани қаноатлантиришни ва суд қарори бўйича тушунтириш беришни сўради.

Жавобгардан вакил суд мажлисига келмади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 148-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, иш уларнинг йўқлигида кўрилиши мумкин.

Шунга кўра суд низони жавобгарнинг йўқлигида ҳал қилишни лозим деб топади.

Суд, аризачининг тушунтиришларини, прокурорнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, ариза ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 163-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, ишни ҳал қилган суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек суд ҳал қилув қарорининг ижроси ўз зиммасига юклатилган органлар ва давлат ижрочисининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли.

Суднинг ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида жавобгар зиммасига ўн кунлик муддатда аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш мажбурияти юклатилган, лекин мазкур муддат қачондан бошлаб ҳисобланиши кўрсатилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг олтинчи қисмига кўра, суднинг ишни кўриш натижаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган пайтдан эътиборан йигирма кун ўтгач, қонуний кучга киради.



Ушбу Кодекс 167-моддасининг биринчи қисмига кўра ҳал қилув қарори у қонуний кучга кирганидан сўнг ижрога қаратилади.

Суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач мажбурий бўлади.

Ушбу ҳолатда ўн кунлик муддат ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 163, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

А.Аббасхўжаевнинг ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин

Аризачи А.Аббасхўжаевнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш учун белгиланган ўн кунлик муддатнинг ҳисобланиши ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган санадан бошлаб амалга оширилади.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида апелляция тартибида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



А Ж Р И М

(ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида)

2018 йил 17 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Ж.Уразбоевнинг раислигида,
Д.Сабированинг котиблигида, _____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи вакили А.Каттабеков, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, аризачи “Лайло” акциядорлик жамиятининг жавобгар _____ туман мажбурий ижро бюросининг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарорига тушунтириш бериш ҳақидаги _____ туман мажбурий ижро бюросининг аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

“Лайло” акциядорлик жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ туман мажбурий ижро бюросининг қарздорга тегишли бўлган кўчмас мулклар (_____ шаҳри, _____кўчаси, 12 ва 13-уйлардаги ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари)ни хатлашдан иборат 2017 йил 30 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач _____ туман мажбурий ижро бюроси ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилган. Аризада аризачининг кредитор олдидаги қарзини ундириш тўғрисидаги бошқа суд ҳужжати ижросини таъминлаш учун аризачининг айнан қайси мол-мулкларини хатлаш ва сотувга чиқариш ҳақида тушунтириш беришни сўраган.

Суд, тарафлар вакилларининг кўргазмаларини, прокурор фикрини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 163-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, ишни ҳал қилган суд ишда иштирок



этувчи шахсларнинг аризасига, шунингдек суд ҳал қилув қарорининг ижроси ўз зиммасига юклатилган органлар ва давлат ижрочисининг аризасига кўра ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтиришга ҳақли.

Мажбурий ижро бюросининг аризасига кўра, хатланиши ва реализация қилиниши лозим бўлган мол-мулклар рўйхатини суд қарорида кўрсатиш сўралган бўлиб, бироқ унинг бу талаби асоссиздир. Чунки, мазкур ҳолат суд қарори билан эмас, балки “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Қолаверса, ушбу иш бўйича низо предмети мажбурий ижро бюроси томонидан реализация қилиниши лозим бўлган мол-мулкларни белгилаш бўлмай, балки қарорни ҳақиқий эмас деб топишдир.

Бундай ҳолатда, _____ туман мажбурий ижро бюросининг аризасини қаноатлантириш рад этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 163, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман мажбурий ижро бюросининг ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

Ж.Уразбоев



164-модда. Ёзувдаги хатоларни ва арифметик хатоларни тузатиш

А Ж Р И М

(арифметик хатони тузатиш ҳақида)

2018 йил 12 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди ўз биносига,
судья З.Алимованинг раислигида,
Д.Сабированинг котиблигида, _____ вилоят прокурори ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи А.Аббасхўжаев, жавобгар вакили А.Сотволдиев иштирокида, А.Аббасхўжаевнинг жавобгар _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича қабул қилинган ҳал қилув қароридаги арифметик хатони тузатиш тўғрисидаги А.Аббасхўжаевнинг аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман ҳокимининг (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) 2015 йил 1 февралдаги Х-1129-сонли қарори билан фуқаро А.Аббасхўжаевга (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) уй-жой қуриш учун _____ тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидан 0,06га ер участкаси ажратиб берилган.

Кейинчалик, ушбу ер участкаси туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори билан, ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланмасдан уй-жой қурмаганлиги учун А.Аббасхўжаевнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи бекор қилиниб, ер участкаси туман ҳокимлиги заҳирасига қайтарилган.

Шундан кейин, аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 17 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилиб, _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Шунингдек, жавобгар зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайдан бошлаб ўн кунлик муддатда аризачининг ҳуқуқлари,



эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бартараф этиш мажбурияти юклатилган.

Кейинчалик, аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, суднинг ҳал қилув қарори хулоса қисмида ҳақиқий эмас деб топилган туман ҳокимининг қарорини “2018 йил” деб ёзиш ўрнига “2017 йил” деб ёзиб кетилганлигини билдириб техник хатони тузатишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризачининг аризасига эътироз билдирмади.

Суд, тарафлар вакилларининг кўргазмасини, прокурорнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрини тинглаб, аризаси ҳамда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра ҳал қилув қарорида йўл қўйилган арифметик хатони тузатишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 164-моддасининг биринчи қисмига кўра, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд ёзувда йўл қўйилган хатоларни ва арифметик хатоларни ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда, ишда иштирок этувчи шахснинг, давлат ижрочисининг, суд ҳал қилув қарорининг ижроси зиммасига юклатилган бошқа органларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси бўйича тузатишга ҳақли.

Суднинг ҳал қилув қарори билан _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори ҳал қилув қарорининг кириш, баён, асослантирувчи ҳамда хулоса қисмларида қайд этиб ўтилиб, ушбу қарор муҳокама қилинган ва унинг қонунийлигига баҳо берилган.

Бироқ ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арифметик хато сабабли “_____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори” деб ёзиш ўрнига “_____ туман ҳокимининг 2017 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори” деб ёзиб кетилган.

Бундай ҳолатда, арифметик хатони тузатиш ҳал қилув қарорини мазмунини ўзгартирмаслиги боис, суд аризачини аризасини қаноатлантиришни лозим деб топади ва ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидаги “2017 йил” сўзларини “2018 йил” деб тузатишни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 164, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

А.Аббасхўжаевнинг ҳал қилув қароридаги арифметик хатони тузатиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин

Суднинг 2018 йил 17 апрелдаги ҳал қилув қарорида йўл қўйилган арифметик хато тузатилсин.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмидаги “2017 йил” рақами “2018 йил” рақами билан тузатилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Судья

З.Алимова



174-модда. Хусусий ажрим

ХУСУСИЙ АЖРИМ

(аниқланган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳақида
хабардор этиш тўғрисида)

2018 йил 5 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____
туман маъмурий суди ўз биносида,
судья Ф.Уразбоевнинг раислигида,
Д.Сабиловнинг котиблигида, _____ туман прокурори
ёрдамчиси Ш.Гафуров, аризачи вакили А.Аббасхўжаев, жавобгар
вакили А.Сотволдиев иштирокида, _____ тумани 13-сонли
мактабгача таълим муассасасининг _____ туман ҳокимининг
2012 йил 5 июлдаги 596-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш
ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида
кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ тумани 13-сонли мактабгача таълим муассасаси _____
туман ҳокимлиги, “Чевар” МЧЖга нисбатан _____ туман маъму-
рий судига ариза билан мурожаат қилиб, _____ туман ҳокимининг
2012 йил 5 июлдаги 596-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни
сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 5 майдаги ҳал қилув қарори
билан ариза қаноатлантирилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, 1997 йил 18 июнда _____ шаҳар
ҳокимлиги доимий комиссияси томонидан шаҳар ва шаҳарчалардаги
ердан фойдаланувчининг корхона, ташкилот ва муассасалар ерлари
чегараларини тиклаш ҳамда майдонларини аниқлаш тўғрисида
далолатнома расмийлаштирилган. Мазкур далолатномага асосан
“Ниҳол” номидаги 13-сонли мактабгача тарбия муассасаси (ҳозирги
_____ тумани 13-сонли мактабгача таълим муассасаси) эгаллаган ер
майдони чегараси белгиланган.

Шундан кейин _____ шаҳар ҳокимининг 1997 йил 29 сентябрда
216-Қ-сонли қарори қабул қилиниб, ушбу қарор билан шаҳар
ҳудудида жойлашган халқ таълими бўлимига қарашли 17 та мактабгача
таълим муассасалари эгаллаб турган ер майдонлари ва чегараларини



(жумладан “Ниҳол” номидаги мактабгача таълим муассасасининг Беҳзод кўчасида эгаллаб турган 0,33 га ер майдони) аниқлаш бўйича шаҳар ҳокимлиги доимий комиссиясининг тузган далолатномаси тасдиқланган.

_____ туман ҳокимининг 2012 йил 5 июлдаги 596-Қ-сонли қарори билан _____ шаҳар ҳокимининг 1997 йил 29 сентябрдаги 216-Қ-сонли қарорининг 7-банди, яъни “Ниҳол” мактабгача таълим муассасасига Беҳзод кўчасидаги ўзи эгаллаб турган 0,33 га ер майдонини бириктиш ҳақидаги қисми бекор қилинган ва “Чевар” тажриба-синов заводининг (ҳозирги “Чевар” МЧЖ) _____ шаҳар, Беҳзод кўчасида жойлашган дам олиш оромгоҳ биноси ва иншоотларига эгалик ҳуқуқи тан олиниб, 0,31 га ер майдони доимий фойдаланиш учун унга берилган.

Натижада _____ тумани 13-сонли мактабгача таълим муассасаси маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб _____ туман ҳокимининг 2012 йил 5 июлдаги 596-Қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 12-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 6-моддасининг еттинчи хатбошисига кўра ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида фуқароларга, юридик шахсларга захира ерлардан ер участкасининг ўлчамидан қатъи назар, эгалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш туманлар давлат ҳокимлики органларининг ваколатларига кириши белгиланган бўлиб, бироқ туман ҳокимига бир шахсга қонунда белгиланган тартибда ажратилган ер майдонини бошқа шахсга мазкур ер майдонини қонунда белгиланган тартибда захирага олмасдан ўтказиш ваколоти берилмаган.

Бундан ташқари амалдаги қонун ҳужжатларида туман ёки шаҳар ҳокимларига умумтаълим муассасалари объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масаласини ҳал қилиш ваколоти берилмаган. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра умумтаълим муассасалари объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси



Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 11 ноябрдаги 4014/02-11-сонли хатида тегишли комиссия аъзолари, шу жумладан “Чевар” тажриба-синов заводи директори ва бош ҳисобчиси ҳамда “Аъло” корпорацияси раиси томонидан имзоланган корхона бўйича асосий воситаларнинг қиймати китобида низодаги бино-иншоот 1993 йил 1 октябрь ҳолатига корхонанинг балансида турганлиги қайд этилмаганлиги баён қилинган. Бу эса хусусийлаштирилмаган давлат объекти асоссиз равишда _____ туман ҳокимининг 2012 йил 5 июлдаги 596-Қ-сонли қарори билан “Чевар” МЧЖга тегишли деб тан олинганлигини англатади.

_____ туман ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжати талабига риоя қилинмаганлиги оқибатида 13-сонли мактабгача таълим муассасасининг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилган.

Шу боис биринчи инстанция судининг 2018 йил 5 майдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 174-моддасига кўра ишни кўриш чоғида давлат органининг ёки бошқа органининг, юридик шахннинг, мансабдор шахннинг ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган тақдирда, уларнинг ишда иштирокидан қатъи назар, суд хусусий ажрим чиқаришга ҳақли.

Хусусий ажрим билан суд тегишли органдан ёки мансабдор шахсдан қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ўзларининг ваколатига мувофиқ кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин.

Хусусий ажрим тегишли давлат органларига ва бошқа органларга, юридик шахсларга, мансабдор шахсларга юборилади, улар кўрилган чоралар тўғрисида бир ойлик муддатда судга хабар қилиши шарт.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати туман ҳокимининг 2012 йил 5 июлдаги 596-Қ-сонли қарори амалдаги қонун ҳужжатларига зид равишда чиқарилганлиги сабабли _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 174, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ тумани ҳоқимлиги мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан _____ вилоят ҳоқимлиги хабардор қилинсин.

_____ вилоят ҳоқимлиги зиммасига ушбу хусусий ажримни _____ туман ҳоқимлиги ходимларининг йиғилишида муҳокама қилиш ва кейинчалик улар томонидан бундай қонунбузарлик ҳолатига йўл қўймаслик мақсадида тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилсин.

Хусусий ажрим ижроси юзасидан бир ойлик муддатда _____ туман маъмурий судига маълумот берилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун ичида шикоят бериш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Ф.Уразбоева



9-БОБ. АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

208-модда. Апелляция шикоятини (протестини)иш юритишга қабул қилиш

А Ж Р И М

(апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ф.Уразбоева, _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан _____ туман ФХДЁ бўлими томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 208-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман ФХДЁ бўлимининг апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинсин.

Иш 2018 йил 27 май куни соат 10-00 да _____ вилоят маъмурий судининг __-сонли суд залида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: _____ шаҳри, _____ кўчаси, _____-уй.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун:

жавобгар:

апелляция шикоятига илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этсин;

аризачига:

апелляция шикояти бўйича ёзма фикрини, ўз эътирозларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.



Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Ф.Уразбоева



203-модда. Апелляция шикоятини(протестини) беришмуддати

*Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг
ўтказиб юборилган муддатини тиклаш*

А Ж Р И М

(апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ж.Уразбоев, аризачи якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасовнинг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 1 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 7 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасов томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасов судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 1 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 7 апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Ушбу ҳал қилув қарори устидан аризачи апелляция тартибида шикоят ариза билан мурожаат қилиб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда аризани қаноталантиришни сўраган. Шунингдек, шикоят аризасига апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида 2018 йил 5 майдаги 1-сонли илтимоснома илова қилинган.

Аризачининг апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори эълон қилинган кунда унинг соғлиғи ёмонлашиб, шифохонага тушиб қолганлиги ва шифохонадан 2018 йил 2 майда чиққанлиги, натижада ҳал қилув қарори устидан ўз вақтида шикоят бера олмасдан қолганлигини баён қилган ҳамда далил



сифатида _____ тумандаги ___-сонли шифохона маълумотномасини илова қилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 203-моддасига кўра, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикоят (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан йигирма кун ичида берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Ушбу ҳолатда суд аризачи апелляция шикоятини бериш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган ва муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 168, 169, 203 ва 208-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасовнинг апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида 2018 йил 7 майдаги 1-сонли илтимосномаси қаноатлантирилсин ва шикоят бериш муддати тиклансин.

Якка тартибдаги тадбиркор А.Толмасовнинг апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинсин.

Иш 2018 йил 22 май куни соат 10-30 да _____ вилоят маъмурий судининг __-сонли суд залида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: _____ шаҳри, _____ кўчаси, _____-уй.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун:

жавобгар:

апелляция шикоятига илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этсин;



аризачига:

апелляция шикояти бўйича ёзма фикрини, ўз эътирозларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Ж.Уразбоев



212-модда. Апелляция инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш

А Ж Р И М

(апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ж.Уразбоев, аризачи “Холис” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги “Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан _____ туман мажбурий ижро бюроси томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи “Холис” масъулияти чекланган жамияти судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги “Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисида”ги қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. _____ туман мажбурий ижро бюросининг 2018 йил 20 апрелдаги “Қарздорнинг банклардаги ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида ва омонатларида турган ёки сақланаётган пул маблағларини хатлаш тўғрисида”ги қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Ушбу ҳал қилув қарори устидан _____ туман мажбурий ижро бюроси апелляция тартибида шикоят ариза билан мурожаат қилиб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилишни ҳамда аризани қаноталантиришни рад этишни сўраган. Шунингдек, шикоят аризасига апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган мuddатини тиклаш



ҳақида 2018 йил 7 майдаги 1-сонли ва ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақида 2018 йил 7 майдаги 2-сонли илтимосномалар илова қилинган.

Жавобгарнинг апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори уларга ҳал қилув қарори эълон қилинган кундаги суд муҳокамасидан кейин, яъни 2018 йилнинг 5 майида етиб келганлиги, шунга кўра ўз вақтида ушбу ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти берилмасдан қолганлиги асос қилинган ва далил сифатида суд томонидан ҳал қилув қарори жўнатилган ва почта алоқа хизмати муҳри қўйилган конверт нусхаси илова қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра _____ туман мажбурий ижро бюроси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори эълон қилинган суд мажлисида қатнашмаган. Ҳал қилув қарори эса _____ туман мажбурий ижро бюросига 2018 йилнинг 5 майида почта алоқа хизмати орқали етказилган. Бу ишдаги далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 203-моддасига кўра, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан йигирма кун ичида берилиши мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажримда кўрсатилади.

Ушбу ҳолатда _____ туман мажбурий ижро бюросининг апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси асосли бўлиб, у қаноатлантирилиши лозим.

Шунингдек, _____ туман мажбурий ижро бюросининг апелляция шикоятига ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб



туриш ҳақидаги 2018 йил 7 майдаги 2-сонли илтимоснома илова қилинган бўлиб унда, аризачи “Холис” масъулияти чекланган жамияти ҳисобрақамида анча вақтлардан буён пул маблағи айланмаси мавжуд эмаслиги, бироқ бугунги кунда унинг ҳисоб рақамига пул маблағи тушиш эҳтимоли мавжуд эканлиги, чунки у ўзига қарашли _____ шаҳар, _____ кўчаси, ____-уйда жойлашган маъмурий биносини ижро иши қўзғатилгунга қадар 1000000000 сўмга бошқа корхонага сотганлиги, тўлов эса шу яқин кунлар ичида амалга оширилиши ҳақида маъмурий бинони сотиб олган корхона раҳбари маълум қилганлиги, аризачининг бошқа мулклари мавжуд эмаслиги сабабли ушбу орада унинг ҳисобрақамига пул маблағи тушса, у мазкур маблағни бошқа ташкилотларга ўтказиб юбориши эҳтимоли мавжудлиги, натижада биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган тақдирда ҳам ижро иши бўйича ундирув амалга ошмасдан қолиши мумкинлиги баён қилинган ҳамда ушбу важларнинг асоси сифатида _____ шаҳар, _____ кўчаси, ____-уйда жойлашган маъмурий бино олди-сотди шартномасини, сотиб олувчи “Заргар” корхонаси раҳбарининг 2018 йил 5 майдаги маълумотномасини, шунингдек аризачининг бошқа мол-мулклари йўқлиги ҳақидаги _____ туман давлат кадастр бўлимининг 2018 йил 8 майдаги маълумотномасини илова қилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 2012-моддасига кўра апелляция шикояти (протести) уни бериш муддати ўтказиб юборилган ҳолда берилган ва ушбу муддатни тиклаш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилган тақдирда, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарорининг ижросини ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра тўхтатиб туришга ҳақли.

Ҳал қилув қарорининг ижроси апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар бўлган муддатга тўхтатиб турилади.

Ушбу ҳолатда _____ туман мажбурий ижро бюросининг ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосномаси асосли бўлиб, у қаноатлантирилиши лозим.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169, 203, 208 ва 212-моддаларига асосланиб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман мажбурий ижро бюросининг апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги 2018 йил 7 майдаги 1-сонли илтимосномаси қаноатлантирилсин ва шикоят бериш муддати тиклансин.

_____ туман мажбурий ижро бюросининг апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинсин.

_____ туман мажбурий ижро бюросининг ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги 2018 йил 7 майдаги 2-сонли илтимосномаси қаноатлантирилсин _____ -сонли маъмурий иш бўйича қабул қилинган 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарорининг ижроси апелляция инстанцияси суди томонидан апелляция шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари бўйича суд ҳужжати қабул қилингунига қадар бўлган муддатга тўхтатиб турилсин.

Иш 2018 йил 22 май куни соат 10-30 да _____ вилоят маъмурий судининг __-сонли суд залида очик суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: _____ шаҳри, _____ кўчаси, _____-уй.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун:

жавобгар:

апелляция шикоятига илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этсин;

аризачига:

апелляция шикояти бўйича _____ ёзма фикрини, _____ ўз эътирозларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Ж.Уразбоев



209-модда. Апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш

А Ж Р И М

(апелляция шикоятини иш юритишга қабул қилишни
рад этиш ҳақида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ж.Уразбоев, аризачи “Қурувчи” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи _____ шаҳар бошқармаси мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи _____ шаҳар бошқармаси томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Қурувчи” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи _____ шаҳар бўлими (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) мансабдор шахсининг унга тегишли автотранспорт воситасини белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказмасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишнисўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 10 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси тўлиқ қаноатлантирилган. Жавобгар зиммасига суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайдан бошлаб 2 кунлик муддат ичида аризачига тегишли автотранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юкланган.

Жавобгар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериб, уни бекор қилишни ва аризачининг шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.



Суд апелляция шикоятни ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра апелляция шикоятини қабул қилишни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 203-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар қонунда бошқа муддат белгиланмаган бўлса, апелляция шикоятни (протести) ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан йигирма кун ичида берилиши мумкин.

Бироқ ҳал қилув қарори устидан апелляция шикоятни 2018 йил 30 апрелга қадар берилиши лозим бўлса-да, жавобгар ушбу муддатни ўтказиб юборган ҳолда 2018 йил 8 май куни апелляция шикоятни берган.

Апелляция шикоятига шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида 2018 йил 8 майдаги 6-сонли илтимоснома илова қилинган бўлиб, унда муддатнинг ўтказиб юборилишига узрли сабаб сифатида мазкур ишда қатнашган жавобгар ходими А.Равшановнинг 2018 йил 10 апрелдан 2018 йил 1 майгача меҳнат таътилида бўлганлиги асос қилиб келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 203-моддасининг иккинчи қисмига кўра апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича апелляция инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмасдан берилган ва апелляция шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Бироқ, ушбу ишда қатнашган жавобгар вакилининг меҳнат таътилида бўлганлиги апелляция шикоятини бериш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб бўлмайди. Чунки суд қарорлари устидан шикоятни ташкилот ходими эмас, балки унинг раҳбари имзолайди. Шунга кўра суд жавобгарнинг шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини рад этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 209-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра судья агар, апелляция шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатининг тикланиши рад этилган бўлса апелляция шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этади.



Мазкур ҳолатда жавобгарнинг апелляция шикоятини қабул қилиш рад этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169, 203 ва 209-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи _____ шаҳар бўлимнинг шикоят беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси рад этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органи _____ шаҳар бўлимнинг апелляция шикоятини қабул қилиш рад этилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун муддат ичида _____ вилоят маъмурий судига _____туман маъмурий суди орқали кассация шикояти берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ж.Уразбоев



210-модда. Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш

А Ж Р И М

(апелляция протестини қайтариш ҳақида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ж.Уразбоев, аризачи А.Фиёсовнинг _____ тумани 1-сонли нотариал идораси нотариусининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда васиятномани расмийлаштириш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан _____ туман прокурори томонидан келтирилган апелляция протести ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

А.Фиёсов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб унда ўзига тегишли бўлган мол-мулкларни фарзандларига мерос қолдириш мақсадида васиятнома расмийлаштириш учун 2018 йил 5 январда мурожаат қилганлигини, лекин нотариус мурожаат қилувчилар сонининг кўплигини ваъж қилиб шу куни васиятномани расмийлаштирамаганлигини, кейин 2018 йил 6 январда васиятномани расмийлаштириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан мурожаат қилганлигини, ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар нотариал идора томонидан қабул қилиб олиниб, навбат келганида чақиритилиши маълум қилганлигини, шундан кейин у 2018 йил 8, 15 январь кунлари нотариал идорага борганлигини, лекин ҳар борганида унга турли важларни баҳона қилиб, васиятномани расмийлаштиришни ортга сураётганлигини баён қилиб, _____ тумани 1-сонли нотариал идораси нотариусининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда унга васиятномани расмийлаштириш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси тўлиқ қаноатлантирилган. _____ тумани 1-сонли нотариал идораси нотариусининг хатти-ҳаракатлари



қонунга хилоф деб топилиб, унинг зиммасига 1 кунлик муддат ичида васиятномани расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш мажбурияти юкланган.

_____ туман прокурори ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтириб, унда биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, яъни нотариусга мажбурият юкланиши лозим бўлса-да, бироқ ҳал қилув қарори билан нотариал идорага мажбурият юкланганлиги ва ундан давлат божи ундирилганлигини баён қилиб, суд қарорини ўзгартириш сўралган.

Суд апелляция протести ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра апелляция протестини қайтаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 204-моддасининг биринчи қисмига кўра апелляция шикоятни (протести) судга ёзма шаклда берилади ва шикоятни (протестни) берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Бироқ апелляция протести имзоланмаган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 205-моддасига кўра апелляция шикоятини (протестини) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга апелляция шикоятининг (протестининг) кўчирма нусхасини ва унга илова қилинган, бу шахсларда мавжуд бўлмаган ҳужжатларни юбориши ёки тилхат билан шахсан топшириши керак.

Аммо апелляция протестига унинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганлигини ёки тилхат билан шахсан топширганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 205-моддаси биринчи қисмининг 1, 2-бандларига кўра апелляция шикоятни (протести) апелляция шикоятни (протести) имзоланмаган бўлса ёхуд уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи ёки фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, апелляция шикоятига (протестига) унинг кўчирма нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса қайтарилади.

Шунга кўра апелляция протестини қайтариш лозим бўлади.



Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 210-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман прокурори томонидан келтирилган апелляция протести ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.

Ажрим устидан 20 (йигирма) кун муддат ичида _____ вилоят маъмурий судига _____туман маъмурий суди орқали кассация шикояти берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ж.Уразбоев



213-модда. Апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш

А Ж Р И М

(апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати _____ шаҳар, _____ кўчаси, __-уйда жойлашган _____ округ сайлов комиссияси биносида,
раислик қилувчи судья: Ж.Уразбоев,
ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловлардан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Э.Баҳромов, аризачининг вакили Б.Толипов, жавобгарнинг вакили А.Н.Сотволдиев иштирокида, аризачи А.Роziқовнинг жавобгар _____ участка сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикояти бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан А.Роziқовнинг вакили Б.Толипов томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

А. Роziқов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) _____ участка сайлов комиссияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га ариза билан мурожаат қилиб, муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун рухсат беришни сўраган. Бироқ жавобгар томонидан қонундаги маълумотлар кўрсатилмаганлиги важи билан ариза рад этилган.

Шундан кейин аризачи судга мурожаат қилиб, жавобгарнинг муддатидан олдин овоз бериш ҳақидаги аризани рад этишдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоятни қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарори устидан аризачи вакили апелляция шикояти бериб, унда суд қарорини бекор қилиб, шикоятни



қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Суд мажлисида аризачи вакили апелляция шикоятда баён қилинган вазиятни қувватлаб, шикоятни тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили аризачи сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ариза берганлиги учун жавобгар томонидан аризачининг аризаси рад этилганлигини маълум қилиб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг апелляция шикоятини рад этиш ва ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра апелляция шикоятини кўрмасдан қолдиришни лозим топди.

Ишдаги ҳужжатларга кўра апелляция шикояти аризачининг вакили Б.Толипов томонидан имзоланган. Иш ҳужжатларида _____ туман 1–сон нотариал идораси томонидан 2018 йил 17 майда расмийлаштирилган ишончнома мавжуд бўлиб, ушбу ишончномада аризачи Б.Толиповга унинг номидан суд мажлисларида вакиллик қилиш ваколати берилган. Бироқ суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколати унга берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 62–моддасининг иккинчи қисмига кўра шартнома бўйича вакиллик қилувчининг арз қилинган талабдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш, унинг асосини ёки предметини ўзгартириш, аризачининг талабларини тан олиш, ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш (бошқа шахсга ишониб топшириш), суд ҳужжати устидан шикоят қилиш, суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани имзолаш, суд ҳужжатининг мажбурий ижро этилишини талаб қилиш ваколатларининг ҳар бири ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада махсус кўрсатилган бўлиши керак.

Мазкур Кодекс 213–моддасининг биринчи қисмига кўра, агар апелляция шикояти (протести) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг унинг имзоланмаганлиги ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдиради. Шунга кўра судлов ҳайъати апелляция шикоятини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.



Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 213-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Апелляция шикоятни қўрмасдан қолдирилсин.

Апелляция шикояти (протести)ни қўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажрим устидан назорат тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Апелляция шикоятини (протестини) қўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин шикоят (протест) ушбу Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда судга янгидан берилиши мумкин.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзолари: /имзо/

/имзо/

Нусхаси аслига тўғри, судья:



214-модда. Апелляция шикоят (протести) бўйича иш юритишни тугатиш

А Ж Р И М

(апелляция шикоят бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида)

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Ф.Эшимбетова,

ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловлардан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачининг раҳбари Ф.Қувватов, жавобгарнинг вакили К.Толмасов иштирокида, аризачи “Лочин” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____ туман мажбурий ижро бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан “Лочин” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган апелляция шикоят ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Лочин” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман мажбурий ижро бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоятни қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарори устидан аризачи вакили апелляция шикоятни бериб, унда суд қарорини бекор қилиб, шикоятни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачининг раҳбари Ф.Қувватов судлов ҳайъатига ариза билан мурожаат қилиб, унда суднинг ҳал қилув қарорига нисбатан берилган апелляция шикоятдан воз кечишини билдириб, апелляция шикоят бўйича иш юритишни тугатиш сўралган.



Жавобгарнинг вакили эса аризачининг раҳбари томонидан апелляция шикоятидан воз кечганлигини инobatга олиб, апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатишни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги фикрини эшитиб, аризачининг апелляция шикоятидан воз кечиш ҳақидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра апелляция шикояти бўйича иш юритишни тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 136-моддасининг иккинчи қисмига кўра аризачи ишни ҳар қандай инстанция судида кўришда ишни кўриш якуни бўйича чиқариладиган суд ҳужжати қабул қилингунига қадар ариза (шикоят) дан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Судлов ҳайъати жавобгарнинг уставига кўра жамият раҳбари судларга шикоят аризаси бериш, суд қарорлари устидан шикоят келтириш ва ундан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлиги, бундан ташқари жамият раҳбари ўз вақтида ушбу жамиятнинг ягона иштирокчиси эканлиги, яъни шикоятдан воз кечиши бошқа шахсларнинг манфаатларига дахл қилмаслиги сабабли аризачининг апелляция шикоятидан воз кечиши қонун ҳужжатларига зид эмас ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмайди деб ҳисоблайди.

Шунга кўра судлов ҳайъати аризачининг апелляция шикоятидан воз кечиш тўғрисидаги аризасини қабул қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 214-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига кўра апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинганидан сўнг шикоят берган шахс томонидан шикоятдан воз кечиш тўғрисида ариза келиб тушган ва воз кечиш апелляция инстанцияси суди томонидан қабул қилинган бўлса апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатади.

Шунга кўра судлов ҳайъати ҳал қилув қарорига нисбатан бошқа тараф шикоят ёки прокурор протест келтирмаганлиги, апелляция шикоятидан воз кечиш қонун талабларига зид келмаслиги, аризачи ўз хоши иродасидан келиб чиқиб шикоятдан воз кечаётганлигини инobatга олиб, шикоятдан воз кечишни қабул қилишни ва апелляция инстанцияси судида апелляция шикояти (протести) бўйича иш



юритишни тугатишни, тўланган 86120 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 214-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Лочин” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикоятидан воз кечиш тўғрисидаги аризаси қабул қилинсин.

“Лочин” масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикояти бўйича апелляция инстанция судида иш юритиш тугатилсин.

Апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрим устидан назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзолари: /имзо/

/имзо/



149-модда. Суд муҳокамасини кейинга қолдириш

А Ж Р И М

(иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисида)

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Ф.Эшимбетова,

ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, “Самара” масъулияти чекланган жамиятининг вакили С.Эгамбердиев иштирокида, аризачи “Самара” масъулияти чекланган жамиятининг _____ туман ҳокимининг 201__ йил __ мартдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан “Зебо” фермер хўжалиги томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Самара” масъулияти чекланган жамияти судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ туман ҳокимининг 201__ йил __ мартдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 15 мартдаги ажрими билан “Зебо” фермер хўжалиги ишга қўшимча жавобгар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилган. _____ туман ҳокимининг 201__ йил __ мартдаги __-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция шикоятида ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, иш ҳужжатлари ўрганилмаганлиги, ерни қайтариш ҳақидаги ариза ҳақиқий эмас деб топилмаган бўлса-да, туман ҳокими қарори ҳақиқий эмас деб топилганлиги баён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ариза талабини рад этиш сўралган.



“Зебо” фермер хўжалиги раҳбари судга 2018 йил 24 майдаги 1-сонли илтимоснома билан мурожаат қилиб, у соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли шифохонада даволанаётганлиги, суд мажлисида қатнашиш учун ваколат берган адвокат эса 2018 йил 20 майдан Тошкент шаҳрига 2 ҳафтага малака ошириш учун ўқишга кетганлигини баён қилиб, ишни кўришни бир ҳафта муддатга кейинга қолдиришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи ва жавобгар вакиллари “Зебо” фермер хўжалигининг ишни кейинга қолдириш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш ёки рад этиш масаласини судга ҳавола қилди.

Прокурор “Зебо” фермер хўжалигининг илтимосномасини қаноатлантириб, ишни кўришни кейинга қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 149-моддасининг биринчи қисмига кўра суд, агар суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахс суд мажлисига кела олмаслиги сабабларини асослаган ҳолда суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган бўлса ва башарти ушбу шахснинг иштирокисиз ишни кўриш мумкин бўлмаса суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

“Зебо” фермер хўжалиги раҳбарининг ишни кейинга қолдириш учун асос сифатида келтирган важлари аризага илова қилинган тиббий маълумотнома ва хизмат сафарига жўнаш ҳақидаги буйруқ кўчирмалари билан ўз тасдиғини топади.

Баён этилганларга кўра судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар ва прокурорнинг фикрларини эшитиб, илтимосномани қаноатлантиришни ва ишни кўришни кейинга қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 149, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Зебо” фермер хўжалигининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.
Ишни _____ вилоят маъмурий судининг ____-сонли суд мажлислар залида кўриш 2018 йил 3 июнь куни соат 10-00 га қолдирилсин.



Ишда иштирок этувчи шахслар янги суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинсин.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзолари: /имзо/

/имзо/



221-модда. Апелляция инстанцияси судининг қарори

Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья Ф.Уразбоева

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья С.Каттабеков

Қ А Р О Р

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Ф.Уразбоева,

ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачининг вакили С.Сатторов, жавобгар _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекциясининг вакили С.Тангирбергенев, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармасининг вакили С.Руфатовлар иштирокида, аризачи С.Сатторовнинг жавобгарлар _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф, улар томонидан тузилган 2018 йил 16 мартдаги оралиқ далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан С.Сатторов томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи С.Сатторов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф, улар томонидан тузилган 2018 йил 16 мартдаги оралиқ далолатномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.



Суднинг 2018 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризасининг _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги қисми бўйича шикоятни қаноатлантириш рад қилиниб, 2018 йил 16 мартдаги оралиқ далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиш қисми бўйича иш юритиш тугатилган. Аризачидан энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида давлат божи ундирилган.

Апелляция шикоятда ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, шикоят ариза асосиз рад этилганлиги баён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва шикоят аризани тўлиқ қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Суд мажлисида аризачи апелляция шикоятда келтирилган важларни қувватлаб, текшириш асосиз ўтказилган бўлса-да, суд бунга эътибор бермаганлигини, қолаверса далолатноманинг ўзи ҳам асосиз эканлигини баён қилиб, апелляция шикоятини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

_____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси вакиллари биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантилганлиги, текширишда улар томонидан ҳеч қандай қонун бузилиш ҳолати содир этилмаганлигини баён қилиб, апелляция шикоятини рад этишни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, _____ шаҳар прокуратураси катта терговчиси _____нинг ___ /___ -_____сонли жиноят иши бўйича ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақидаги 2018 йил 20 январдаги қарори, _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармасининг 2018 йил 21 январдаги ___хс-сонли буйруғи ва _____ шаҳар Назорат-тафтиш бош бошқармасининг 2018 йил 21 январдаги ___-сонли гувоҳномасига асосан "_____" АЖ ва унинг тизимида, жумладан _____ марказида текширув ўтказилган, текширув натижаларига кўра Марказ



томонидан йўл қўйилган қонун бузилиш ҳалатлари акс эттирилган 2018 йил 16 мартда оралиқ далолатномаси тузилган.

Аризачи ушбу Марказнинг ходими сифатида оралиқ далолатномада кўрсатилган хулосалар уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид равишда тузилганлигини, текшириш асосиз ўтказилганлигини ва ж қилиб, _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф, улар томонидан тузилган 2018 йил 16 мартдаги оралиқ далолатномасини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суд томонидан аниқланишича, _____ шаҳар прокуратураси Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан "_____" АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг мансабдор шахсларига нисбатан ЎзР ЖКнинг ___-моддаси ___-қисми, ___-моддаси ___-қисмлари билан жиноят иши қўзғатилган.

Мазкур жиноят ишини тергов қилиш жараёнида прокуратура катта терговчиси _____нинг ___ /___ -_____-сонли жиноят иши бўйича ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақидаги 2018 йил 20 январдаги қарорига асосан _____ марказида текширув ўтказилиб, бу ҳақда оралиқ далолатнома расмийлаштирилган.

Мазкур оралиқ далолатномасидан кўринишича, текширувчилар томонидан 2015-2016 йилларда _____ маркази ходимларига ойлик маош ҳисобланишида қўлланилиши лозим бўлган лавозим окладлари қўлланилмаганлиги, асосиз бўлган тузатувчи коэффицентлар қўлланилиб келинганлиги, бунинг натижасида иш ҳақи ва қўшимча ҳақлар ортиқча ҳисобланиб тўланишига сабаб бўлганлиги ҳамда умумий 459640 400 сўм иш ҳақи қўшимчалари билан ортиқча ҳисобланиб, барча солиқлар ушлаб қолингандан сўнг 321748 100 сўм тўланиши оқибатида маблағларни мақсадсиз сарфланишига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Бундан ташқари ходимларга оид масалалардаги буйруқларни қабул қилишда Марказ раҳбари томонидан Меҳнат кодексининг 130, 132-моддалари талаблари бузилганлиги, бош ҳисобчига асосиз равишда ойлик иш ҳақлари тўлаб келинганлиги, натижада 2016 йил июнь-декабрь ойлари учун 9 231 800 сўм иш ҳақи ҳисобланиб, солиқлар ушлаб қолинганда 6416 100 сўм тўлаб берилганлиги кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармаси Давлат ҳуқуқ инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Молия



вазирлиги _____ шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси мансабдор шахсларининг текшириш ўтказишдан иборат хатти-ҳаракатларига баҳо бериб, улар томонидан текшириш ўтказишга _____ шаҳар прокуратураси катта терговчиси _____нинг ___ /___ -___-сонли жиноят иши бўйича ҳужжатли тафтиш тайинлаш ҳақидаги 2018 йил 20 январдаги қарори, _____ шаҳар Меҳнат бош бошқармасининг 2018 йил 21 январдаги ___хс-сонли буйруғи ва _____ шаҳар Назорат-тафтиш бош бошқармасининг 2018 йил 21 январдаги ___-сонли гувоҳномаси асос бўлганлигини, ушбу ҳолатда уларнинг текшириш ўтказишдан иборат хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб, арз қилинган талабнинг ушбу қисмини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида тўғри хулосага келган.

Шунингдек, биринчи инстанция суди, ҳозирда тергов ҳаракатлари ва тафтиш ишлари якунига етмаганлигига, якуний хулоса қабул қилинмаганлигига, оралиқ далолатномада кўрсатилган қонунбузарлик ҳолатлари корхонанинг амалдаги жамоа шартномасига зид равишда амалга оширилган-оширилмаганлигига тергов органлари томонидан тегишли ҳуқуқий баҳо берилишига, ушбу оралиқ далолатномаси ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи ҳужжат эмаслигига эътибор қаратиб, арз қилинган талабнинг оралиқ далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 108-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишни тугатиш тўғрисида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суднинг ушбу хулосаси билан тўлиқ келишади, чунки оралиқ далолатномасидаги хулосалар мутахассисларнинг махсус билимларини талаб қиладиган масалалари бўйича фикри ҳисобланиб, у юридик ҳужжат ҳисобланмайди ва бирон-бир юридик оқибат туғдирмайди. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 27-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра суд маъмурий органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим



масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарорининг 3-бандида тушунтириш берилган.

Шу боис, судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан арз қилинган талабнинг мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги қисмини қаноатлантиришни рад этиш, оралиқ далолатномани ҳақиқий эмас деб топиш қисми бўйича иш юритишни тугатиш ҳақида тўғри хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни, тўланган 86 120 сўм давлат божи ва 7 000 сўм почта харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 217, 219 ва 221-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзолари: /имзо/

/имзо/

Аслига тўғри, судья:



Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья Б.Исраилов

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья С.Каттабеков

Қ А Р О Р

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Б.Исраилов,
ҳайъат аъзолари – судьялар Д.Расулов ва А.Абраевадан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризаچи Б.Соатов, жавобгарнинг вакиллари К.Раметов, Ч.Ғиёсов иштирокида, аризаچи Б.Соатовнинг _____ вилояти ИИБ ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан Б.Соатов томонидан берилган апелляция шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Б.Соатов (бундан буён матнда аризаچи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ вилояти ИИБ ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБИХ мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф деб топишни ва уни ички ишлар идораларига ишга тиклаш юзасидан талабини қаноатлантириш мажбуриятини юклашни сўраган.

Суднинг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Апелляция шикоятида ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, шикоят ариза асосиз рад этилганлиги баён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва шикоят аризани тўлиқ қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Суд мажлисида аризаچи апелляция шикоятида келтирилган важларни қувватлаб, жавобгар уни асосиз ишдан бўшатганлигини баён қилиб, апелляция шикоятини тўлиқ қаноатлантиришни сўради.



Жавобгар вакиллари аризачи амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузганлиги учун ишдан бўшатирилганини, суднинг ҳал қилув қарори қонуний эканлигини билдириб, апелляция шикоятини рад этишни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади)нинг 217-моддасига асосан суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

Аниқланишича, аризачи 2001-2005 йилларда _____ институтининг “_____” йўналиши бўйича таҳсил олиб, 2006 йил 19 январь куни _____ вилояти Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси томонидан В №_____ -сонли захирадаги офицер гувоҳномасини олган.

2006 йил 3 ноябрь куни эса _____ тумани Мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан аризачига ҚК _____-сонли ҳарбий гувоҳнома ҳам берилган.

Мазкур гувоҳномани _____ вилояти ИИБга тақдим қилиб, аризачи 2016 йил декабрь ойига қадар _____ вилояти ИИБ ЙҲХБ ҳузуридаги алоҳида йўл-патруль хизмати катта инспектори лавозимида хизмат қилиб келган.

_____ вилояти ИИБ бошлиғининг 2016 йил 1 декабрдаги шахсий таркиб бўйича ___-сонли буйруғи билан аризачи ички ишлар идоралари хизматида қолишга нолойиқ хатти-ҳаракатлар содир қилганлиги учун Муваққат низомнинг 69-моддасига асосан Қуролли кучлар резервига бўшатирилган.

_____ вилояти ИИБнинг мазкур буйруғидан норози бўлган аризачи Ўзбекистон Республикаси ИИБга ички ишлар идораларига тиклашни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Унинг ушбу



мурожаатига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизматининг 2017 йил 22 апрелдаги хати билан аризачи ички ишлар органларида қолишга номуносиб хатти-ҳаракат содир этганлиги учун асосли равишда бўшатирилганлиги ва хизматга қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилганлиги маълум қилинган.

Мансабдор шахсларнинг ушбу хатти-ҳаракатларидан норози бўлган аризачи судга шикоят ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди аризачининг шикоят аризасидаги важларини муҳокама қилиб, МСИЮтКнинг 189-моддасига асосланиб, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларида аризачининг ҳуқуқларини бузган ҳолатлар аниқланмаган, деган хулосага келган ва шикоятни рад қилишни лозим топган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ушбу хулосаси билан қуйидаги асосларга кўра келишади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тўғрисидаги муваққат низомнинг 69-моддасида ички ишлар идоралари хизматида қолишга нолойиқ хатти-ҳаракатлар содир қилган оддий аскар ва офицерлар таркибидаги шахслар ички ишлар идораларидан бўшатирилиши назарда тутилган.

Аниқланишича, _____ вилояти _____ туманида яшовчи фуқароК. Толмасов _____ вилояти ИИБга мурожаат қилиб, аризачи захирадаги офицер гувоҳномасини яшириш мақсадида ҳарбий гувоҳномасини йўқотиб, ЎзР ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсига ўқишга кириб, ҳозирга қадар сержантлик лавозимда хизмат қилаётганлигини маълум қилган.

Ушбу ҳолат юзасидан _____ вилояти ИИБ томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, унинг натижаси бўйича 2016 йил 25 ноябрь куни хулоса тузилган.Мазкур хулосадан кўринишича, аризачи захирадаги офицер гувоҳномасига эга бўла туриб, гувоҳномани яширган ҳолда сафарбарлик чақирув резервидаги ҳарбий хизматни ўтаганлиги тўғрисида 2006 йил 3 ноябрдаги берилган ҚК _____-сонли ҳарбий гувоҳномани тақдим қилиб, уни ҳарбий хизматга юборилишида “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5,6,9,23-моддаларини бузилган. Мазкур ҳолат Наманган вилояти Мудофаа ишлари бўйича бошқармасининг 2016 йил 27 октябрдаги ___-сонли хати билан тасдиқланган.

Аризачи муқаддам ҳарбий хизматни ўтаб, захирадаги офицернинг



гувоҳномасини олган бўлса-да, ИИБ Академияси сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича Олий курсига ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнида захирадаги офицер эканлигини қасддан яшириб, таржимаи ҳол ва бошқа ҳужжатларга уларни қайд этмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2011 йил 23 ноябрдаги 49-сонли буйруғининг 14-бандида захира ва резервдаги офицерлар сафдор ва сержантлар таркибидаги лавозимларга қабул қилинмаслиги кўрсатилган.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, _____ вилояти ИИБ ЙҚХБ ҳузуридаги алоҳида йўл-патруль хизмати отряди 1-сафарбарлик гуруҳи катта инспектори сержант Б.Соатов Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тўғрисидаги муваққат низомнинг 69-моддасига асосан ички ишлар идоралари хизматидан бўшатилиши лозимлиги ҳақида хулоса қилган.

Мазкур хизмат текшируви хулосасига асосан _____ вилояти ИИБнинг буйруғи асосида аризачи Қуролли кучлар резервига бўшатишган.

Шундай экан, аризачининг ички ишлар идораларида қолишга номуносиб хатти-ҳаракат содир этганлиги ҳолати ўз тасдиғини топган. Чунки у захирадаги офицер гувоҳномасига эга бўлиб туриб, сафарбарлик чақирув резервидаги ҳарбий хизматни ўтаган ва бу тўғрисида 2006 йил 3 ноябрь куни ҚК _____ -сонли ҳарбий гувоҳномани қўлга киритган ва ноқонуний берилган ушбу гувоҳнома асосида хизматга қабул қилинган.

Шу ўринда, аризачининг мазкур ҳолат юзасидан _____ ҳарбий прокуратураси томонидан терговолди суриштирув ишлари олиб борилганлиги ва жиноят ишини қўзғатиш рад қилинганлиги ҳақидаги вазлари билан қуйидаги асосларга кўра келишиб бўлмайди.

Иш ҳужжатларида мавжуд _____ ҳарбий прокуратураси катта терговчисининг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида 2017 йил 9 январдаги қароридан кўринишича, ҳақиқатдан аризачи 2006 йил 19 январь куни Наманган вилояти Мудофаа ишлари бўйича бошқармаси томонидан _____ -сон билан захирадаги офицер гувоҳномасини олган бўлишига қарамасдан, 2006 йил 3 ноябрь куни _____ тумани Мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан берилган ҚК _____ -сонли ҳарбий гувоҳномага эга бўлган. Ушбу гувоҳнома экспертизадан ўтказилганида ундаги мудофаа бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари марҳум подполковник А.А.нинг имзоси ўхшатишган бўлиб, суяқ полимер асосида фотополимер усулида тайёрланган имзо штампи ёрдамида туширилганлиги аниқланган, аризачи ушбу гувоҳномани ички ишлар



органларига ишга кириш учун тақдим қилган бўлса-да, у захирадаги офицер бўла туриб, сержантлик таркибидаги хизматга бориши мумкин бўлмаганлигини билмаган ва ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, терговга қадар текширув давомида уни моддий манфаатдор қилиш эвазига била туриб сохта маълумотлар киритилган ҳужжатга эга бўлган ҳеч қандай далил аниқланмаган. Шу сабабли ЖПК 83-моддасининг 2-бандига (жиноят таркиби бўлмаганлиги) асосан жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган.

Мазкур қарор билан жиноят ишини қўзғатиш рад қилинган бўлса-да, аризачи ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаганлиги асос бўлган, 2006 йил 3 ноябрь куни _____ тумани Мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан берилган ҚК _____-сонли ҳарбий гувоҳномани асоссиз олганлиги ва дастлабки ҳарбий гувоҳномани яширганлиги ҳолати эса яна бир-бор ўз тасдиғини топган. Шундай қилиб, аризачини хизматга қайта тиклаш рад қилинганлиги қонуний ва асослидир.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлан-тирмасдан қолдиришни, тўланган 86 120 сўм давлат божи ва 7 000 сўм почта харажатларини аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 217, 219 ва 221-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлан-тирмасдан қолдирилсин.

Қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: _____ /имзо/

ҳайъат аъзолари: _____ /имзо/

_____ /имзо/

Аслига тўғри, судья:



Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья Б.Исраилов

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья А.Фиёсов

Қ А Р О Р

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Б.Исраилов,
ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачи Б.Солижонов, жавобгарнинг вакиллари Т.Тиллаев, Ч.Фиёсов иштирокида, аризачи Б.Солижоновнинг _____ туман ИИБ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан _____ туман прокурори томонидан берилган апелляция протести ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Б.Солижонов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, _____ туман ИИБ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси қаноатлантирилган. _____ тумани ИИБ Хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлимига аризачини _____ тумани, _____-берк кўчаси, ___-уй жойга доимий рўйхатга қўйиш мажбурияти юклатилган.

Мазкур ҳал қилув қарорига нисбатан _____ туман прокурори томонидан апелляция протести келтирилиб, унда ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш масаласи қўйилган.

Суд мажлисида аризачи апелляция протестини қаноатлантиришни рад этиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.



Жавобгарнинг вакили суд ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузганлигини баён қилиб, протестни қаноатлантиришни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақидаги фикрини эшитиб, апелляция протестини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра ҳал қилув қарорини бекор қилиб, шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МСИЮТК деб юритилади)нинг 217-моддасига асосан суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, _____ туман ҳокимининг 2014 йил 8 апрелдаги ___-сонли қарорига асосан _____ тумани, _____ -берк кўчаси, ___-уйга нисбатан марҳум М.Ю. ва М.А.ларнинг эгалик ҳуқуқи эътироф этилган.

М.Р. М.Ю.нинг вориси сифатида ушбу уй-жойнинг ½ қисмини _____ туман 6-сонли ДНИда 2014 йил 3 июнь куни р-___-сон билан расмийлаштирилган қонун бўйича ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан мерос сифатида қабул қилган ва расмийлаштирган.

Уй-жойнинг қолган ½ қисмининг мулкдори М.А. 1982 йилда вафот этган, унинг вафотидан сўнг турмуш ўртоғи М.М., гарчи мерос ҳуқуқини расмийлаштирамаган бўлса-да, марҳум М.А.нинг ҳуқуқий вориси сифатида низоли уй-жойда яшаб келмоқда. Уларнинг турмушларидан фарзандлари бўлмаган.

Аризачи муқаддам _____ тумани, _____ -берк кўчаси, _____-уйда доимий рўйхатда бўлган. У 2007 йил 13 декабрдан 2014 йил 29 июнга қадар ___/___-сонли ЖИЭМда жазони ўтаб келган.

Аризачи жазони ўтаб чиққач, унинг отаси М.Р. ўзига хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган _____ туман, _____ -берк кўчаси, _____-уйга доимий рўйхатга қўйишни сўраб _____ туман ИИБ ХЧК ва ФБга ариза билан мурожаат қилган. Аризага уй-жой ҳужжатлари, ўзининг



уй мулкдори сифатида нотариал тасдиқланган аризаси, аризачининг 2007-2014 йиллар ЖИЭМда жазо ўтаганлиги ҳақидаги маълумотнома, _____ туман ҳокимининг йўлланма хатини ҳамда _____ туман ИИБ ХООБнинг паспорт бўлиmidан муқаддам судланган шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги йўлланма хатларини илова қилган.

_____ туман ИИБ ХЧК ва ФБнинг 2014 йил 11 июлдаги ____к-____-сонли жавоб хати билан М.Р.нинг аризаси ўрганилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-2240-сонли Фармониға асосан фуқароларни доимий рўйхатға қўйиш уй эғаси ёки эғаларининг бевосита ўз розилиги билан амалға оширилиши маълум қилинган.

Шу сабабли аризачи _____ туман ИИБ ХЧК ва ФБнинг хатти-ҳаракатидан норози бўлиб судға шикоят ариза билан мурожаат қилган ҳамда _____ туман ИИБ ХЧК ва ФБ мансабдор шахсларининг ушбу ҳаракатларини қонунға хилоф деб топиб, аризачини _____ тумани, _____ -берк кўчаси, ____ -уйға доимий рўйхатға қўйиш мажбуриятини юклатишни сўраган.

Биринчи инстанция суди _____ туман ИИБ ХЧК ва ФБ томонидан М.Р.нинг ўғли Б.Солижоновни низоли уй-жой рўйхатига қўйиш ҳақидаги мурожаати бўйича вафот этган уй мулкдорининг розилиги сўралганлиги ноқонунийлиги, чунки аризачи вафот этган акаси М.А.нинг розилигини тақдим қилиш имкониятиға эға эмаслиги, М.Р. низоли уй-жойнинг ўзига тегишли қисмини мерос сифатида расмийлаштириб, мулк ҳуқуқини қўлга киритганлигини инобатға олиб, шикоят аризани асосли деб топиб, уни қаноатлантириш ҳақида хулосаға келган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг ушбу хулосаси билан келишмайди ва қуйидаги асосларға кўра ҳал қилув қарорини бекор қилишни лозим топади.

Тошкент шаҳрида доимий прописка қилиниши масалалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2240-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом”, Ўзбекистон Республикасининг “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16



февралдаги “Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 41-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 4 майда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 4 майда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг 5-бандига кўра Рўйхатнинг 2-бандига мувофиқ, қариндошлар – ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдонида прописка қилинади. Тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлар, яъни, ота-она фарзандларининг, фарзандлар ота-оналарининг, бобо ва бувилар невараларининг, неваралар бобо ва бувиларнинг уй-жой майдонида доимий прописка қилинади.

Ушбу фуқаролар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИИБ ХЧКваФРБга бир қатор ҳужжатлар билан бирга уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисида нотариал тасдиқланган аризасини (розилиги) тақдим этади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга кўра _____ туман ИИБ ХЧКваФБ томонидан аризачини низоли уйга доимий пропискага қўйиш учун уй эгаси ёки эгаларининг бевосита розилиги талаб қилинганлиги қонуний ҳисобланади, бунда мансабдор шахс томонидан вафот этган мулкдорнинг розилиги талаб қилинмаганлиги, мазкур ҳолатда марҳумнинг вориси мавжудлиги ва у мерос ҳуқуқини қўлга киритиб мулкдор сифатида ёзма розилик тақдим этиш лозим бўлганлиги суд томонидан эътибордан четда қолдирилган. Ваҳоланки, суд мажлисида марҳум М.А.нинг турмуш ўртоғи М.М уй-жойга пропискага ўтиш истагини билдирган бўлиб, у аризачининг пропискага ўтишига қаршилик билдирмаган.

Ушбу ҳолатда уй-жойнинг $\frac{1}{2}$ қисмининг марҳум мулкдори М.А.нинг вориси мулк ҳуқуқини қўлга киритиб, аризачини низоли уйга доимий пропискага киритиш учун ёзма розилик бериши лозим бўлса-да, М.Р. _____ туман ИИБ ХЧКваФБга ўғли Б.Солижоновни пропискага



қўйиш учун мурожаат қилишда М.А.нинг ҳуқуқий ворисининг нотариал тартибда тасдиқланган аризаси (розилиги)ни тақдим қилмаган. Бундан кўриниб турибдики, _____ туман ИИБ ХЧК ва ФБ асосли равишда М.Р.нинг мурожаатини қаноатлантирмасдан қолдирган.

МСИЮТК 189-моддасининг учинчи қисмига кўра суд, агар устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қоидалари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга мувофиқ эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаётганлигини аниқласа, у арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Апелляция инстанцияси суди тўпланган далиллар ва иш ҳолатидан келиб чиқиб, шикоят қилинган ҳатти-ҳаракат қонунга хилоф ҳисобланмайди ва аризачининг талаби уларнинг ҳуқуқлари бузилганлигидан далолат бермайди деб ҳисоблайди.

МСИЮТК 219-моддасининг 2-бандига кўра апелляция инстанцияси суди апелляция шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Ушбу қонун нормасини инобатга олган ҳолда, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниши ва иш бўйича шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилиниши лозим.

Шу ўринда, апелляция инстанцияси протестнинг ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанцияга юбориш ҳақидаги важи билан келишмайди. Чунки МСИЮТК 219-моддасининг 5-бандига кўра апелляция инстанцияси суди ушбу Кодекс 220-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун юборишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлиб, бироқ биринчи инстанция суди томонидан мазкур Кодекс 220-моддаси тўртинчи қисмининг 4-бандида назарда тутилган талаблар бузилишига йўл қўйилмаган. Яъни, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида суд томонидан ҳал қилув қарори қабул қилинмаган. Шу сабабли протест қисман қаноатлантирилиши лозим.

Бундай ҳолатда судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиш ҳамда шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этишни, аризачидан давлат бюджетига биринчи ва апелляция инстанцияси судида ишни кўриш билан боғлиқ 258 360 (172 240 + 86 120) сўм давлат



божи ҳамда 14 000 (7 000 + 7 000) сўм почта харажатларини ундиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 217, 219, 220 ва 221-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори тўлиқ бекор қилинсин ҳамда янги қарор қабул қилинсин.

Шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

Аризачи Солижонов Бахт Равшановичдан:

– Республика бюджетига 258 360 сўм давлат божи;

– Тошкент шаҳар маъмурий судига 14 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Қарор юзасидан ижро варақалари берилсин.

Апелляция протести қисман қаноатлантирилсин

Қарор қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзолари: /имзо/

/имзо/

Аслига тўғри, судья:



10-БОБ. КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

232-модда. Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилиш

А Ж Р И М

(кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ф.Уразбоева, аризачи “Халил” масъулияти чекланган жамиятининг _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 5 январдаги 10-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳамда мажбурият юклаш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан _____ туман давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 232-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман давлат солиқ инспекциясининг кассация шикояти иш юритишга қабул қилинсин.

Иш 2018 йил 25 май куни соат 10-30 да _____ вилоят маъмурий судининг __-сонли суд залида очик суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: _____ шаҳри, _____ кўчаси, _____-уй.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун:

жавобгар:

кассация шикоятига илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этсин;



аризачига:

кассация шикояти бўйича ёзма фикрини, ўз эътирозларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Ф.Уразбоева



Кассация шикоятини (протестини) беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш (227-модда)

А Ж Р И М

(кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида)

2018 йил 14 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси С.Авазбеков, аризачи С.Сатторовнинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 15 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан С.Сатторов томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169, 227 ва 232-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

С.Сатторовнинг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида 2018 йил 7 майдаги 1-сонли илтимосномаси қааноатлантирилсин ва шикоят бериш муддати тиклансин.

С.Сатторовнинг кассация шикояти иш юритишга қабул қилинсин.

Иш 2018 йил 29 май куни соат 11-00 да _____ вилоят маъмурий судининг __-сонли суд залида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: _____ шаҳри, _____ кўчаси, _____-уй.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун:

аризачи:

кассация шикоятига илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этсин;

жавобгарга:

кассация шикояти бўйича ёзма фикрини, ўз эътирозларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

С.Авазбеков



236-модда. Кассация инстанцияси суди томонидан ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш

А Ж Р И М

(кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида)

2018 йил 30 май куни _____ -сонли маъмурий ишни Тошкент шаҳар маъмурий судининг судьяси Ф.Уразбоева, аризачи А.Алиқуловнинг жавобгар _____ вилояти ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф деб топиш ва уни ички ишлар идораларига ишга тиклаш юзасидан талабини қаноатлантириш мажбуриятини юклаш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан _____ вилояти ИИББ томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи А.Алиқулов судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ вилояти ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ мансабдор шахсларининг уни ишдан бўшатишдан ва ишга тикламасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга қонунга хилоф деб топишни ва уни ички ишлар идораларига ишга тиклашни сўраган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. _____ вилояти ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган. _____ вилояти ИИББ ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ зиммасига ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган пайдан бошлаб 30 кун ичида аризачини олдинги лавозими ёки унга тенг бўлган лавозимга тиклаш мажбурияти юкланган. _____ вилояти ИИББдан бюджетга 172 240 сўм давлат божи ундирилган.

Ушбу ҳал қилув қарори устидан _____ вилояти ИИББ кассация тартибида шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, суднинг ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад этишни сўраган. Шунингдек,



шикоят аризасига 2018 йил 28 майдаги кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги 11-сонли ва ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисидаги 12-сонли илтимосномалар илова қилинган.

Аризачининг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори уларга 2018 йилнинг 25 майда етиб келганлигини асос қилган ва далил сифатида почта алоқа хизматининг жавобгарга ҳал қилув қарори 25 майда топширилганлиги тўғрисидаги 2018 йил 25 майдаги 5-сонли маълумотномасини илова қилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 227-моддасига кўра кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой ичида берилиши мумкин.

Кассация шикояти (протести) беришнинг ўтказиб юборилган муддати шикоят (протест) берган шахснинг илтимосномаси бўйича кассация инстанцияси суди томонидан, агар илтимоснома ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида берилган ва кассация шикоятини (протестини) бериш муддати ўтказиб юборилишининг сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тикланиши мумкин.

Ушбу ҳолатда суд аризачи кассация шикоятини бериш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборган ва муддатни тиклаш ҳақидаги илтимоснома қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек, кассация шикоятига ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома илова қилинган бўлиб, унда аризачи ишдан бўшатиладиган кейин унинг ўрнига бошқа шахс ишга қўйилганлиги, суд қарорининг ижросини таъминлаш учун эса шахсий таркибга ўзгартириш киритилишини тақозо этиши, шунга кўра низо кассация инстанцияси судида кўрилиб ўз ечимини топгунга қадар суд қарори ижросини тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 236-моддасида қайд этилишича иштирак этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.



Ушбу ҳолатда суд жавобгарнинг ҳал қилув қарорининг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантиришни лозим деб топади.

Баён этилганларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169, 227, 232 ва 236-моддаларига асосланиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ вилояти ИИББнинг кассация шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақида ҳамда ҳал қилув қарорининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисидаги 2018 йил 28 майдаги 11 ва 12-сонли илтимосномалари қаноатлантирилсин ва шикоят бериш муддати тиклансин.

_____ вилояти ИИББ нинг кассация шикояти иш юритишга қабул қилинсин.

_____ -сонли маъмурий иш бўйича қабул қилинган 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарорининг ижроси кассация инстанцияси суди томонидан кассация шикоятини (протестини) кўриб чиқиш натижалари бўйича якуний суд ҳужжати қабул қилингунига қадар бўлган муддатга тўхтатиб турилсин.

Иш 2018 йил 22 май куни соат 11-30 да Тошкент шаҳар маъмурий судининг __-сонли суд залида очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин. Манзил: _____ шаҳри, _____ кўчаси, _____-уй.

Ишни судда кўришга тайёрлаш учун:

жавобгар:

кассация шикоятига илова қилинган ҳужжатларнинг асл нусхаларини судга тақдим этсин;

аризачига:

кассация шикояти бўйича ёзма фикрини, ўз эътирозларини ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинсин.

Судья

Ф.Уразбоева



233-модда. Кассация шикоятини (протестини) иш юритишга қабул қилишни рад этиш

А Ж Р И М

(кассация шикоятини иш юритишга қабул қилишни
рад этиш ҳақида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси К.Абдуллаева, аризачи “Чарос” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар _____туман давлат солиқ инспекциясининг 2018 йил 25 январдаги 15/5-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 апрелдаги экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажрими устидан “Чарос” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

15/10-2306-сонли жиноят иши бўйича “Чарос” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) нинг 2014-2016-йиллардаги фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан текшириш тайинланган.

Текшириш натижаларига кўра _____туман давлат солиқ инспекцияси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) бошлиғи томонидан 2018 йил 25 январда 15/5-сонли қарори қабул қилиниб, аризачига нисбатан қўшимча равишда 216 555 000 сўм мол-мулк солиғи ва тўлов муддати кечиктирилган кунлар учун 2014 йил 1 январидан 2016 йил 31 декабрига қадар жами 45 590 000 сўм пеня ҳисобланган.

Жавобгарнинг қарори ноқонуний равишда қабул қилинган деб ҳисоблаб, аризачи судга унинг 2018 йил 25 январдаги 15/5-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 10 апрелдаги ажрими билан иш бўйича экспертиза тайинланган.

Аризачи экспертиза тайинлаш ҳақидаги ажрим устидан кассация шикояти бериб, экспертизани ўтказиш суд томонидан Ўзбекистон



Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги эксперт кенгашига берилганлиги, бироқ у ўз навбатида жавобгарнинг юқори органи ҳисобланиши, шунга кўра у экспертизанинг ҳаққоний ўтказилишига ишонмаслигини, тақдим қилинган далиллар ишни мазмунан кўриш учун етарли эканлигини баён қилиб, уни бекор қилишни, ишни мазмунан кўриб чиқиб, аризачининг шикоят аризасини қаноатлантиришни сўраган.

Суд кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра кассация шикоятини қабул қилишни рад этишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 247-моддасининг биринчи қисмига кўра биринчи инстанция судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 79-моддасида экспертиза тайинлаш тўғрисида ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ажрим устидан шикоят қилиниши мумкинлиги белгиланмаган.

Қолаверса иш юзасидан экспертизанинг тайинланиши ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 233-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига кўра кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) агар, кассация шикояти (протести) қонунга мувофиқ кассация тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса иш юритишга қабул қилишни рад этади.

Мазкур ҳолатда жавобгарнинг кассация шикоятини қабул қилиш рад этилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 233-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Чарос" масъулияти чекланган жамиятининг _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 апрелдаги экспертиза тайинлаш ҳақидаги



ажрими устидан берган 2018 йил 8 майдаги 18/05-03-сонли кассация шикоятини иш юритишга қабул қилиш рад этилсин.

Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

К.Абдуллаева



234-модда. Кассация шикоятини (протестини) қайтариш

А Ж Р И М

(кассация шикоятини қайтариш ҳақида)

2018 йил 10 июнь куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий судининг судьяси Ш.Бўстонов, аризачи Ю.Юсуповнинг Мажбурий ижро бюроси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш ҳақида 2018 йил 25 мартдаги 10-11/07-18-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 майдаги ҳал қилув қарори устидан аризачи Ю.Юсупов томонидан келтирилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Ю.Юсупов судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб унда фуқаро Ш.Шарапова билан 2004 йилда қонуний никоҳдан ўтганлиги, уларнинг оилавий турмушларидан 2 та фарзандлари бўлиб, катта фарзанди 2006 йилда ва кичиги 2008 йилда туғилганлиги, айрим сабабларга кўра улар 2016 йилда қонуний ажрашиб, фуқаролик ишлари бўйича _____ туман судининг 2016 йил 20 мартдаги ҳал қилув қарори билан фарзандлари онаси қарамоғида қолганлиги сабабли унга 2 та фарзанди учун алимент тўлови белгиланганлиги, шу кунга қадар у алиментни ўз вақтида тўлаб келганлиги, бироқ ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра кейинги уч ой давомида алиментни ўз вақтида тўлай олмай қолганлиги, натижада алиментдан 1200000 сўм атрофида қарздорлиги вужудга келганлиги, чет элга ишлаш учун кетмоқчи бўлганида Мажбурий ижро бюроси _____ туман бўлими томонидан унинг четга чиқишига таъқиқ қўйилганлигидан хабар топганлигини баён қилиб, Мажбурий ижро бюроси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан чиқишини чеклаш ҳақида 2018 йил 25 мартдаги 10-11/07-18-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.



Биринчи инстанция судининг 2018 йил 2 майдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Аризачи ушбу ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти бериб, унда биринчи инстанция суди томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, унинг важларига баҳо берилмаганлиги, суд унинг ҳар доим алиментни ўз вақтида тўлаб келганлигига, қолаверса унинг акаси С.Юсупов ҳам алимент суммасини укаси тўлай олмаса, унинг ўрнига ўзи тўлаб туриши ҳақидаги кафолати инobatта олинмаганлигини баён қилиб, суд қарорини бекор қилиб, шикоят аризасини тўлиқ қаноатлантиришни сўраган.

Суд кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра кассация шикоятини қайтаришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 226-моддасига кўра кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси судига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни кассация инстанцияси судига иш билан бирга юбориши шарт.

Бироқ кассация шикояти ҳал қилув қарорини қабул қилган судни четлаб ўтиб, тўғридан тўғри _____ вилоят маъмурий судига тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 234-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига кўра кассация шикояти (протести) кассация инстанцияси суди томонидан шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган судни четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса қайтарилади.

Шунга кўра кассация шикоятини қайтариш лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 234-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

аризачи Ю.Юсуповнинг _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 майдаги ҳал қилув қарори устидан берган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатлар қайтарилсин.



Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

Ш.Бўстонов



237-модда. Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш

А Ж Р И М

(кассация шикоятини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг судлов ҳайъати _____ шаҳар, _____ кўчаси, __-уйда жойлашган _____ туман ҳокимлиги биносида,

_____ вилоят маъмурий суди раиси Ж.Уразбоев раислигида, судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачи вакили А.Розиқов, жавобгар вакили А.Каттабеков иштирокида, аризачи “Серқуёш” масъулияти чекланган жамиятининг Давлат хизматлари агентлиги _____ бошқармаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан Давлат хизматлари агентлиги _____ бошқармаси томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Серқуёш” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Давлат хизматлари агентлиги _____ бошқармаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)га нисбатан судга шикоят аризаси билан муружаат қилиб унда _____ туман тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш марказининг “Алимкент” масъулияти чекланган жамиятига хорижий юридик шахсни қўшиб олиш шаклида 2017 йил 18 декабрдаги _____-сонли рўйхатга олиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни ҳамда тадбиркорлик субъекти “Алимкент” масъулияти чекланган жамиятига хорижий юридик шахсни қўшиб олиш шаклида рўйхатга олишни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 12 апрелдаги ажрими билан ишга “Алимкент” масъулияти чекланган жамияти, унинг иштирокчиси _____ давлати



фуқароси Алис Ношур, “Барбос” компанияси низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилувчи учинчи шахслар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 30 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси қаноатлантирилган. _____ туман тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш марказининг “Алимкент” масъулияти чекланган жамиятига хорижий юридик шахсни қўшиб олиш шаклида 2017 йил 18 декабрдаги _____-сонли рўйхатга олиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф ҳамда тадбиркорлик субъекти “Алимкент” масъулияти чекланган жамиятига хорижий юридик шахсни қўшиб олиш шаклида рўйхатга олиши ҳақиқий эмас деб топилган.

Суднинг ҳал қилув қарори устидан жавобгар кассация шикояти бериб, унда улар томонидан жамиятни қайта ташкил қилинганлигини рўйхатга олиш қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилганлиги, рўйхатга олиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилганлиги сабабли рўйхатга олиш амалга оширилганлиги, суд қарорида улар томонидан қайси қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги кўрсатилмаганлиги каби важларни баён қилиб, суд қарорини бекор қилиб, шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида жавобгар вакили кассация шикоятида баён қилинган важларини қувватлаб, шикоятни тўлиқ қаноатлантиришни сўради, шунингдек бошқарма бошлиғи хизмат сафарида бўлганлиги учун унинг ўрнига кассация шикоятини ишончномага асосан ўзи имзоланганлигини баён қилди.

Аризачи вакили суднинг ҳал қилув қарори қонуний ва асосли эканлигини маълум қилиб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг кассация шикоятини рад этиш ва ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги фикрини эшитиб, кассация шикоятини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра кассация шикоятини кўрмасдан қолдириш лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 228-моддасига кўра кассация шикояти (протести) судга ёзма шаклда берилади ва шикоят (протест) берган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси



Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги “Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 15-сонли қарорининг 8-бандида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 13-моддасига кўра ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Суд мажлисида кассация шикоятни жавобгарнинг раҳбари томонидан эмас, балки унинг вакили А.Каттабеков томонидан имзоланганлиги аниқланди. Иш ҳужжатларида А.Каттабековга жавобгар томонидан 2018 йил 1 мартда берилган 18-07/1-сонли ишончнома мавжуд бўлиб, бироқ унинг муддати 2018 йил 1 майгача деб белгиланган. Ушбу ҳолатда мазкур ишончнома 2018 йил 2 майдан ўз кучини йўқотган.

Кассация шикоятни эса жавобгарнинг вакили томонидан 2018 йил 16 майда имзоланиб, судга тақдим этилган. Суд мажлисида жавобгар судга кассация шикоятини имзолаш пайтида шикоятни имзолаш ваколатига эга эканлигини тасдиқловчи далилни тақдим эта олмади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 237-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар кассация шикоятни (протести) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг унинг имзоланмаганлиги ёхуд уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки мансаб мавқеи ёхуд фамилияси, исм-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдиради.

Шунга кўра судлов ҳайъати кассация шикоятни (протести) уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги сабабли кассация шикоятини кўрмасдан қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 237-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Давлат хизматлари агентлиги _____ бошқармасининг кассация шикоятни кўрмасдан қолдирилсин.



Мазкур ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Кассация шикоятини (протестини) кўрмасдан қолдириш учун асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин шикоят (протест) Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда судга янгидан берилиши мумкин.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

Нусхаси аслига тўғри, судья:



238-модда. Кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатиш

А Ж Р И М

(кассация шикояти бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисида)

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг судлов ҳайъати ўз биносида,

раислик қилувчи судья Ф.Эшимбетова,
ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачи якка тартибдаги тадбиркор Ч.Саматов, жавобгар вакили К.Толмасов иштирокида, аризачи якка тартибдаги тадбиркор Ч.Саматовнинг жавобгар _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва _____ туман ҳокимлиги зиммасига _____ тумани, _____ кўчаси, ___-уйда жойлашган савдо мажмуаси (биноси) бузилиши ҳисобидан унга тенг қийматдаги бино билан таъминлаш мажбуриятини юклаш тўғрисидаги шикояти бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 3 майдаги ҳал қилув қарори устидан Н.Саматова томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

якка тартибдаги тадбиркор Ч.Саматов (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) жавобгар _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларига нисбатан судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, унга тегишли бўлган _____ тумани, _____ кўчаси, ___-уйда жойлашган савдо мажмуаси (биноси) давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиб, бузиб ташланганлиги, бироқ тадбиркор ушбу бинога тенг қийматдаги бино билан таъминламаганлигини баён қилиб, _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва _____ туман ҳокимлиги зиммасига _____ тумани, _____ кўчаси, ___-уйда жойлашган савдо мажмуаси (биноси) бузилиши ҳисобидан унга тенг қийматдаги бино



билан таъминлаш мажбуриятини юклашни сўраган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоятни қаноатлантириш рад этилган.

Суднинг мазкур ҳал қилув қарори устидан якка тартибдаги тадбиркор Ч.Саматовнинг қариндоши Н.Саматова (амакисининг қизи) кассация шикояти бериб, унда суд қарорини бекор қилиш ва аризачининг шикоятини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида Ч.Саматов Н.Саматова унинг вакили эмаслигини, низодаги бино-иншоотга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқлигини, ишни биринчи инстанция судида кўрилиш жараёнида туман ҳокимлиги томонидан низодаги бино ўрнига компенсация тўлови ва бино қуриш учун ер участкаси ажратилганлигини баён қилиб, кассация шикоятини қаноатлантириш ёки рад этиш масаласини судга ҳавола қилди.

Жавобгар вакили ҳал қилув қарорининг жавобгардан давлат божи ундириш қисмини бекор қилиш ва давлат божини аризачидан ундириш, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг кассация шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги фикрини эшитиб, кассация шикоятини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра кассация шикояти бўйича иш юритишни тугатишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 224-моддасининг биринчи қисмига кўра ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти, прокурор эса кассация протести беришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 38-моддасига кўра тарафлар, учинчи шахслар, прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар ўз зиммаларига юклатилган ваколатларга кўра ишда иштирок этувчи шахслардир.

Ишдаги ҳужжатларга кўра ушбу маъмурий ишда Н.Саматова ишда иштирок этувчи шахс ҳисобланмайдди. У кассация шикоятини ўз номидан киритган. Суднинг ҳал қилув қарори унинг ҳуқуқлари



ва мажбуриятларига дахл қилмайди. Яни, суд унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 238-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра кассация шикоят (протести) суд ҳужжати устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан берилган бўлса кассация инстанцияси суди кассация шикояти (протести) бўйича иш юритишни тугатади.

Шунга кўра судлов ҳайъати ҳал қилув қарорига нисбатан бошқа тараф шикоят ёки прокурор протест келтирмаганлигини инобатга олиб, кассация инстанцияси суди кассация шикояти бўйича иш юритишни тугатишни, тўланган 86120 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатларини Н.Саматова зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169 ва 238-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Н.Саматованинг кассация шикояти бўйича кассация инстанция судида иш юритиш тугатилсин.

Ажрим устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига назорат тартибда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

Нусхаси аслига тўғри, судья:



149-модда. Суд муҳокамасини кейинга қолдириш

А Ж Р И М

(иш кўришни кейинга қолдириш тўғрисида)

2018 йил 10 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Ж.Уразбоев,

ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачи Б.Расулов, _____ туман ҳокимлиги вакили А.Менглиев, _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси вакили Қ.Қўзиёвнинг иштирокида, аризачи Б.Расуловнинг _____ тумани ҳокимлики ҳамда _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 10 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан Б.Расулов томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Расулов Бахт Собирович (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга _____ туман ҳокимлиги ҳамда _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси мансабдор шахсларининг бузилган уй жойи учун 1 хонали квартира ва компенсация пули бермасликдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ва _____ туман ҳокимлиги зиммасига бир хонали квартира ҳамда компенсация пули бериш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 10 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация шикоятида биринчи инстанция суди қонун ҳужжатларига кўра уй-жой давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда ёки бузилганда унинг ўрнига уй-жой қийматини тўлаши ҳамда уни уй-жой билан таъминлаши назарда тутилган бўлса-да, суд асоссиз унинг шикоятини



рад этганлиги, суднинг ҳал қилув қарорида у келтирган асослар нима сабабдан инobatга олинмаслиги асослаб берилмаганлигибаён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, шикоят аризасини қаноатлантириш сўралган.

_____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси судга 2018 йил 10 майдаги 18/1-29-сонли илтимоснома билан мурожаат қилиб, ушбу ишда вакил сифатида қатнашган корхона ҳуқуқшуноси касаллиги сабабли шифохонада даволанаётганлиги, корхонанинг раҳбари эса хизмат сафарига кетганлиги, ишончнома бериш учун корхонада ваколатли шахс йўқлигини билдириб, ишни кўришни 1 ҳафтага қолдиришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи ва туман ҳокимлиги вакиллари илтимосномасини қаноатлантириш ёки рад этиш масаласини судга ҳавола қилди.

Прокурор _____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси вакилларига ишга ойдинлик киритиш учун айрим саволлари борлиги, шу сабабли уларнинг суд мажлисида иштирок этиши мақсадга мувофиқлигини баён қилиб, илтимосномани қаноатлантириш ва ишни кўришни кейинга қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 149-моддасининг биринчи қисмига кўра суд агар суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахс суд мажлисига кела олмаслиги сабабларини асослаган ҳолда суд муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилган бўлса ва башарти ушбу шахснинг иштирокисиз ишни кўриш мумкин бўлмаса суд муҳокамасини кейинга қолдиришга ҳақли.

_____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг ишни кейинга қолдириш учун асос сифатида келтирган важлари аризага илова қилинган 2018 йил 7 майдаги тиббий маълумотнома ва 2018 йил 7 майдаги 18/19-сонли хизмат сафарига жўнаш ҳақидаги буйруқ кўчирмалари билан ўз тасдиғини топади.

Баён этилганларга кўра судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар ва прокурорнинг фикрларини эшитиб, илтимосномани қаноатлантиришни ва ишни кўришни кейинга қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 149, 168 ва 169-моддаларини қўллаб, суд



А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг илтимосномаси қаноатлантирилсин

Ишни _____ вилоят маъмурий судининг ____-сонли суд мажлислар залида кўриш 2018 йил 17 май куни соат 10-00 га қолдирилсин.

Ишда иштирок этувчи шахслар янги суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинсин.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/



221-модда. Кассация инстанцияси судининг қарори

Кассация инстанцияси судида
маърузачи судья Б.Исраилов

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья С.Каттабеков

Қ А Р О Р

2018 йил 27 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят (шаҳар) маъмурий суди кассация инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Б.Исраилов,
ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абраева ва Д.Расуловдан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят (шаҳар) прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачи С.Якубова, жавобгар вакили Х.Салмонов иштирокида, аризачи С.Якубованинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимининг 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 4 январдаги ҳал қилув қарори устидан келтирилган _____ туман прокурорининг кассация протести ва С.Якубова томонидан берилган кассация шикоятини ҳамда унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Якубова Санобар Рауфовна (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 4 январдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад қилинган.

Ҳал қилув қарорига нисбатан _____ туман прокурори томонидан кассация протести, аризачи томонидан кассация шикоятини келтирилиб, уларда ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги ҳал қилув



қарори қабул қилиш масаласи қўйилган.

Суд мажлисида аризачи кассация шикоятда келтирилган важларини қувватлаб, жавобгарнинг қарори қонун ҳужжатларига зидлигини, суд эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддаси қоидаларини инobatга олмасдан, суд қарорини асослантirmасдан ҳал қилув қарори қабул қилганлигини баён қилиб, кассация шикояти ва протестни қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори қонунийлиги, чунки ҳар бир тараф ўз важларига асос қилган ҳолатларни исбот қилиб бериши лозимлиги, аризачи эса ўз важига асос қилган ҳолатларни исбот қилиб бера олмаганлиги, жавобгарга асоссиз пенсия тайинланганлиги суд томонидан ҳам аниқланганлигини баён қилиб, кассация шикояти ва протестини рад этишни сўради.

Судлов ҳайъати тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг протестни қаноатлантириш, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш тўғрисидаги фикрини эшитиб, кассация шикояти ва протестини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 217-моддасига асосан суд ишни кассация инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текширади. Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Кассация инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

Ишдаги ҳужжатларга кўра 1963 йилда туғилган аризачига 2002 йил __февралдан Ўзбекистон Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаси “г”-бандига (театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистлари, яъни балет артисти) асосан ёшга доир имтиёзли асосларда 28 йил 5 ой иш стажы, шундан 20 йил 25 кун махсус иш стажы билан пенсия тайинланган.

Жавобгар томонидан 2015 йилда аризачига тайинланган пенсия турининг асослилиги текширилганда, пенсия тайинлашда аризачининг



бола парваришида ҳақ тўланмайдиган даври ҳам махсус стажга қўшиб ҳисобланганлиги аниқланиб, 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарори билан аризачига пенсия тайинлаш рад этилган ва 2002 йил__февралдан 2015 йил__сентябрга қадар 32297144 сўм ортиқча тўланган пенсия тўлови ҳисобланган.Шу муносабат билан аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди аризачининг имтиёзли стажи 20 йил 5 ойни ташкил қилса-да, 1990 йилда туғилган фарзанди А.Бектурсунов ва 2000 йилда туғилган В.Бектурсунованинг туғилиши билан боғлиқ бола парвариши таътилларида бўлган даврлари хатолик билан махсус иш стажига қўшилганлиги, бу эса аризачига имтиёзли пенсияни асоссиз тайинланишга олиб келганлигини инобатга олиб, аризани қаноатлантиришни рад этишни лозим топган.

Суднинг ушбу хулосаси билан кассация инстанцияси қуйидаги асосларга кўра келишмайди.

Ҳал қилув қарори процессуал ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя қилинган ва шу ҳуқуқий муносабатларга татбиқ қилиниши лозим бўлган моддий ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда чиқарилиши лозим.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган меъёрларнинг ўхшашлик бўйича қўлланишига йўл қўйилмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида”ги 13-сонли қарорининг 2-бандида тушунтириш берилган.

“Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг “г” бандига кўра театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари: ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда; ижодий иш стажи камида 25 бўлганда; ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур Қонун 37-моддасининг “ж”-бандига кўра бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-272-сон Қонуни таҳририда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат



пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низом 35-бандининг “ж” кичик бандига кўра бола 3 ёшга тўлгунга қадар, болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, бироқ жами кўпи билан 3 йил пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиб ҳисобланади. Болани парваришлаш таътилида бўлиш даври (шу жумладан пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 12 мартда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 27-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низоми 35-банди “ж” кичик бандининг иккинчи хатбошисига асосан, болани парваришлаш таътилида бўлиш даври (шу жумладан пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди.

Аммо “Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2002 йил 6 февраль кунига (аризачига пенсия тайинланган кун) бўлган таҳририда ҳам ижодий иш стажи камида 20 йил бўлган театр артистлари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Лекин Қонуннинг 37-моддаси “ж” кичик бандида онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида иш стажига қўшиб ҳисобланиши кўрсатилган.

Бунда мазкур даврда амалда бўлган пенсия қонунчилигида болани парваришлаш таътилида бўлиш даври ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмаслиги ҳақида норма мавжуд бўлмаган. Мазкур норма қонунчиликка 2011 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 252-сонли қарори билан киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади,



ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Демак, махсус стажга бола парваришида бўлган давр қўшилмаслиги пенсия қонунчилигига 2011 йилдан жорий қилинган бўлиб, унга қадар, жумладан 2002 йилда аризачига имтиёзли пенсия тайинланишида бундай талаб бўлмаган ва аризачига пенсия қонуний тартибда тайинланган. Юқоридаги қонун нормасига кўра эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас, махсус стажга бола парваришида бўлган давр қўшилмаслиги 2011 йилдан амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 189-моддасининг иккинчи, бешинчи қисмларига кўра суд устидан шикоят қилинаётган қарор ёки унинг айрим қисмлари ёхуд ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонун ҳужжатларига зид эканлигини ҳамда аризачининг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузаётганлигини аниқласа, қарорни ёки унинг айрим қисмларини ҳақиқий эмас, ёхуд ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) қонунга хилоф деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қуйидаги мажбуриятларни юклайди:

қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш;

йўл қўйилган бузилишларни бартараф этиш ва ҳал қилув қарорининг ижроси тўғрисида судга ва аризачига, агар суд томонидан бошқача муддат белгиланмаган бўлса, суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш.

Юқорида келтирилган асосларга ҳамда қонун ҳужжатларига таянган ҳолда кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризачининг аризасини қаноатлантиришни, жавобгарнинг аризачига пенсия тайинлашни рад қилиш ҳақида 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни, аризачига тайинланган пенсияни тиклашни, жавобгардан бюджетга 224 662 (149 775 + 74 887,5)



сўм 50 тийин давлат божи ва Тошкент шаҳар маъмурий судига 14000 (7000 + 7 000)сўм почта харажатлари ундиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189, 243, 244 ва 245-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 4 январдаги ҳал қилув қарори тўлиқ бекор қилинсин ҳамда янги қарор қабул қилинсин.

Шикоят аризаси қаноатлантирилсин

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимнинг 2015 йил __ сентябрдаги __-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилсин.

Якубова Санобар Рауфовнага 2002 йил __февралда тайинланган ва 2015 йил __сентябрдан тугатилган ёшга доир имтиёзли пенсияси тиклансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимига қарорнинг ижроси тўғрисида судга ва аризачига қарор қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир ой ичида хабар қилиш топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимидан:

республика бюджетига 224 662 сўм давлат божи;

_____ вилоят (шаҳар) маъмурий судига 14000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Қарор юзасидан ижро варақалари берилсин.

Кассация протести ва шикояти қаноатлантирилсин

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

Аслига тўғри, судья:



Кассация инстанцияси судида
маърузачи судья Ф.Эшимбетова

Биринчи инстанция судида ишни
кўрган судья С.Каттабеков

Қ А Р О Р

2018 йил 15 май куни _____ -сонли маъмурий ишни _____ вилоят (шаҳар) маъмурий суди кассация инстанциясининг судлов ҳайъати, ўз биносида,

раислик қилувчи судья: Ф.Эшимбетова,
ҳайъат аъзолари – судьялар Д.Расулов ва А.Абраевадан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, _____ вилоят (шаҳар) прокурорининг ёрдамчиси Э.Бахромов, аризачи вакили Н.Аброров, жавобгар вакиллари Ш.Равшанов, М.Муслимов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси вакили Г.Болтабаева, Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концерни вакили Б.Алимухамедов иштирокида, аризачи “Қобил бобо” хусусий корхонасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармаси мансабдор шахсларининг “Қобил бобо” хусусий корхонасига 131752 013 сўм божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси бўйича юритилган маъмурий иш юзасидан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармаси томонидан берилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни иш ҳужжатлари билан очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Қобил бобо” хусусий корхонаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) мансабдор шахсларининг аризачига 131752 013 сўм божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 26 мартдаги ажрими билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника



сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концерни низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризаси қаноатлантирилган. Жавобгар мансабдор шахсларининг аризачига 131752 013 сўм божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашдан иборат хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган.

Кассация шикоятда ишни кўришда моддий ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, иш ҳолатлари тўлиқ ўрганилмаганлиги, шикоятни қаноатлантириш ҳақида асоссиз хулосага келинганлиги, чунки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда 1952-сон билан рўйхатга олинган “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати” (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) билан ТИФ ТН коди ҳар хил бўлган 132 та позициядаги “in bulk” фармацевтик маҳсулотларига имтиёз берилган бўлиб, бироқ улар томонидан аризачининг импорт қилган маҳсулотига қўшимча божхона тўловлари ҳисобланганда аризачи томонидан олиб кирилган ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган қадокланмаган “in bulk” фармацевтик маҳсулоти ушбу рўйхатга киритилмаганлиги, қолаверса ушбу маҳсулот ярим тайёр маҳсулот ҳисобланишини каби важлар баён қилиниб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, шикоятни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Аризачининг кассация шикояти юзасидан билдирган 2018 йил 10 майдаги 15-сонли ёзма фикрида ҳал қилув қарори қонунийлиги, кассация шикоятини қаноатлантириш учун асослар мавжуд эмаслиги, чунки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда 1952-сон билан рўйхатга олинган “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати” билан “in bulk” фармацевтик маҳсулотларига имтиёз берилганлиги, “in bulk” тайёр дори ҳисобланиши баён қилиниб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш сўралган.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакиллари кассация шикоятда баён қилинган важларни қувватлаб, аризачининг импорт



қилган маҳсулотига қўшимча божхона тўловлари ҳисобланганда аризачи томонидан олиб кирилган ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган қадокланмаган “in bulk” фармацевтик маҳсулоти ушбу рўйхатга киритилмаганлиги, қолаверса ушбу маҳсулот ярим тайёр маҳсулот ҳисобланишини сабаблисуд қарорини бекор қилиб, аризани қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Аризачи вакили суд қарорлари қонуний қабул қилинганлигини ҳамда кассация шикоятда баён қилинган важлар асоссизлигини, чунки “in bulk” фармацевтик маҳсулоти тайёр дори ҳисобланишини билдириб, суд қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика саноати давлат-акция-дорлик концерни вакили суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида фикр билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси вакили “in bulk” хом ашё эмаслиги, дори воситаси эканлиги ҳақида фикр билдирди.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд қарорларини бекор қилиш ва шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш тўғрисидаги фикрини тинглаб, кассация шикояти ва ёзма фикрда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра ҳал қилув қарорини бекор қилиб, шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра аризачи ва “Citco Chemicals Ltd” (Буюк Британия давлати) компанияси ўртасида 2015 йил ___ февралда _____ -сонли контракт тузилган.

Контракт шартларига кўра “Citco Chemicals Ltd” компанияси “in bulk” фармацевтик маҳсулотини қайта ишлаш мақсадида аризачига етказиб бериш, аризачи эса етказиб берилган товарлар қийматини тўлаш мажбуриятини олган.

Мазкур контрактга асосан аризачи томонидан олиб келинган ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган, қадокланмаган “in bulk” фармацевтик маҳсулоти ___ /___ /___ -сонли ҳамда ___ /___ /___ -сонли божхона юк декларацияси билан қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган.



Қўшиб ҳисоблаш амалга оширилган пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 51-моддасига мувофиқ божхона органлари товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин, агар қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақида тахмин қилиш учун етарли ва тасдиқланган асослар мавжуд бўлса, божхона назоратини амалга оширишга ҳақли.

Товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назоратини амалга оширишда божхона органлари товарлар мавжудлигини текширишга, уларни такроран божхона текширувидан ўтказишга, божхона декларациясида кўрсатилган маълумотларни қайта текширишга, ушбу товарлар билан амалга ошириладиган ташқи иқтисодий ва кейинги тижорат операцияларига дахлдор ҳужжатлар ва бошқа маълумотларни текширишга ҳақли. Текшириш декларант турган жойда, кўрсатиб ўтилган операцияларга бевосита ёки билвосита алоқаси бўлган ёки зарур ҳужжатларга эга бўлган ҳар қандай бошқа шахс турган жойда ўтказилиши мумкин. Ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш эса товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши мумкин.

Товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати айти бир битим бўйича кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Кейинчалик божхона органи томонидан товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин қонунда белгиланган муддат ичида божхона назорати амалга оширилиб, ___ /___ /___ -сонли ҳамда ___ /___ /___ -сонли божхона юк декларациялари билан олиб келинган, ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган қадоқланмаган "in bulk" фармацевтик маҳсулотига имтиёз нотўғри қўлланилганлиги аниқланган ва қўшимча божхона тўловлари ҳисобланган.

Жавобгарнинг "_____" ташқи иқтисодий фаолият божхона пости томонидан аризачига 2015 йил 22 октябрда қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини тўлаш ҳақида талабнома берилган.

Натижада аризачи судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар мансабдор шахсларининг аризачига 131 752 013 сўм божхона



тўловларини қўшимча ҳисоблашдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган “in bulk” тайёр дори воситаси, тайёр дори воситалари эса Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандига кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган, деган хулоса билан шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим топган.

Суднинг ушбу хулосаси билан кассация инстанцияси қуйидаги асосларга кўра келишмайди:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандида дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғидан озод қилиниши белгиланган.

Бироқ 2015 йил __ февралда тузилган _____-сонли контрактда (1-илоvasи) мазкур маҳсулот қайта ишлаш мақсадида олиб келинадиганлиги қайд қилинган. Шунингдек, _____/_____/_____ -сонли ҳамда _____/_____/_____ -сонли божхона юк декларацияларида ҳам мазкур маҳсулот дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё сифатида белгиланган.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 8 майда 1952-сон билан рўйхатга олинган “Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати” (бундан буён матнда Рўйхат деб юритилади) билан ТИФ ТН коди ҳар хил бўлган 132 та позициядаги “in bulk” фармацевтик маҳсулотларига имтиёз берилган. Бироқ божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш амалга оширилган даврда амалда бўлган рўйхатга ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган “in bulk” киритилмаган. ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган “in bulk” фармацевтик маҳсулоти ушбу Рўйхатга 2017 йил 14 июлда қўшилган бўлсада, унда ушбу имтиёз Рўйхатга ўзгартириш киритилгунга қадар юзага келган муносабатларга ҳам татбиқ этилиши назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 3-моддасининг биринчи, тўртинчи қисмларига кўра солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга



оширилади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бекор қилиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини камайтириш, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларини бекор қилишни ёки уларнинг аҳволини бошқача тарзда енгиллаштиришни назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга бўлиши мумкин, агар бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри назарда тutilган бўлса.

Шунингдек, ушбу рўйхатнинг изоҳ қисмида “in bulk”га тушунтириш берилган бўлиб, “in bulk” – қадоқлаш, охирги жойлаш ва ёрлиқлаш босқичларидан ташқари барча ишлаб чиқариш босқичларидан ўтган тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган фармацевтик маҳсулот эканлиги қайд қилинган (Рўйхатнинг божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш амалга оширилган даврда амалда бўлган таҳрири).

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 211-моддасининг 6-бандига кўра (модданинг божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш амалга оширилган даврда амалда бўлган таҳрири) дори воситалари ва тиббиёт (ветеринария) учун мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш учун қонун ҳужжатларида белгиланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган хом ашё импорт қилинганда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концерни вакилларининг тушунтиришларига кўра барча турдаги “in bulk” маҳсулоти қадоқлаш, охирги жойлаш ва ёрлиқлаш босқичларидан ташқари барча ишлаб чиқариш босқичларидан ўтган маҳсулот ҳисобланади.

Рўйхатда ТИФ ТН коди ҳар хил бўлган 132 та позициядаги “in bulk” маҳсулотлари дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган хом ашё сифатида киритилган. Яъни мазкур позициядаги маҳсулотлар тайёр дори воситаси сифатида талқин қилинмаган.

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг 2015 йил ___ апрелдаги _____-сонли ва 2015 йил ___ июлдаги _____-сонли хулосаларида ҳам аризачига келтирилган юқорида қайд қилинган маҳсулотлар ярим тайёр маҳсулот эканлиги ва ишлаб чиқариш мақсадида қўлланилиши мумкинлиги



қайд этилган.

Мазкур ҳолатда судлов ҳайъати “in bulk” тайёр дори воситаси эмас, балки истеъмолчига тўғридан-тўғри етказилмайдиган ярим тайёр маҳсулот эканлигидан, ТИФ ТН коди 3004900000 бўлган “in bulk” маҳсулоти Рўйхатга киритилмаганлигидан келиб чиқиб, аризачига 131752 013 сўм қўшимча божхона тўловлари тўғри ҳисобланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 244-моддасининг биринчи қисмига кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёки нотўғри қўлланилганлиги асос бўлади.

Баён этилганларга кўра судлов ҳайъати ҳал қилув қарорини тўлиқ бекор қилиш ҳамда шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этишни, ишни кўриш билан боғлиқ 258 360 (172 240 + 86 120) сўм давлат божи ва 14 000 (7 000 + 7 000) сўм почта харажатларини аризачи зиммасига юклашнилозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 189, 243, 244 ва 245-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилинсин ҳамда янги қарор қабул қилинсин.

“Қобил бобо” хусусий корхонасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармаси мансабдор шахсларининг аризачига 131752 013 сўм божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашдан иборат хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилсин.

“Қобил бобо” хусусий корхонасидан:

– бюджетга 258 360 сўм давлат божи;

– _____ маъмурий судига 7 000 сўм почта харажатлари ундирилсин.



Қарор юзасидан ижро варақалари берилсин.
Кассация шикоятни қаноатлантирилсин
Қарор қабул қилинган пайдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/

ҳайъат аъзоси: /имзо/



11-БОБ. НАЗОРАТ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

255-модда. Назорат шикоятини қайтариш

А Ж Р И М

(назорат шикоятини қайтариш тўғрисида)

2018 йил 11 июнь куни Олий суд судьяси _____, _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг _____ -сонли маъмурий иш бўйича 2018 йил ___ апрелда қабул қилган қарори устидан низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс А.Равшанов томонидан берилган назорат шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи “Яшнар” фермер хўжалиги маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб жавобгар _____туман ҳокимининг 2015 йил ___ июлдаги _____-қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топилганини сўраган.

Суднинг 2018 йил 2 мартдаги ажрими билан фуқаро А.Равшанов низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида ишга жалб қилинган.

_____туман маъмурий судининг 2018 йил ___ мартдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

_____вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил ___ апрелдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги қарор билан _____туман ҳокимининг 2015 йил ___ июлдаги _____-қ-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Назорат шикоятда ишни апелляция инстанцияси судида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, уни ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилмасдан иш кўриб чиқилганлиги,



натихада у ўз важларини судда айтиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолганлиги баён этилиб, _____вилоят маъмурий суди апелляция инстанцияси қарорини бекор қилиб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Аниқланишича назорат шикоят **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд** ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 253-моддаси биринчи қисмининг 3-банди ва тўртинчи қисмида назарда тутилган талабларга жавоб бермайди. Жумладан, ушбу ишда низонинг предметиға нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс **А.Равшанов** билан бир қаторда аризачи – “Яшнар” фермер хўжалиги ва жавобгар – _____туман ҳокимлиги ҳам ишда иштирок этувчи шахслар ҳисобланади. Аммо назорат шикоятида уларнинг тўлиқ номлари (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи кўрсатилмаган.

Шунингдек назорат шикоятига унинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи аризачи – “Яшнар” фермер хўжалиги ва жавобгар – _____туман ҳокимлигига юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган. Бундай ҳолатда ушбу назорат шикоятини кўриб бўлмайди ва уни қайтариш лозим. Чунки **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд** ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига мувофиқ, агар назорат шикояти ушбу Кодекс 253-моддасининг биринчи-тўртинчи қисмларида назарда тутилган талабларга жавоб бермаса, назорат шикояти қайтарилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд** ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168, 169-моддалари, 254-моддаси учинчи қисмининг 1-банди, 255-моддаси биринчи қисмининг 1-бандига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.Равшановнинг _____вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил ___ апрелдаги қарори устидан берган назорат шикояти қайтарилсин.

Тушунтирилсинки, шикоят берган шахс **Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд** ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 255-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган ҳолат бартараф этилганидан сўнг янгидан умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли.

Олий суд судьяси



256-модда. Назорат шикоятини қабул қилишни рад этиш

А Ж Р И М

(назорат шикоятини қабул қилишни рад этиштўғрисида)

2018 йил 11 июнь куни Олий суд судьяси _____, _____ туман маъмурий судининг _____ -сонли маъмурий иш бўйича 2018 йил ___ апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори устидан жавобгар _____ туман ҳокими томонидан берган назорат шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман ҳокимининг 2015 йил 1 февралдаги Х-1129-сонли қарори билан фуқаро А.Аббасхўжаевга (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) уй-жой қуриш учун _____тумани, Яшнар ҚФЙ, Замзам қишлоғидан 0,06 га ер участкаси ажратиб берилган.

Кейинчалик _____тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг тақдимномасига асосан _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори билан А.Аббасхўжаевнинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи ер участкасидан уч йил мобайнида фойдаланмаганлиги асосида Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси 36-моддаси биринчи қисмининг 10-бандига асосан бекор қилиниб, ер участкаси туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Шундан кейин аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил ___ апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори билан ариза тўлиқ қаноатлантирилган. _____ туман ҳокимининг 2018 йил 25 февралдаги Х-1015-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Иш апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилмаган.

_____ туман ҳокимининг назорат шикоятида ишни биринчи инстанция судида кўришда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, суд аризачи ўз важларини исбот қилиб бермаган бўлса-да ариза қаноатлантирилганлигибаён этилиб, ҳал қилув қарорини бекор қилиш вааризачининг аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 249-моддасининг биринчи қисмига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар томонидан назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Бироқ биринчи инстанция судининг 2018 йил ___ апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар апелляция ёки кассация тартибида шикоят (протест) бермаган ва иш апелляция ёки кассация инстанциясида кўрилмаган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 249-моддасининг биринчи қисми мазмунидан келиб чиқиб эса апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўрилмаган ишлар назорат инстанциясида кўриб чиқилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 256-моддасининг 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси, назорат шикояти қонунга мувофиқ назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин бўлмаган суд ҳужжати устидан берилган бўлса, назорат шикоятини қабул қилишни рад этади.

Ушбу ҳолатда _____ -сонли маъмурий иш бўйича 2018 йил ___ апрелда қабул қилинган ҳал қилув қарори устидан берилган назорат шикоятини қабул қилиш рад этилиши лозим.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 168, 169-моддалари ва 254-моддаси учинчи қисмининг 2-банди, 256-моддасининг 3-бандига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____ туман ҳокимининг _____ -сонли маъмурий иш бўйича 2018 йил ___ апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори устидан берилган назорат шикоятини қабул қилиш рад этилсин.

Олий суд судьяси _____



**257-модда. Назорат шикоятини кўриб чиқиш учун
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий
ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш
тўғрисидаги ажрим**

А Ж Р И М

(назорат шикоятини судлов ҳайъатига ўтказишни
рад этиш тўғрисида)

2018 йил 11 июнь куни Олий суд судьяси _____,
_____ туман маъмурий судининг _____ -сонли маъмурий иш бўйича
_____ вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил
27 майдаги қарори устидан жавобгар Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси
_____ туман бўлими томонидан берган назорат шикояти ва унга
илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

1963 йилда туғилган Якубова Санобар Рауфовна (бундан буён
матнда аризачи деб юритилади)га 2002 йил __февралдан Ўзбекистон
Республикаси “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги
Қонунининг 10-моддаси “г”-бандига (театрлар ва бошқа театр-томоша
корхоналари артистлари, яъни балет артисти) асосан ёшга доир
имтиёзли асосларда 28 йил 5 ой иш стажи, шундан 20 йил 25 кун махсус
иш стажи билан пенсия тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюд-
жетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими (бун-
дан буён матнда жавобгар деб юритилади)томонидан 2015 йилда
аризачига тайинланган пенсия турининг асослилиги текширилганда,
пенсия тайинлашда аризачининг бола парваришида ҳақ тўлан-
майдиган даври ҳам махсус стажга қўшиб ҳисобланганлиги аниқ-
ланиб, 2015 йил __ сентябрдаги __-сонли қарори билан аризачига
пенсия тайинлаш рад этилган. Шунингдек ушбу қарорда аризачига
2002 йил __ февралдан 2015 йил __ сентябрга қадар 32 297 144 сўм
ортиқча пенсия тўлови тўланганлиги ҳамда ушбу суммани кейинги
ойлар учун тўланиши лозим бўлган пенсия тўловларидан чегириб
қолиш кераклиги белгиланган.



Натижада аризачи судга шикоят аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгарнинг 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 4 январдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад қилинган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 27 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимининг 2015 йил __сентябрдаги __-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими зиммасига Якубова Санобар Рауфовнага 2002 йил __февралда тайинланган ва 2015 йил __сентябрдан тугатилган ёшга доир имтиёзли пенсиясини қайта тиклаш мажбурияти юклатилган.

Назорат шикоятда ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, болани парваришлаш таътилида бўлиш даври ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмаслиги, суд эса буни инобатга олмаганлигибаён қилиниб, суд ҳужжатларини бекор қилиш ва аризачининг шикоятини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилиш сўралган.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклайдиган ва жавобгарлик белгилайдиган меъёрларнинг ўхшашлик бўйича қўлланишига йўл қўйилмайди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида"ги 13-сонли қарорининг 2-бандида тушунтирилган.

"Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг "г" бандига кўра театрлар ва бошқа театр-томоша корхоналари артистларининг айрим тоифалари: ижодий иш стажи камида 20 йил бўлганда;

ижодий иш стажи камида 25 бўлганда;

ижодий иш стажи камида 30 йил бўлганда ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Мазкур Қонун 37-моддасининг "ж"-бандига кўра бола 3 ёшга тўлгунча болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, лекин ҳаммасини жамлаганда кўпи билан 3 йил иш стажига қўшиб ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-272-сон Қонуни таҳририда).



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 35-банди “ж” кичик бандига кўра бола 3 ёшга тўлгунга қадар, болани парваришлаш таътилларида бўлиш вақти, бироқ жами кўпи билан 3 йил пенсия олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиб ҳисобланади. Болани парваришлаш таътилида бўлиш даври (шу жумладан пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 йил 12 мартда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”нинг 27-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низоми 35-банди “ж” кичик бандининг иккинчи хатбошисига асосан, болани парваришлаш таътилида бўлиш даври (шу жумладан пули тўланадиган таътилда бўлиш) ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмайди.

Аммо “Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2002 йил 6 февраль кунига (аризачига пенсия тайинланган кун) бўлган таҳририда ҳам ижодий иш стажы камида 20 йил бўлган театр артистлари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Лекин Қонуннинг 37-моддаси “ж” кичик банди таҳририда онанинг (ўғай онанинг) болаларини (ўғай ўғилларини, ўғай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммасини жамлаганда 6 йил доирасида иш стажига қўшиб ҳисобланиши кўрсатилган.

Бунда мазкур даврда амалда бўлган пенсия қонунчилигида болани парваришлаш таътилида бўлиш даври ёшга доир имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган махсус иш стажига қўшилмаслиги ҳақида норма мавжуд бўлмаган. Ушбу норма қонунчиликка 2011 йил 8 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 252-сонли қарори билан киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 31-моддасига кўра норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан



кейин юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан татбиқ этилади, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни у амалга киритилишига қадар юзага келган ижтимоий муносабатларга нисбатан қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина татбиқ этилади.

Ушбу ҳолатда, махсус стажга бола парваришида бўлган давр қўшилмаслиги пенсия қонунчилигига 2011 йилдан жорий қилинган бўлиб, унга қадар, жумладан 2002 йилда аризачига имтиёзли пенсия тайинланишида бундай талаб бўлмаган ва аризачига пенсия қонуний тартибда тайинланган. Юқоридаги қонун нормасига кўра эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эга эмас, махсус стажга бола парваришида бўлган давр қўшилмаслиги 2011 йилдан амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан татбиқ қилинади. Шунга кўра суд кассация инстанцияси суди ҳал қилув қарорини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида тўғри хулосага келган деб ҳисоблайди.

Қайд этилганларга кўра назорат шикоятда келтирилган важлар асосида суд қарорини назорат тартибида текшириш асослари мавжуд эмаслиги сабабли уни судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш лозим топилди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 254-моддаси учинчи қисмининг 3-банди, 257-моддасига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимининг _____вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 27 майдаги қарори устидан берган назорат шикоятини Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилсин.

Ушбу ажрим устидан ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ёки унинг ўринбосарига шикоят берилиши мумкин.

Олий суд судьяси



А Ж Р И М

(назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиш ва нazorат шикоятини иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида)

2018 йил 11 июнь куни Олий суд раисининг ўринбосари _____, _____ туман маъмурий судининг _____ -сонли маъмурий иш бўйича 2018 йил 15 апрелдаги ҳал қилув қарори ва _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 майдаги қарори устидан аризачи “Зийнат” фермер хўжалиги томонидан берган назорат шикоятини судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги Олий суднинг 2018 йил 8 июндаги ажримининг қонунийлигини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Аризачи “Зийнат” фермер хўжалиги маъмурий судга ариза билан мурожаат қилиб жавобгар _____туман ҳокимининг 2018 йил __январдаги __-қ-сонли қарорини ҳамда _____туман ҳокимлиги ва “Халил” фермер хўжалиги ўртасида 2018 йил 20 январда тузилган “ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида”ги 11-сонли шартномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 15 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан аризани қаноатлантириш рад этилган. “Зийнат” фермер хўжалигидан бюджетга 172 240 сўм давлат божи ундирилган.

_____вилоят маъмурий суди кассация инстанциясининг 2018 йил 20 майдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 8 июндаги ажрими билан назорат шикоятини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган.

Аризачи “Зийнат” фермер хўжалигинингшикоят аризасида судлар томонидан ишни кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги, ундан давлат божи нотўғри ундирилганлиги, аризада баён қилинган важлар суд мажлисида текширилмаганлиги, назорат шикоятда баён қилинган важларга ушбу инстанция суди томонидан



ҳам баҳо берилмасдан, назорат шикоятини судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилганлиги баён қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 8 июндаги ажримини бекор қилиб, ишни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш сўралган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 8 июндаги ажримининг қонунийлиги маъмурий иш билан бирга ўрганиб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

биринчидан, аризачи “Зийнат” фермер хўжалигининг назорат тартибдаги шикоят аризасида судлар томонидан моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги, яъни ушбу тоифадаги ишлар бўйича қарорнинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти қарор қабул қилган орган зиммасига юклатилиши лозим бўлса-да, “аризачи аризага асос қилиб келтирган важини исбот қилиб бермади”, деган вазм билан аризани қаноатлантириш рад этилганлиги кўрсатилган бўлсада, ажримда бу ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 67-моддасининг иккинчи қисмига кўра маъмурий органларнинг низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши, мазкур органлар ва мансабдор шахслар ўз эътирозларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шартлиги белгиланган.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 26-моддасининг биринчи қисмига кўра маъмурий судга фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқлилиги, бундан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига, фуқаролик ишлари бўйича судларга, иқтисодий судларга ва ҳарбий судларга тааллуқли ишлар мустаснолиги белгиланган бўлиб, аризада _____туман ҳокимининг 2018 йил __январдаги __-қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан бирга _____туман ҳокимлиги ва “Халил” фермер хўжалиги ўртасида 2018 йил 20 январда тузилган “ер участкасини узоқ



муддатли ижарага бериш тўғрисида”ги 11-сонли шартномани ҳақиқий эмас деб топиш талаби ҳам қўйилган.

Туман ҳокимлигининг биринчи инстанция судида ишни кўришда тақдим этган ёзма фикрида ушбу низонинг маъмурий суд судловига тааллуқли эмаслиги ва низо бўйича иш юритишни тугатиш ҳақидаги важига судлар томонидан ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг эътиборидан четда қолган. Ушбу ҳолатда маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан процессуал қонун нормаларидан келиб чиқиб аризанинг маъмурий суд судловига тааллуқлилиги масаласига ҳам баҳо берилиши лозим эди.

Қайд этилганларга кўра назорат шикоятини судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги 2018 йил 8 июндаги ажрим ноқонуний чиқарилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 257-моддасининг иккинчи қисмига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ёки унинг ўринбосари назорат шикоятини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказишни рад этиш тўғрисидаги судьянинг ажримига қўшилмасликка ҳамда назорат шикоятини берган шахснинг аризаси асосида уни бекор қилиш ва иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақли. Шу сабабли судлов ҳайъатининг 2018 йил 8 июндаги ажримини бекор қилиш ва назорат шикоятини иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш лозим деб топилди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 257-моддасининг иккинчи қисмига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 8 июндаги ажрими бекор қилинсин ва “Зийнат” фермер хўжалигининг назорат шикояти иш билан бирга кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказилсин.



Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Олий суд биносида 101-сонли мажлислар залида кўриш учун 2018 йил __июль куни соат __-__га тайинлансин.

Ишда иштирок этувчи шахслар, маъмурий судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларда видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд эканлиги тушунтирилсин.

Видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисида иштирок этиш учун ишда иштирок этувчи шахслар, маъмурий судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари суд муҳокамаси тайинланган кун ва вақтда ўз хоҳишларига кўра, Олий суд биносига (Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уй) ёки _____ вилоят маъмурий суди биносига (_____ шаҳри, _____ кўчаси, __-уй) келишлари мумкин.

Ажрим нухаси _____ вилоят маъмурий судига видеоконференцалоқа режимидаги суд мажлисини ўтказиш бўйича техник ва бошқа шартларни таъминлаш учун юборилсин.

Раис ўринбосари



258-модда. Назорат шикоятини (протестини) иш юритишга қабул

қилиш ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов
ҳайъатига ўтказиш тўғрисидаги ажрим

А Ж Р И М

(назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб
чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг
маъмурий ишлар бўйича
судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида)

2018 йил 11 июнь куни Олий суд судьяси _____,
_____ туман маъмурий судининг _____ -сонли маъмурий иш бўйича
_____ туман маъмурий судининг 2017 йил __ ноябрдаги ҳал қилув
қарори ва _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг
2018 йил __ апрелдаги қарори устидан жавобгар _____ вилоят давлат
солиқ бошқармаси томонидан берган назорат шикояти ва унга илова
қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи
Республика кенгашининг 2016 йил 30 ноябрдаги режа-жадвали, _____
вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2017 йил 5 июлдаги 738-хс-сонли
буйруғига асосан “Равнақ” масъулияти чекланган жамиятининг молия-
хўжалик фаолиятида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан
ҳужжатли текширув ўтказилган. Текшириш натижалари юзасидан 2017
йил 29 июлда далолатнома расмийлаштирилган.

Солиқ текшируви материаллари _____ вилоят давлат солиқ
бошқармаси томонидан кўриб чиқилиб, унинг натижаси бўйича 2017
йил 17 августда 15-11/2017-сонли қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорга асосан “Равнақ” масъулияти чекланган жамиятига
солиқ ва мажбурий тўловлар, жумладан 2014 йил учун 21 216 400 сўм,
2015 йил учун 25 459 600 сўм, 2016 йил учун 29 278 600 сўмер солиғи
қўшимча ҳисобланган.

Қарордан норози бўлган “Равнақ” масъулияти чекланган жамияти
судга ариза билан мурожаат қилиб, ер солиғи унга дам олиш оромгоҳи



қурилиши учун _____ туман ҳокимининг 2007 йил 12 сентябрдаги 859-сонли қарорига асосан ажратилган 8,5 гектар ерга ҳисобланганлиги, мазкур тоифадаги ерларга ер солиғи ҳисобланмаслигини маълум қилиб, _____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2017 йил 17 августдаги 15-11/2017-сонли қарорининг қўшимча ер солиғи ҳисоблаш қисмини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил __ ноябрдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талаблар қаноатлантирилиб, _____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2017 йил 17 августдаги 15-11/2017-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил __ апрелдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда ишни суд инстанцияларида кўришда судлар томонидан ушбу ер майдони қонун ҳужжатларига кўра ер солиғидан озод этилмаганлигига аҳамият берилмаганлиги баён қилиниб, суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш сўралган.

Назорат шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатлар маъмурий иш ҳужжатлари билан бирга ўрганилганда, қуйидаги асосларга кўра шикоятда келтирилган важларни текшириш учун ишни судлов ҳайъатига ўтказиш зарурати мавжудлиги аниқланди:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 282-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра солиқ солинмайдиган ер участкалари жумласига рекреация аҳамиятига молик ерлар (хўжалик фаолияти юритилаётган ерлар бундан мустасно) – аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ҳамда ташкилотларга берилган ерлар киради.

Судлар томонидан аризани қаноатлантириш учун аризачига тегишли 8,5 гектар ер рекреация зонасига кириши, чунки ушбу ер майдони дам олиш оромгоҳи ҳисобланишини асос сифатида олган. Бироқ ушбу ер рекреация зонасига кириши ёки кирмаслигини, дам олиш оромгоҳи Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан ташкил этилганлиги ёки йўқлигини аниқлаш чоралари кўрилмаган. Ушбу мақсадда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хулосалари олинмаган. Ваҳоланки



“Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддасига мувофиқ туризм ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этиш учун қулай жўғрофий ва иқлим шароитларига эга, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар рекреация зоналари ҳисобланади.

Рекреация зоналари Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биргаликдаги тақдимномасига биноан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан ташкил этилади.

Қайд этилганларга кўра назорат шикоятини иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун у маъмурий иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказилиши лозим деб топилди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 254-моддаси учинчи қисмининг 4-банди, 258-моддасининг биринчи қисмига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

_____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг назорат шикояти иш юритишга қабул қилинсин ва у кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказилсин.

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 1-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий суди биносидаги __ -сонли мажлислар залида кўриш учун 2018 йил __ июнь куни соат __ -__ га тайинлансин.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги зиммасига дам олиш оромгоҳи рекреация зонасига кириш-кирмаслиги, ушбу оромгоҳ уларнинг тақдимномасига асосан ташкил қилинганлиги масалаларини ўрганиб чиқиб, 2018 йил __ июнь куни соат __ -__ да бўладиган суд мажлисига хулоса билан вакил иштирокини таъминлаш юклатилсин.

Олий суд судьяси



Назорат инстанцияси судида
маърузачи судья _____

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья _____
Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья _____

Қ А Р О Р

2018 йил 25 май куни -сонли маъмурий ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ўз биносида,

раислик қилувчи судья: _____,

ҳайъат аъзолари – судьялар _____ ва _____дан иборат таркибда, С.Абдуллаеванинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси прокурори _____, аризачи вакили _____, жавобгар вакили _____ иштирокида, аризачи Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармасининг назорат шикоятига асосан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 1 майдаги қарорининг қонунийлигини маъмурий иш хужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

“Замон” хусусий корхонаси (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармаси (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)нинг унга 1093 279 600 сўм божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш ҳақида 2015 йил 3 июлдаги _____-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармасининг 2015 йил 3 июлдаги _____-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 1 майдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятда суд қарорлари асосизлиги, чунки аризачи корхонаси томонидан Бразилия Федератив Республикасидан Туркия Республикаси орқали олиб келинган (импорт қилинган) музлатилган



гўштининг нархини аниқлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ Туркия Республикаси томонидан тақдим қилинган маълумотларга таянилганлиги каби важлар баён этилиб, суд қарорларини бекор қилиш ва арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш сўралган.

Аризачининг назорат шикоятни юзасидан билдирган ёзма фикрида суд қарорлари қонунийлиги, назорат шикоятини қаноатлантириш учун асослар мавжуд эмаслиги, қўшимча божхона тўловлари асоссиз ҳисоблаганлиги, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши мумкин бўлса-да, божхона органи томонидан қонун талабларига зид равишда бир йилдан сўнг ҳисобланганлиги, қўшимча божхона тўловларини ҳисоблашда божхона органи ихтиёрида мавжуд бўлган нархларга оид қандай ва қайси даврдаги маълумотлардан фойдаланилганлиги кўрсатилмаганлиги, олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакатдан учинчи мамлакатларга етказиб берилган товарнинг баҳоси божхона қийматини белгилаш учун база сифатида қўлланилиши мумкин бўлмаса-да, Бразилия Федератив Республикасидан олиб келинган музлатилган гўштининг нархини белгилашда Туркия Республикаси маълумоти асосида Бразилия Федератив Республикасидан Туркия Республикасига етказиб берилган музлатилган гўштининг баҳосидан келиб чиқиб қўшимча божхона тўловлари ҳисобланганлиги баён қилиниб, суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш сўралган.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд қарорларини бекор қилиб ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақидаги фикрини эшитиб, назорат шикоятда ва ёзма фикрда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатларга кўра аризачининг Польша Республикасидан олиб келинган “Крахмал картошка” товарининг ҳар бир килограмми 0,94 АҚШ доллари миқдорида белгиланиб _____/11.03.2015/_____, _____/23.07.2014/_____ ва _____/23.07.2014/_____ -сонли декларациялар билан, Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган “Ҳимояланган соя оқсилли” товарининг ҳар бир килограмми 2,0 АҚШ доллари миқдорида белгиланиб _____/23.02.2015/_____ -сонли



декларация билан “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган.

Шунингдек аризачининг Бразилия Федератив Республикасидан олиб келинган музлатилган гўштнинг ҳар бир килограмми 1,58 АҚШ доллари миқдорида белгиланиб _____/10.07.2014/_____, _____/20.08.2014/_____, _____/24.07.2014/_____-сонли декларациялар билан “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган.

Кейинчалик, товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейин жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 26 июндаги _____/_____хфу-сонли хатига асосан божхона назорати амалга оширилиб, олиб келинган товарларга нисбатан 1093279600 сўм қўшимча божхона тўловларини ҳисоблаш ҳақида 2015 йил 3 июлда __-сонли қарор қабул қилинган.

Мазкур қарорни ноқонуний деб ҳисоблаган жавобгар судга ариза билан мурожаат қилиб 2015 йил 3 июлдаги __-сонли қарорни ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция суди жавобгар томонидан божхона тўловлари қонунда белгиланган муддатларда ҳисобланмаган, олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакатдан учинчи мамлакатларга етказиб берилган товарнинг баҳоси божхона қийматини белгилаш учун база сифатида қўлланилиши мумкин эмас, Бразилия Федератив Республикасидан олиб келинган музлатилган гўштнинг нархини белгилашда Туркия Республикаси маълумоти асосида Бразилия Федератив Республикасидан Туркия Республикасига етказиб берилган музлатилган гўштнинг баҳосидан келиб чиқиб қўшимча божхона тўловлари ҳисобланганлиги нотўғри, деган хулоса билан шикоят аризасини қаноатлантиришни лозим топган. Апелляция инстанцияси суди эса биринчи инстанция судининг ушбу хулосасига қўшилиб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судининг ушбу хулосаси билан назорат инстанцияси қуйидаги асосларга кўра келишмайди:

биринчидан, божхона органи аризачи томонидан олиб келинган “Картошка крахмали” товари учун товарлар чиқишига 2014 йил 23 июлда, 2014 йил 7 ноябрда, 2015 йил 11 мартда, “Ҳимояланган соя оқсили” товари учун 2015 йил 23 февралда, музлатилган гўшт учун эса 2014 йил 9 июлда, 2014 йил 10 июлда, 2014 йил 14 июлда, 2014 йил 24 июлда, 2014 йил 12 августда ҳамда 2014 йил 20 августда рухсат



берган. Мазкур товарларга божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш эса 2015 йил 3 июлгача, яъни товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил ичида амалга оширилган. Бу ҳолат жавобгарнинг 2015 йил 3 июлдаги __-сонли қарори ва “_____” ТИФ божхона постининг аризачига берган 2015 йил 3 июлдаги 11, 12-сонли хабарномалари билан ўз тасдиғини топади.

Жавобгар томонидан қарор қабул қилиш вақтида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 51-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ эса товарлар чиқишига рухсат берилганидан кейинги божхона назорати товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан уч йил мобайнида, божхона тўловларини қўшиб ҳисоблаш эса товарлар чиқишига рухсат берилган пайтдан эътиборан бир йил мобайнида амалга оширилиши мумкин.

иккинчидан, божхона органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 13 январда 390-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган товарнинг божхона қийматини аниқлаш бўйича Йўриқнома” (бундан буён матнда Йўриқнома деб юритилади) талаблари асосида БҮД электрон маълумотлари базаси ўрганилиб, 2013-2015 йиллар бўйича Тошкент шаҳар БҮД электрон базаси маълумотларига кўра Хитой Халқ Республикасидан олиб келинган “Ҳимояланган соя оқсили” товарига ўшаш товарларнинг божхона қиймати ҳар 1 кг учун 3,0– 3,20 АҚШ долларидан, Польша Республикасидан олиб келинган “Картошка крахмали” товарининг божхона қиймати эса 1,08 АҚШ долларидан белгиланиб, импорт қилинганлиги, хусусан _____/06.12.2013/_____ -сонли божхона юк декларациясига асосан “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилган “Ҳимояланган соя оқсили” товарининг божхона қиймати импорт божхона расмийлаштирувиге тақдим қилинган олди-сотди шартномасининг қийматига ва Хитой Халқ Республикаси божхона хизматининг экспорт БҮД ҳужжатиغا асосан (1-усул) аниқланиб, ҳар 1 кг учун 3,20 АҚШ долларидан белгиланганлиги, Польша Республикасидан олиб келинган “Картошка крахмали” товарининг божхона қиймати 6/1-усул ёрдамида ҳар бир килограмми учун 1,08 АҚШ долларидан белгиланиб, _____/12.04.2014/_____ -сонли божхона юк декларацияси асосида “Эркин муомалага чиқариш” божхона режимига расмийлаштирилганлиги аниқланган.

Жавобгар томонидан қарор қабул қилишда амалда бўлган



Йўриқноманинг 8.1, 8.3-бандларига кўра мабодо божхона қиймати декларант томонидан кўрсатилган бешта усулни изчиллик билан қўллаш натижасида белгиланиши мумкин бўлмаса ёки божхона органлари далиллар асосида божхона қийматини белгилашнинг ушбу бешта усулини қўллаш мумкин эмас деб ҳисобласа, унда баҳоланаётган товарларнинг божхона қиймати қуйида келтириладиган талаблар доирасида 1-5-баҳолаш усулларини бирмунча қайишқоқлик билан қўлланиш йўли орқали белгиланади ва асосланади.

6-усулга кўра белгиланадиган божхона қиймати илгари белгиланган божхона қийматларига имкони борича максимал тарзда асосланиши лозим.

6-усул доирасида қўлланиладиган баҳолаш усуллари 6-усулнинг мақсадлари ва қоидаларига мувофиқ тарзда йўл қўйиладиган тарзда қайишқоқлик билан қўлланадиган 1-5-усуллардан иборат бўлиши керак.

Шунга кўра божхона органи томонидан аризачига Йўриқноманинг резерв усули асосида “Ҳимояланган соя оқсили” товари учун 52600000 сўм, “Картошка крахмали” товари учун 35700000 сўм божхона тўловлари қўшиб ҳисобланган.

учинчидан, қарор қабул қилишда амалда бўлган “Бож тарифи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддасида ва Йўриқнома 8.2-бандининг г)-кичик банди (хозирги д) кичик банди) да 6-усулга кўра олиб чиқилган (экспорт қилинган) мамлакатдан учинчи мамлакатларга етказиб берилган товарнинг баҳоси божхона қийматини белгилаш учун база сифатида қўлланилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Аммо божхона органи аризачи томонидан олиб келинган музлатилган гўштнинг нарҳини олиб чиқилган (Бразилия Федератив Республикасидан) мамлакатдан учинчи мамлакатга (Туркия Республикасига) етказиб берилган товарнинг баҳоси бўйича аниқламаган. Аксинча айнан аризачи номига келган музлатилган гўшт Туркия Республикаси божхона ҳудудидан ўтиш пайтида расмийлаштирилган ҳужжатларнинг (жумладан, Туркия Республикасида расмийлаштирилган 2014 йил 10 июлдаги _____-сонли инвойс) ҳаққонийлигини текшириш жараёнида аниқланган.

Бунда 2014 йил 10 июлдаги _____-сонли инвойс божхона расмийлаштирувини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизматига тақдим қилинмаганлиги, сотувчи



(“Right Industries L.P” компанияси) томонидан божхона органига тақдим қилинган инвойсдаги нарх 2014 йил 10 июлдаги _____-сонли инвойсда кўрсатилган нархга нисбатан анча камайтириб кўрсатилганлиги, импорт қилинган музлатилган гўштнинг ҳар бир килограммининг ўртача қиймати 2014 йил 10 июлдаги _____-сонли инвойс бўйича транспорт харажатисиз (ФОВ – Мерсин етказиб бериш шартида) 3,21 АҚШ долларини ташкил этганлиги аниқланган.

Шунга кўра божхона органи томонидан Йўриқнома талаблари асосида музлатилган гўшт учун 1004979600 сўм божхона тўловлари қўшиб ҳисобланган.

тўртинчидан, аризачи томонидан Бразилия Федератив Республикасидан Туркия Республикаси орқали олиб келинган (импорт қилинган) музлатилган гўштнинг нархини аниқлашда 1997 йил 18 ноябрда Туркия Республикаси Анқара шаҳрида имзоланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 15 декабрдаги 552-сонли Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида уларнинг божхона органларининг ўзаро кўмаклашиши бўйича Битим”га асосан Туркия Республикаси томонидан тақдим қилинган маълумотларга таянилган.

Мазкур Битим 3-моддасининг биринчи қисмида бир Томон божхона органининг сўровига биноан бошқа Томоннинг божхона органи божхона қонунларига риоя қилишни таъминлашда, шу жумладан божхона божлари ва солиқларининг тўғри ҳисобланишини таъминлашда; божхона мақсадлари учун товарлар қийматини аниқ белгилашда; товарларнинг тариф классификациясини ва тайёрланган жойини аниқлашда ёрдам бериши мумкин бўлган барча мавжуд ахборотни тақдим этиши белгиланган.

бешинчидан, аризачининг ёзма фикрида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ягона ахборотлар тизимидаги маълумотларга асосан 2014-2015 йиллар давомида Бразилия Федератив Республикасидан музлатилган мол гўштарини бошқа хўжалик юритувчи субъектлар 1,56 – 1,58 АҚШ долларидан, Хитой Халқ Республикасидан “Ҳимояланган соя оқсили” товарини 0,98 – 2,0 АҚШ долларидан олиб кирганлиги ва уларга шу нарх бўйича божхона тўловлари ҳисобланганлиги қайд қилинган.

Бироқ аризачининг мазкур важлари ҳам асоссиздир. Чунки божхона органи тақдим қилган маълумотларга кўра “Обиҳаёт” МЧЖ, “Бобур” фермер хўжалиги, “Серқуёш” МЧЖлар музлатилган мол



гўштини олиб киришда ҳар бир килограмми учун 1,56 – 1,58 АҚШ долларидан, “Машҳур” ХК, “Турон” АЖ, “Оқилбек” ХК, “Тоҳир” МЧЖ, “Умида” МЧЖлар “Ҳимояланган соя оқили” товарини олиб киришда ҳар бир килограмми учун 0,98 – 2,0 АҚШ долларидан кўрсатиши оқибатида божхона тўловлари нотўғри ҳисобланганлиги аниқлангач уларга ҳам божхона органи томонидан жами 2 783 700 000 сўм қўшимча божхона тўловлари ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 12-моддасининг биринчи қисмига кўра давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бироқ, ушбу ҳолатда жавобгарнинг аризачига 1 093 279 600 сўм божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш ҳақидаги 2015 йил 3 июлдаги _____-сонли қарори қонуний бўлиб, қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга кўра биринчи ва апелляция инстанцияси суди арз қилинган талабни қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 264-моддасининг биринчи қисмига кўра суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асосsizлиги ҳал қилув қарорини, қарорни ёки ажримини назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Шунингдек судлов ҳайъати прокурорнинг суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш ҳақидаги фикрига ҳам қўшилмайди. Чунки, ишни янгидан кўриш учун юборишга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 263-моддасининг 2-бандида кўрсатилган асослар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 263-моддасининг 3-бандига кўра назорат инстанцияси ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартиришга ёхуд бекор қилишга ҳамда ишни янгидан кўриш учун юбормасдан янги қарор қабул қилишга ҳақли.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, янги қарор билан аризани қаноатлантиришдан рад этишни, тўланган 86 120 сўм давлат божи ҳамда 7 000 сўм почта



харажатларини аризачидан жавобгарга ундиришни, шунингдек аризачидан бюджетга 258 360 (172 240 + 86 120) сўм давлат божи ва Олий судга 14 000 (7 000 + 7 000) сўм почта харажатларини ундиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 263, 264 ва 265-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 9 апрелдаги ҳал қилув қарори ва апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 1 майдаги қарори бекор қилинсин ҳамда янги қарор қабул қилинсин.

Аризани қаноатлантириш рад этилсин.

Замон” хусусий корхонасидан:

– Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси _____ бошқармасига 93 120 сўм суд харажатлари;

– республика бюджетига 258 360 сўм давлат божи;

– Олий судга 14 000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Қарор юзасидан ижро варақалари берилсин.

Назорат шикоятни қаноатлантирилсин

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: _____ /имзо/

ҳайъат аъзоси: _____ /имзо/

ҳайъат аъзоси: _____ /имзо/



Назорат инстанцияси судида
маърузачи судья _____

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья _____
Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья _____

Қ А Р О Р

2018 йил 15 май куни _____ -сонли маъмурий ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уйда жойлашган Тошкент шаҳар иқтисодий суди биносида,

раислик қилувчи судья _____ ,

ҳайъат аъзолари – судьялар _____ ва _____ дан иборат таркибда, _____ нинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси прокурори _____, аризачи вакили _____, жавобгар вакили _____ иштирокида, аризачи Ш.Ваисованинг назорат шикоятига асосан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарори ва _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 апрелдаги қарорининг қонунийлигини маъмурий иш ҳужжатлари билан бирга видеоконференцалоқа режимида ўтказилган очиқ суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

аризачи Ш.Ваисова (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (бундан буён матнда ИИБ деб юритилади) Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва _____ вилояти Ички ишлар бошқармаси (бундан буён матнда ИИБ деб юритилади) Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими мансабдор шахслари хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақида шикоят ариза билан судга мурожаат қилган.

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

_____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



Назорат шикоятда судлар томонидан унинг хорижга чиқиш ҳуқуқи асоссиз чекланганлигига баҳо берилмаганлиги баён қилиниб, суд қарорларини бекор қилиш ва шикоятни қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини тинглаб, назорат шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилиб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади:

ишдаги ҳужжатларга кўра доимий яшаш жойи _____ вилоятида бўлган аризачи сайёх сифатида чет элга чиқиш учун рухсат беришни сўраб ёзган мурожаатига 2017 йил 6 апрелда _____ вилояти ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг 22/4-1395-сонли хати билан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ИИБ ХЧК ва ФРБнинг хатига асосан чет элга чиқиши назорат остига олинганлиги сабабли чиқишга рухсат ёзуви (стикер) берилиши вақтинчалик мақсадга мувофиқ эмас деб топилганлиги маълум қилинган.

Шунингдек, аризачининг чет элга вақтинча чиқиш учун рухсат бериш ёзувини расмийлаштириб бериш тўғрисидаги мурожаатига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасининг 2017 йил 13 апрелдаги 22/В-13-сонли хати билан унга ваколатли идоралар томонидан олинган маълумотлар бўйича Бирлашган Араб Амирлигида ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун уни чет элга чиқиши вақтинча назоратга олинганлиги маълум қилинган.

Аризачи мансабдор шахсларнинг ушбу хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб судга шикоят ариза билан мурожаат қилиб, мансабдор шахсларнинг ушбу ҳаракатлари унинг қонун қилан қўриқланадиган ҳуқуқларини поймол қилаётганлигини важ қилган.

Биринчи инстанция судига Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси томонидан мазкур ҳолат юзасидан берилган маълумотга кўра ваколатли идоралардан олинган маълумотлар асосида аризачи чет элда, яъни Бирлашган Араб Амирлигида қонунга зид фаолият билан шуғулланиб, ҳуқуқбузарлик содир қилганлиги сабабли унинг чет элга чиқишига чеклов қўйилганлиги маълум қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиши ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши тартиби”нинг III бўлимининг “з” кичик бандига кўра, агар шахсга нисбатан Ички ишлар вазирлигида ёки Ташқи ишлар вазирлигида ваколатли органларнинг ушбу шахснинг чет элда бўлган вақтида келган мамлакати қонунларини бузганлиги (қонун бузилишлари рўйхати тегишли органлар томонидан белгиланади) тўғрисидаги ахбороти, шунингдек бориши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатадиган ахбороти мавжуд бўлса – ахборот ҳисобга олинган кундан бошлаб икки йил ўтгунга қадар чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мазкур Тартибнинг IV бўлимига кўра ушбу Тартибнинг III бўлимида назарда тутилган асослар бўйича чет элга боришга рухсат беришнинг рад этилиши, жавоб беришнинг белгиланган муддатдан ортиқча кечиктирилиши устидан фуқаро юқори органга шикоят қилиши мумкин, бу орган бир ойдан кўп бўлмаган муддатда жавоб бериши керак, фуқаро унинг қароридан норози бўлганда судга шикоят қилиши мумкин. Мазкур Тартибнинг III бўлимининг “а”, “б”, “ж” ва “з” кичик бандларида кўрсатилган сабаблар бўйича чет элга бориш ҳуқуқини чеклаш устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларидан келиб чиқиб, аризачининг чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш устидан шикоят ариза билан судга мурожаат қилиши мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, унинг шикоятини рад қилиш, апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 264-моддасининг иккинчи қисмига кўра суднинг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори ёки ажрими фақат юзаки асослар бўйича бекор қилиниши мумкин эмас.

Баён этилганларга кўра судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни, аризачи томонидан ишни назорат инстанциясида кўриш учун тўланган 86120 сўм давлат божи, 7000 сўм почта харажатларини аризачи зиммасида қолдириб, ундан Олий судга суд мажлисини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш билан боғилиқ 30000 сўм суд харажатларини ундиришни лозим топади.



Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суди ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 263-моддасининг 1-банди, 265-моддасини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 12 мартдаги ҳал қилув қарори ва _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 20 апрелдаги қарори ўзгаришсиз, назорат шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Ш.Ваисовадан Олий судга 30 000 сўм суд харажатлари ундирилсин.

Қарор юзасидан ижро варақаси берилсин.

Назорат инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: _____ /имзо/

ҳайъат аъзолари: _____ /имзо/

_____ /имзо/

Аслига тўғри, судья:



Назорат инстанцияси судида
маърузачи судья _____

Биринчи инстанция судида
ишни кўрган судья _____
Апелляция инстанцияси судида
маърузачи судья _____

Қ А Р О Р

2018 йил 15 май куни _____ -сонли маъмурий ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати Олий суд биносида,

раислик қилувчи судья _____ ,

ҳайъат аъзолари – судьялар _____ ва _____ дан иборат таркибда, _____ нинг котиблигида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси прокурори _____, аризачи вакили _____, жавобгар вакили _____ иштирокида, аризачи “Ракурс” хусусий корхонасининг назорат шикоятига асосан _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 мартдаги ҳал қилув қарори ва _____ вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 18 апрелдаги қарорининг қонунийлигини маъмурий иш ҳужжатлари билан бирга очиқ суд мажлисида текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси “Ракурс” хусусий корхонаси манфаатида судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб “Ўздавнефтгазинспекция” _____ вилояти бўлими технологи Т.Кимнинг ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Суднинг 2018 йил 10 мартдаги ажрими билан _____ вилоят давлат солиқ бошқармаси, _____ туман давлат солиқ инспекцияси низонинг предметида нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахслар сифатида ишга жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 22 мартдаги ҳал қилув қарори билан шикоят аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг 2018 йил 18 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Назорат шикоятида судлар томонидан аризада кўрсатилган важлар текширилмасдан ва иш ҳужжатлари тўлиқ ўрганилмасдан, шико-



ятни қаноатлантириш рад этилганлиги баён қилиниб, суд қарорларини бекор қилиб, арз қилинган талабни қаноатлантириш сўралган.

Судлов ҳайъати ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини тинглаб, назорат шикоятда келтирилган важларни иш ҳужжатлари билан биргаликда муҳокама қилиб, қўйидаги асосларга кўра суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Бекобод туман ҳудудий комиссиясининг 2015 йил 20 январдаги 06/0223-сонли рухсатномаси ва Бекобод туман давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 20 январдаги 05/с-сонли буйруғига асосан “Ракурс” хусусий корхонасига қарашли Бекобод тумани, Улуғбек фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган савдо шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилган.

Текширишга Тошкент вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2015 йил 20 январдаги 04-599-сонли хатига асосан “Ўздавнефтгазинспекция” _____ вилояти бўлими технологи Т.Ким мутахассис сифатида жалб қилиниб, мутахассис томонидан нефть маҳсулотларининг сотилиши, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланиши, нефть маҳсулотларидан фойдаланишда технология талабларига риоя этилиши текширилиб, ушбу текшириш натижалари бўйича оралиқ далолатнома тузилган.

Кейинчалик Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси “Ракурс” хусусий корхонаси манфаатида маъмурий судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, текширишда унинг тартиби ва қоидалари бузилганлиги, “Ўздавнефтгазинспекция” _____ вилояти бўлими технологи Т.Ким томонидан текширилган ҳолатлар қисқа муддатли текшириш предметиға кирмаслигини, Бекобод туман давлат солиқ инспекциясининг 2015 йил 20 январдаги 05/с-сонли буйруғига асосан қисқа муддати текширишга рухсат берилган бўлса-да, комплекс текширув амалга оширилганлигини баён қилиб, “Ўздавнефтгазинспекция” Тошкент вилояти бўлими технологи Т.Кимнинг ҳаракатларини ноқонуний деб топишни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 13 июлдаги 328-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси



тўғрисида”ги Низомнинг 8-бандига кўра “Ўздавнефтегазинспекция” ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ юридик шахслар томонидан нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланилишини, уларнинг сотилишини, сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини, шунингдек нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш объектларини (қурилмаларини) монтаж қилиш ва улардан фойдаланишда технология талабларига риоя этилишини белгиланган тартибда текширади.

“Ракурс” хусусий корхонасига қарашли _____ тумани Улуғбек фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган АЁҚШда ҳамкорликда қисқа муддатли текширув ўтказиш учун 2 нафар малакали ходим ажратиш ҳақида _____ вилоят давлат солиқ бошқармасининг “Ўздавнефтегазинспекция” _____ вилояти бўлимига ёзган 2015 йил 20 январдаги 04-599-сонли хатига асосан “Ўздавнефтегазинспекция” _____ вилояти бўлими шу бўлим технологи Т.Кимни юборган.

Чунки “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 7-моддасининг биринчи қисмига кўра давлат солиқ хизмати органлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни давлатнинг бошқа бошқарув органлари, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, статистика ва молия органлари, банклар ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажарадилар. Мазкур органлар ва ташкилотлар солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш ва солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликларга қарши курашда давлат солиқ хизмати органларига кўмаклашишлари шарт.

Мазкур ҳолатда технолог Т.Кимнинг текширувда мутахассис сифатида иштирок этиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай қонун бузилиши ҳолатлари мавжуд эмас.

Жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2015 йил 22 июндаги ҳукми билан ушбу текширишда аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилган ва “Ракурс” хусусий корхонаси мансабдор шахси жазоланган.

Шунга кўра биринчи инстанция суди ишдаги далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллаб шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида, апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида тўғри хулосага келган.

Қайд этилганларга кўра судлов ҳайъати суд қарорларини ўзгаришсиз, назорат шикоятини эса қаноатлантирмасдан қолдиришни,



тўланган 86120 сўм давлат божи ва 7000 сўм почта харажатларини “Ракурс” хусусий корхонаси зиммасида қолдиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий судишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 263-моддасининг 1-банди, 265-моддасини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

_____ туман маъмурий судининг 2018 йил 22 мартдаги ҳал қилув қарори ва _____вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 18 апрелдаги қарори ўзгаришсиз, назорат шикоятни қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Назорат инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик этувчи: _____ /имзо/

ҳайъат аъзолари: _____ /имзо/

_____ /имзо/

Аслига тўғри, судья:



12-БОБ.

ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРГАН СУД ҲУЖЖАТИНИ ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚАЙТА КЎРИШ БОСҚИЧИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

**272-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини
янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги
аризани иш юритишга қабул қилиш**

А Ж Р И М

(янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани иш юритишга қабул қилиш ва ишни судда кўришга тайинлаш ҳақида)

2018 йил 7 май куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди ўз биносида, судья Л.Рашидов, аризачи “Хурсанд” фермер хўжалигининг жавобгар _____ туман ҳокимининг 2017 йил 10 январдаги __қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан 2017 йил 20 октябрда қабул қилинган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги “Хурсанд” фермер хўжалигининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман ҳокимининг 2012 йил 20 майдаги __қ-сонли қарори билан “Хурсанд” фермер хўжалиги қайта ташкил қилиниб, унга ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналиши бўйича жами 34,63 гектар ер ажратилган.

_____ туман ҳокимининг 2017 йил 10 январдаги __қ-сонли қарори билан “Хурсанд” фермер хўжалигига ажратилган ер майдони фермер хўжалиги раҳбарининг аризасига асосан туман ҳокимлиги захира ер майдонига қайтариб берилган.

Мазкур қарордан норози бўлган “Хурсанд” фермер хўжалиги судга ариза билан мурожаат қилиб, _____ туман ҳокимининг 2017 йил 10 январдаги __қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.



Суднинг 2017 йил 20 октябрдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган. Шунингдек, хусусий ажрим чиқарилиб, прокуратурага юборилган.

Кейинчалик “Хурсанд” фермер хўжалиги судга 2018 йил 4 майда 1-сонли ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳукми билан _____ туман ҳокимининг 2017 йил 10 январдаги __қ-сонли қарори қабул қилинишига асос бўлган фермер хўжалиги номидан ёзилган ариза сохта эканлиги аниқланиб, айбдор шахслар жиноий жавобгарликка тортилганлигини баён этган ва суднинг 2017 йил 20 октябрдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни сўраган. Аризага жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳукми нухаси илова қилинган.

Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 271-моддаси талабларига тўлиқ жавоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 272-моддасининг биринчи қисмига кўрақонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза, агар у ўзининг шакли ва мазмунига нисбатан ушбу Кодексда қўйиладиган талабларга риоя этилган ҳолда берилган бўлса, тегишли суднинг иш юритишига қабул қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169 ва 272-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

“Хурсанд” фермер хўжалигининг суднинг 2017 йил 20 октябрда қабул қилинган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаси иш юритишга қабул қилинсин.

Аризани кўриб чиқиш 2018 йил 17 май кuni соат ____:____ да _____ туман маъмурий суди биноси (манзили: _____ шаҳри, _____ кўчаси, ____-уй)да бўлиб ўтадиган суд мажлисига тайинлансин.

Тарафлар суд мажлиси жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилинсин.

Судья

Л.Рашидов



273-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш

А Ж Р И М

(қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қайтариш ҳақида)

2018 йил 15 май куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди биносида судья С.Расулова аризачи “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасининг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 13 апрелдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори ва кассация инстанция судининг 2018 йил 11 февралдаги ажримини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг 2017 йил __ январдаги __/___-сонли рухсатига, _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил __ январдаги ___-х/с-сонли буйруғига асосан “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасига қарашли савдо шохобчасида режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказилиб, текшириш натижалари юзасидан 2017 йил 6 апрелда далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасига қарашли савдо шохобчасида савдодан тушган 183000 сўм нақд пул назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги, кирим ҳужжатлари ва сифат сертификатлари бўлмаган 57887000 сўмлик спиртли ичимликлар савдога қўйилганлиги ҳолати аниқланган.

Текшириш материаллари _____ туман давлат солиқ инспекциясида кўриб чиқилиб, унинг натижалари бўйича 2017 йил 13 апрелда “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасига Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баравари ҳамда Солиқ кодекси 114-моддасининг биринчи қисмига асосан 11577400 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаш ҳақида



қарор қабул қилинган.

Натижада аризачи судга ариза билан мурожаат қилиб _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 13 апрелдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 декабрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қисман қаноатлантирилган. _____ туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 13 апрелдаги __-сонли қарорининг 2-банди, яъни аризачига Солиқ кодекси 119-моддасининг биринчи қисмига асосан энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдорида молиявий санкция қўллаш қисми ҳақиқий эмас деб топилган. Аризанинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 11 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги қарор чиқарилган, яъни аризани қаноатлантириш рад этилган.

Иш назорат инстанциясида кўрилмаган.

Кейинчалик “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонаси судга 2018 йил 10 майдаги 11/01-сонли ариза билан мурожаат қилиб, биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори ва кассация инстанция судининг 2018 йил 11 февралдаги ажримини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 268-моддасининг иккинчи қисмига кўра янги очилган ҳолатлар бўйича апелляция, кассация ёки назорат инстанциясининг суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган қарорлари ва ажримларини қайта кўриш суд ҳужжати ўзгартирилган ёки янги суд ҳужжати қабул қилинган инстанция томонидан амалга оширилади.

Мазкур Кодекс 270-моддасининг биринчи қисмига кўра қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги ариза ушбу суд ҳужжатини қабул қилган судга суд ҳужжатини қайта кўриш учун асос бўладиган ҳолатлар очилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай, ишда иштирок этувчи шахслар ёки прокурор томонидан берилади.

Мазкур ҳолатда кассация инстанцияси судининг 2018 йил 11 февралдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги қарор билан аризани қаноатлантириш рад этилган. Шунга кўра биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори юқори инстанция судида



бекор қилинганлиги ва янги қарор қабул қилинганлиги сабабли ариза биринчи инстанция судига эмас, балки кассация инстанцияси судига тақдим этилиши лозим эди. Бу ҳолда аризачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 268-моддасининг иккинчи қисми ҳамда 270-моддасининг биринчи қисмида белгилаб қўйилан талаблар бузилган ҳолда ариза тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 273-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандига мувофиқ суд қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани агар, ариза ушбу Кодекснинг 270 ва 271-моддаларида белгиланган қоидалар бузилган ҳолда берилган бўлса қайтаради. Бундай ҳолатда суд “Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасининг аризасини қайтаришни лозим деб топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169 ва 272-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Ғаллакор” ихтисослаштирилган база унитар корхонасининг биринчи инстанция судининг 2017 йил 20 декабрда қабул қилинган ҳал қилув қарори ва кассация инстанцияси судининг 2018 йил 11 февралдаги ажримини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар (жами ____ varaқда) қайтарилсин.

Мазкур ажрим устидан йигирма кундан ошмаган муддат ичида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Судья

С.Расулова



**275-модда. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатини
янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги
аризани кўриб чиқиш натижалари юзасидан
чиқариладиган ажрим**

А Ж Р И М

(қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар
бўйича бекор қилиш ҳақида)

2018 йил 20 июнь куни _____ -сонли ишни _____ туман
маъмурий суди биносида

судья З.Алимованинг раислигида, Д.Сабированинг котиблигида,
_____ туман прокурори ёрдамчиси А.Розиқов, аризачи “Хилол”
хусусий корхонаси вакили А.Толмасов, жавобгар вакили А.Сотволдиев
иштирокида, аризачи “Хилол” хусусий корхонасининг жавобгар _____
туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 20 июлдаги __-сонли
қарорини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан
биринчи инстанция судининг 2018 йил 2 апрелда қабул қилган ҳал қилув
қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги “Хилол”
хусусий корхонасининг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни
иш материаллари билан бирга, очиқ суд мажлисида ўрганиб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

_____вилоят прокуратурасининг__/_-сонли жиноят иши
бўйича “Молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш
ўтказиш ҳақида” 2017 йил 17 апрелдаги қарорига ҳамда _____туман
давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 20 апрелдаги __-хс-сонли,
2017 йил 26 майдаги __-хс-сонли буйруқларига асосан “Хилол” хусусий
корхонасининг 2013 йилнинг 1 январидан 2017 йилнинг 1 апрелигача
бўлган даврдаги молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли
текшириш ўтказилиб, унинг натижалари юзасидан 2018 йил 1 июлда
далолатнома расмийлаштирилган.

Текширишда “Хилол” хусусий корхонаси томонидан 2013-2016
йиллар давомида жами 911 519 800 сўмлик тушум ҳисоботлардан
яшириб кўрсатилганлиги ва ушбу суммалар назорат-касса машинасига
кирим қилинмасдан, банкка топширилмаганлиги ҳолатлари аниқланган.



Солиқ текшируви материаллари _____туман давлат солиқ инспекцияси томонидан кўриб чиқилиб, унинг натижаси бўйича 2017 йил 20 июлда __-сонли қарор қабул қилинган.

Ушбу қарордан норози бўлган “Хилол” хусусий корхонаси судга ариза билан мурожаат қилиб, _____туман давлат солиқ инспекциясининг 2017 йил 20 июлдаги __-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Иш юқори инстанция судларида кўриб чиқилмаган.

Аризачи 2018 йил 18 июнда судга ариза билан мурожаат қилиб, унда суд ҳужжати қабул қилинишида жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2018 йил 10 февралдаги ҳукмига асосланганлиги, жиноят ишлари бўйича _____ вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 22 майдаги ажрими билан мазкур ҳукм бекор қилиниб, “Хилол” хусусий корхонаси раҳбари айбсиз деб топилиб, жавобгарликдан озод қилинганлигини баён қилган ва _____ туман маъмурий судининг 2018 йил 2 апрелдаги қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриб чиқиб, бекор қилишни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачи вакили аризасидаги талабини қўллаб-қувватлаб, ишни янги очилган ҳолат бўйича қайта кўришни сўради.

Жавобгар вакили аризани рад этишни, чунки текширишда аниқланган ҳолатлар иш материаллари билан ўз тасдиғини топганлигини баён қилди.

Суд тарафлар вакилларининг тушунтиришларини, прокурорнинг аризани рад этиш ҳақдаги фикрини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим деб топди:

Жиноят ишлари бўйича _____ туман судининг 2018 йил 10 февралдаги ҳукми билан “Хилол” хусусий корхонаси раҳбари 2013-2016 йиллар давомида жами 911 519 800 сўмлик тушумни ҳисоботлардан яшириб кўрсатилганлиги ва ушбу суммалар назорат-касса машинасига кирим қилинмасдан, банкка топширилмаганлиги ҳолатлари юзасидан айбдор деб топилиб, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жавобгарликка тортилган. Натижада биринчи инстанция судининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарори билан жиноят ишлари бўйича



_____ туман судининг 2018 йил 10 февралдаги ҳукмига асосланган ҳолда, аризани қаноатлантириш рад этилган.

Лекин жиноят ишлари бўйича _____ вилоят суди кассация инстанциясининг 2018 йил 22 майдаги ажрими билан мазкур ҳукм бекор қилиниб, иш қўшимча терговга жўнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 269-моддасининг 4-бандига кўра маъмурий суднинг ёки фуқаролик ишлари бўйича суднинг, жиноят ишлари бўйича суднинг ёки иқтисодий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганлиги қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

Бундай ҳолатда ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган суднинг ҳукми бекор қилинганлиги сабабли суд аризани қаноатлантиришни, қонуний кучга кирган суд ҳужжатини бекор қилишни ҳамда ишни мазмунан кўриб чиқиш учун тайинлашни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169, 275-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Хилол” хусусий корхонасининг 2018 йил 2 апрелдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолат бўйича қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилсин

Суднинг 2018 йил 2 апрелда қабул қилинган ҳал қилув қарори бекор қилинсин.

Иш 2018 йил 2 июль куни __:__да _____ туман маъмурий судининг __-сонли залида бўладиган очиқ суд мажлисида кўриб чиқиш учун тайинлансин.

Ажрим устидан йигирма кундан ошмаган муддат ичида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

З.Алимова



13-БОБ.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ БОСҚИЧИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН СУД ҲУЖЖАТЛАРИ

282-модда. Ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш

А Ж Р И М

(ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган
муддатини тиклаш ҳақида)

201__ йил __ июнь куни _____ -сонли ишни _____
туман маъмурий суди биносида судья Ж.Эшимбетовнинг раислигида,
Д.Сабированинг котиблигида, аризачи А.Ражабова, жавобгар вакили
К.Султонов иштирокида, аризачи А.Ражабованинг жавобгар _____
туман ҳокимининг 201__ йил 20 июлдаги __-сонли қарорини ҳақиқий
эмас деб топиш тўғрисидаги аризаси юзасидан биринчи инстанция
судининг 201__ йил __ апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори
асосида берилган ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб
юборилган муддатини тиклаш тўғрисидаги А.Ражабованинг аризасини
очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 201__ йил __ апрелдаги
ҳал қилув қарори билан аризачи А.Ражабованинг аризаси
қаноатлантирилиб, _____ туман ҳокимининг 201__ йил 20 июлдаги
__-сонли қарори ҳақиқий эмас деб топилган. Шунингдек, _____
туман ҳокимлигидан аризачи А.Ражабованинг фойдасига ____сўм
давлат божи ҳамда ____сўм почта харажатлари ундирилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, яъни 201_ йил __апрелда
ижро варақаси берилган.

Аризачи 201_ йил __июнда __-сонли ариза билан судга мурожаат



қилиб, ҳал қилув қарори асосида берилган ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли ушбу муддатни ўтказиб юборилганлигини узрли деб топиб, уни тиклаб беришни сўраган.

Суд мажлисида аризачи жавобгарнинг ҳисоб-рақамида узоқ вақт пул маблағи бўлмаганлиги, жавобгар давлат божи ва почта харажатларини тез орада тўлаб беришини билдириб, ижро варақасини ижрога қаратмай туриш ҳақида 2017 йил 26 июнда 17-сонли илтимоснома берганлиги сабабли ўз вақтида ижрога тақдим этмаганлиги ва бунинг натижасида ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати ўтказиб юборилганлигини баён этиб, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини ўтказиб юборилганлигини узрли деб топишни ва ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаб беришни сўради.

Жавобгар вакили аризачининг аризаси бўйича эътирози йўқлигини айтиб, уни ҳал қилишни судга ҳавола қилди.

Суд тарафлар вакилларининг фикрларини тинглаб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 282-моддасининг иккинчи қисмига кўра муддатни ўтказиб юбориш сабаблари суд томонидан узрли деб топилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, _____ туман ҳокимлигидан аризачи А.Ражабованинг фойдасига ____сўм давлат божи ҳамда ____сўм почта харажатлари ундириш юзасидан 201__ йил __ апрелда ижро варақаси берилган.

Жавобгар 2017 йил 26 июнда 17-сонли илтимоснома билан аризачига мурожаат қилган ва унда ихтиёрий равишда пул маблағини тўлаб берилишини маълум қилиб, ижро ҳужжатини мажбурий ижро бюросига тақдим қилмасликни сўраган. Кейинчалик аризачи 2,5 йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган. Бу ҳолат тақдим этилган ҳужжатлар, жумладан “Қувонч нури” МФЙнинг маълумотномаси билан ўз тасдиғини топган.

Бундай ҳолатда суд ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддати узрли сабаблар билан ўтказиб юборилган деб ҳисоблайди ва шу боис аризачининг аризасини қаноатлантириб, ижро варақасини ижрога тақдим этиш муддатини тиклашни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси



Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169, 282-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

А.Ражабованинг аризаси қаноатлантирилсин

Суднинг 201__ йил __ апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан берилган 201_ йил __апрелдаги ижро варақасини ижрога тақдим этишнинг ўтказиб юборилган муддати узрли деб топилсин ва ушбу муддат тиклансин.

Ажрим устидан йигирма кундан ошмаган муддат ичида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Эшимбетов



283-модда. Ижро варақасининг дубликатини бериш

А Ж Р И М

(ижро варақасининг дубликатини бериш ҳақидаги аризани қаноатлантириш ҳақида)

201__ йил __ июнь куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди биносидасудья Ж.Эшимбетовнинг раислигида, Д.Сабиорованинг котиблигида, аризачи Р.Шокирова, жавобгар вакили Р.Алихонова иштирокида, аризачи Р.Шокированинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси юзасидан биринчи инстанция судининг 201__ йил __ апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори асосида берилган 201__ йил __ апрелда ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги Р.Шокированинг аризасини очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 201__ йил __ апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризачи Р.Шокированинг аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган ва жамғарманинг _____ туман бўлимидан аризачи Р.Шокированинг фойдасига ___сўм давлат божи ҳамда ___сўм почта харажатлари ундирилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, яъни 201_ йил __апрелда жамғарманинг _____ туман бўлимидан аризачи Р.Шокированинг фойдасига ___сўм давлат божи ҳамда ___сўм почта харажатлари ундириш ҳақида ижро варақаси берилган.

Аризачи 201__ йил __ майда ариза билан мурожаат қилиб, суднинг 201__ йил __ апрелдаги ҳал қилув қарори асосида берилган ижро варақасининг дубликатини беришни сўраган.

Бугунги суд мажлисида аризачи ушбу ижро варақани мажбурий ижрога қаратиш учун 201_ йил __майда 115757-сонли инкассо топшириқномаси билан жавобгарга хизмат кўрсатувчи АТ Ипотека банкининг Чилонзор филиалига почта алоқа хизмати орқали 201_ йил __майда юборганлигини, бироқ ижро варақаси номалум сабабларга



кўра йўқолганлигини баён этиб, ижро варақасининг дубликатини беришни сўради.

Жавобгар вакили аризачининг аризасини қаноатлантиришга эътироз билдирмасдан, уни ҳал этишни судга ҳавола қилди.

Суд тарафлар вакилларининг фикрларини тинглаб, қуйидагиларга асосан аризани қаноатлантиришни лозим топди:

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 283-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра ижро варақаси йўқотилган тақдирда, уни берган суд ундирувчининг аризасига кўра ижро варақасининг дубликатини бериши мумкин.

Ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунига қадар берилиши мумкин, бундан ижро варақаси давлат ижрочиси ёки ижрони амалга оширувчи бошқа шахс томонидан йўқотилган ва бу ҳақда ундирувчига ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгандан сўнг маълум бўлган ҳоллар мустасно.

Тақдим этилган ҳужжатлардан кўринишича, аризачи ушбу ижро варақани мажбурий ижрога қаратиш учун инкассо топшириқномаси билан жавобгарга хизмат кўрсатувчи АТ Ипотека банкининг Чилонзор филиалига почта алоқа хизмати орқали 201_ йил __майда юборган. Бироқ номалум сабабларга кўра ушбу ижро варақаси банкка етиб бормаган. Ижро варақасининг ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддати ўтмаган.

Бундай ҳолатда ижро варақасининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтгунга қадар берилганлиги сабабли суд аризачининг ижро варақасининг дубликатини бериш ҳақидаги аризасини қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169, 283-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Р.Шокированиннг аризаси қаноатлантирилсин

Суднинг 201__йил __апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан берилган 201__йил __апрелдаги ижро варақасининг дубликати берилсин.

Ажрим устидан йигирма кундан ошмаган муддат ичида шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Эшимбетов



284-модда. Суд ҳужжатининг қайтарма ижроси

А Ж Р И М

(бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича ундиришни бекор қилиш тўғрисида)

201__ йил __ июнь куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди биносида судья Ж.Уразбоев раислигида, аризачи “Лочин” хусусий корхонасининг жавобгар _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси юзасидан 2017 йил 10 ноябрда қабул қилинган ҳал қилув қарори бўйича ундиришни бекор қилиш тўғрисидаги _____ туман ҳокимлигининг аризасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Лочин” хусусий корхонаси судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. _____ туман ҳокимлиги мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган. _____ туман ҳокимлигидан “Лочин” хусусий корхонаси фойдасига ____ сўм давлат божи, ____ сўм почта харажатлари ундирилган.

Ушбу ҳал қилув қарорига асосан 2017 йил 30 ноябрда ижро варақаси берилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 17 апрелдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарорида 2017 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори асосида берилган ижро ҳужжати бўйича ундиришни бекор қилиш тўғрисида кўрсатма берилмаган.

Шунга кўра _____ туман ҳокимлиги 2018 йил 2 майда 01-18/17-сонли ариза билан судга мурожаат қилиб, суднинг 2017 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори бўйича ундиришни бекор қилишни сўраган.



Суд жавобгарнинг суд ҳужжати бўйича ундиришни бекор қилиш тўғрисидаги аризасини иш ҳужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан уни қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 284-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар ижро этилмаган суд ҳужжати бекор қилиниб ёки ўзгартирилиб, билдирилган талабни тўлиқ ёхуд қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилса, суд бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича ундиришни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ҳақида суд ҳужжатини қабул қилади.

Мазкур Кодекс 285-моддасининг иккинчи қисмига кўра, агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция судининг 2017 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарорига асосан жавобгардан аризачи фойдасига ____ сўм давлат божи, ____ сўм почта харажатлари ундируви амалга ошмаган. Бундай ҳолатда _____туман ҳокимлигининг аризаси қаноатлантирилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169, 284-285-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман ҳокимлигининг аризаси қаноатлантирилсин
Суднинг 2017 йил 10 ноябрдаги ҳал қилув қарори асосида берилган 2017 йил 30 ноябрдаги ижро варақаси бўйича ундирув бекор қилинсин.

Судья

Ж.Уразбоев



А Ж Р И М

(бекор қилинган ҳал қилув қарори бўйича
унинг қайтарма ижросини ҳал этиш тўғрисида)

201__ йил __ июнь куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди биносидасудья Ф.Эшимбетова раислигида, аризачи “Гулзор” фермер хўжалигининг жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги шикоят аризаси юзасидан 2018 йил 20 февралда қабул қилинган ҳал қилув қарорининг қайтарма ижросини ҳал этиш тўғрисидаги _____ туман ҳокимлигининг аризасини кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

“Гулзор” фермер хўжалиги судга шикоят аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топишни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2018 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарори билан ариза қаноатлантирилган. _____ туман давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган. _____ туман давлат солиқ инспекциясидан “Гулзор” фермер хўжалиги фойдасига ____ сўм давлат божи, ____ сўм почта харажатлари ундирилган.

Ушбу ҳал қилув қарорига асосан 2018 йил 10 мартда ижро варақаси берилган.

Кассация инстанцияси судининг 2018 йил 17 апрелдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, шикоят аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Кассация инстанцияси судининг қарорида 2018 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарорининг қайтарма ижроси тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган.

Шу боис жавобгар 2018 йил 1 майда 85-сонли ариза билан судга мурожаат қилиб, суднинг 2018 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарорининг қайтарма ижросини ҳал этишни сўраган.

Суд жавобгарнинг ушбу аризасини иш хужжатлари билан бирга ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга асосан уни қаноатлантиришни лозим деб топди:



Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 284-моддасининг биринчи қисмига кўра, агар ижро этилган суд ҳужжати ўзгартирилиб ёки бекор қилиниб, билдирилган талабни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида янги суд ҳужжати қабул қилинса ёхуд иш юритиш тугатилса ёки ариза (шикоят) кўрмасдан қолдирилса, бекор қилинган ёки тегишли қисми ўзгартирилган суд ҳужжати бўйича аризачининг фойдасига ундирилган ҳамма нарса жавобгарга қайтарилади.

Мазкур Кодекс 285-моддасининг иккинчи қисмига кўра эса агар суд ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги қарорда унинг қайтарма ижроси тўғрисида кўрсатма бўлмаса, жавобгар биринчи инстанция судига тегишли ариза беришга ҳақли.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, биринчи инстанция судининг 2018 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан жавобгардан аризачи фойдасига ____ сўм давлат божи, ____ сўм почта харажатлари ундируви амалга ошган. Бу аризага илова қилинган АТ "Турон" банкнинг 2018 йил 28 апрелдаги 101-сонли маълумотномаси билан ўз тасдиғини топади.

Бундай ҳолатда, _____туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилиши лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169, 284-285-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

_____ туман давлат солиқ инспекциясининг аризаси қаноатлантирилсин

"Х" фермер хўжалигидан _____туман давлат солиқ инспекциясига ____ сўм давлат божи, ____ сўм почта харажатлари қайтарилсин ва бу ҳақда ижро варақаси берилсин.

Судья

Ф.Эшимбетова



286-модда. Ижро иши юритишни тўхтатиб туриш ва тугатиш

А Ж Р И М

(суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисида)

201__ йил __ июнь куни _____ -сонли ишни _____ туман маъмурий суди биносида судья Ж.Эшимбетовнинг раислигида, аризачи С.Соатованинг жавобгар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят аризаси юзасидан биринчи инстанция судининг 201__ йил __ апрелда қабул қилган суд ҳужжатининг ижросини тўхтатиб туриш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимининг аризасини иш ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб,

А Н И Қ Л А Д И:

_____ туман маъмурий судининг 201__ йил __ апрелдаги ҳал қилув қарори билан аризачи С.Соатованинг аризаси қаноатлантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлими мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимидан давлат бюджетига ____сўм давлат божи ҳамда _____ туман маъмурий судига ____сўм почта харажатлари ундирилган.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач 201__ йил __апрелда ижро варақаси берилган.

Жавобгар 201__ йил __июнда ариза билан мурожаат қилиб, 201__ йил __ апрелдаги ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси 286-моддасининг биринчи қисмига кўрасуд берган ижро варақаси асосида давлат ижрочиси томонидан қўзғатилган ижро ишини юритишни суд қонунда назарда тутилган ҳолларда, ундирувчининг, қарздорнинг, давлат ижрочисининг аризасига кўра



тўхтатиб туриши ёки тугатиши мумкин.

Иш ҳужжатлардан кўринишича, суднинг 201_ йил __апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимидан давлат бюджетига ____сўм давлат божи ҳамда _____ туман маъмурий судига ____сўм почта харажатлари ундириш тўғрисида 201_ йил __апрелда ижро варақаси берилган.

Жавобгарнинг молиявий аҳволини яхшилаш ҳақидаги мурожаатини ҳисобга олиб, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Республика комиссиясининг 201_ йил __июндаги __-сонли баённомасига асосан жавобгарнинг суд қарорига асосан ундирилган давлат божи қарзини тўлов муддати 3 (уч) ойга кечиктирилган.

Ушбу Республика комиссиясининг баённомасига асосан жавобгар судга ариза билан мурожаат қилиб, ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктиришни сўраган. Бундай ҳолатда суд жавобгарнинг аризасини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 168-169, 286-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимининг аризаси қаноатлантирилсин

Суднинг 201__ йил __ апрелдаги ҳал қилув қарорининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси _____ туман бўлимидан давлат бюджетига ____сўм давлат божи ундириш қисмининг ижроси 201___ йил __сентябргача тўхтатиб турилсин.

Ажрим устидан 10 кунлик муддат ичида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Раислик қилувчи

Ж.Эшимбетов

МАЪМУРИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД ҲУЖЖАТЛАРИ НАМУНАЛАРИ

Муҳаррир:
Д.Таирова

Дизайнер:
Э. Муратов

Нашриёт лицензияси АИ № 263, 31.12.2014.
Босишга рухсат этилди 7.12.2018 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
«Segue UI» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма табағи 25,9. Нашр табағи 26,0.
Адади _____. Буюртма № РО/____/___

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт уйи
100000, Тошкент, Буюк Ипак Йўли мавзеси, 15-25
тел.: +998 (71) 233-23-84

_____ « _____ » босмахонасида чоп этилди.

Манзил: _____
Tel.: + 998 (71) _____

